



# Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ОРГАНИ

Бош редактор:

Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,

Эркин АЪЗАМОВ,

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,

Гулчеҳра ЖҲРАЕВА,

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фёдор КАМОЛОВ,

Муроджон МАНСУРОВ  
(бош редактор ўринбосари),

Омон МАТЖОН,

Хайриддин СУЛТОНОВ  
(масъул секретарь),

Худойберди ТҲТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмаамбет ХҲЖАНАЗАРОВ,

Урие ЭДЕМОВА,

Ўткир ҲОШИМОВ

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ

(33)

1984

ЙИЛ

СЕНТЯБРЬ



ТОШКЕНТ  
«Ёш гвардия» нашриёти

# МУНДАРИЖА

## ХАЕТ БИЛАН ХАМНАФАС

Усмон АЗИМОВ. Қасида . . . . . 3

## «ЕШЛИК» ЙЎҚЛАМАСИ

Пўлат АВЕЗОВ. Амудан эсган саболар . . . . . 4  
Музаффар АҲМЕДОВ . . . . . 5  
Кенгес РАЙИМОВ, Кенгес КАРИМОВ . . . . . 6  
Гулчеҳра РАҲИМОВА, Искандар СОҒИНБОЕВ . . . . . 7  
Кенгесбой АЛЛАМБЕРГЕНОВ. Қуш ҳақида эртак.  
Ҳикоя . . . . . 9  
Сайловбой ЖУМАҒУЛОВ. Нағал. Ҳикоя . . . . . 13

## НАСР

Шуқур ХОЛМИРЗАЕВ. Табассум. Ҳикоя . . . . . 17  
Эмин УСМОН. Кўнгил кўзи. Қисса . . . . . 23

## НАЗМ

Анвар ИСРОИЛОВ . . . . . 15  
Турсуной СОДИҚОВА . . . . . 7  
Аъзам ХУДОЙБЕРДИЕВ . . . . . 48

## КЎПЧИЛИККА ХАВОЛА

Саъдулла СИЕЕВ, Муроджон МАНСУРОВ. Хиё-  
нат ва диёнат . . . . . 50

## МАЪНАВИЙ ОЛАМ

Санобар НИШОНОВА. Педагог ҳикоялари . . . . . 53

## ГУЛЧАМБАР

Озод ШАРАФИДДИНОВ. Фаолликнинг ёниқ  
машъали . . . . . 64  
Ғулом КАРИМОВ. Замон садоси . . . . . 67

## НАФОСАТ ЧАМАНИ

Нодир НОРМАТОВ. Жилолар жозибаси . . . . . 49

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Панчатантра . . . . . 69  
Мунаввар сўзлар . . . . . 75

## «ЕШЛИК» ПОЧТАСИ

УЙҒУН. Боғлар завол топмасин! . . . . . 57  
Назрулла МАННОПОВ. Барчамиз масъулмиз . . . . . 58  
ТАМАРАХОНИМ. Яхшилик уруғи . . . . . 59  
Нўмонжон АЗИЗОВ. Адир бағри боғ бўлса . . . . . 59  
Маҳмуд АҲРОРОВ. Сафарбарлик керак . . . . . 60  
Машраб ЮНУСОВ. Йўлдош ота ўғити . . . . . 60  
Раъно САПОЕВА. Боғ шаҳрига айлансин . . . . . 60  
Мулан СИДДИҚОВ. Шаҳар бедарвоза эмас . . . . . 60  
А. ЙЎЛЧИЕВ. Шухратни тиклайлик . . . . . 60  
И. КАРИМОВ. Ҳар биримиз бир тупдан . . . . . 61  
И. ФОЛЬКИН. Ҳар нарсанинг меъёри бор . . . . . 61  
Соҳиба ИСРОИЛОВА. Сўз субути билан . . . . . 61  
Орифжон УРАИМОВ. Замин меҳри . . . . . 61

## БУ КИТОБНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

«Дунёда диёнат ҳали мавжуддир» . . . . . 76  
Тошдан қоғозгача . . . . . 76

## «ЕШЛИК» АНКЕТАСИ

Иброҳим ҲАМРОБОЕВ. Яхши шогирд — устоз-  
нинг юзи . . . . . 77

## МУҚОВАДА:

Биринчи ва тўртинчи бетларни расмом  
Ю. ЯНТУРАЕВ чизган.



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми республикамиз ижтимоий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Ленинча принципиаллик, камчиликларга нисбатан бениҳоя муросасизлик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган мазкур анжуман барча коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг бундан кейинги фаолияти бош йўналишларини белгилаб берди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар, қабул қилинган қарор ва хулосалар республикамиз маданий ҳаётига янада кўтаринки кайфият бағишламоқда, ижтимоий-маънавий тафаккуримиз соҳасида соғлом, бақувват бир иқлимни вужудга келтирмоқда. Партиямиз пленумининг ҳаётбахш ғоялари Ўзбекистоннинг барча ишчи-деҳқонлари, хизматчилари сингари ижодкор зиёлиларимизни ҳам беҳад тўлқинлантириб, улар ижодининг уфқларини янада кенгайтirmoқда. Владимир Маяковский номидаги адабий мукофот лауреати, шоир Усмон Азимовнинг ушбу ҳаяжонли сатрлари ижодкор қўнғидаги ана шу кўтаринки кайфиятнинг бадиий ифодасидир.

Усмон Азимов

## Қасида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг  
XVI Пленумига бағишланади

Мадҳиялар битиб ўрганмаганман  
(Ерда қолгани йўқ  
Шоирнинг байти) —  
Замон,  
сенга боқиб,  
ҳис қилдим бирдан —  
қасида ёзмақнинг  
етишди пайти.  
Кўксимга тақмоқ-чун бирор бир нишон  
ё чопон умиди —  
ёзмаяман шеър.  
Ковурғам қирсиллар —  
ўсмоқда юрак,  
сен билан биргаман,  
Партия,  
қўл бер!  
Бор экан нопоклик,  
сохталик — бало  
мумкинми  
Келажак  
қасрини қурмоқ?  
Коммуна йўли бу — юраклар аро  
ҳақиқат йўлидан  
бетиним юрмоқ.  
Азм этдинг,  
айрилди думчаларидан  
буқаламун янглиғ  
мунофиқ жонлар.  
Йиғлашар

тубанлик дарчаларидан  
йўл топиб юксакка  
чиққан ёлғонлар.  
Қуёшга одатдир  
таратмоқ зиё,  
шеъриятда ҳақни айтмоқлик расм:  
Ана у ёлғонга эди-ку ошно,  
бугун ҳақиқатга  
қилмоқда таъзим!  
Қайга ҳам борар у ...  
Партия,  
аниқ  
ўлчадинг  
замоннинг бўйи-бастини,  
мен кўриб турибман,  
юрагинг —  
ёниқ,  
мен кўриб турибман  
ҳалол дастингни.  
Мен ҳам  
мудом  
ёниб юрган инсонман,  
шиддатингдан  
яна  
минг марта ёндим.  
Ва, бутун  
қадоққўл Ўзбекистондай,  
Ленин  
тирик экан —  
ишондим!



**Пўлат АВЕЗОВ,**  
ЎзЛКСМ Қорақалпоғистон область  
комитетининг биринчи секретари

# АМУДАН ЭСГАН САБОЛАР



Сиз Қорақалпоғистонда бўлганмисиз? Аму бўйидан туриб унинг адоқсиз пахтазорларига, шовуллаган шолиторларига боққанмисиз? Орол соҳилларида сайр этганмисиз? Қорақалпоғистон ўзига хос ўлка. Ўзбекистон билан азал-азалдан ёндош юрт, қондош юрт. Бердах диёри. Шеър-достонга бой юрт, бахтли юрт.

Қорақалпоғистонлик ижодкорлар ўзбек оғалари билан бўй-бўйлашиб, тўй-тўйлашиб, ижодда бирга-

бирга ҳамкору ҳамнафас бўлиб яшамоқдалар. Қорақалпоқ заминидаги бунёдкорона меҳнат, заҳматкаш кишилар, уларнинг интилишлари, ўй-орзулари ижодкорларимизга туганмас илҳом, бир олам завқ-шавқ беряпти. Давр суръати, ўсиш-ўзгаришларимиз, ажойиб кишиларимиз адабий асарларнинг чин қаҳрамонларига айланмоқда.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, қорақалпоғистонлик ижодкорлар давр билан барабар қадам ташламоқдалар. Меҳнаткаш инсон образи адабий асарларимизнинг бош мавзуси бўлиб қолди.

Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон совет адабиётига ана шу руҳда ижод қилаётган Т. Матмуродов, С. Баҳодирова, О. Абдураҳмонов, А. Султонов, Г. Раҳимова сингари шоирлар кириб келди. Ёш прозаиклардан А. Холмуротов, А. Содиков, С. Жумағуловларнинг меҳнаткаш инсонни мадҳ этувчи ҳикоя, қисса ва романлари ўқувчилар кўлига бориб етди.

Ижодкорларни камолга етказишда Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи билан область комсомол комитети ҳузуридаги «Талант» адабий уюшмаси яхши фаолият кўрсатмоқда. Уюшма ўз атрофига бадий ижодга ҳавасманд ёшларни бирлаштирган. Бу ерда ёшларнинг дастлабки асарлари муҳокама қилинади, тегишли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берилади.

Биз ҳар икки йилда ёш ёзувчиларнинг семинар-кенгашини ўтказиб турибмиз.

Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи қошидаги ёшлар билан ишлаш совети кейинги йилларда кўплаб таланти ёшларни кашф этди. Совет ойига бир марта «Ёш адабиётчилар куни» ўтказилади. Бунда таниқли ёзувчи ва шоирлар иштирокида ёшларнинг илк тўпламлари кўриб чиқилади.

Ҳозирги вақтда автоном республикада 150 дан зиёд ёш ёзувчилар ижод қилмоқда. К. Рейимов, М. Тўймуротов, Ж. Аяпов, Б. Генжемуротов каби ёшларимиз яратган насрий ва назмий асарлар Тошкентда ўтказилган ёш ёзувчиларнинг III семинар-кенгашида муносиб баҳоланди.

Қорақалпоғистон газета ва журналлари ўз саҳифаларида ёшлар ижодига кенг ўрин ажратмоқда. «Амударё» журнали, «Жас Ленинчи», «Жеткиншек» газеталари ёшларнинг шеър ва ҳикояларини мунтазам равишда эълон қилаётир.

«Қорақалпоғистон» нашриёти ҳам ёшлар ижодига катта эътибор беряпти. Сўнгги йилларда «Ёшлик», «Шуъла», «Ёшлар овози» альманахлари чоп этилди.

Бу йил жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳамда Қорақалпоғистон область партия ташкилотининг 60 йиллик катта тўйи нишонланади. Ҳозирда ҳамма ана шу улғу санани муносиб кутиб олишга интиломоқда. Автоном республикамиз ижодкор ёшлари ҳам Амудан эсган саболардай дилга яқин асарлари билан юбилейга муносиб совға тайёрлаш орзусида тинмай изланмоқдалар.



## Музаффар Аҳмедов

### Омонлик

Уқдан қочган қушдай учаркан фурсат,  
Эзгу ниятларим шеър этар аён.  
Омонлик тилайман сенга, табиат,  
Эй дунёи қадим, омон бўл, омон.

Омон бўл, бош устим — сирли коинот  
Ва яна бегубор осмон, омон бўл.  
Омон бўл, мураббий эй сахий қуёш,  
Ва яна осуда замон, омон бўл.

То менинг кўзимдан тўкилмасин ёш,  
то гавдам чанг бўлиб учмасин йироқ.  
Омон бўл, мураббий эй сахий қуёш,  
Омон бўл, она-ер ва танти тупроқ.

Елдириш йиллар-у чопогон кунлар,  
Кеча-кундузларга омонлик бўлсин.  
Нурафшон тонглар ва нурафшон тунлар,  
Ою юлдузларга омонлик бўлсин.

Ўрмонлар, маъданлар, уммонлар; кўллар,  
Оқ қорли тоғлар — ҳей, сизга омонлик.  
Водийлар, воҳалар, кенгликлар, йўллар,  
Шаҳар, қишлоқлар, ҳей, сизга омонлик.

Шу тилак ёр бўлсин чечак-гулларга,  
Дарё сувларига шудир тилагим.  
Шу тилак ёр бўлсин шўх булбулларга,  
Фасллар, уммонга шудир тилагим.

Олам юрагида ҳали кўп армон,  
Олам интиқ яшар яхши ниятга.  
Мен жумла жаҳонга тинчлик истарман,  
Омонлик истарман башариятга.

То инсон қолмасин ғам кунжида ҳеч,  
Токи умидларни енгмасин қайғу.  
Омон бўл бахт-иқбол, омон бўл севинч,  
Омон бўл муҳаббат аталган туйғу.

Ваҳшат тарк этмаган ҳали дунёни,  
Тиш қайраб яшайди ҳали кўп ғаним.  
Омон бўл то абад тинчлик посбони —  
Эй улғу мамлакат, менинг Ватаним!

Бор бўл Ўзбекистон — мардлик маскани,  
Меҳнати дунёга доврўғ солган юрт.  
Неча карра миллион тонна пахтани  
Тупроқдан мисқоллаб териб олган юрт.

Оламда она бор — меҳрибон, шафиқ.  
Ота бор, дўстларим, бахтлимиз бизлар.  
Падари бузруквор, онаи мушфиқ,  
Фарзандлар бахтига бор бўлинг Сизлар!

Рўшнолик кўрмаган шўрлик ажодим,  
Самоларга етган оҳу зорлари.  
Омон бўл энди сен, шонли авлодим —  
Коммунизм қасри бунёдкорлари!

То менинг кўнглимни кўммасин қадар,  
Токи эгилмасин мағрур бошларим.  
Омонлик тилайман, мангулик қадар,  
Омон бўлинг, менинг даврдошларим!



### Танкчилар

Машқ бажариб қайтдик.  
«Жанг» оғир бўлди.  
«Душман» жабҳасига ёғдирдик олов.  
Майдон чангга тўлди, тутунга тўлди,  
Йигитлар чарчади.  
Мажақланди ёв!

Люкни айлантрииб, синчков кўз солиб  
Атрофни кузатиб тураман.  
Юқоридан «Отбой!» — командасини олиб,  
— Экипаж, к машине! — деб буйруқ бераман.

Ёзнинг лоҳас ҳавосига кўниб,  
Ўзимизни бардам тутамиз.



Кузнинг ҳар тонғида, ҳар лаҳзасида  
Кўзларим толади тикилиб кўкка:  
Душман лашкаридир парча булут ҳам,  
Ошиқар кампирлар, чоллар кўмакка —  
Ҳамманинг дилида бирдай хавотир —  
Оқ олтин.

Сен қуёш ва сувнинг суюқ фарзанди,  
Рангинг чақалоқнинг кўнглидай оппоқ,  
Элимнинг ризқ-рўзи, юртимнинг дарди,  
Сен боис — эртағиз мунаввар, порлоқ,  
Сен яшил — ям-яшил менинг ҳаётим,  
Оқ олтин.

Фахру гурур туяр сен билан Аму,  
Узин фидо айлаб борар сен учун.  
Қуриб битса агар, манглай тердай у,  
Сенга жон бахш этар халқим туну кун.  
Сен билан тик эрур халқимнинг қадди,  
Оқ олтин.

Корақалпоқчадан  
К. КЕНЖА таржимаси

*риза*

## Гулчеҳра Раҳимова

### Қорақалпоқсан


Биз саҳрода адашдик бир кун,  
Бир ўтовга чиқдик ниҳоят,  
...Қутиб олди юзлари гулгун,  
Уй эгаси — шод бениҳоя.

Деди: «Сиз-ла чироғим ёниқ,  
Саксовул бор, ана ўт ёқсанг».  
...Қучоқ очдим мен сени таниб,  
Ўзимизнинг қорақалпоқсан.

## Искандар Соғинбоев

### Қилтомоқ

У очдан ўляпти.  
Овқат эса бор —  
истаганича.  
Лекин томоғидан сув ҳам ўтмайди.  
Қорни оч,  
Чанқаган жуда,  
Йиғлайди эзилиб-эзилиб шўрлик.  
Уни шу тобда очлиги эмас  
қийнаётган,  
Йўқ, у ўлимин ҳам тан олган ахир!  
Уни бошқа нарса қийнайди ҳозир:  
Ахир тиним билмай кечаю-кундуз  
Жуда азиз бўлиб тўплаган моли  
Қодирмас шўрликни бир тўйгазмоққа.  
Алам қилар экан  
Умрини тикиб  
Мол-мулк деб ютоқиб яшаган одам  
оқибатда ўлса очликдан.



## Турсуной Содиқова

### Кўксимдаги дарахт

Сиз мен учун илоҳийсиз, юксаксиз,  
Сизни минг бор баланд қўйдим ўзимдан.  
«Бола-чақа ташвиши» — жўн сўз, шаксиз,  
Сиз баландсиз рўзгор деган тузумдан.

Ул ишларни Сизга раво билмадим...

Сизга эшик ёпдим,  
йиғлаб ёпилди,  
Остонамга михлар қоқдим, чидадим.  
Сиз тилаган туйғуларим ўт тилли —  
Сизни ўтга отолмадим мен дадил,

Куйишларни Сизга раво билмадим.

Хаёлимга фариштадай ўтқаздим,  
Йўқ, ундоқмас: Сизни дарахт англадим  
Ва қалбимнинг қоқ кўксидан жой қазиб  
Экиб қўйдим — ўсмоқдасиз Сиз адл.

Бағримдаги суюнчиғим бўлдингиз.

Бугун Сиз бор юрагимни қучоқлаб,  
Асраб-асраб қарарман ҳар баргига.  
Кўксим ичра ўсаёйсиз бутуқлаб,  
Илдизингиз етди юрак тагига —


Юрак тилгич-ўқ-санчиғим бўлдингиз.

Шохларингиз ларзон-ларзон мевали  
Меваларки, битмиш юрак қонидан.  
Бу неъматни қандоқ емам деяйин —  
Хотиранинг улар шакар-болидан  
Насибамдан айирмасин илойим.

Табиатдан, дарахтгинам, тилангиз,  
Асло Сизга ёмон кўзин солмасин.  
Сизни базўр элтар боғбонгинангиз,  
Тиланг, нозик елкалари толмасин,  
Йўлларида тойирмасин илойим.

Тиланг, тиланг, елкаларим толмасин,  
Дарахтгинам, бораяпмиз хўп ҳориб.  
Йиқилсангиз, мен ҳам омон қолмасман,  
Илдизингиз чиқар қалбим қўпориб,  
Юрагимдан айирмасин илойим...

Майли, Сиз деб қолайлик-о юраксиз,  
Сиз барибир илоҳийсиз, юксаксиз...



Расмни О. ВАСИХОНОВ ЧИЗГАН.





Кенесбой  
Алламбергенов

## Қуш ҳақида эртак

Қорақалпоқчадан Қамчибек КЕНЖА  
таржимаси

### ҲИКОЯ



она деворига илиғлиқ милтиқни занг босиб кетган, отасининг у билан иши йўқ эди. Ҳатто, йил бўйи бир марта қўлига ушлаб қўймасди ҳам. Бола милтиқнинг нима учун илиб қўйилганини билмасди албатта. Баъзан унга қараб ўтириб: «Бу нега бекордан-бекор илиғлиқ турибди? Бир отиб кўрсам нима қилар экан?», деб ўйлаб кўярди.

Совхозда шоли ўрими айни қизиган маҳал эди. Бир куни отаси унга: «Шамол юриб турса, пешинда шопириб оламиз», деб ишдан қайтиб келгунича шоли хирмонини қўриқлаб туришни тайинлади. Хирмон қўриқлаш ҳам осон иш эмас экан. Бир зумда қаёқдандир гала-гала қарға ёпирилиб келади. Бақиравериб овози бўғилди, кесак отавериб қўли толди. У қўл кўтариши биланоқ қарғалар шувв этиб, сув сачрагандай, чор тарафга учиб кетади, лекин унча узоқламай, хирмон чеккаларига қўнади-да, кўзларини лўқ қилиб, жўхорининг оппоқ доналарига тикилиб тураверади. Унинг жаҳли чиқди. Нима қилсин, бу текинтомоқлардан қандай қилиб қутулсин! Атрофга аланглади. Қўлга илингудек таёқ ҳам кўринмади. Шу пайт тўсатдан девордаги милтиқ ёдига тушдию, югуриб бориб уни олиб келди. Қарғаларга дўлайиб, овозининг борича:

— Пақ-пақ!— деб пўписа қилди.

Сўнг «Энди келмайди» деган хаёл билан костюмини ечиб, ҳовлига кирди ва беихтиёр деразадан хирмонини босган қарғалар тўдасига кўзи тушди. «Энди буларни бир боллама-сам...» Бола жаҳл билан ўқдонни белига сириб боғлади, милтиқни елкасига илдию яна ташқари чиқди. У ўқларни филофидан олаётганда ҳам, милтиқни ўқлаётганда ҳам, тепкини қайтариб, босишга шайланаётганда ҳам қарғалар ҳеч нарсани сезмай, бемалол жўхорини чўқиб емоқда эди.

Боланинг юраги ўтдай ловиллаб, қўллари қалтирай бошлади. Кўзларини қаттиқ юмди. «Милтиқ тепади» деган сўзлар эсига келди. Қўндоқни ўнг елкасига тираб, чап панжалари билан ушлаган жойини исканжадай қисди. Бир бармоғи беихтиёр тепки сари силжиди. Хаёлида гўё алланарса «чиқ» этгандек бўлди. Бир маҳал қўлларининг дир-дир қалтираётганини сезди: ер ёрилиб кетди гўё, нимадир «гум» этди. Қулоғи шанғиллаб, боши айлана бошлади. Гандираклар бориб, юзубан йиқилди. Хийладан кейин ўзига келиб, кўзини очди, ён-верига қараб, сал нарида чангга беланиб ётган милтиқни кўрди. Атроф жимлик, фақат унинг қулоқлари остида бир нарсасиз узлуксиз жаранлар, димоғига кўнгилни айнитадиган аллақандай ҳид ўрнашиб қолган эди.

Ўрнидан туриб уст-бошини қоқди, милтиқни олмоқчи бўлаётган эди, оппоқ хирмон устидаги қоп-қора нарсаларга кўзи тушди. Қарғалар оёқлари керилган, қанотлари ёйилганича ўлиб ётарди.

«Туф-туф! Мерган бўлгудек сиёғинг бор экан», деб қўйди кечқурун отаси. Отаси бу гапни айтишга айтди-ю, узоқ ўй суриб қолди. Эҳтимол, милтиқнинг отилиши болалигидаги қирғинли кунларни ёдига солгандир, бироқ отасининг нима ҳақда ўй сураётгани болага ноаён эди. Билганида милтиқни балки қайта ушламаган бўлармиди?

Кўп ўтмай шу милтиқни яна қўлига олди.

\* \* \*

Қутилмаганда отаси қаттиқ оғриб қолди. Ишдан мазаси қочиброқ келди-ю, ётиб олди. Шу кўйи икки кунгача туз татилади.

— Иштахам йўқ, тинкам қуриб боряпти,— деди бир-икки маротаба бошини кўтариб.— Доктор чақирсанглар ҳам бўларди...

Ҳақиқатан ҳам унга ҳеч нарса ботмади. Бир марта оқ мойга доғлаб пишрилган уградан бир-икки хўплаб кўрган эди, еган-ичганининг ҳаммасини ташлади... Кўзлари эса тобора сарғайиб борарди.

Учинчи кун дўхтир уни текшириб кўрди-да. «Сал бўлмаса, ўтказиб юборай дебсизлар касални», дея қизил белбоғли оқ машинада шифохонага олиб кетди.

Эртасига онаси:

— Мана буни ичиб олинглар,— деб, отасига олиб бориб қайтариб келган шўрвани болаларига қуйиб берди.

— Нимага?— деб сўради Парахат ташвишланиб.— Отам ичмадими?

— Ҳозирча отанг бунақа овқатларни емай турсин экан. Сут, гўжа, қатиқ обдорармиз. Соғайганидан кейин қайнатма овқатлардан ер экан. Товуқшўрвами, янги тутилган балиқми, айниқса, зогора балиқ унга даво бўларкан.

Уша пайтлари овга чиқиш хаёлига ҳам келмаган эди. Отаси шифохонада даволаниб чиққанидан кейинроқ бўлса керак, кечки маҳал уларникига отлик бир киши келди, отаси билан сўхбатлашиб ўтирди. Аввалроқ хабар ололмагани учун узр айтди.

— Зарари йўқ, ҳамманинг ташвиши ўзига етарли,— деди отаси.— Энди мана, дўстим, ўтирибмиз... Беш-олти ой оғир иш қилолмайдиганга ўхшайман...

— Ҳа, энди ўзингни эҳтиёт қилмасанг бўлмайди, ахир. Товуқшўрвадан кўп-кўп ичиб тур.

Овқатдан сўнг меҳмон отланаркан, эгар қошига илинган иккита қирғовулнинг бирини онасига узатиб:

— Ма, буни Муродаг эйтириб бер,— деди.— Тоза қушнинг гўшти минг бир дардга даво бўлади.

— «Бошқа ёқда эдим, келолмадим...», дейди-я ярамас,— деб тўнғиллади онаси меҳмон кетиши билан.— Худо урган муғамбир. «Бозорда балиқ сотишдан кўлим бўшамади», дегин! Ё одамлардай ёлччиб ишламайди. Ахир бир кун қирғовулларнинг уволига қолади-ку. Яшшамагўрни ушлаб, таъзири-ни берадиган одам ҳам йўқми дейман.

Бола бу гапларга эътибор бермади. Унинг бутун диққати бошини пастга қилиб айвон устунига осиб қўйилган сурранг қирғовулда эди.

Индинига кечки овқатдан сўнг отаси яна безовталаниб қолди, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Нафс бало-да!.. Янги гўшт-ку, деб кўп еб юборганимни қара. Кўй гўштининг бунақа оғир бўлишини билмас эканман. Қирғовулнинг гўштирага етмас экан. Тез ҳазм бўлишини айтмайсанми! Кечаги шўрвадан ичиб тўрганимда, бир ойга етмаёқ отдай бўлиб кетардим.

У яна бир нарсалар демоқчи эди, бироқ ичидан шиддат билан чиққан зардоб гапиришга имкон бермай қўйди.

— Лаган, лаган!— деб бақирди онаси.— Вой худойим-ей, яна нима бўлди? Қайталаб қолмаса гўрга эди, жигар дегани нозик нарса...

Аллақандай бир кўрқинчли ҳис Парахатнинг қалбига ҳам чаңгал солди. Отасининг нурсиз кўзларига, қонсиз юзларига қарашга юраги дов бермади. Нигоҳини олиб қочаверди. Гўё қараса, отаси унга «Алвидо, рози бўл, ўғлим», деб қўяди-гандек...

— Эртага қаердан бўлмасин қирғовул топмасак иш чатоқ, болам,— дея пичирлади она. Бу пайтда отаси бир оз тинчиб, уйқуга кетган эди.

«Қаердан топса бўларкан?» деган фикр келди боланинг хаёлига. Онасига тикилган эди, ундан садо чиқмади. «Қирғовулнинг гўшти отамга фойдали экан-да». У яна ўйланиб қолди. Анов кунги қарға «ови» ёдига тушиб, кўз олдига нақ уйлари остонасида товуқлардай эмин-эркин ёйилиб юрган қирғовуллар келди. «Қирғовул деганим ўзи жуда чиرويли нарса-да! Уни қандай отаман? Илож қанча, отам тезроқ соғайиб кетиши керак!»

Бола қирғовулларнинг бу атрофларга қандоқ келиб қолгани тўғрисида қисман ота-онасидан, қисман бошқалардан эшитган эди.

Қирғовулларнинг асл маскани авваллари бу овулдан анча олисдаги жуда катта ўрмон-тўқайда эди. Ўрмон қалин, унинг теварагида ҳозиргидай турнақатор бинолар, поёнсиз экинзорлар йўқ эди, одам зоти деярли ўрмаламасди: ниҳоятда осойишта, бехавотир макон эди ўрмон! Қирғовулларнинг тинчини ҳеч ким, ҳеч нарса бузмас эди!

Кейин-кейин, овул кенгайиб борган сари ўрмон тораяверди. Чор тарафда замини осмонни титратадиган шовқин-сурон тинмай қолди. Ўрмон ўртасидан йўл солинди. Айниқса, туллари кўл ёқасида ола-ғовур авж олди. Бу турфа товушлар секин-аста ўрмоннинг ичига ҳам кириб борди. Ёғочлар қасир-қусир синади, ўт-оловлар ёқилади, одамлар олов атрофида доира ясаб, то тонггача базми жамшид қилишади...

Қирғовуллар масканларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Осида бир макон истаб Парахатларнинг овули яқинида жойлашган ўрмонга келиб қолдилар. Жийда, юлғун, туранғи, ўрик аралаш бу қурама ўрмон аввалига қирғовулларга хўб маъқул тушди. Ҳар қалай одамлардан хийла ҳоли, дон-дун мўл-кўл экан, хотирларини жам қилиб яшайвердилар. Бироқ яқиндан бўён бу ерлар ҳам уларга торлик қилиб қолди. Шовқин-сурон, ола-ғовур секин-аста кучайиб борарди. Яна эски аҳвол такрорланди, атроф ҳам ўзгариб кетди: ариқлар, дамбалар, йўллар, экинлар. Сал нарида кичкина шаҳарча ҳам қад кўтаряпти...

Парахат милтиқни отасига билдирмасдан олиб чиқиш йўлини ўйларди. Отаси нима учундир унинг милтиқ ушлашини хўш қўрмайдигандай сезилаверди...

Уйқуси қочиб, ярим кечагача ётди. Отасининг ухлаганига ишонч ҳосил қилгач, милтиқни олди-да, эҳтиёткорлик билан эшикни очиб, ташқарига чиқди. Тонгда эса ҳаммадан эрта ўйғониб, милтиқ яширилган ерга жўнади.

Кетиб боряпти. Қувончи ичига сифмайди. Уйдан тобора олислаб, ўрмонга тобора яқинлашган сари юраги дук-дук уради. У тонгнинг тиниқ ҳавосига ҳам, шудринга ювилган гиламдай майсаларга ҳам, нақ уйлари ёнидан бошланган кўм-кўк денгиз — шолизорга ҳам парво қилмай, милтиқни маҳкам тутганича одим ташларди. Енгинасидан ўтиб кетган икки одамнинг гангир-гунгири ҳам қулоғига кирмади. Кейин...

— О, ернинг кўрки терак экан-ку!— дерди оқсоқланиб бораётгани шолизор ўртасидаги қароқчидай ғўдайган якка туп кекса туранғидан кўзларини узмай.— Манави шолিপоялар ҳам, посёлкаларнинг ўрни ҳам бир вақтлари мушук кирса адашиб қоладиган зич тўқай бўлиб ётарди-я...

— Ҳа, мунча афсус чекасиз?— дея ижриганди теллагини ўнг чаккасига бостириб кийган ёшроғи.— Шоли-чи? Ер бўлмасяки шолини қаёқдан ундирасиз?..

Бола бу сўхбатнинг маънисига тушуниб етмай йўлида давом этаверди. Ўрмонга яқинлашганда ғалати бир манзарани кўриб, тўхтади, кузата бошлади. Ун уч-ўн тўрт ёшлар чамасидаги икки бола олмахонлардай дарахтдан-дарахтга осилиб, қандайдир қутичаларни бутуқларга илиб юришган эди. Шундай қутичалар бериқроқдаги дарахтларнинг шохларига ҳам кўзга чалинарди. Уларга «виз-виз» қилиб арилар кириб-чиқиб турибди.

— Ҳов, нима қиялсизлар?— деди Парахат.

— Салом,— деди иккала бола жавоб ўрнига.

— Нима қиялсизлар, деяпман?

— Кўриб турибсиз-ку,— деди улар ранжигандай оҳангда.

— Кимсизлар ўзи?

— Бизми? Яшил кўриқчилармиз!

— «Яшил кўриқчилар!»— Парахат бир оз ўйланиб турдию ўзича кўл силтади: барибир эмасми. У ҳозир овга чиққан одам, нима қилиб бўлмасин, лоақал битта қирғовул овлаб отасига олиб бориши керак!

У шундай ўй билан тўқайнинг қалин томонига қараб йўл солди.

Ўрмонга ичкарилаган сари йўл топиб юриш қийинлашиб борарди. Турли-туман дарахт бир ерда қалашиб, тўқай бўлиб ётарди. Уларнинг шохларини қалин чирмовуқлар қоплаган, қоронғи, ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. Боланинг юраги гупиллади, кўрқув босди. У бу қоронғилдан тезроқ қутулиб, ёруғлик жойга чиқиб олиш учун шошилди.

Ниҳоят, қора терга ботиб, дарахлари чопила-чопила сийраклашиб қолган бир майдонга чиқди. Бу ерда кун чарақлаган, атрофдаги ҳамма нарса аниқ-равшан кўринар эди. Майдоннинг бир чеккаси катта каналга тақалган экан. Адамсиз, канал суви тўппа-тўғри овулнинг ўртасига оқиб бориши керак, демак, унча олислаб кетмабди.

Бола ўзига келиб, эркин нафас олди. Бу ерда истаганча хаёли суриш мумкин эди.

«Ғиқ-ғиқ!» деган товуш эшитилди. У ҳеч нарсани ўйлаб улгурмаёқ қирғоқдаги буталар орасидан патир-путур товуш эшитилди. Лаҳза ўтмай «қоқ-қо-қоқ» деб аллақандай бир қуш шиддат билан юқорига кўтарилди-да, ўша шиддатда сайхон ерга қўниб, яна қалин буталар орасига қараб йўғалаб кетди. Парахат қуш учган ерга келиб, ўн-ўн бешта оппоқ тухумни кўрди.

«Қи-қиғ, қиқ-қиғ». Бола яна чўчиб тушди. Бошини кўтариб, майдоннинг ўртасидан ўтган канал марзасида кўкимтир-қизғиш патлари олтиндай ялт-ялт товланаётган кеккайма бир нар қирғовулга кўзи тушди. Берироқдан бир мода қирғовул унга қараб югуриб борарди. Ана, буталар орасидан учинчиси ҳам чиқди. Бу манзара кутилмаганда бошқача тус олди: буталар орасидан яна биттаси учиб чиқди. У тепалиқдагига нисбатан дурқунроқ, бақувватроқ эди. Кўзларига қон тўлиб, тожлари қип-қизил бўлиб кетибди. У марзадагисининг ёнига келдию патир-путур жанг бошланиб кетди. Бир зумда иккисининг ҳам юз-кўзлари қип-қизил қонга беланди-қолди. Олиш-олиша ҳолсизланган бирови орқага чекинди-да, «пир-р» этиб учиб, туранғининг йўғон шохига бориб қўнди. Иккинчиси ҳам унинг орқасидан парвоз қилди-ю, лекин бошқа шохга қўнди. Иккови икки шохда чўнқайиб ўтирибди, ҳужум қилиб қолмасмикан, дегандай бир-бирдан кўз узмайди. Бундай ўтиравериш жонига тегиб чоғи, иккови яна ерга тушди. Яна тўс-тўполон, яна аёвсиз жанг... Макиён қирғовуллар, олишув нима билан тугаркин, дегандай ҳаммаси бир ерга тўпланиб, томоша қилиб турибди.

Бола аста бута панасига силжиди. Озгина сабр қилсинми, э, йўқ, тезроқ ҳаракат қилиш керак, имилламай... У қирғовулни нишонга олди, бироқ тепкини босишга ҳадеганда юраги чопмади. «Отсаммикан, отсаммикан?», дея иккилана бошлади. Отса, ўқи ўзбошимчалик ва зўравонлик қилаётган қирғовулга эмас, жабрланаётганига тегиб кетиши мумкин, отмай деса... Йўқ, отмаса бўлмайди. Отаси касал, оғир касал. Кеча: «Қирғовул шўрвасидан узмай ичиб турсам, бир ойга бормаёқ отдай бўлиб кетардим», деди-ку. Урмонда нима кўп, қирғовул кўп, бир-иккитасини отган билан камайиб қолармиди.

Бола шундай хаёли бармоғини тепкига олиб борди. Лекин шу пайт қўллари қалтираб, ўзи мункиб кетди: нишонни йўқотди. Томошабин макиёнлар уни сезди, хавотир билан кўзғалиб қолди бари. Эндигина тепкини босаётган эди, ҳаммаси патир-путур уча кетди, милтиқ отилмай қолди. Бола ўрнидан туриб, атрофга аланглай бошлади. Бироқ ҳеч нарса кўзига чалинмади. Қуёш эса аллақачон булут орасига ўтиб кетган эди.

У милтиғини силтаб елкага илди-да, ноилож уйга қайтди.

Индини ҳам худди шундай бесамар ўтиб кетадигандек эди. Кечқурун уйга энди қайтмоқчи бўлиб турганида ёнига бир отлиқ киши келиб тўхтади:

— Ҳой бола, бирор нарса ота олдингми?

Овоз эшитилган тарафга қараб, тунов кунги меҳмонни кўрдию қувониб кетди.

— Учиб кетиб қолишпти,— деди тўғриси гапириб.

— Ха-ха-ха!— Отлиқ киши ёйилиб кулди. Кейин бирдан жиддий тортди:— Тўхта! Тш-ш!— деди у ва елкасидаги милтиғини дарҳол қўлига олиб, мўлжалламаёқ тепкини босди. Бола ўқ кетган тарафга ялт этиб қаради: улардан йигирма-ўттиз қадам наридаги туранғи шохлари қасир-қусур синиб, бир қирғовул ерга эриган юлдуздай сулайиб тушди.

— Ушла, югур тез!— деб бақирди отлиқ болага.

Парахат чошиб бориб, питирлаётган қирғовулни икки оёғидан ушлади-да, отлиққа келтириб берди.

— Мана шундай отиш керак, ўғлим,— деб қўйди мерган овини тўрға тикаётиб.— Гап ҳеч кимга сездирмасликда. Бир

у бурчакдан, бир бу бурчакдан ўқ отиб турсанг икки дунёда ҳам сени билишмайди... Кеча бир-иккитаси изимга тушиб қолди. Падарлаънат анов шаҳарлик тирранчалар ҳеч қўймапти-да одамни. «Яшил қўриқчилармиз», дейди. Менга деса яшил министр бўлмайди! Мен Шегир мерганман. Менга тенглашадигани ҳали туғилмаган. Лекин, сен эҳтиёт бўл. Қани, энди бу ердан кетайлик.

Отлиқ ўрмон ичкарасига қараб юрди. Парахат индамай эргашди.

Парахат Шегир мерганнинг кимлигию унинг кимлардан ва нима учун хавфсираб юргани билан унча иши бўлмади. Ўзининг ҳам бир кунмас-бир кун қўлга тушиб қолишини хаёлига келтирмаган эди.

Шегир мерган ўша кундан бошлаб Парахатни бирга олиб юрадиган бўлди. Бироқ бола мерганнинг ичидагини билмасди. Шу тарақа «бориб кел, олиб кел» билан бир ойга яқин вақт ўтди. Парахат ўзи сезмаган ҳолда овчиликка берилиб кетди. Қўли ҳам анча келиб қолди. Уйлаб қараса, овчилик ҳам қизиқ касб экан. Улжа дегани осонлик билан қўлга тушавермас, яъни милтиқ ушлаганининг бари мерган эмас экан. Мерган бўлса, ернинг усти тўғул, остида бўлсаям урар экан...

Шегир мерган учиб бораётган қушни отмас, бироқ ердагисини омон қўймади. Қуш қаерда кўп, қаерда кам — беш қўлда биларди. Унинг айтишича, қирғовуллар жийда, жинғил қалин ўсган ерларда кўпроқ юраркан. Улар ёзи билан дон сепилган далаларни кўз устига олиб қўяр экан-да, хирмон кўтарилса бошлагач, ҳозир бўларкан.

Парахатнинг мустақил овчилиги ана шунақа ерлардан бошланди.

Шегир мерган овчилик сирларини болага айтиб қўйганига кейинчалик кўп ўқинди. Бу атрофда ўзига тенг келадиган мерган йўқ эди, ахир. Мана энди Парахат қуш борми, қуён борми — ҳаммасини ўзи қириб битирмоқчи... Мўмайгина ўлжаларидан айриладиган бўлди-я!

Парахат эса бола-бора қирғовул гўштининг отасига зарур эканини ҳам унутиб қўйган, фикри-ёди фақат бир нарсада — бехато кетмасликда эди.

Бола энди анча тажриба орттириб олди. Пистирмада туриб пойлашни заб ўрганди-да. Чукучрада беркиниб ўтираверади. Хирмон, дон бор жойга қушлар албатта келади. Бироқ қирғовул донга уй товуқларидай югурмайди, аввал теварак-атрофга, хавф-хатар йўқмикан, деган ҳадик билан қараб олгандан кейингина хирмонга яқинлашади-да, сомон уюми орасига кириб, кўздан ғойиб бўлади. Шундан кейин, мўлжални аниқ олиш учун уларнинг қайта бош кўтаришини анча кутишга тўғри келади.

Кейинчалик Парахат яна бошқа йўлини топди. Энди у бир ўқ билан иккитасини урадиган бўлди. Бунда ҳам аввалгидек «уйиб-уйиб» деб қичқирасан. Қирғовул бош кўтаради. Яна товуш чиқарасан. Яна бири бош кўтаради. Яна товуш... Бу гал икки қирғовулнинг бўйни ўроқ-болғадай кесишиб қолади. Уша лаҳзани бой бермасанг — бас! Иккаласига тегиша олсанг, чинакам мерганлик шу!

Бироқ бундай мерганлик қирғовуллар учун қирғиндан бошқа нарса эмас! Бола мерганлик сирларини ўзлаштирган сари қирғовуллар шунча кўп қирилаверди. Энди ёш мерганнинг овлаган сари овлагиси келаверарди. Бошқалар фақат ов мавсумида отса, бола қирғовулларни тухум босиб, жўжа очадиган даврида ҳам қийратаверди. Қайтага худди ана шундай пайтларда кўпроқ отди. Отди, отаверди, қирғовулнинг қораси камайгунча тинмади.

Бир сафар ғалати ҳол юз берди: у ҳали тепкини босиб улгурмаган ҳам эдики, «Ғиқ-ғиқ, ғиқ-ғиқ» дея қанотларини тинимсиз силкитаётган қушнинг товуши унинг миёсига би-гиздай санчилди. Кутилмаганда қип-қизил қонга кўзи тушиб, қараёт бўлиб қолди.

«Ҳозир ўлади,— дея ўйлади у.— Ана, кўзларидан ёш оқяпти. Оббо, қуш ҳам йиғлар экан-да!..»

Ярадор куш томонга қарашга боланинг юраги бетламас, чунки у шу кунгача ўлим талвасасидаги жониворнинг бу қадар аянчли аҳволини кўрмаган эди. Бутун вужуди жимирлаб кетди.

Ушлашимга раъйи йўқ эди, энди онам ҳам у томонга ўтиб олди. Ўрмонда кушлар йўқ бўлиб боряпти, дейдими... Боланинг хаёллари баттар чалкашиб кетди.

Парахат кутилмаганда ғалати ҳолатга тушди: у тоқатсизлар, тоби қочаётгандай ўзини нохуш сезар эди. Овқат еб ҳам, телевизор томоша қилиб ҳам кўнгли ёзилмади. Ётиш олдидан ҳар кунгидай ўқдонни ўққа тўлдириб, милтиғини артиб-нетиб қўйишга ҳам ҳафсаласи келмади. Милтиқ даҳлизнинг бурчагига қандай суяб қўйилган бўлса, шундайлигича қолаверди.

Бола одатдагидан анча барвақт ўринга ётди. Кошки кўзи илинса! Емон туш кўраётгандай аҳволда эди у: ноаниқ шарпалар, ўлим талвасасидаги қирғовул хаёлидан нари кетмасди. Кушнинг «ғийқ-ғийқ»лаган аянчли товуши, жонҳолатда осмонга отилиб, қайтиб ерга тушиши, қанотлари остидан оққан қип-қизил қон...ниҳоят, қанотларини ёйиб ётиши — ҳамма-ҳаммаси кўз олдида яна жонлана бошлади. Атрофдаги уйлар ҳам, буюмлар ҳам, одамлар ҳам қип-қизил қонга бўялгандай...

«Бечора куш ўлди-я», деди бир оздан сўнг ўзига келиб. Миясига бундан бошқа ҳеч ўй келмади. Мадорсизланиб уйкуга кетди. Бироқ уйқусида ҳам тинчимади, алланималар, деб бақирди, алаҳсиди, оёқ-қўлини ҳар томонга ташлаб, гоҳ чалқанчасига, гоҳ юзтубан тушиб ағанайверди. Анчадан кейин чўчиб уйғонди.

Отаси билан онаси ҳали ухламай ўтирган эди.

Яна кўзларини юмди. Бироқ уйқуси батамом ўчган эди. Отаси билан онасининг гапларига қулоқ солганча, индамай ётаверди.

— Шўрлик бола, жуда чарчабди-ку, — деди онаси. — Тиним билмайди. Тонгдан-шомгача кезгани-кезган. Милтиқ милтиқ эмас, бир бало бўлди. Бирон кор-ҳол юз бермасайди, деб юрагимни ҳовучлаб ўтираман. Эҳ, садағаси кетай отиб келган қирғовулларини ҳам!

— Айб сенда! Қачонлар айтганман сенга, «ўша милтиқни йўқот», деб. Йиғлаб, ичак-чавоғи чиқиб кетсаям, берма кўлига. Ҳали бола, бирдамас-бирда фалокатга йўлиқтирмасин. Қирғовул овлаш-ку асли тақиқланган иш. Тутиб олишса, дилимизни хуфтон қилишади.

— Қайдам, сизга шифо бўляпти деб индамай юрвудим-да. Боласи тушмагурнинг бунчалик берилиб кетишини ким билибди. Бунинг устига гўшт фалон пул... Ишлайдиган одам бўлмаса...

— Шукр, энди анча яхшиман. Худо хоҳласа, ҳадемай ишга тушиб кетаман. Бола энди милтиқни қайтиб ушламасин. Кеча келган вожатийнинг ўсмоқчилаб сўрашини кўрдингми? Совхозда балиқ урчитиб, ўрмонни кўриқлаб юрганлар ҳам Парахат тенги болаларга ўхшайди. Бу ўнмагурнинг изига тушишган чамамда.

— Ҳайтовур тунов кунни ёв қувгандай кириб келган эди-я... Қўриқчилар ҳам қизиқ, аввал Шегир мерганни тутмайдими? Уша-ку бутун жониворларни кириб юрган. Уволини айтмай-сизми?

— Э, шу замонда уволни биладиган одам борми? Уволни биладиган бўлганда, шундай ажойиб ўрмон кесилиб, хонавайрон қилинмасди. Шу ўтирган ҳовлимизнинг ўрни қандай қалин ўрмон эди? Бу кетишда ҳадемай ўрмон ҳам, куш зоти ҳам қолмайди.

Бола гапларни эшитиб унсиз ётаверди. У ҳамон ўша ярадор қирғовул хаёли билан андармон эди. «Бечора куш ўлди-я», деди ичиде такрор-такрор. — Отам, «Тўқайни кўриқлаб юрган ҳам, балиқ урчитиб юрган ҳам Парахат тенги болаларга ўхшайди», дедими?... Улар мени тутиб олишмоқчи бўлган. Вожатий ҳам бекорга келмаган. Отамнинг-ку аввалдан милтиқ

Бола тунда деярли киприк қоқмаган бўлса-да, эрталаб барвақт турди. Кечаси билан ёғиб чиққан қор ҳаммаёқни оқартириб юборган эди. Парахатни аллақандай бир куч ўрмонга етаклади. У милтиқни ҳам олмади. Тўғриси, эҳтимол илк дафъа Парахатда оппоқ қорга буржанган ўрмонни томоша қилиши истаги туғилган эди.

Ўрмонга кирар-кирмас боланинг кўзи милтиқни елкага ташлаб, отини ола-тасир чоптириб бораётган Шегир мерганга тушди. Сўнг буталар орасидан бирин-кетин бош кўтарган болаларни кўриб қолди.

— Сен нариги бурчакка югур! — деди бирови.

— Сен шу ерда тур.

— Сен анави довонга ҳушёр бўл! — деди каттароқ бир йигит шерикларига буйруқ бериб. — Атрофини қуршаб оламиз! Лекин эҳтиёт бўлинглар. Шегир мерган ярамас одам.

— Ушла анавини! Тунов кунги бола! — деб қийқириб қолди болалардан бири.

Парахат фақат ўзи биладиган сўқмоқдан елдай учди.

«Ушла анавини!» деган товуш уйига келганидан кейин ҳам қулоқлари остида анчагача жаранглаб турди.

Лекин, ўрганган кўнгили ўртаниб турса, қийин экан. Парахат кўп ўтмай яна милтиқни қўлига қандай ушлаганини билмай қолди. Фақат, энди унда аввалгидай зўр хоҳиш, эҳтирос йўқ, аксинча, қалбининг туб-тубида ҳеч нарса учрамаса ҳам майли деган истак унга нечукдир далда бераётгандай эди. Паналаб-писиб ўрмон ичкарасига кириб бораркан, «шитир» этган товуш эшитилса, юраги дуқирлаб уриб кетар, шунда у чўнқайиб, атрофга олазарак кўз югуртирар, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина йўлида давом этар эди.

Ўрмонда бугун қирғовул ё қуён эмас, нуқул синган дарахтлар, ҳазонларга қоришиб ётган уюм-уюм шох-шабба, ердан хиёл кўтарилиб турган эски тўнқалар кўзга ташланарди. У ўзини худди кимсасиз, жонзотсиз чўлда ёлғиз одамдай ҳис қилди. Ниҳоят, рўпарасидан бир куш чиққан эди, қўли қалтираб текизолмади. Шундагина унга алам қилди. Ахир, отишнинг ҳадисини олганидан бери биринчи марта ўқининг хато кетиши эди-да!

«Менга нима бўлди?», деб ўзига ўзи савол берди. Лекин жавоб тополмади. Атрофга қаради. Жимжит дала. Ариқ-зовур, марзълардан бошқа нарса кўзга чалинмайди. Ҳосили йиғиштириб олинган, яп-яланғоч шולי майдонлари узра шамол эсади.

Совуқ шамолми, бошқа нарсами боланинг аъзойи баданини музлатди юборгандай бўлди. Руҳи тушиб, тинкаси қуриди. Уйга қайти.

Парахат ўша кеча ёта олмай, тўлғаниб чиқди. Энди унинг кўз олдидан ярадор куш бир лаҳза ҳам кетмай қўйди. «Эҳ, бечора, қанча азоб чекиб ўлди-я. Уни ким отган эдийкин? Наҳотки, уни мен ўлдирдим?! Ҳа, ахир, мен ҳам...»

«Тонг отсин...», деб қўйди у тишларини ғижирлатиб.

Тонг қийинчилик билан отди. Парахат ҳаммадан эрта ўрнидан турди-да, милтиқни нафрат билан елкага олиб, тўппа-тўғри овул орқасидаги кўлга қараб жўнади.

Кўл суви ҳали музламаган эди. Бола қирғоққа келиб, ўйланиб туриб қолди. Кейин... Кейин бирдан милтиқни бор кучи билан улоқтириб юборди. Кўл бир шалопладию уни ютди.



Сайловбой  
Жумағулов

## Нағал

ҲИКОЯ

Қорақалпоқчадан  
Носир **ФОЗИЛОВ**  
таржимаси



ошқаларни билмайман-у, менда бир ажойиб одат бор. Бу одат суяк-суягимга сингиб кетган. Эрталаб ишга келгандан сўнг бошлиғим билан кўришиб чиқмасам, типирчилаб столимда ўтиролмай қоламан. Дарров бошим ҳам занғиб оғрий бошлайди. Столимнинг устидаги ҳар доим шарт-шурт қоқиладиган чўтнинг ҳам товуши чиқмай қолади. Рўҳим чўкиб, нафасим қиса бошлайди.

Хулласи, билмадим нима бало эканини — бошлиғимнинг юмшоқ кафтини бир қисмағунимча қўлим ишга бормаёйди-да.

Бошлиғим билан саломлашиб чиққан куним эса, ўзимни бутунлай бошқача сезаман. Столимда жим ўтира оламан, бошим ҳам оғримайди, олдимдаги чўтнинг соққалари ҳам устма-уст шақиллайди, хуллас, анча ишни битириб ташлайман. Сигаретни ҳам кам чекаман. Нафас қисилиш одатларим ҳам қаёққадир ғойиб бўлади. Билмадим — нега ундай, лекин бошлиғимнинг олди-га кириб, унинг юмшоқ кафтини бир қисиб чиқсам бўлди, то қош қорайгунча ишлайвераман, ишлайвераман.

Мен учун бошлиқ билан ҳар куни кўришиш ҳам осон эмас. У кишининг олди-га бирор баҳона билан кирмасанг, кўнглига бир нима келиши мумкин. У кишининг теварагида юрган одамлар кўп. Бири бўлмаса бири гап-сўз қилмай иложи йўқ. Шундай бўлгандан кейин бошлиқнинг олди-га бирон сабаб билан кириб, салом бераман-у, индамай чиқиб кетаман. Масалан, кеча ўзимизда ишлайдиган Раҳматилла деган йигит икки кундан бери ишга келмай, аёли билан қўйди-чиқди бўлиб юрганини айтиб, шу баҳона саломлашиб чиқдим. Ундан бир кун илгари универмагга сарёғ келганини, агар янгамга керак бўлса, олиб бериш қўлимдан келишини айтиб, саломлашиб чиқдим...

Бугун ҳам ҳар кунгидек эрталаб ишимга келиб энди бошлиқ билан кўришишга қандай баҳона топсам экан деб хонамнинг эшигини очаётганимда кираверишда полнинг устида ётган нағалга кўзим тушди. Дарров олдим рўмолчам билан ишқалаб тозалладим. Мана буни баҳона деса бўлади! Ким билади дейсиз, балки бу бошлиғимнинг туфлисининг нағалидир.

Бахтимга бошлиқ кабинетиде экан. Дарров бориб, қўл бериб кўришдим-у, юмшоқ кафтини қисдим. Сўнг олдига кирганимнинг сабабини айтиб, қўлимда авайлабгина ушлаб турган нағални кўрсатдим.

— Оқсоқол, ҳалигина кириб келаётсам, бўсағада ётган экан, топиб олдим. Мабодо сизнинг туфлингизнинг нағали эмасми?— дедим.

Бошлиқ бошини чайқаб кулди. Сўнг туфлисини ечиб, пошнасини кўрсатди.

— Йўқ, меники эмас. Бу туфлини харид қилганимдан бери нағал қоқтирган эмасман.

— Ие, нега қоқтирмадингиз?— дедим парвона бўлиб.— Қоқтирсангиз пошнангиз ейилмайди, туфлингизнинг умри узоқ бўлади. Бунинг устига, хиёбонда юрганингизда тақ-туқ қилиб уйқунгизни қочиради, ҳушёр бўлиб юрасиз.

— Шунақами?

— Ҳа-да. Ҳали ҳам кеч эмас, оқсоқол, қоқтирволинг.

— Ҳозир ишингиз ҳам унча кўп эмасдир?— деди бошлиқ ниманидир ўйлаб.— Туфлимниям ечиб қўйган эдим. Ҳойнаҳой этикчилар ҳам нима иш қилишини билмай эснашиб ўтиришгандир. Югуриб бориб қоқтириб кела қолмайсизми?

— Сиз бир нима дейсиз-у, биз йўқ деймизми?— дедим мен қувончимдан юрагим ёрилгудай бўлиб.— Ҳозир қанот боғлаб учиб бораману қоқтириб келаман. Сиз ҳозирча оёғингизнинг тагига газета тўшаб ўтиратуринг.

У менга столи тагидаги бўм-бўш сариқ портфелини ҳам олиб берди.

— Мана бунинг ичига солиб олинг. Йўлда ҳеч ким эътибор бермайди.

— Раҳмат, оқсоқол.

Мен туфли солинган сариқ портфелни кўтариб чиқиб кетаётганимда бошлиғим ортимдан бақириб қолди:

— Бош инженернинг олдига ҳам кириб, кетинг. Ҳалиги топиб олган нағалингиз балки уникидир...

Ишимнинг ўнг келганини қаранг. Бошлиғимнинг бу фикри жуда соз бўлди. Бош инженерга ҳам салом беролмай юрганимга икки ҳафтача бўлган эди. Бир ўқ билан икки қуённи урибди, деганлари мана шу-да. Дарров... бош инженернинг олдига кирдим-да, қўлини қўйиб юбормай узоқ саломлашдим. Сўнг олдига нима учун кирганимни айтдим.

Бош инженер мен топиб олган нағални узоқ томоша қилди, сўнг туфлисини ечиб, пошнасини кўрсатди.

— Мен бу туфлини олганимга бир-икки кун бўлди, холос. Қаранг, биттасининг пошнаси ейила бошлабди. Шу бугун бориб, нағал қоқтириб олсаммикан-а?

— Жуда тўғри қиласиз,— дедим мен унинг фикрини қувватлаб.— Шундай қилсангиз, у ейилмайди. Менга ечиб берақолинг. Ўзимнинг бир ишим чиқиб, ўша ёққа кетаётган эдим. Бир бошлаб нағал қоқтириб келай.

— Бўпти. Бироқ, бир маслаҳатим шуки, йўл-йўлакай бош бухгалтернинг олдига ҳам кириб кетинг. Балки мана бу нағал ўшаникидир.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бош бухгалтер ҳам оёғининг тагига газета тўшаганча қолди.

Уч бошлиқнинг туфлиси солинган сариқ портфелни кўтариб олиб яқин ўртадаги бир этикчининг олдига кетаётган эдим, йўлда кимдир орқамдан келиб шартта қучоқлаб олса бўладими! Бундоқ қарасам, ҳалиги, ўзимизнинг икки кундан бери ишга келмай, хотини билан қўйди-чиқди бўлиб юрган Раҳматилла экан. Иккаламиз бир хонада тўққиз йилдан бери бирга ошлаймиз. Худди хотинлардай қучоқлашиб кўришдик. Узиям озгина отиб олган шекилли, ғурсанд. Юзлари қип-қизариб кетибди, қўлидаги картошка, пиёз солинган тўрхалтасининг оғзидан уч шиша ароқ бошини чиқариб турибди. У мени қучоғидан зўрға бўшатди.

— Учрашиб қолганимиз зўр бўлди-да. Ўзим ҳам олдингга кетаётган эдим. Қани, кетдик!

— Қаёққа?

— Мен хотиним билан ярашдим. Ўшани қиттай-қиттай қилиб нишонлаймиз.

— Шу ишни сал кейинроқ қилсак қандай бўларкин? Бир шошилинч иш билан келаётган эдим.

— Ҳе, уни кейин қилсангиз, ҳеч бўлмаса манави учта шишанинг биттасини отиб кет.

У мени кўярда -қўймай микрорайонда яшайдиган бир танишининг уйига судради. Борсам нима қипти, дўстимнинг қувончига озгина шерик бўлай, деган ўй келди хаёлимга. Биз борган уйда ичкилик деса ўзини томдан ташлайдиган бир сўққабаш одам турар экан. Аввалига учаламиз тухумдан сал каттароқ пиёзни газак қилиб, бир шишани бўшатдик. Сўнг иккинчисини... Кўп ўтмай учинчисининг ҳам тиқинини олиб ташладик. Буни ҳам энди тугатай деб қолганимизда, хонага кўринишлари бинойидек, қўлларига битта-биттадан шиша ушлаб олган бир тўп йигит кириб келди...

Ярим кечаси уйғониб кетсам, бир уюм бўш шишанинг ўртасида сулайиб ётган эканман. Хонанинг ичи тамаки ва арақ исига тўлиб кетибди. Нуқул ичағонларнинг орасига тушиб қолганимни фаҳмладим. Ҳаммаси ҳам ётган-ётган жойида қолибди. Урнимдан базўр туриб, бир кружка муздай сув ичдим. Худди шу маҳалда бошлиқларимнинг туфлиси солинган сариқ портфель эсимга тушиб, юрагим орқага тортиб кетди. Атрофни тинтиб қарай бошладим. Бироқ у йўқ эди.

— Ҳе, хотининг билан ярашмай баттар бўгур,— дея Раҳматиллани юлқилаб уйғотдим.

— Нима-а?— деди у иккинчи ёнбошига ағдарилиб ётар экан.

— Бояги мен кўтариб келган портфель қани?

— Бил-май-ман...

Шу маҳал унинг нарёғида ётган бир соқолли йигит тили курмалиб зўрға гапирди.

— Ичида мошний туфлилари бор сариқ портфельми?

— Ҳа, ҳа.

— Эсинг жойидами ўзи?— деди у.— Кечаси уларни ҳам сотиб ичдик-ку...

Мен бу уйдан тонгга яқин кўнглим хира бўлиб чиқдим. Бу ҳам майли-ку, аммо, кабинетларида ялангоёқ қолган бошлиқларимнинг ҳоли нима кечди экан!

## Ленин туғилган кун

Узинг вафо қилгин, қўшигим менинг.  
Рост бўлса бош узра хушнуд шу қуёш,  
Даҳоси олдида буюк Лениннинг  
Кутлуғ ушбу дамда биз згайлик бош.

Апрель боғларига ташна термил-да,  
Азиз туйғуларни руҳимга эт жо.  
Хуришд Ватанимда, шу Кремлда  
Инқилобий кезиб юрибди зиё.

Лениннинг умрини боқий этган — шу,  
Ва дунё рўйини — жамил, чарогон.  
Ахир шу зиёга келиб рўбарў  
Не тонг, ўз-ўзини фош этса ёлгон.

Нақл бор: жаннатдир яхшилар юзи,  
Таважжух айлангиз бизга, юлдузлар —  
Хақғўй бир шоирнинг шулки рост сўзи:  
Ёлғиз заминдадир ризвоний юзлар!

Ленин боқийликнинг оқ кўзгусида  
Кундай балқиб турар — саломат жони.  
Бақо ойинасин рўбарўсида  
Синиқ бир шишадир Жамшиднинг жоми.

Рост бўлса шу Куёш — ҳаёт сарвари,  
Имонлар, илҳомлар рост бўлса ва чин,  
Бахшилар, нотиклар, ривдан нари  
Сиз Ленин қошида бош згингиз жим.



**Анвар  
Исроилов**

Ҳатто шеър парисин таширф кезлари  
Комил ёзолмадим, руҳ тўла ўкинч.  
Бошларимга ботиб қасам сўзлари,  
Одамлар, бу тун ҳам ухлолмадим тинч.

## Муса Жалил

Қаро кунларида эслади сўнг бор  
Ватанида қолган оқ тонглари.  
Оқ Эдилнинг сарин соҳилида зор  
Хайр деб оҳ урган оҳанглари.

Оқ йўл тилаб қолган онасини ҳам  
Қаро кунларида ёдига олди.  
Ва ёрин суврати: оқ кийган санам —  
Қаро кунларида сўнг оташ солди.

Суйгун чечаклари — оқ нилуфарлар  
Қаро кунларига тўкдилар шуғла.  
Оқ уйлар руҳини сўнг бор ўпарлар  
Қаро кунларида маъсумлик ила.

Оқ кўнгил дўстлари олисда эди, —  
Қаро кунларида кўролмади боз.  
Сўнг нафас: Алвидо азизим, деди  
Қаро кунларида, сенга, ОҚ ҚОҒОЗ!

## Қалам

Сиеҳдон таърифида устоз Фафур Фуломнинг  
Шеърин ёд айтса бўлур меҳрпараст оламга.  
Юракка сиғмай тошган илҳомий шу каломнинг  
Завқи — ҳаваси билан байт атадим қаламга.

Ё ёр, абрўларингда қалам изи деганим:  
Тугатмаган шеъримнинг шони қошингга пайваст.  
Қим бўлмасин қошингда: дўстми, ҳайрихоҳ, ғаним —  
Шукр этсин етишди деб атрга ташна нафас.

## Уйқусиз тунда

Оппоқ пар болишим — ором белгиси,  
Ўхшар у нотугал шеър қоғозимга.  
Лек, уйқолган уйқум қачон келгуси,  
Қай чоғ камол қуши қўнғай созимга?

Бир вақт кўкка ошно — оппоқ қанотлар  
Қайда деб боладай излаб югурдим.  
Болишимда экан тўзиган патлар, —  
Мен ётоқдан нари ором қидирдим.

Дардли дафтаримнинг бўш оқларига  
Онт гимнини, қасам сўзини ўйдим.  
Ва оқ болишимнинг варақларига  
«Ғафлат бегона» деб мен ёзиб қўйдим.

Безовта сўзларнинг болу паридан  
Байтларга қанотлар тўқидим тунлар.  
Дўстларни уйғотиб уйқуларидан  
Гоҳ-гоҳ ёзганларни ўқидим тунлар.

Ҳар қалбнинг ўз ишқи, эзгу қасами,  
Ҳар онт замирида саркаш бир маъно.  
Ҳамма фарзандларинг ухлаб қолсами —  
Уйғота оларми эдинг, эй Дунё?..

Ҳадемай чиқади яна офтоб,  
Одамлар, айтингиз: ростми сизнинг ҳам  
Бадарга бўлгани кўзингиздан хоб,  
Гоҳо ёстиқ узра тўкканингиз нам?

Ё қалам, кўзларингнинг графит қорачиғи  
Бамисли бриллиант чақнайди — пинҳоний ўт.  
Не ажаб, дунё кезган бу муҳаббат қўшиғи  
Сен сабаб оқ қоғознинг айласа бағрини бут.

Тинчлик деб имзо чекдим, имоним амридир бу,  
Сен мунис гувоҳимсан, қоракўз, қорақошим.  
Қароларингдан бу оқ тилагим тушмас айру  
Гарчанд йиллар қорига қориша борар бошим.

Умид қасидасига боғлайлик белни, қалам,  
Гоҳида бошласа ҳам андуҳлар сари йиғи.  
Сен-ла жондошдир азал: «Тупроққа кўмилсам ҳам  
Тобут бўлмайман» деган оғочларнинг қўшиғи.

## Зиё ва Зулмат

Гўдаклар боши узра гоҳ мунис, гоҳ маъюс аллалар  
айтиб, нотинч дунёга тинчлик ёлборувчи барча она-  
ларга бағишлайман.

Фахр этмайми: ял ёниб қуёш қурса чордона  
Ризвоний боғларимнинг мушки — анбарларида.  
Ватаннинг одил сўзи янграб бўлса мардона  
Шиддатларга йўғрилиб Тошкент минбарларида.

Мен ахир кўҳна кентнинг оддий фуқаросиман,  
Фарзандман жумла-жаҳон термулиб турган юртга.  
Бунда йил ўн икки ой қуёшда чақнар осмон,  
Бунда ҳар тутам ёғду тиг уради булутга.

Рустамвори ҳар ўғлон шамсга ўкадир бунда,  
Моҳпайкар ҳар жонона қамарга сингил ахир.  
Магар уйқу олдидан юлдуз тўла ҳар тунда  
Не учун гоҳ безовта, дилгирдир кўнгила ахир?!

Маъзур тутгайсиз мени, Боноски<sup>1</sup>, муҳтарам зот,  
Сиз Оқ уйдан эмассиз, — ўзга Америкадан.  
Биламан: ким учундир эзади Сизни иснод,  
Маломатнинг тошлари зил босганча елкадан.

«Оқ уй» деймиз, песидан ўзни этиб иҳота,  
Букун унинг номи ҳам туюлар бизга галат —  
Аламдийда, норизо Дунё атоғли Ота  
Ғазаб жазавасида оқ қилган осий валад.

«Оқ уй» деймиз — ковбойлар топтаган кир дарбоза,  
Лекин кимлар учундир толенинг қопқаси берк.  
Зиёларга сиғиниб қуёший рўй-ла тоза  
Ҳақ юзига тик қарар қора курсидаги эрк.

Маъюс аллаларинедан тонмагил, майли, Она,  
Шоир, сенинг ҳам шеъринг топмасин ҳаргиз завол.  
Фақат ҳаёт уйда бўлмоғи шарт ҳамхона,  
Ёндош ёнмоғи шартдир Сўз ила қодир Аъмол!

Гар шум нафас урилса, шам нури қалқиб кетар,  
Шамдай омонат титрар бу лаҳза рўйи замин.  
Ҳар покиза ниятдан минг қуёш балқиб кетар,  
Асрамоқ шарт энг аввал шу тилаклар оламин.

Умидларда ён букун, эртага интилган жон,  
Кураш чолғуси сенинг бўлсин тож томирингда.  
Балким ушбу дамгача сукут сақлаган Имон —  
Торида бир куй чалгил сен ҳам бир бор умрингда.

То ҳадикли кўзлардан жасоратга бериб жой  
Ожизликнинг ёшлари қондай тирқираб кетсин.  
Кўнгиларнинг аришида бамисли азиз ҳумой  
Зулматга қарғиш айта қуёш ярқираб кетсин.



## Абдулла Қодирий

1. Бир зум эврилишдан тўхтаганми чарх,  
Мен бу кез сўзларга кўнгила ёраман,  
Руҳим осмонини чарақлатгил, барқ,  
Майлига, сен мени йиғлатгил, Роман.

Маҳбублар зулф тараб йўлларга чиқсин,  
Гоҳида қисматлар сийламаса ҳам.  
Муборак бир лаҳза толе йўлиқсин,  
Яшамоқ неъматдир азиз, муқаррам.

Одамлар, гул ёзган ҳув юлдузлардан  
Эҳ-ҳе то бизгача масофа қанча.  
Гоҳ қалбдан ғалаён саркаш сўзлардан,  
Улар-чи, яшарлар жим чақнаганча.

Вафолар, сиз Ишқдан ўғирманг юзни,  
Майли, кўзларимни ёшланг сиз — Сўзлар.  
Фақат бошлар узра тарк этманг бизни,  
Баланд чақинларга туташ юлдузлар.

2. Қуллуқ сизга, мени тирик деганлар,  
Мен юрт боғларида қайта гул тердим.  
Ишққа ҳеч хиёнат қилмайдиганлар,  
Мен бу кез қалбимни сизларга бердим.

Ғойибданми, — қайдан шуъла ёгилди,  
Бори-борлигимни чулғади бутун.  
Суюнмоққа юрак ожизлик қилди,  
Кўзлар озлик қилди йиғламоқ учун.

Йиғламанг, мен ахир Кумушбибини  
Йўқ ердан, йўқ ердан ўйлаб топганман.  
Имоним жомининг олтин тубини  
Қуёшга тутганча сизга чопганман.

Хилқатнинг кичкина шони албатта:  
Ўз мақомин ўқир булбул зоти ҳам.  
Меҳрда, қаҳрда, гоҳи гафлатда  
Ўз зарбулмасалин ахтарар одам.

Одамлар, равзага Ўзбекистон ном,  
У — булбулни жонда асраган Дарахт,  
Ғофил бўлманг ҳаргиз, инонинг мудом,  
Муқаррар сўроқлаб келар сизни бахт.

Етиб-етолмаймиз бахт сирин англаб,  
Негадир интизор остоналарда.  
Умрлар ўтади бетин жаранглаб  
Мунглаб, мусийқалар, афсоналарда.

<sup>1</sup>Филлип Боноски — АКШлик коммунист адиб. У Осие ва Африка ёзувчилари уюшмасининг 1983 йили Тошкентда ўтказилган юбилей конференциясида катнашди ва оташин нутқ сўзлади.





Шукур  
Холмирзаев

## Табассум



ҲИКОЯ

Жалил ота дераза тагида ётарди. Кўрпачада. Болиши баланд. Унга суяниб бошини кўтарса, боғни кўради. Узи обод қилган боғ у. Энг қари ёнғоқ олтмишга кирди. У билан бир вақтда экилган тут кесилиб кетди. Каллаклавариб қуриди. Кейин йиқитиб, ғўла қилиб олишди. Жалил отанинг ўзи ҳам кетиш олдида. У ўсма, яъни рак касалига мубтало бўлган. Билади. Докторлар кўп вақт яшириб юришди. Лекин, овқатдан қолаётгани, озиб кетаётганидан кўрқиб, Жалил ота бир куни севимли невараси — ёлғиз ўғлининг ягона қизи Садафдан сўради: «Болам, касал одам дардини билса, ўзиям тузалишига кўшиш кўрсатар экан, эшитганим бор. Сен бегона докторлардан сўра: дардим нима экан? Фақат ростини айтасан. Хўпми?» «Хўп, бобожон», деди Садаф. Орадан бир кун ўтмай Садаф қути ўчиб келди. Бобоси ёнига чўккалаб хўб йиғлади. Кейин: «Бобожон, айтишга тилим бормайди-да», деди. «Неварам, сени ўзим катта қилдим, кўтариб. Мени... бобонгни яхши кўрсанг, хурматласанг, борини айт». «Бобожон, ўзингиз ҳам унга қарши... иш қиласиз-а?» «Албатта-да! Нима деб эдим сенга?» «Бобожон, касалингиз — рак экан». Садаф яна изиллаб йиғлай бошлади.

Жалил ота қарахт тортиб қолди: қаяқдан пайдо бўлди бу дард? Кўп-а ҳозир... Қария анча сукутга толиб ётгач, хўрсинди. «Қисмат экан-да, — деди. — Во дариг. Йўғ-э, ўксиш бекор. Бирники ўтдан, бирники сувдан... Меники шундан экан. Узи, бир ҳисобда, ёшимниям яшаб бўлдим. Мен тенги қурдошларимдан кимлар қолди? Ҳа-а, Мўмин... бор. У мандан икки-уч ёш катта-я? Юраги бутун экан-да! Ҳа, унинг юраги бутун. — Жалил ота ғашланиб ўйлай бошлади. — У бошқача... Емонга, номардга ўлим йўқ, дейдилар-ку! Ҳа-е, майли. Уям яшасин. Барибир дунёга устун бўлмайди. Бировга ўлим тилагандан...»

Кунлар ўтди, ой ўтди.

Қария баъзан тонгга етиши гумондек сезар ўзини, баъзан шу етишда минг йил яшайдигандек эди. Лекин, кейин-кейин ўғлининг ҳам, келинининг ҳам ўзига тикилиб-тикилиб қарашларидан англадики, касали нималиги уларга ҳам маълум. Бироқ миқ этмади. Улар... улар отанинг ҳадемай туриб кетишини башорат қилишарди. Бир куни ҳовлида югур-югур кўп бўлди. Кимлардир келди. Жалил ота кечаси ухлолмагани, ўйланиб чиққани учун кундузи уйқу босиб ётган.

эди. «Ҳа, биронтаси келгандир-да», деб қўйди ўзича.

Бироқ, кечга томон ҳовлида тагин югур-югур бўлиб қолди-да, кейин ҳаммаёқ тинчиди. Қош қорайганда ўғли Шокир новча қоматини эгиб эшикдан кирди.

— Саломалейкум, ота.

— Ке, ўғлим, ўтир.

— Э, бир-икки одам келди. Сизни безовта қилмасин деб, бу ерга киритмадим.

— Ким экан улар?

— Совчилар-да. Неварангизга.

— А-а, Садафнинг ҳам бўйи етиб қолди. Шунинг тўйини... тинчиганини кўрсам, армоним йўқ эди.

— Э, ҳали чевараям кўрасиз, ота!

— Йў-ўқ, болам... ўлим — ҳақ. Бир ерда бир гурунг бўлиб эди. Ҳе, ёш эдим унда. Лекин эсимда қолган. Бир командиримиз бўлгич эди.

Шокир кулимсиради.

— Командир...

— Ҳа энди, муллаям билганини ўқийди-да, болам. Бизнинг ёшлик ўз йўлига ўтди. Жанг-жадал...

Жалил отанинг умри чиндан ҳам жанги жадалларда ўтган. Инқилоб ғалаба қилганда у ўн беш ёшларда эди. Йигирманчи йилларда. Кўнглили бўлиб қизил аскарлар сафига қўшилди; уларнинг хизматини қилиб, отларига ем ташиб, тагини кураб юрди. Етимча қиёфасида босмачилар қароргоҳларига неча марта бориб келди. Аммо-лекин бир гал...

Ушанда...

Кейин «қизил калтакчилар» сафига қўшилди. Кейин кулоқларни тугатиш, Ватан уруши...

Шуниси қизиқки, Жалил... Жалил ака қилган ўша хизматлари ҳақиқа битта ҳам нишон тақмади. Нишон қайда, бир парча қоғоз ҳам олмади.

Лекин у бу нарсаларни орзу ҳам қилмаган эди: бажаришим лозим деган ишни бажарар, аксини қилмас, йўқ — ўзлигига қарши бормас, бунга кучи етмас эди. Шунинг учун баъзи ўринларда «тирсакланди» ҳам. Зеро оддий иш... хушомад қилиш, катталарга таъзимда бўлиш, кези келганда, бир гапдан қолиш ҳам... қўлидан келмади. Аксинча, шундай қилиб обрў топган, мартабага минган кишилардан нафратланади ҳамон...

— Ҳа, яхши гапмиди ўша гап?

— У-ў, доно гап! — Жалил ота шифтга тикилди. — Раҳматли командиримиз ўзи хўжалардан чиққан эди. Лекин янги ҳукуматга... Шўрога содиқ эди. Номардлик ёмон...

— Уни айтгансиз, — деди Шокир. — «Хўжасан» деб қамашган.

— Ҳа, ўз жўраси қамади.

— Ҳалиги гап...

«Шошиляпти», деб ўйлади Жалил ота ва гапни қисқа қилди:

— Шу киши раҳматли айтгич эди-да: «Улимдан қочиб керак! Лекин ўлимниям бўйинга олиб юриш керак», дер эди. Кейин бир нақлни кўп такрорларди... Уч мусулмон ўтириб қопти-да, гапдан гап чиқиб, бири: «Улим ҳақ, эрта пешин намозига етишимга ҳам ишонмайман», депти. Шунда иккинчиси: «Мен эсам, тақсир, эрта бомдод намозига етишимгаям ишонмайман», депти. Учинчиси кулиб: «Мен шу оқшомги хуфтон намозига етишимгаям ишонмайман», деган экан...

— Гала пессимист йиғилган экан-да! — деди Шокир. — Қўйинг, ота, ўлимдан гапирманг.

— Э, болам-э, мен кўрдим...

— Яна!..

— Сен ишингдан қолма... Менинг дори-дармоним бор. Иштаҳам яхши. Фақат, сизларга жуда қараб қолганимдан хижолатман, ўғлим. Йў-йўқ, сен гапирма... Шундай. Энди, начора! Омонатини олгунча кутаман-да.

Шокир илиққина кулди.

— Ёшингиз ўтиб, жудаям тақводор бўлиб қолдингиз.

Жалил ота ҳам кулди.

— Ўзим ҳам ҳайронман.

— Ота дейман... ҳалиги...

— Лаббай, гапиравер.

— Садафингиз бу йил ўнни битиради. Кейин ўқишга бормоқчи...

— А-а.

— Менинг-ку қаршилигим йўқ. Фақат унга ёрдам беролмайман...

— Ҳўш?

— Лекин, қаерга кетсаям боши боғлиқ бўлиб кетса, деган эдим. Кейин ўқишини сиртқиға ўтказиш мумкин. Қисқаси, қиз боланинг бир шаҳарга кетиши...

Жалил ота яна кулимсиради.

— Сен ҳам мендан қолишмайсан.

— Нимада?

— Э!..

Шокир ўрнидан турди.

— Майли.

Бир ҳафтадан кейин ҳовлида яна югур-югур бўлиб қолди. Жалил ота хушёр эди. Бироқ, бу гал ҳам меҳмонларни бу хонага киритишмади. Бу гал ҳам улар кетиб бўлгач, Шокир келин билан кирди. Отага қўш салом бериб, четга ўтиришди. Шокир гап бошлади:

— Ота, сиз жанг-жадал, уруш, командир... деб бежиз гапирмайсиз. Уша йилларни жуда яхши биласиз. Ёшлиқда кўп нарса бошингиздан ўтган...

Чол тетикланиб, ётган жойида бош қимирлатди.

— Ҳақиқат рост.

— Уша даврдаги тенгдош жўраларингиз ҳам саноқли қолган-а?

— Ҳа, болам.

— Шу, Мўмин ота билан қалайсиз?

Чол ўғлига тикилиб қолди. Кейин, ижирғаниб, кўзини пастга олди.

— Нимага сўраясан?

— Энди... сизларнинг мундай нон-қатиқ бўлиб ўтирганларингни ҳеч кўрмадик-да.

— Ҳа, кўрмайсан ҳам.

Шокир чолга совуқ тикилди.

— Нима учун?

Чол яна бирпас сукутга толиб қолди-да:

— Сўрама, — деди. Кейин юзи тиришиб кетди. — Сўрама... Онт ичганман.

— Тавба!

— Қўй уни, ўғлим.

— Энди...

— Болам, овора бўлма.

— Қизиқ одатларингиз бор-да.

— Шу-шу.

— Ҳа. Оқшом яна кираман.

— Ҳўп.

Шу билан ота-боланинг ораси совий бошлади. Шокир келиб, Мўмин ака ҳақида гап бошлайди. Жалил ота кўзини юмиб олади. Уртада бошқа гап қолмагандек, Шокир чиқиб кетади, чол хаёл суриб, ижирғаниб ётади.

Кейин-кейин тусмоллай бошлади. Мўминда ҳам икки-учта неварар бор. Энг кичиги Садаф билан тенгдош, ё ундан бир-икки ёш катта. Уша одам қўймаяптими, Садафга?

Чол титраб кетди.

У Мўмин ака билан бир умрга ажралишган. Тўғри, жойи келганда у билан сўрашган бўларди. Бир даврада ўтирган ҳам. Бироқ — бегоналардек.

Аммо унинг орқасидан... бир оғиз сўз демаган, демас ҳам.

Уни эсласа борми, дарров кўз олдига Боботоғ йўллари, Ёлғизкапа ўрқачидаги овчиларнинг пистирмаси, қилич, милтик, ўк-дори, совуқ тунлар, юлдузли осмонлар гавдаланиб кетади. Уксиб, жимиб қолади.

Ушанда, тоғдан қайтиб тушаётганда, Мўминга берган ваъдасини эслайди.

Кейин «Ҳа-е, шундайи ҳам бўлар экан-да», деб қўяди. Шу, холос.

... Гап шундаки, Жалил ака Жалилбек бўлиб, Орзихўжа командирнинг отрядида юрганда, бир неча уни ўчоқ бошига қақириб, Орзихўжа шундай деди:

— Қуюн кўрбошини биласан-а?

— Ҳа, — деди Жалил.

— Унинг ишларини?

— Биламан.

— Бизга топшириқ келди. Уни тириклай қўлга олиш керак.

— Қийин-ку?

— Қулоқ сол. Қийинлигини мен ҳам биламан. Лекин унинг тўпида Мўмин деган йигитимиз бор...

— Танайман.

— Кўрсанг, танирсан.

— Бораманми?

— Ҳа. Қуюннинг йигитлари озайиб қолган. Шу кунларда Боботоғнинг Елғизкапа деган довоғида эмиш. Бир чўпон кўрипти. Хабар берди.

— Тутиш керакми?

— Тутиш керак.

Эртаси кунни Жалил жанда кийиб, қўлига таёқ олиб, ҳеч қандай қуролсиз, йўлга чиқди. Йўлакай чўпонларнинг овулида тунаб ўз кунини кўриб, Боботоққа етди.

Ниҳоят, Елғизкапага рўпара бўлди.

Шунда олдидан бир кийик чиқиб қолди. Изидан бир овчи ҳам кўринди. Кийик Жалилдан ҳуркиб, овчига бурилди. У отиб олди. Жалил чопиб бориб, кийикнинг оёғини босиб турди, оачи сўйиб ҳалоллади.

— Оға, биздан ҳуркиб, сизга йўлиқди, танимизни бермайсизми?— деди Жалил.

— Кимсан ўзинг?

— Бу дунёда отоси ўлмаган ким бор, оноси ўлмаган ким бор!

— Кимсан? Кимлардан бўласан? Нима қилиб юрибсан?

— Таги етимман, оға... Лекин отамиз бели бақувват одам ўтган. Ундан беш-ўнта ушоқ мол бир чўпоннинг қўлида қолган, деб эшитар эдим. Мана, фурсати етди, деб шунга қидириб чиқдим. Топсам, инсоф қилса...

— Босмачилар еб кетган бўлса-чи?

— Тешиб чиқсин.

— Қизиллар еган бўлса-чи?

— Оға, етимнинг ҳақиға ким кўз олайтирса, топади...

— Оти нима экан у чўпонни?

— Шунга билмайман-да. Бир чўпоннинг дейишиди... Отам ўлим олдида тилдан қолган эди.

— Шунга излаб юрибсан?

— Ҳа, қаерда овул кўрсам, бораман. Бир кеча ётаман. Чўпонларни гапга соламан...

— Бу ёқда овул йўқ.

— Ҳе, тепаликда бир дидбон кўринади.

— А, уми? Қани, юр-чи.

— У ерда одам яшайдими?

— Билмадим.

— Эса, қайтсам...

— Ҳа, юр-чи.

Овчи кийикнинг оёқларини куликлаб, даст кўтарди.

У баланд бўйли, сариқ чакмон кийган, барваста йигит эди.

Лекин кўзлари ҳорғин, зериккандек.

Жалил унинг кимлигини билолмай, бироқ босмачиларга алоқаси борлигига ишонган ҳолда, эргашиди. Салдан кейин, кийикни мен кўтарай, деди. Йигит қарамади.

Пистирма — қорасувоқ қилинган, тошқалама деворли уйча эди. Атрофда хас-чўп, суяклар ётибди. Нарироқда бир кўлмак сув. Лекин ранги лойқа, бадбўй ҳид келарди. Пистирманинг ичи шинамгина. Бироқ айланасига тўрт-беш қават қилиб кўрпачалар солинган, улар эскириб кетган, у ер-бу ерига мой тўкилган. Тўрдаги деворга учта пилта милтиқ ва иккита эгри қилич осилган. Уртада ўчоқ.

Қуюн кўрбоши шу овчининг ўзи экан.

— Ука, сен балки қизилларнинг одамидирсан,— деди у кийикнинг бир сонини қовуриб ўртага қўйган.— Майли... Мен Қуюн кўрбоши бўламан. Эшитган бўлсанг...

Жалил кўрқиб кетиб, ёқасини ушлади.

— Агар...

— Қасам ичма. Мен дунёда қасамдан кўрқаман, ука. Бир вақтлар қасам ичиб эдим... Шунча қизилни ўлдиряпман. Шунча бегуноҳни қийратдим. Шунча уйга ўт қўйдим. Шунча сурув молни афғонга ўтказиб сотдим...

— Ҳ-ў!— деди Жалил.

— Шу ишлар натижа бермаса, ука... биз енгилсак, ўзим паства эниб бораман, деб қасам ичиб эдим... Қайтар дунё

дейдилар. Одам мард бўлиб ўлиши керак, ука... Қилғиликни қилдингми, олло олдида жавобини ҳам бер.

— Ҳим...

— Шуйтиб ўтирибмиз.

— Бир ўзингиз?

— Йўқ.

Мўмин ҳам овга кетган экан. Иккита қуённи елкасига ташлаб келди. У ўртабўй, кўзлари кичкина ва чағир, сергак ва жонсарақ йигит эди.

— Бу ким? Сенга нима бор?— деб дўқ қилди Жалилга. Қуюн кўрбоши орага тушди:

— Қўй, тегма. Буям сенга ўхшаган бир дарвеш-да, Мўмин. Сен ҳам қаландар бўлиб келиб эдинг-ку! Тегма бунга, ўтир. Дам ғанимат.

Мўмин Жалилга ўкрая-ўкрая ўтирди.

— Менинг жўрам,— деди Қуюн кўрбоши Мўминни кўрсатиб.— Отган ўқи тегмайди-ю, ўзи менга содиқ... Ука, қовурдоқдан ол. Бу ҳалол гўшт...— У ғамгин кулди.— Узинг кўрдинг-ку, талончиликдан келган эмас.

— Ҳа, оға.

Қовурдоқни еб бўлиб, чой ичишди. Кейин ташқарида гулхан ёқиб ўтиришди. Анови қора кўлмакда ермои бор экан. Арча шохини ботириб олиб ўтга қўйилса, талай вақт ёниб турарди.

Бир маҳал тоғдан совуқ шамол эсди.

— Турайлик,— деди Мўмин.— Лекин шу ерда гулхан ёқишимиз ҳам чакки иш, бегим.

Қуюн ҳеч нарса демай уйга кирди. Ечинмасдан тўрға ўтиб ётди.

— Сен бу ёқда ёт,— деб оёқ томонидаги тўшакни кўрсатди Жалилга. Кейин Мўминга ўгирилди:— Эшикни ёпма, жўра. Ҳаво кириб турсин.

Кечаси алламаҳал. Жалил безовта. Қўрқади. Қуюндан кўрқади. У ҳўкиздеқ кучли. Энг ёмони — унинг кимлигини сезгандек: жуда майин гапирди...

Бир пайт Мўмин уйқусираб туриб кетди-да, сўкиниб, бир мударат ўтирди. Кейин инқиллаб ташқарига чиқди. Эшик оғзида бир оз серрайгач, ён томонга ўтди.

Жалил ҳам турмоқчи. Лекин Қуюндан кўрқади. Охири... Мўмин билан гаплашиш учун бундай қулай пайт бўлмаслигига ишониб, секин кўзғалди.

Тоғдан изғирин эсарди.

— Ҳа, қаёққа?— деб бақирди Мўмин ва лапанглаб юриб Жалилга яқинлашди.

— Орзихўжа ака юборди мени...— деб шивирлади Жалил.— Тириклай тутиб борар эканмиз.

— Жим.

Улар уйга қайтиб киришди. Мўмин ўз жойига, Жалил ўз жойига ётди.

Жалил энди Мўминдан кўрқа бошлади... Бироқ сал вақт ўтмай, унинг ўз одамлари эканига ишонди. Лекин, у нима қилмоқчи — билолмасди. Қуюн кўрбошини эса, ўлдирмасдан қўлга олишга иккисининг ҳам кучи етмаслиги аниқ. Балки келишиб, бирдан устига ташланишса...

Йўқ...

Эшикдан осмон этагидаги юлдузлар кўринар, улар ҳам бу изғиринда совқотиб, шунинг учун зўрға милтиллаётганга ўхшар эди. Қуюн кўрбоши бир текис нафас олиб ухляпти. Қоронғида Мўминнинг қимирлаб қўйгани кўринади.

Бир пайт Жалил уйқу аралаш тепасида бир сояни кўрди. Кўзларини шартта очди. Йўқ, тепасида эмас. Нарироқда. Мўмин!.. Қўлида қилич. У хиёл тисланиб, Қуюн кўрбошига тикилди. Энгашиди. Кейин қиличчи боши узра кўтарди-ю, «Во-о!», деб юборди.

Қилич шифтга — хариға санчилиб қолган эди.

Жалил туриб ўтирди.

Қуюн кўрбоши ёнбошлаб:

— Ҳе, Мўминбой-е,— деди.

Жалилни совуқ тер босиб, қалт-қалт титрай бошлади. — Бегим, мени афв этинг! — Мўмин тиз чўкканча бошини ерга уриб олди.

Қуюн элан-қаран кўзғалиб, чордана кўрди.

— Айт, айт,— деди.— Тўқи энди бирор нарса.

— Йўқ, мен...

— Нима?

— Манови бола...— Мўмин буриласолиб Жалилга ўқтал-

ди.— Чопиб ташлайман! Бу айғоқчи, бегим... Мени йўлдан урди...

Қуюн қўрбоши кулиб, ёнидан милтиқни олди. Қўндоғи билан шифтда солланиб турган қилични туртди. Қилич ерга тушди.

— Э, Мўмин бой-ей!— деди.— Ташқарида, нари борса, икки оғиз гаплашдиларинг, шунда алдаб олдимми?

— Бегим, бегим!..

— Ҳа, майли. Етинглар... Ё яна ўт ёқамизми? Тонг ҳам бўзариб қолди.

Жалил энг кейин чиқди. Ҳар нарсага тайёр: жумладан, қочишга ҳам. Бироқ қочиб қутила оладими — бу хаёлига келмас эди. Қуюн қўрбоши пастроққа тушиб, керишди. Кейин ермойли қўлмак бошидан қумғонни олиб, пастга энди.

Мўмин буриласолиб Жалилга шивирлади:

— Милтиқни опчиқ!

— Тириклай тутиш керак...

— Тур-э!

Мўмин ўзи чопиб уйчага кирди. Милтиқни олиб чиқди. Лекин пилта милтиқни отиш осон эмас. Пахтани тутатиш учун чақмоқни тошга ураркан, Қуюн секин юриб қайтиб келди.

— Нима қиялпсан?

— Шу... тонгда ов...

— Ха-ха-ха!

— Э-э!

— Шошилма.

У милтиқни олиб, ўқ-дорини тўқди, деворга суяб қўйди.

— Ўт ёқамиз.

Кийикнинг яна бир сонини кабоб қилишди. Оғиз-бурунлари, қўллари қоракуя ва мой бўлиб чой ичишаркан, қуёш ҳам чиқди.

— Йигитлар, энди гап мундай,— деди Қуюн.— Мени Денов бозорига олиб борасизлар.

— Бегим?

— Бек йўқ...— Қуюн қўрбоши кулимсиради.— Қаршингда бир саёқ ўғри турипти.

— Бегим...

Қуюн қўрбоши уйга қаради. Шимолга — тоғларга, чўққи-ларга қаради, атрофга — худди қашқир инига ўхшаш ён-верида суяклар сочилиб ётган ерга қаради.

— Боғланглар.

У қўлини орқасига қилди.

Мўмин Жалилга қаради. Жалил... Қуюн қўрбошига. Ва негадир йиғлагиси келди. Мўмин ҳам Қуюн қўрбошига қаради-ю, аста тисланди.

— Э, йигитлар-э,— деди Қуюн қўрбоши.— Жойларингда мен бўлмадим-да!

— Энди...

— Рост,— деди у ўйчанлик билан.— Дунё қўлдан кетганига олдинроқ ишонганимда, сизларнинг ўринларингда мен турар эдим. Ҳа, ёмон ишлар қилар эдим...

Мўмин бир қадам четга босди.

— Қўрқма,— деди Қуюн қўрбоши.— Боғла, ука. Лекин тагин бир нарсага ишонишни истайман.

— Айтинг, бегим!

— Мени суд қилишсин.

— А?

— Бозорда.

Бирпасдан кейин Қуюн қўрбоши олдинда — қўллари боғлиқ ҳолда, хотиржам кетиб борар, унинг орқасида Мўмин — қўлида бир милтиқ, елкасида бир милтиқ, шахдам одим отар, Жалил энг орқада — кийикнинг қолган гўшти ва бир бўхча шолрўмол кўтариб олган эди.

Боботоғдан энаверишда Мўмин ўзгариб қолди. Овози ҳам баландлаб, Қуюн қўрбошига: «Бу ёқдан, у ёқдан юринг!», дейдиган бўлди. Кейин уни сенлашга ўтди.

Илк қишлоққа яқинлашганда Жалилга қараб:

— Кўрдингми, босмачини ушлаш қандай бўлади!— деди.

Жалил гарангсиб:

— Сиз ушлаганингиз йўқ-ку!— деди.

Мўмин таққа тўхтади.

— Эса, сенми?

— Боғлашга боғладингиз...

Шунда Қуюн қўрбоши ўғирилди.

— Бола экансан-ку,— деди.— Буни мен биламан... Бу сениям отиб қўяди...

— Бас!

— Шунинг учун, ука, бунга хўп де. Сендан нима кетди! Ё сен ҳам Қуюн қўрбошини тутдим, деб...

— Нега...

— Ундай бўлса, майли, де.

— Олдинга ўт!— деб бақирди Мўмин.

Жалил қўрқа-писа ўтаркан, Қуюн Мўминга ўғирилиб:

— Болага тегма,— деди.

— Ишинг бўлмасин!

— Сен бола, қасам ич,— деди Қуюн Жалилга.— Мени бу қўлга тушириб боғлади.

— Нимага?

Мўмин милтиқни аста унга тўғрилади.

— Ана,— деди Қуюн қўрбоши.— Кўрдингми? Сенга барибир-ку. Тўғримми?

— Ҳа.

— Бўлди-да.

— Нима қилай?

— Мўмин ака Қуюн қўрбошини қўлга туширди, де.

— Ахир...

— Дейсан!

Жалил кўзлари дўлайиб:

— Хўп,— деди.

— У ёқдаги гап-сўзни унут.

— Хўп.

Уни тўғри «қизилкалтакчилар»нинг қуролланган отрядлари қароргоҳига олиб бордилар. Орзихўжа Қуюн билан бемалол гаплашди. Кейин уни Деновга олиб жўнади. Суд бўладиган кун жар чақиртилди. Оломон атрофда девор бўлиб тураркан, ревком, ЧК ва қишлоқ шўролари номидан Орзихўжа Қуюн қўрбошига иккита савол берди.

— Нима учун курашинг?

— Дин учун... Динимиз учун!— деди Қуюн.

Орзихўжа вакиллар ёнида саф тортиб турган домла, сўфи ва масжид имомларига қаради.

— Қуюн қўрбоши нима жазога лойиқ?

— Улим! Улим!— дейишди улар.

Орзихўжа яна Қуюндан сўради:

— Тагин нима учун курашинг?

Қуюн қўрбоши:

— Халқ... учун,— деди.

— Халқ!— дея хитоб қилди Орзихўжа.— Қуюн қўрбоши нима жазога лойиқ?

— Улим, ўлим!

Сўнг тало-тўп бўлиб кетди.

Қуюн қўрбоши йигитлари билан ўлдирганлари, сўйганлари, талаганлари, уйига ўт қўйганларининг қариндош-уруғлари, бола-чақалари дувиллаб, бири йиғлаб, бири қарғаб, бири унинг башарасига туфлаб, бири тош отиб... Қуюн қўрбоши шу ерда отилди.

Жалил ота Мўмин ака ҳақида ўйлаганда мана шулар кўз ўнгидан...

Шокир кирди.

— Ота,— деди бир тиззасида чўккалаб.— Вақт кетяпти. Чол ёнбошлаб унга тикилди.

— Кимни мўлжаллаяпсизлар?

— Кимни бўларди...

— Мўминнинг неварасигами?

— Ҳа.

— Йўқ.

— Ота...

— Йўқ.

Шокир бир нафас лунжлари тиришиб турди-да:

— Ахир, уни ёмон кўрсангиз — ўзингизга,— деди.—

Лекин бизга маъқул.

— Нимаси?

— Мўмин бобо... граждон урушининг қахрамони...

Орден-медаллари бор. Республика аҳамиятидаги пенсионер. Гапи ҳар ерда ўтади...

— Ҳа. Менгаям ёрдами тегади, де?

— Одам сал... орқали бўлиши керак-ку!

— У, бечора болам!  
 — Қўйинг, кулманг. Ўзингиз шундай бўлмаган бўлсангиз, биз айбдор эмас...  
 — Э-э.  
 — Тўғри-да... Ҳозир қайси мўйсафид билан гаплашманг, обрўйи ўзидан сал баланд тенгқурини ғийбат қилади.  
 — Мен ҳеч нарса демадим-ку.  
 — Барибир-да!  
 Чол тўшакда чалқанча бўлиб ётди. Унинг хўрлиги келар, атрофида аллақандай жирканч нарса бор-у... хўрландим деса, ўша мараз ёпишиб оладигандек эди.  
 Кунлар ўтди.  
 Бир кун яна ҳовлида югур-югур бўлиб қолдию Садаф чолнинг ҳужрасига кирди. Ёнига тиз чўкиб, чойнакни ушлаб кўрди. Иссиққина. Қопқоғини очиб қаради.  
 — Бобожон, ичмабсиз-ку?  
 — Гапир.  
 — Мени...  
 — Хўш?  
 — Мўмин бобонинг кичик неварасига...  
 Чол кўзини очди.  
 — Ўзингнинг кўнглинг борми?  
 — Вой, мен уни танайман ҳам.  
 Чол бирдан табассум қилди.  
 — Эса...  
 — Нима қилай?  
 Чол кўзини очди.  
 — Бобожон...  
 — Мендан домангир бўлманглр... Ўзларинг биласизлар.  
 Шу оқшом уйда, ҳовлида жанжал бўлди. Шокир бақириб хотинини сўқди. Хотини итни теша билан уриб вангиллатди. Садаф ўзича йиғлади.  
 Тағин бир ойча вақт ўтди.  
 Жалил чол фавқуллода сезиб қолдики, ўғли билан келини беҳад шошиляпти.  
 Садаф овқат олиб кирганда Жалил ота:  
 — Бир оз ўтир,— деди.— Сен менга ёлғон гапирмагансан.  
 — Ҳа, бобожон.  
 — Ота-энанг нимага шошяпти?  
 — Айтолмайман.  
 — Йўқ, айтасан. Мен хафа бўлмадим-ку... Бошга тушганини кўз кўради.  
 — Сизни...  
 — Нима?  
 — Термизга юборишмоқчи.  
 — Ҳа-а!— Чол ҳиқиллаб кулиб юборди.— Кўздан пананда турсин, деб-да?  
 — Йўқ.

— Ҳа?  
 — У ёқда катта докторларга кўрсатишади.  
 — Ҳе, она қизим-э. Бари бир-да!  
 Садаф йиғлаб юборди.  
 — Барибир эмас.  
 Чол бошини кўтарди.  
 — Нима?  
 — Сизни... ўлиб қолса...  
 Жалил ота гапни тушунди.  
 — Тўй орқага сурилади, шундайми?  
 — Ҳа.  
 — У йигитни кўрмадингми?  
 — Йўқ.  
 Садаф зира сепилган шавлани чолга суриб қўйди. Қария овқат ҳидидан иштаҳаси очилиб бурилди-ю, шавладан кўз узмай қолди.  
 Кейин яна чалқанча бўлди.

Эрталаб докторлар келишди. Чолни Термизга жўна-тишларини айтишди. Жалил ота:  
 — Мен тузалиб қолдим,— деди.  
 Докторлар чолни текшириб, бир-бирларига қарашди.  
 — Ростдан ҳам!— деди бирови остонада турган Шокирга.— Ўзгариш бор.  
 — А, ундай бўлса...— У икки қадам босиб отаси қошига келди.

Чол майин жилмайди.  
 — Нимага кеча овқатни емадингиз?  
 — Қорним тўқ эди.  
 — Бекор гап!  
 Докторлар чиқишди.  
 Чол бугун ҳам овқат емади. Кейинги кун ҳам. Ундан кейин...

Урмалаб бориб обрезга тўқади. Қўлини ювган бўлиб, устидан сув қуяди. Кейин: «Худо, ўзинг кечир. Увол қилдим...», деб жойига қайтади.

У, бу ишлари чиндан худога хуш келмаслигига ишонар, бироқ... бошқача йўл тутишга қодир эмас эди. Ҳолдан тойиб, ўрнидан қимирлаёлмай қолди. Шунда ҳам туз тотмади. Энди, келган овқатни тўшаги ёнидаги нос тупурадиган чуқурчага ағдаради.

Яратгандан афу сўраш ҳам уни қизиқтирмай қўйди.  
 У карахт бўлиб қолди.  
 Кейин — ўғли, келини ва Садаф тепасида кўзёши қилиб турганда — кетди.  
 Ҳаммани даҳшатга солган нарса — унинг юзида фавқуллода қотиб қолган табассум бўлди.  
 Тўй қолди.  
 ... Бу ёғи бошқа ҳикоя.



Расми Н. ГУЛОМОВ чизган



Эмин Усмон

## Кўнги кўзи

### ҚИССА



Вали ака қанча ухлаганини билмайди — чўчиб кўзини очса, жиққа терга ботиб кетибди. Кафти билан пешонасини бемажол сидираркан, бўғинларидаги сим-сим оғриқдан бўшашганча шифтга тикилиб ётди. Вассажуфт тоқиларнинг қайсидир бири ҳазин қисирлади. Вали аканинг назарида тиқ этган бу товуш сокин хонада гумбурлаб эшитилгандек туюлди. Тоқиларга неча иил олдин берилган оқиш бўёқнинг ранги хиралашиб, кўнғиртоб тус ола бошлаган. Шундоққина боши тепасидаги тўсинда қуёшнинг қизғимтир нури акс этиб жимирлайди. «Ғафлат босиб ухлаб қолибман-да. Шундан...» дея ўзини чалғитишга уринди Вали ака. Бироқ бундан кайфияти ўзгармади, аксинча, тушуниксиз бир ҳис юрагини ғижимлай бошлади.

Тавба, кечаси Қумри тушига кирибди. Қизиқ, кечқурун уни ўйлагани ҳам йўқ эди. Лекин унинг хаёли ҳамиша таъқиб этиб туради. Хотинининг бирон иши ёқмаса, ё ораларида гап қочса, беихтиёр: «Унинг ўрнида Қумри бўлганида шундай қилармиди?», деб ўйлайди. Ҳар гал кўриқхонага боратуриб Бешкўрғондан ўтаётганида юрагини армонли бир андуҳ эзади. Бу ердаги ҳар бир тош, сел олиб, фақат пойдеворигина қолган энг чеккадаги уй, сой бўйидаги самбит-толлар — бари-бариси ўспиринлик йилларини ёдига солади. Юрагида ишқ аталмиш ўтни ёқиб улгурмай қуйдириб кетган қизни эслатаверади. Лекин бугунги туши... Қумри кийик қиёфасида чопиб бораётганмиш, ортидан бир гала бўри қуваётганмиш. Югура-югура ҳолдан тойиб сойга тушиб кетганмиш...

Вали ака паришон бир тарзда ҳовлига тушди, энсиз цемент йўлка бўйлаб оҳиста нари-бери юра бошлади. Кенг айвоннинг ўртасидаги хонтахта олдида неварасининг тиззаси ситилган шимини ямаб ўтирган хотини эрига кўзойнаги оша ажабланиб қаради. Вали ака унинг нигоҳини ҳис этган бўлса-да, эътибор бермади. Азалдан одати шунақа: етти боланинг ота-онаси бўлишибди ҳамки, ҳалигача очилиб-сочилиб гаплашишмаган, бир-бировининг қулоғига сир айтишмаган. Йўқ, хотинини ўзига тенг билмаганидан, ҳурмат қилмаганидан эмас — у аслида камгап, шодлигини ҳам, ташвишини ҳам ичига ютадиган оғиркарвон одам. Хотини эса, аксинча, жиккак, сўзамол. Минғаймас эрининг ичидаги

Журнал варианты.

гапину суғуриб олиш учун ҳамиша жиғибийрони чиқиб, куюниб юради. Ҳозир ҳам эрининг нимадандир диққати ошиб турганини кўрдию қўлидаги шимни бир четга қўйиб нимадир дейишга чоғланди. Бироқ Вали аканинг ҳовли этагидан оқиб ўтган ариқ томон юрганини кўргач, билдики, ҳозир гап-сўз беҳуда.

Вали ака эса тўхтаб, помидор экилган майдоннинг гир айланасига ўтқазилган арчаларга кўз ташлади. Уч йил олдин экилган арчалар ҳали ҳам бир қарич бўлиб турибди. Уларнинг қад ростлашини кўриш учун сабр-тоқат билан узоқ кутиш керак. Сабр-тоқат билан...

Қадди тикроқ ўсган арчага чирмашиб кетган чиний атиргулнинг шапалоқдек барглари худди ёғ суртилгандек йилтирайди. Бу гул бениҳоя чиройли очилади. Қирмизи гулкосалар атиги бир неча кунгина кўзни кувнатиб туради-да, дув тўкилади. Чўғдек ёниб турган гулнинг кўнгилларга бир олам завқ бағишлаши, кишини ёрқин ҳислар оғушида маст қилиши учун мана шу қисқа муддат кифоя. Аммо ана шу лаҳзаларга етиш учун озмунча сабр-тоқат керакми?

Ҳовлининг этаги тахта девор билан ўралган. Унинг ортидан каттагина ариқ оқиб ўтади. Ариқнинг икки чети бетонлаштирилиб, кўндалангига энли тахта ташлаб қўйилган. Вали ака тахтанинг устига чиқиб, ариққа энгашди. Тахта эгилиб, таги чилп-чилп сувга теги. Бирдан болалиги тўтиб, тахтани лопиллатавергиси, унинг синиб кетишидан кўркмай қийқириб ўйнагиси келди. Бироқ, ариқнинг нарёғи бировнинг ҳовлиси, битта-яримтанинг кўзи тушиб қолса...

У энгашиб, муздек сувда бет-қўлини ювди-да, роҳатланиб энтиқди. Сув одамнинг дардини ҳам, гардини ҳам олади, барча губорлардан фориг этади. Вали ака руҳида энгиллик туйиб, узоқ ўтирди. Шошқалоқлик билан оқаётган сув ариқ тубидаги ўтларни худди тароқ солгандек торқилайди. Унга сари сув ўтларининг ранги янада тиниқлашиб, янада кўркамлашади, қиз боланинг шамолли кунда тўзгиган сочларидек селкиллайди. У ўтларни авайлаб силади. Бўғин-бўғин бўлиб ўсган ўтлар баданини жимирлатадиган даражада силлиқ эди. У Қумрининг сочларини атиги бир марта, урушга жўнаб кетадиган кўни силаган эди...

Уша кўни кеч кириши билан Вали Бешқўрғон қишлоғига югурди. Қишлоқ гузардан бир чақиримча олис эди. Буғдой аллақачон ўриб олинган, тепаликлар тап-тақир. Йўлнинг чап томонидан сойнинг шовқини эшитилади. Сув тегирмони эса олисдан юракка ваҳм соладиган даражада қорайиб, хунук кўринади. Уруш бошлангандан бери тегирмон ҳам кам ишлайдиган бўлиб қолди. Камол тегирмончи иши камайганидан буён бандига тасма уланган кўзойнағини тақиб, тош теради. Вали неча марта Қумрини кўриш илнжиди келди-ю, тегирмон олдида тош йўниб ўтирган отасини кўриб, секин изига қайтди. Лекин бугун Қумрини кўрмаса, лоақал икки оғиз гаплашмаса бўлмайди — эртага урушга жўнаб кетяпти. Ким билади, қайтиб кўриши насиб қиладими, йўқми... Ҳеч бўлмаса, кетар чоғида юрагидаги гапларини айтиши керак.

У одатдагидек кўчанинг нариги бетидаги тол тагига келиб тўхтади. Деразасидан ёруғ тушиб турган уйдан кўз узмаган кўйи чўнқайиб ўтирди. Кунчиқишга қаратиб солинган уйнинг олди айвон, атрофига тошлардан девор олинган. Учта билмакдек ходадан қилинган ғов дарвоза вазифасини ўтайди. Вали энгашиб, девор панасига келди. Бутун вужуди кўзга айланиб, чироқ ёниб турган уйнинг эшигини пойлай бошлади. Қумри бари бир ташқарига чиқади, ҳеч бўлмаса, идиш-товогини ювгани ўчоқбошига ўтади-ку. Учоқбоши ҳам ўчакишгандек тескари томонда; уйнинг нариги бурчагига қурилган. Секин ҳовлидан ўтиб ошхонага кириб олсамкин? Мабодо, Қумри эмас, онаси чиқиб қолса-чи? Бўсагада ётган ит ҳам у томонга ўтгани қўймас керак. Бордию Қумри чиқмаса нима бўлади? Наҳотки, охирги марта бир кўр-ролмай, хайрлашолмай кетаверса?..

Тош деворни паналаб узоқ кутди. Оёқлари увишиб, ўрнидан турмоқчи бўлганида айвон пастида ётган ит шарпани сезиб, эринчоқлик билан ҳурди. Агар ўрнидан турса, ташланиб қолиши мумкин. Вали бир кифти билан деворга суянганча секин уф тортди. Тошнинг қирралари

елкасига ботиб, оғрита бошлади. Майли, оғрисин, шилиниб, қонаблар кетсин — чидайди! Агар Қумри чиқмаса, тонг отгунча шу зайлда ўтираверади, урушга ҳам бормайди. Агар Қумри кузатиб қўймас, бу ердан бир қадам ҳам жилмайди! Майли, маломат қилишсин, кўрқоқликда айблассин, уни бир кўрмаса, кўзларига тўйиб-тўйиб боқмаса, мана шу деворнинг тошларига сингиб кетади!..

Вали муздек тошга елка тираб узоқ ўтирди. Чиндан ҳам елкаси шилиниб кетгандек оғриқ кучайди, ҳадеб қоронги бўшлиққа тикилаверганидан кўзлари толди. Бардоши тугаёзганини ҳис этди, сабри чидамай, ўрнидан туриб кетиши мумкинлигидан хавотирлана бошлади. Шу пайт чироқ ёниб турган деразада кўланка пайдо бўлди. Айвон пастида ётган ит секин туриб, оғил томон юрди. Эшик очилиб, чироқ кўтарган Қумри кўринди. Вали шоша-пиша ўрнидан турди, эҳтиёткорлики ҳам унутиб:

— Қумри! — деб шивирлади титраб.

— Вой... — Қиз чўчиб тушди. Бир қўллаб айвон устунини ушлаганча кўрқа-писа ғов томонга қаради. — Ким? — деди қалтироқ овозда.

— Қўрқма, бу мен... — Вали томоғи қуриб, тили қотиб қолганини ҳис этди. — Бу ёққа келгин... — деди ғўлдираб.

Қумри ичкарига бир қараб қўйди-да, секин айвондан тушди. Ҳовли ўртасига етгач, қўлидаги чироқни қафти билан пана қилганча тўхтади. Чироқ шуъласида юзининг бир қисми, бармоқлари қизариб кўринди. Шамол чироқ шуъласини ўйнатиб, унинг соясини гоҳ уй деворига, гоҳ ҳовлининг юқори қисмига парчинлай бошлади.

— Нима қилиб юрибсан бемақалда? — дея қўрқув аралаш пичирлади қиз.

— Сенда гапим бор... — Вали «Сени кўргани, хайрлашгани келдим», дедлаганидан ғижинди.

— Нима гапинг бор? — Қумри хавотирланиб бир неча қадам юрди. — Тезроқ гапир.

Вали юрак ютиб ғовдан ошиб ўтмоқчи бўлган эди, бостирма тагида ётган итнинг ириллаганини эшитиб, жойида қотиб қолди. Қизнинг янада яқинроқ келишини кутди, бироқ унинг жойидан жилмай турганини кўргач:

— Бу ёққа ке... — деб пичирлади.

— Йўқ. — Қиз бош чайқади. — Ҳозир отам чиқиб қолади.

— Зарур гапим бор, — деди Вали ва бирдан боши эгилди. Наҳотки, шундан шуёққа келган, қачондан бери эшигининг тагида ўғри мушукдек пойлаб ўтирган бўлса-ю, у лоақал гапини ҳам эшитишни истамаса-я! Асли айб ўзида, шунча йил бирга ўқишди, неча марта пичан ўрмига чиқишди, буғдой янчишди, ҳатто хирмонда қолиб кетган пайтлари ҳам бўлган. Бир оғиз кўнглидаги гапини айтмади, ҳеч бўлмаса, икки энли хатни секингина қўлига тутқазиб, жавобини кутаман, демади. Бўлмаса, аллақачон қиз дилини билган бўларди. Ю-юрди, сўлжайиб. Мана энди...

У аста хаёлини йиғиб қизга тикилди. Қумрининг чироқ ёғдусида қизғимтир товланган юзида, қийиқ кўзларида саросима, ҳурмак бир хавотир бор эди.

— Келақол энди, Қумри, — деди Вали ёлборгудек бўлиб.

Қумри унга бир қараб олгач, шартта изига қайтди. Унинг чурқ этмай жўнаб қолганини кўриб, Валининг жони товоғига тушиб кетгандек бўлди.

— Қумри!... — У қичқириб юборганини сезмай ҳам қолди.

Қиз кескин бурилиб, худди таъна қилгандек норози қараб қўйди-да, ошхонага кириб кетди. Қозонга сув қуйилгани, идиш-товоқнинг шиқирлагани эшитилди. Зум ўтмай эшикда қизнинг қораси кўринди. У уй томонга қарай-қарай сассиз юриб келди-да, ғовнинг бериги томонида тўхтади.

— Нима дейсан? — Қумрининг овози титраб чиқди. Энтикиб нафас олишидан у ҳам йигитдан кам ҳаяжонланмаётгани билиниб турарди. У белини сириб турган нимчасининг этагини тинмай тортқилар, қўлларини қаёққа кўярини билмас эди.

— Урушга кетяпман, — деди Вали дабдурустан. Қизнинг кўзлари катта-катта очилиб, лаблари уча бошлаганини, қўллари ҳаракатдан тўхтаганини кўргач, бу совуқ хабарни ҳозир айтмаслиги кераклигини англади.

— А?! — Қумри бармоқ учларини лабига босганича қалқиб кетди. Афтидан, у ҳам бундай совуқ хабарни мутлақо кутмаган, йигит одатдагидек жиққа терга ботганча



мўлтираб туриш, узун-қисқа хўрсиниб ғашини келтириш учун келган, деб ўйлаган эди.

— Шундай бўп қолди...— Валининг юраги тўлиб кетди, аммо хўрсинмади; қиз боланинг олдида ўзини мумсин қилиб кўрсатмаслиги керак. Қўрқаётган экан, деб ўйлаши мумкин.

Қумри қўлини мушт қилиб, тишига босди. Ич-ичидан ингроққа ўхшаш бир овоз келди-ю, бўғзида туриб қолди. Отасига ҳам чақириқ қоғози келган, эртами-индин кетса керак. Кеча икки қоп бугдой билан ярим қоп шолини қазноққа олиб кириб, устига эски-туски пўстакларини ташлади-да, хотинига: «Болаларни зориқтириб қўйма», деб тайинлади. Отаси ҳеч қачон бировдан нарса бекитмаган, борини ҳамма билан баҳам кўрадиган қўли очик киши эди. Шундай одам икки қоп бугдойни кўздан нарироқ қўйибди-ми, демак, уруш ҳали-вери тугамас экан. Демак, отаси ҳам, Вали ҳам ҳали-вери қайтишмайди.

Қумри бўғзида туриб қолган ингроқ отилиб чиқиб кетишидан кўриб, муштира қаттиқроқ тиш ботирди.

— Сен ҳали ёшсан-ку,— деди энтиқиб, аммо бу фикрга Валидан ҳам кўра кўпроқ ўзини ишонтиришни истар эди. Гарчанд рўпарасидаги йигитнинг забардаст жуссаси, меҳнатда қадок бўлган қўлларининг бақувватлиги, ишчанлиги ёқса-да, шу тобда унинг ушоқдан ҳам кичкина одамга айлиниб қолишини истар эди.— Ун саккизга тўлмаганларни урушга олмайди, дейишган эди-ку.

— Нега кичкина бўларканман?— Вали норозилик билан тўнғиларкан, кўрагини кериб, қоматини янада тикроқ кўрсатишга уринди.— Яқинда ўн саккизга тўламан.

— Ҳали уч ой бор-ку,— деди қиз, худди ундан ўн саккизга тўлмай туришини ўтинаётгандек.

Вали содда эди, Вали гўл эди — қизнинг унга қанчалик қайғураётганини, неча ёшдалигини ой-қунигача ҳисоблаб юрганини билмасди!

— Нима қипти... Менга ўхшаганларни олаверишади,— Вали мақтанчоқлик қилаётганини сезиб, тилини тишлади.

— Олмай тургани яхши-ку. Ахир...

Вали урушни эрмак фаҳламаса ҳам, ҳар қалай, милтиқ кўтариб, нари-бери юрадиган машғулота ўхшаш бир нарса деб биладиган соддадил бола эди — оғзини тўлдириб жавоб берди:

— Қизиқмисан, у ёқда немис босиб турса, биз бу ёқда ялло қилиб юрсак... Яхшими? Тезроқ бориб, душманни инига тиқиб келайлик-да.

Қумри индамади. Йўқ, Валининг чираниб айтган гапларидан энсаси қотмади, нодонлигидан кулмади ҳам. Фақат, кўнглига яқин одами, кечалари тош девор панасида биқиниб, йўлини пойлайдиган содиқ кўриқчиси, изига қараб туриб, хўрсина-хўрсина оҳ урадиган соддадил ошиғи наҳот эртага...

— Қумри,— деди Вали қизнинг не аҳволдалигидан беҳабар,— ҳалиги... пахта тергани чиққанда айтган ашуланг бор эди-ку... Ушани бир айтиб бер.

Қумри ночор жилмайди: шу пайтда юрагига ашула сиққанини!

— Йўғ-э,— деди уй томонга ўғринча кўз ташлаб.— Эшитиб қолишади.

— Секингина... шивирлаб айтсанг ҳам майли.

— Жиннимисан, ашуланг нимаси шу пайтда!

— Ҳўп, дея қол,— деди Вали ялинчоқлик билан.— Биласанми... Бу ашулангни... ҳалиги... Сен ишонмайсан... куларсан ҳам... Мен уни юрагимга босиб... олиб кетаман. Ким билади, яна эшитаманми, йўқми...

— Ундай дема...— Қиз ихтиёрсиз бир равишда Валининг лабига бармоқларини босди.— Ёмон ният қилма. Яхши гапгайм, ёмонгайм фаришта омин деркан.

Вали қизнинг қўлини журъатсизлик билан ушлади. Унча қовушмай, ҳатто кўрқув билан аста силади. Қумри ҳамон нимадир дер, куйиб-пишиб алланимани уқтироқчи бўлар, бироқ Валининг қўлигига гап кирмас эди. У ўт ҳамда сут исчи келиб турган бармоқларни авайлаб силаркан, ботинқирамай ўпди ва шу ондаёқ гўё сархуш бўлган одамдек боши айлиниб кетди.

Тўсатдан эшик очилиб, томоқ қирганча Кемол те-

гимрончи чиқиб келди. Елкасига елвагай ташланган чопонига ўраларкан:

— Ким у? Қумри, сенмисан?— деди-да, қизининг жавобини кутмасданоқ:— Нима қилиб турибсан ағда?— деб сўради.

— Ғовнинг ёғочи солинмаган экан, ота,— дея ҳамон жойидан қимирламай жавоб берди Қумри.

— Қўявер, ўзим қарайман,— Камол тегиримончи ҳовли тўрига қараб юрди.— Тезроқ қозон-товонгни ювиб ола-қол.

— Ҳўп, ота.

Қумри деворга қапишиб турган Валига қараб бош ирғади. Йигит унинг хайрлашганини ҳам, кутиб тур, демоқчи бўлганини ҳам билолмади.

Уша қуни Вали девор тагида хўроз такрор-такрор қичқиргунча пойлаб ўтирган эди. То Қумри чиқиб, четларига уқа тутилган дастрўмол бериб кетгунича кутди. Тузукроқ гаплашишмади ҳам. Уй томонга қарай-қарай бирпас жим туриши-да, шивирлабгина хайрлашиб ажралишди. Вали уни охириги марта кўраётганини, энди ҳеч қачон бу тош кўрғонни ёқалаб юрмаслигини билганида, бу ердан бир қарич ҳам жилмаган бўларди. Тун оғса оғсин эди, тонг отса, отсин эди, у мана шу деворнинг битта тошига айлиниб Қумрини кўриқларди, офатдан, бало-қазодан асрарди. Уруш-ку уруш экан, қиёмат-қойим бўлса ҳам уни ташлаб кетмасди!

Инсоннинг қисмати ўзига аён эмас. У бир неча дақиқадан кейин ҳаётида қандай ўзгариш содир бўлишини билмайди. Агар билганида... Қани эди, одам тақдирни табдил этолса... У чоғда Қумридан бевақт жудо бўлмасмиди, ҳалигача юраги симиллаб, ўртанмасмиди? У қандай қиз эди!.. Шивирлабгина айтган қўшиғи ҳали-ҳали қулоғи остида жаранглайди:

Гўлмиди очилгани,  
Гўнчамиди қайрилгани...

Қирқ йилдан бери бу қўшиқ унга ҳам тасалли беради, ҳам юрагини эзади. Ушалмаган орзу — кўнгили тубига чўккан тош; олиб ташлолмайсан, кўтариб юриш душвор. Лекин, начора?..

Вали ака тиззасига таяниб, ўрнидан кўзғалди. «Нега юрагим ғаш? Қумри ёдимга тушгани учунми? Ахир, уни эсласам, ҳамиша кўнглимда фараҳли бир хотиржамлик туярдим-ку? Унинг хотираси ҳеч қачон нохушлик уйғотган эмас эди-ку? Нега энди бугун...»

Адоғи йўқ ўйлар, бирданги ёпирилиб келган хотиралар Вали акани чарчатган эди, ариқ лабига оҳиста ўтирди. Толиққан асабларига ором истаб яна сувга тикилди. Бироқ энди сув бетида сабзи-пиёз пўчоқлари, бир чети заха бўлиб уринган олмалар оқиб келарди. Вали аканинг баттар таъби тирриқ бўлди. Ўзини чалғитиш ниятида қишлоқнинг гирдини кўриқчидек ўраб турган тоғларга кўз ташлади. Серқирра чўққилар худди ушатишган новотга ўхшайди. Терак бўйи кўтарилган қуёш Такали чўққида илиниб турибди. Бу Човкартовнинг энг баланд қисми. Ҳамиша кўкмитир булутларга қўлганиб туради. Тепасига чиқиб қўл узатсанг осмонга етадигандек туюлади. Икки ёнидаги паст-баланд тизмалар бу юксак чўққига ҳасад қилгандек сукут сақлашади. Тоғнинг тошлари палахса-палахса ушалиб, худди тирик мавжуддек пастга силжийди. Майдаланган тошлар Беш-кўрғон қишлоғининг тепасидаги қиргача тушиб келади. Одамлар ҳар йили тош териб, кейин бугдой сепишади.

Вали ака ўрнидан вазмин кўзғалди. Ариқдаги хору хас оқиб кетган, сув яна кишининг баҳри-дилини очадиган даражада мусаффо эди. Ариқ тубидаги тўзғинган сочларни эслатувчи ўтлар сув измига бўйсунганча эшилиб буралар, гўё бандидан узилиб илгарилаб кетмоқчига ўхшарди. Билмасдики, бандидан узилса, у ўт эмас — хас. Хас эса бир четга итқитилади. Фақат хотирани итқитиб бўлмайди. Хотирот кишини ҳар қадамда таъқиб этиб туради. Бироқ бугун Вали акани хотиралар эзаётгани йўқ. Ултишини эсласа, ҳеч кимнинг олдида юзи шувит бўлмайди. бировдан тил қисқиклик жойи ҳам йўқ. Фақат бугун

нимадандир юраги гаш. Нима қилса, юрагини кемираётган бу дилтангликдан қўтилишини ўзи ҳам билмайди. Биргина чора — қўриқхонага чиқиб кетиш. Тоғ-тошда юриб ўзини чалғитади. Балки, қўриқхонада бирон қор-қол юз бергандир? Тоғли жой, айиқ бор, қашқир бор, дегандай... Баъзан қашқирдан ҳам бешбаттар одамлар учраб қолади.

У бир-бир босиб ҳовлига кириб келди. Ҳамон айвонда ўтирган хотини эрига хавотирли назар солди. Ишида бирор қор-қол юз бердимкин? Бошқаларга ўхшаб мундай юрагини ёрмас. Оғзига талқон солиб олиб, бу ёқдагиларни хит қилгани қилган.

Вали ака индамай уйга кириб кетди. Хотинининг нима дейиши маълум: у тугабди, бу тугабди, шофёрингизга айтинг, бозор қилиб келсин. Билмайдик, шофёр қарол эмас, давлат хизматчиси. Ҳафтасига лоақал бир кун дам олиши керак. Хотинига қолса, шофёр ҳовли супуриб, молларнинг тагини тозаласа.

У иссиқроқ кийиниб чиқди. Ҳовли ўртасида турган «Газик»нинг эшигини очиб, ёмғирпўшини ўриндиқ суянчигига ташлади. Капотни очиб, машинанинг ёғига қаради, радиаторга сув қўйди, сўнг ғилдиракларни тепиб-тепиб кўрди.

— Ҳа, қаёққа отланиб қолдингиз?— деб сўради хотини кўзойнагини пешонасига суриб, ўрнидан тураркан. У эстагига илашган қийқилларни қиқиб ташламасданоқ эрининг йўлини тўсишга ошиқди. Шундай қилмаса индамай жўнаб кетиши мумкин.— Бозор томонга ўтсангиз бирор кило қўйруқ ола келинг. Нуқул чойимда шаша тик турибди. Лоп этиб Тошкандан тўнғичингиз болаларини олиб кеп қолишса, сомса қилардим.

Вали ака рулга ўтиратуриб, хотинига кўз қирини ташлади: ёши олтмишга бориб қолганда ҳам оғзидагини болачақасига илинади. Эртаю кеч невараларининг ғамини ейди. Бошида ота-онаси бор, оч қўйишмаётгандир деб ўйламайди.

— Қўриқхонага кетяпман,— деди Вали ака чўнтагидан калит оллатуриб.

— Вой, қўриқхонангиз нимаси?— Хотини ўсма юки қолган қошларини чимирди. Пешонаси, кўзлари атрофини майда ажин қоплаган бўлса-да, ёши ўтинқирагани унча билинмас, чақнаб турган кўзлари бу аёлнинг вужудида ҳамон тинчини бузиб турган ғайрат борлигидан далолат берад, фақатгина тишлари сийраклашиб қолганидан устак лабини, иягини тилимлаб ўтган чизиқлар уни кампирдаҳан қилиб кўрсатарди.

— Кечагина бориб келдингиз-ку. Сиз тепасида турмангиз қуёнларни бўри ғажиб кетармиди?

— Менинг ишим қуёнларни бўридан қўриқлаш,— деди Вали ака хотиржамлик билан.

— Ҳа, ордоналар қолсин ишингиз!— хотини шарт бурилиб, яна айвонга йўналди.

— Бўлдим?— Вали ака моторни товлади.

— Бўлмаганда, гапни эшитсангиз экан. Қачон ман бир гапни бошласам, сиз тоққа қочишни мўлжаллайсиз. Шу бечораям одам-ку, мангинага айтадиган дарди-ҳасратни бордир, бола-чақасига ёрилолмас дейиш йўқ.

— Бўпти,— деди Вали ака худди ҳеч нарсага эшитмагандек хотиржамлик билан.— Бугун қайтмайман. Қўриқхонада қиладиган ишларим бор.

— Қўриқхонагаям ўт тушин!

Машина аста ўрнидан қўзғалди.

Вали ака сойнинг офтобда қизиб ётган тошларига хомуш тикилиб борарди. Соё бўйида тузуқ-куруқ ўт ҳам ўсмас, эрта баҳорда қулф урган майсалар ёз бошидаёқ қовжирай бошлаган эди. Фақатгина сувсизликни писанд қилмайдиган майда баргли какра, янтоғ тез-тез учрайди. Ора-сира кўзга чалинадиган самбитоллар, юлғун буталарининг қизғимтир новдалари бу тошлоққа жиндақина файз бағишлайди. Соё ичкарилаб, тоққа яқинлашгани сайин чирмовиқдай шох ташлаб ўсган наъматаклар учрайди. Йўлнинг чап томони исирик, қўзиқулоқ, бугдойиқ босган қир, адирлар. Тоғ этакларига яқинлашган сайин арчалар қуюқлаша бошлайди. Йўл кескин бурилиб, юқорига ўрлаган жойда Бешқўрғон қишлоғи жойлашган. Успирилик чоғининг энг тотли хаёллари шу қишлоқ билан боғлиқ. Энди қишлоқ бутунлай

ўзгариб кетган. Энг четдаги тош девор билан қўршалган ҳовлидан ном-нишон қолмаган. Уй пойдеворидан нишона бўлиб икки қатор терилган харсанларгина мунғайиб турибди. Уруш тугайдиган йили сел келиб, анча-мунча уйларни ювиб кетибди, қанча одам нобуд бўлибди. Энди бу ерда шифер тозла оқ уйлар қурилган, одамларнинг кўпчилиги совхозда, бир қисми ўрмон хўжалигида ишлашди. Илгари қўриқхона деган гап йўқ эди, одамлар бемалол тоғдан ўтин териб келишарди, қишда каклик тутишарди, бироқ ҳеч ким миллиқда ов қилмасди. Одамлар қор ёғишини кутишарди. Янги қор ёққан куни тоққа бориб, каклик қувлашарди. Оч жигаранг патлари ял-ял товлавчи қушлар гуриллаб ҳавога кўтариларди-ю, лекин узоққа учолмас, кўнган жойида қорга ботиб кетарди. Ким абжирроқ бўлса, какликларни тепасидан таппа-таппа босиб, ушлаб олаверарди...

Ов одамлар учун вақтихушлик, катта шодиёна эди. Қишлоқда Ҳасан мерган, Сортой кал, Махмуд лочинкўз деган мерганлар бўларди. Ҳар овга чиқишганда фақат битадан тулки ёки бўрсик отишар, йилда бир ёки икки бор айиқ овлар эди. Одамларнинг ўзи инсофлимиди ё уларни харисликдан тийиб турадиган куч бормиди, ҳар қалай, тоғда бирон жониворнинг қирилиб кетганини биров эшитган эмас. Энди-чи?.. Агар салгина назорат сусайтирилса, баъзилар ёпирилиб келиб қўриқхонадаги тирик жонзотларнинг барисини бир кунда тутишдан ҳам тоймайди.

Иланг-биланг йўл тобора юқорига ўрлар, машина хунук ўқирганча кучаниб илгарилар эди.

Вали ака қуюқ дарахтзор ўртасига жойлашган қўриқхонанинг пастақина биносига етиб келганда ҳам кўнглидаги ғашликдан қутулолмади. Узун йўланинг икки четида саф чеккан арчаларга, гуноҳқорона бош эгган бир жуфт мажнунтолга, шундоққина бино орқасидан бошланган тоғ ёнбағридаги буталарга узоқ тикилиб турди. Ҳавода арчани ўзигагина хос хушбўй иси кезар, чуқур-чуқур нафас олишининг ўзи бир ҳузурбахш лаззат. Тоғларга шу қадар теран суқунат чўққанки, ҳатто юрак дукурлаб ураётганини баралла эшитиш мумкин. Аҳён-аҳёнда бу жимликни сўфитўрғайларнинг «чив-чив», какликнинг «оҳ-оҳ-оҳ» дея сайраши бузади. Сўнг сокинлик янада теранлашади.

Вали ака худди чақалоқни уйғотиб юборишдан чўчигандек эҳтиёткорлик билан эшикка калит солди. Димоғига гуп этиб димиққан ҳаво уридио шоганча бориб, тоққа қараган деразани ланг очиб юборди. Худди шуни кутиб тургандек қандайдир қушнинг булбулга тақлидан сайраши эшитилди. Вали ака деразадан бошини чиқариб, арча шохларига синчиклаб қаради, қанотларининг устида жигаранга мойил узун чизиғи бор миттигина сариқ қуш томоғини килкиллатганча завқ билан берилиб сайради. Унинг овози майин, юракни орзиқтирадиган даражада ёқимли... Вали ака қушчани чўчитиб юборишдан чўчигандек сассиз юриб, тўрдаги ёзув столига ўтиб ўтирди. Кенг хонанинг жиҳозлари санокли ва содда эди. Ёзув сталининг ўнг томонидаги бурчақда темир қути, унинг тепасида Кўчма Қизил байроқ, орқа деворга чорчўпга солинган турли хил диплом ва Фахрий ёрлиқлар осилган, чап бурчақда қўритилган гиёҳлар солинган альбом ва унинг қаторида шиша кўзларини бақрайтириб турган қушлар ҳамда турли хил ҳайвонларнинг тулуми. Сариқ қушчанинг хониши бу осуда хонага сирли, улуғвор руҳ бағишлайди. Қаярдадир, олисада каклик сайради. Зум ўтмай яқингина жойда унга жавобан тилга кирган какликнинг овози эшитилди. Унинг ўрғанмаган қулоққа дафъатан дағалроқ туюлувчи овозида мана шу юксак тоғларга хос салобат, тароватли исларга тўлиқ худудсиз арчазорларга жуда-жуда ярашадиган бетакрор тиниқлик бор эди.

Тўсатдан тоғнинг қуюқ арча қоплаган ёнбағри, Такали чўққининг деразадан кўриниб турган қисми ёришиб кетгандек бўлди. Кўм-кўк арчалар орасидан оппоқ ҳарирге бурканган қиз кўрингандек туюлди. Кумри, Кумринини ўзи!.. Вали ака шоша-пиша ўрнидан турдию бўшашиб дераза раҳига суянди, елкаларидан тоғдек юк босгандек бирдан букчайиб қолди. Рўпарада, узала тушиб ётган айиқдек улкан харсанг тагидан қайнаб чиққан булоқ ёнида ғуж бўлиб ўсган наъматак қийғос гуллабди. Оч нопармо гулларни илгари пайқаманган эканми ё бугун очилганми

ишқилиб, кўзига оқ ҳарирга бурканган қизга ўхшаб кўринди. Қумри ҳам кўпинча оқ киярди. Урушдан келганида онаси айтиб эди: «Қизгина худди фариштадек оққа ўралиб юрарди. Бир куни кўриб ақлим ҳайрон қолди. Ёпирай-а, одам боласиям шунчалик сулув бўладими? Сал озиб, бўйи чўзилганга ўхшарди-ю, чиройи очилиб кетган, қош-киприк — барги қиёқ. Бечора ерга етилган экан, ҳеч қанча вақт ўтмай чўкиб кетди».

Вали ака Қумрига, унинг оиласига тааллуқли гапларни кейин, уруш оппон-соппон бўлиб қишлоққа қайтган, эшитди. Эшитдию бир дарди ўн бўлди, урушдан омон қайтганига ўқинди. Қумрисиз ҳаёт ҳаётми, деб ўйлади. У урушга жўнаб кетишадан олдин онасига юрагини ёрган эди. Шу куни онаси тоғ отгунча мижжа қоқмаган эди; унинг энгил-бошларини ювиб-таради, нон ёпди, халталарга ёнғоқ, туршак солди. Саҳархез хўрозлар кучаниб қичқира бошлагандагина ҳориб-чарчаб, пойгакка ўтирди. Вали онасининг суяклари туртиб чиққан чўзиқ юзига, дардчил боқувчи кўзларига, бевақт оқарган сочларига, ҳали молнинг тагида, ҳали дала-тузда куймаланавериб дағаллашиб кетган қўлларига қараб юраги эзилди. Энди онасига баттар қийин бўлади, укалари ҳали ёш. Бултур отаси тўсатдан вафот этгач, рўзгор ташвиши Валининг гарданига тушган эди.

У кетса, онасига жабр... «Ўғлим, қирғиннинг қонига кетясан, дилингда нима гапинг бор, билиб қўй»,— деган эди онаси ўшанда.— Вақти келиб армон бўлиб қолмасин. Насиб этса, ҳали дорилоним кунларгаям етармиз, орзу-ҳавас кўрармиз...» Вали ҳеч қачон онаси билан сирлашган эмас, она-боланинг бир-бирига юрагини очиши удумгаям тўғри келмайди. Бундай гаплар одатда ўғилнинг бирор ўртоғи орқали айтирилларди. Лекин ҳозир замон алғовдалғов, эртагина нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Вали ноилож юрагидаги гапини айтди-қўйди: «Қамол тегирмончининг қизидан хабардор бўлиб туринг...» Она шўрлик лабини тишлади; боласи тушмагур, кўрпасига қараб оёқ узатмабди-да... Қамол тегирмончининг уруғ-аймоғи бадас-тур, Бешқўрғонни сўраб ётишибди, тул хотиннинг етимчасига қиз берармиди? Бир ёқда оғзи билан юрт сўрайдиган Жамол акаси бор. У фермага мудир бўлганидан муёён босар-тусарини билмай қолган, қўйиб берса, бутун бузо-фотга беклик қиламан, дейди. Уғли келиб-келиб шуларнинг қизига кўнгил қўйганини... Начора... «Майли, ўғлим,— деди она секин уф тортиб.— Бу ёғидан ташвишланма. Илоё, бошинг тошдан бўлсин...— у гуноҳкор одамдек ердан кўз узмасди.— Узидан эга чиқмаса...» Вали қиз билан аҳд-паймонимиз бор, деб юборишига сал қолди. Аслида ўртада ҳеч қандай гап бўлган эмас. Қумри кутаман деган ваъда эмас, четига уқа тутилган дастрўмол берди, холос. Бу шунчаки бир ҳадями ё кўнгли борлиги ифодасими — аниқ билмайди. У бошқа яна кўп гаплардан — Жамолнинг ўғли Карим болалигидаёқ Қумрининг қулоғини «тишлаб» қўйганию, унга бировнинг оғиз солиши мумкин эмаслигидан ҳам беҳабар эди.

Тиббий кўриқдан ўтишаётган куни Вали Каримнинг оғриқ зўридан кўкариб келганини кўриб, ҳайрон қолди-ю, бироқ ночор аҳволига раҳми келди. Карим хотини икки ёнга керганча алпанг-талпанг қадам ташлар, унга сари оғриқ хуруж қилиб, азоб берар эди. Тиббий комиссия Каримни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топди. Куни кечагина соппа-соғ юрган синфдошининг бу сир-синаотини ҳам Вали кейинчалик билди. Тешик қулоқ, элда гап ётармиди?..

Тўсатдан тоғ-тошни ларзага келтириб милтиқ гўмбурлади. Вали аканинг назарида Човқартовнинг оппоқ қор босган чўққиларига тегай-тегай деб турган қуёш ҳавода муаллақ қотиб қолди. Ушатишган новвотдек серкирра чўққилар совуқ тус олди. Боягина танга ҳузур бағишлаб эсаётган шабада ҳам уйнинг диммиққан ҳавосидек оғирлашиб, Вали акани бетоқат қила бошлади. У кўксини силаркан, очик дераза олдига бориб, ютоқиб нафас олди. Ҳозиргина кўзига оқ ҳарирга ўралган қизга ўхшаб кўринган наъматак беш-олтита тарвақайлаб ўсган шохдан иборат бутта экан, холос. Вали аканинг юрагини аллалаган бир оз шикаста, лекин оромбахш кайфиятдан асар ҳам қолмади. «Қайси нобакор милтиқ кўтариб кирди экан қўриқхонага?!»

Шу пайт эшик очилиб, дўппи кийган малла йигитнинг қораси кўринди.

— Шу ердამисиз, директор бова? Мен ҳозир...— у шундай дедию эшикни очик қолдириб изига қайтди. Зум ўтмай инқиллаганча, қоп-қора қонга беланган кийикни кўтариб кирди.— Мана,— деди биқинидаги кўздек жойдан қон сизиб қотиб қолган жароҳатни қўли билан кўрсатаркан,— отишибди. Жонивор бўғоз экан, зўрга кўтариб келдим.— У ёқасига барг сурати ёпиштирилган кителнинг тугмаларини ечиб елпинди.— Ун қуларга қолмай тугарди.

Кийикнинг уч оёғи ёғочдек қотиб қолган, фақат олдинги бир оёғи букланиб, тиззаси шилинган эди. Йиқилаётганида ўлгани билан ерга тиралган шекилли, тўши ҳам тупроққа беланган... Вали аканинг эти жониворлашиб кетди. Урушда юриб не-не даҳшатларни, дарё бўлиб оққан қонни кўрган одам, тилсиз жониворнинг узала тушиб ётишига чидаёлмади. Хўрликка ўхшаш бир ҳис бўғзини ачиштирди. Қўриқхона ташкил этилгунча бу тоғларда биронта кийик қолмаган эди. Вали ака қўриқхона учун кийик ундиргунча қатнамаган идораси, ялинмаган одами қолмади. Уларни бу ернинг шароитига мослагунча чеккан азоблари-чи?! Дастлаб туғилган улоқчани ер-кўкка ишонмай уйда ўзи парвариш қилди. Мана энди, қандайдир ҳиссиз бир кимса битта ўқ билан унинг неча йиллик меҳнатию қувончини йўққа чиқарибди-қўйибди. Вали ака кийикка яқин келаркан, ички бир ҳаяжондан титраб кетди. Чўчигандек, беихтиёр орқасига тисарилди. Ваҳмкор бир савол вужудини музлатиб, қулоқлари остида акс садо бериб жаранглади: «Наҳотки?!» Бу фикрнинг давомини кўнгилга келтиришнинг ўзи қўрқинчли эди. Шу бугун тушида кўргани ўша кийик қайсидир баттолнинг ўқидан кўкси пораланиб ётса... Ажаб! Ушанда, уч кунлик улоқчалик пайтида қулоғини тилиб, нишон қолдирган эди. Кесилган қулоқ энди жонсиз шалвираб бақрайганча қотиб қолган кўзнинг ярмини тўсиб ётибди. Кийикнинг кўзларида ваҳима аралаш илтижо борга ўхшарди. Вали ака беихтиёр юзини бурди — қараб туришга бардоши етмади. Ушанда хотини билиб қойган экан: «Ҳайвонгаям шунчалик меҳр қўядими? Тоғ-тош бўлса, бўри еб кетиши бор, биров отиб қўйиши бор...» Мана, айтгани келди. Лекин бундай бўларини у қайдан билибди?

Бундан талай йиллар илгари фалакнинг гардиши билан у Қора денгиз бўйидаги санаторийлардан бирига бориб қолди. Ҳамхонаси ўзига ўхшаб Кавказдаги қўриқхоналардан бирининг директори экан. Вали ака танишган заҳоти дардини айтиб ёрилди; икки жуфтгина оҳу керак, бизнинг тоғларда қирилиб битган, дея арзи ҳол қилди. Ҳамхонаси кўзларини қувлик билан қисиб, столдаги шишага ишора қилди: «Олдин бир қадоқдан ичайлик, генацвали, кейин савдолашамиз». Рози бўлди. Таърифи дунёга кетган гуржи виносидан ҳўллаб ўтириб ҳасратлашишди. Кўпроқ Вали ака гапирди, ҳамхонаси бош ирғаганча жимгина тинглади. Иккинчи шиша бўшагач, у қўшиқ айтишни таклиф қилиб қолди. Сўнг ҳеч қандай тақаллуфни қўтиб ўтирмай, чўзиб айтиладиган грузинча қўшиқ бошлади. Вали ака қўшиқнинг сўзларига тушунмаса-да, бошини бир томонга қийшайтирганча астойдил қулоқ солди. Ҳамхонасининг овози дағалроқ бўлса ҳамки, виносининг таъсириданми, ҳайтовур, сархуш бўлиб тинглади. Навбат ўзига келганда хижолатдан терга ботиб, елкасини қисиб ўйланиб қолди. Тузукроқ қўшиқ билмаслигини ўзи ҳам биринчи марта англади. Ҳамхонаси қисталанг қилавергач, Қумридан хотира сифатида юраги қатида ардоқлаб юрган «Танавор»ни хиргойи қилди.

Гулмиди очилгани,  
Гунчамиди қайрилгани...

Ҳамхонаси танги йигит экан, даволаниш муддати тугагач, уни юртига олиб кетди. Уч-тўрт кун обдон зиёфат қилди, сўнг тўртта кийикни ем-хашағи билан вагонга ортиб берди. Кийиклар бир ҳафталик сафар чоғида унга анча эл бўлишди-ю, аммо манзилга етиб келгач, янги шароитга кўниқолмай бирин-кетин нобуд бўлаверди. Фақат биттаси яшаб қолди. Вали ака уни ер-кўкка ишонмасдан парваришлай бошлади, эркин юрсин деб ҳовлининг бир қисмини сим тўр билан ўраб, кийикни қўйиб юборди. Ҳар куни қўриқхонадан ўт ўриб келадиган, бир-икки сиқим арпами,

сулими топиб едирадиган бўлди. Кийик аста-секин унинг қўлидан овқат ейишга ўрганди...

— Келиб-келиб бўғоз кийикни отканини қаранг! Яра-маслар!— Малла йигит дўпписини қоқди, жиягини торта-торта қайта кийди.— Э, ноинсоф!

— Ким отибди?— деб сўради Вали ака стол қиррасига кўксини тираб.

— Шляпа кийган бир одам эмиш. Содиқ ака кўрибди. «Волга»да келган экан, дейди, ҳайҳайлаганини эшитиб жунаб қолганмиш.

— Вали ака бетоқатланиб сўради:

— Бўладиган гапни гапирсанг-чи, Урозбой! Ҳеч бўлма-са, машинанинг номерини эслаб қолибдимиз?

Урозбой чўнтагидан бир парча газета олиб узатди. Вали ака рақамларга кўз қирини ташлабоқ қўриқхонага ким келганини билди: Карим! У ойда-йилда қишлоқда бир кўриниб қолар, лекин бирон марта қўриқхонага қадам босмаган эди. Нега энди тўсатдан?.. Нега келди экан! Кийикни нега отади? Узи отдимикан?..

Карим... Собиқ синфдоши, собиқ ҳамқишлоғи... Азалдан бир-бирини икки суймас, айниқса, мактабни битирар кезида ҳақиқий рақибга айланган эдилар. Бир куни пахтага чиқишганда...

...ҳамма ўзига яқин, сирдош синфдоши билан ёнма-ён эгатга тушиб пахта тера бошлади. Вали Қумрининг норози чимирилишига қарамай ёнидан жилмади. Тўшлик яқинлаш-гач, Қумри терган пахталарини бир этакка солиб, боғлай бошлади. Унгача Вали ўз этагини хирмонга элтиб қизга кўмаклашгани етиб келди. Қумри унинг қайтиб келишини билгани учун юзлари ял-ял ёнса-да, сир бермасликка уриниб, ясама чимирилди. Вали келиб, этакни олмоқчи бўлган эди, беозор бир ҳаракат билан қайтарди.

— Керакмас, ўзим...

Вали ялт этиб қаради-ю, бу ҳаракат маъносини тушунмади. Қизнинг қўлидан этакни олишини ҳам, олмаслигини ҳам билмай туриб қолди. Қумри уни баттар довдирагисини келди.

— Эгат бошидаги икки уюм пахта йўқолибди,— деди худди хафа бўлган одамдек тумтайиб.— Устига нимчамни ташлаб қўйган эдим, нимчам турибди, пахта йўқ.

Вали ўзини йўқотиб қўйди.

— Мен олганим йўқ,— деди жонҳолатда.— Кўрдинг-ку, ўзимникини топшириб келдим.

— Ким олади бўлмаса?— дея бўш келмади қиз.— Сендан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Валининг пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. Кўзларини пирпиратганча илтижоли гўлдирди:

— Ишонмайсанми? Нон урсин!..

Қумри ҳазилининг таги зил бўлаётганини тушуниб, гапни бурди.

— Олмаган бўлсанг ҳам териб берасан,— деди қувлик билан.— Бўлмаса...

Валининг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди.

— Мен олганим йўқ,— деди ўз навбатида у қўрслик билан ва пахта тўла этакни елкасига олди. Шу пайт ёнгинасида Каримнинг шанғиллаган овози эшитилди.

— Ҳорма, ҳаммол!.. Чарчамаяясанми? Қарашворайми? Вали унга еб юборгудек хўмрайди. Карим эҳтиёт шарт орқага тисарилди.

— Жа-а, бир четга чиқиб олиб, а?!— деди у заҳарханда билан.— Индамасдан юриб, а?! Балосан, Вали, балосан! — Оғзингга қараб гапир,— деди Вали паст овозда.— Нега ҳамманинг кетидан пойлоқчилик қиласан?

Унинг паст тушиб, бўшашиб гапиргани Каримни баттар шерлангирди.

— Ҳамманинг кетидан эмас. Қумри қариндошим, билдингми?— Каримнинг этсиз юзида, қийиқ кўзларида ғолибона табассум пайдо бўлди.— Мен унинг ҳар қадамидан кўз-қулоқ бўлиб туришим керак. Сенга ўхшаган...

— Ҳў, айгоқчи!— дея ғазаб билан пичирлади Вали.

— Нима?!— Карим унга мушт дўлайтирди.— Шу гапнингга бир уриб, абжафингни чиқариб қўярдим-у...

Вали елкасидаги юкни ҳамон ерга қўймай, каттагина

кесакни олди-да, энгашиб туриб отди. Карим белини чангаллаганча:

— Ҳўв, ҳаммол!— деди хунук бужмайиб.— Қумрининг пахтасини ўғирлаганингни ҳаммага айтаман. Кўрасан! Уғри дейман, ундан эҳтиёт бўлинглар, дейман!— У ўз гапидан завқланиб кулди.— Энди мендан кунингни кўрасан!..

Вали унга бир қараб қўйди-да, индамай этакни орқалаб, хирмонга йўл олди. Орқасидан Каримнинг чинқироқ овози эшитилди.

— Бугун пахтасини ташийсан, эрта бириси кун ўзини опичлаб юрасан. Ҳаммол!

Вали бошини буриб, илкс тўхтади. Унинг тўхтаганини ўзига тушунган Карим ирғишлагудек бўлиб тантана қилди.

— Ул-а, алам қилдимиз?

— Қани, қури!— деди Вали таҳдидли овозда.— Бўлмаса, нақ...

— Ҳа, нима қилардинг?— Карим баттар шанғиллай бошлади.— Кучим кўп деб... Ҳаммани эшак қиламан, деб ўйлайсанми? Иккалардан бир четга чиқиб олиб нима қилаётганингни ҳеч ким билмайди деб ўйлаясанми?

Қумри қулоқларига қазариб кетди. Вали уни йиғлаб юборади, деб кўрққан эди, йўқ, кўзлари ғазабдан ёниб, Каримнинг олдига келди. Вали шу тоба қизнинг Карим олдида йиғлашини сира-сира истамас эди.

— Уятсиз!— деди Қумри алам билан ва шарақлатиб Каримнинг юзига тарсаки туширди.

Валининг юраги қиндан чиққудек потирлаб кетди.

— Ҳали шунақами?— Каримнинг этсиз юзи бўзариб, орқасига тисарилди.— Кўрамиз ҳали ким кимни ураркин! Кўрамиз!..

Қумрининг ранги қув оқарганча ҳуши учиб туриб қолди. Дунёда қиз болани ёмонотлик қилишдан осон иш борми? Биронта ғаламис оғзига келганини қайтармай валақласа бас, пашша қанотини бир силкиб улгурмай қишлоқнинг нариги четига етиб боради. Қарабсизки, ҳеч ким орқа-олдини суриштирмай бировнинг қизи номини сақич қилиб чайнашади. То жонларига теккунча ёки бошқа бирон ҳангома топилгунча тайёр эрмак.

Вали қизни ўз ҳолига қўйиш учун индамай йўлига кетаверди. Жўяк орасидан чиқиб, ўқариққа етганда Қумри секингина гап қотди:

— Вали, хафа бўлма, мен ўлгур ёлғонлагандим.

— Нега?— деб сўради Вали юришдан тўхтамай.

— Билмасам...— Қиз елка учирди.— Жиғингга текким келди.

Валининг аъзойи баданига ҳузурбахш илиқлик югурди, гўё шундоққина юрагининг остини майин бармоқлар беозор сийпалагандек... Елкасини босиб турган пахта уқпардек енгил, кўз илғамас дала-туз оппоқ ҳарир қопланган безавол бир чаман... Қумрининг бир оғиз ёлғони оламини унинг кўзларига бўлакча кўрсатиб юборди. Бир-бирига кўнгли бор одамлар ихзори дил қолмай неча йиллар қийналади, деган гапларни кўп эшитган эди. Вали бундай гапларга унча ишонқирамайди. Унинг назарида, яхши кўрган одам кўксига муштаб дунёга жар солмайди, дилидагини биров биллиб, биров билмай қолавериши керак. Кўнгил кўзи очик одам ўзи тушуниб олади.

У елкасидаги юкни ерга қўймай, дафъатан:

— Қумри... мактабни тугатгандан кейин мен ҳам... уйингга энамни юбориб жиғингга тегсам майлими?

Қумрининг, йўқ, ундан олдин Валининг юзига дув этиб қизиллик югурди. Қиз унинг нимага шама қилаётганини билса-да, ўзини гўлликка солди.

— Узинг биласан,— деди кўзларини яшириб. Бирдан шўхлиги тудтию пиқирлаб кулди, бироқ тилининг учидан турган гапни айтишга йиманди.

— Ҳа, нега куласан?

— Узим...

— Айтгин-да, энди одамни хит қилмай.

— Вой-бў, мунча юрагинг тор бўлмаса!— Қумри истиғно билан чимирилди.— Гапнингга куляпман.

— Сен мендан кулма,— деди Вали ҳам ўтинч, ҳам зардали оҳангда.— Бошқалар сўкса ҳам, урса ҳам чидайман, сен кулсанг...

Қумри юрагидаги гапларни қандай баён этсин? Қиз бола боши билан, унга майли борлигини, ундан кулиш тугул

изларини кўзига суришга тайёр эканини қандай айтсин? Қиз боланинг қисмати — сукут. Ихори дил, иқрори муҳаббат учун жасорат керак. Жасорат эса йигитларга ярашади. Қиз боланинг жасорати ё тентаклик, ё шармисорлик деб баҳоланади. Келиб-келиб Қумри шундай қилсинми?

— Сендан кулсам... гаплашиб юрардим...

Валининг назарида ҳудудсиз дала ҳаёлдек оидин нурга йўғрилган каби туюлди. Чаноқлардан тошиб чиққан момиқ пахталар ҳам, дала этагидаги зовур бўйида ўсган қамишлар ҳам, чала каллақланган тунлар ҳам унинг ҳозирги тасавури- ни янада кучайтириб, сирли руҳ бағишларди. Бу гўшада фақат икковлон — дунёдаги энг гўзал қиз Қумрию уни жондилдан севгучи Валидан бўлак ҳеч ким йўқ. Уларнинг бахтига ҳасад қилувчи Карим ғаламис ҳу ўша, қамиш босган зовурнинг нарёига ўтиб кетди. Энди у қайтиб келмайди. Келиб кўрсин-чи!

Қумри ўз қилмишидан ҳам, Валининг ўхшовсиз, ҳатто кулгили бир тарзда изхори дил қилганидан ҳам хушнуд эди. У қачондир шундай бўлишини, Вали барибир унга юрагини очишини биларди. Бироқ бу нарса ғоят сирли, тунлари оромини ўғирлаб энтиктирувчи беҳаловатликка ва пирова- рдада интиҳосиз лаззатга айлановшини кутган эди. У кутганидек бўлмади. Барибир, барглари тўкилиб, қувраб қолган гўзапоялар ҳам, пахтаси териб олинган, худди ҳайратдан оғзи очилиб қолгандек туюлувчи чаноқлар ҳам қизнинг кўзига бўлакча кўринди. Олис-олисларга орзу- мандлик билан тикилганича паст, тиниқ овозда қўшиқ айтиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди:

**Гўлмиди очилгани,  
Гўнчамиди қаирилгани...**

Вали эндигина пахта тўла этакни кўтармоқчи бўлиб энгашган эди, бошини кўтардию анграйиб қолди. Қумри мағрур қад ростлаб турар, ўрмини ечилиб кетган сочлари шамолда тўзғиб, юз-кўзига ёйилар, бўйинига чирмашар эди. Бу соч толаларининг ҳар бири Вали учун жон риштаси эди. Кошки, уларнинг биронтаси унинг ҳам юзини сийпаласа, шамол бу томонга эссаю хушбўй исини олиб келса...

**Ваъдалар шундоқмиди,  
Улмаи туриб айрилгани...**

Қумрининг юзи анордек қип-қизариб кетган, қўшиқ сўзлари учаётган лабларида, завқдан ёнган кўзларида шундай жазоба бор эдики, Валининг юраги ҳаприқиб кетди. Борлиқ киши руҳини аллаловчи сеҳрли садоларга, кўзни қамаштирувчи рангинг ҳилолаларга фарқ бўлгандек туюлди.

Аслида-ку, улар ўртасида муҳаббатга йўғулик яқинлик ҳам йўқ. Вали уни ўзича яхши кўради, холос. Кечқурунлари Бешқўрғон қишлоғига келиб, Қумрининг эшиги тагидаги толнинг панасида пусиб туради. Бирон юмуш билан ташқарига чиқиб қолармикин, узоқдан бўлса ҳам бир кўрармикинман, деган илинжда эшик пойлаб кўзлари толади. Қумри ё кучукка овқат бергани, ё идш-товоқ ювгани ўчоқ бошига ўтиб кетади. Вали шартта тол панаси- дан чиқиб, уни чақирмоқчи бўлади-ю, бироқ олдига келса нима деярини билмай, изига қайтади. Узоқдан бўлса ҳам қизни бир кўрганга ўзида йўқ қувонади. Уйига келиб ўринга киргач, ҳаёлан Қумри билан қайта-қайта суҳбатлаша- ди, айтишга журъат этолмай юрган гапларини бемалол тўкиб-солади, қирларда қўл ушлашиб сайр қилишади, унга анвойи гуллар териб беради, отаси йўқлигини пойлаб, тегирмонга киришади, шартта новга сув очиб, қоплардаги буғдойларни дўлга ағдаривади-да, ҳаш-паш дегунча ун тортиб қўйишади. Қумри унинг меҳнатқашлигига қойил қолиб, ун гарди қўнган юзларини силаб қўяди...

— Узинг нега кулясан?

Қизнинг эркалиниб берган саволи Валининг ҳаёлини ўзига келтирди. У ширин орзуларга эрк бериб, худди новот шимайтган боладек тамшаниб турганини ўзи ҳам сезмаган экан.

— Менми?— у нима дейишини билмай ўйланиб қолди. Қизга бир қараб олгач, яна кулимсираб қўйди. Шартта пахта ни орқалади-да, олдинга тушиб йўл бошлади.— Юр, кетдик, овқатдан кеч қоламиз.

Улар етиб келишганда овқатланиб ўтирган синфдошлари

ғалати қараб қўйишди, баъзилари очикчасига илжа- йишарди. Олдинроқ етиб келган Карим аллақачон тўкиб- чатиб нималарнидир айтиб улгурган эди. Улар қандай хатога йўл қўйишганини шундагина англаб етишди. Энди уларнинг номи синфдошларининг оғзидан тушмайди, ошиқ- маъшуқ деб устларидан кулишади, балки муаллимларнинг ҳам қулоғига етар, муҳокама ҳам қилишар...

Орадан йиллар ўтиб, Қумри на Валига, на Каримга насиб эди. Унинг сирли бир тарзда чўкиб кетганини Вали уруш- дан кетганидан кейингина эшитди. Карим иккаласининг ҳаёт йўли ҳам айрича экан. Вали қўриқхонанинг ташвишлари билан андармон бўлиб, бу ерларда қолиб кетди. Карим эса ўсди, кўтарилди, мана, ҳозир катта бир бошқарманинг бошлиғи.

— Уйлаб қолдингиз? Ё машинасини танидингизми, директор бова?

Урозбойнинг саволи Вали аканинг ҳаёлини бўлди. Бироқ дабдурустан нима деб жавоб беришини билмай та- раддулданди. Ростини айтса, ўртада эски қудурат бор, индамай қўяверай деса... Уларнинг ҳар иккаласи Қумрига кўнгили қўйганини қишлоқда ҳалигача гапириб юришади. Ким билади, бу боланинг ҳам қулоғига чалинган бўлса, нима деб ўйларкин?

— Шаҳарнинг машинаси...— деди истар-истамас. Бу нарса унга шусиз ҳам аёнлигини ўйлаб, изоҳ берди.— Каримнинг машинаси... ҳалиги, бошқарма бошлиғи бор-ку, ҳамқишлоғимиз, ўша...

— Узим ҳам ўйлаб эдим-а, бегона эмасдир деб.— Урозбой чўзилиб ётган кийикка бир қараб олди.— Одамга ўрганган кийигингиз шу-да, директор бова? Оти Сулувми- ди?

Вали ака бош ирғади. У инсоннинг меҳр-шафқатига оққўнгилик билан ишонч билдирган жониворни қўлга ўргатганига биринчи марта афсусланди.

— Бу ёқда чўпонлар ҳаддидан ошиб, одамнинг жонига тегади, бу ёқда униси... — Урозбой афсус билан танглайини такилатди.

— Янами?— деб руҳсиз бир оҳангда сўради Вали ака.— Бир марта огоҳлантирган эдик-ку?

— Э, қизиқмисиз, директор бова, сиз билан менинг огоҳлантирганимизни улар писанд қилмади.— Урозбой беҳафсала қўл силтади.— Уч кун аввал Содиқ ака Уркибли- сойдан кела туриб қараса, йўл четидидаги майсалар эзилган, сой бўйида туёқ излари бор эмиш. Ҳайрон бўлганча тоққа ўрлайверибди. Дуғобанинг тепасидан ошиб ўтса, сойда қўйлар ўтлаб юрганмиш, чўпонлар йўл четидидаги қора тошнинг панасида ёнбошлашиб қарта ўйнашаётганмиш.

— Ҳа-а...— деб қўйди Вали ака ундан кўз узмай.

— Сиз гапимга унча ишонмай турибсиз чоғи.— Урозбой чўнтақларини пайпаслаб ниманидир қидира бошлади, оғзи ҳам гапдан бўшамади.— Шоирларингиз бу энағар чўпонла- рингизни хўп мактаб ёзишади, эрта тонгда най чалиб, яйловларни янграташади, деб. Булар бўлса, қўйларига қўриқхонанинг доривор гиёҳларини едириб, ўзлари қимор ўйнашади.

Вали аканинг қоғоғи уюлди. Ҳеч бир заруратсиз стол ғаладонини тортди-да, тарақлатиб жойига сурди. Дераза томонга юзланаркан, чуқур тин олди.

— Се, бола бундай... кўпам тилинганга эрк бераверма.— Шу-да, тўғри гап туққанам тугул сизга эм ёқмайди.— Урозбой ўрнидан туриб шимининг орқа чўнтағига қўл суғди. Тўрт букланган қоғозни олиб столга ташлади.— Мана акт.

Вали ака шошилмай қоғозга кўз югуртирди. Чап қўлини пешонасига тираганча ўйга чўмди. Бекорга туши бузилиб кўнгли ғаш бўлмаган экан. Бир кунда шунча кўнгилисизлик.. Қўнғ дўхтир билан сан-манга боришганига ўн кун бўлгани йўқ эди. Шаҳардан келган қариндошлари билан қўриқхона- ни томоша қилмоқчи бўлишибди. Иккита «Жигули»да майсаларни пайхонлашгани, копток тепишгани етмагандек, арчининг шохларини синдириб машинага босишибди: ҳозир исирик ўрнига арча шохини тутатиш расм бўлганмиш. Энди эса чўпонлар! Ана бедодлик!

— Содиқнинг кўли йўқ-ку,— деди Вали ака қоғозни Урозбой томонга суриб.— Қўйчивонларни у кўриб, актни сен ёзганмисан?

— Э, унингизни биласиз-ку,— деди Урозбой энсаси қотиб.— Соясиз ҳам чўчиди. Ҳализамон келиб қолса керак, қолган гапни ўзидан сўрайсиз.

Унинг ўринсиз зардаси директорга ёқмади.

— Бир гапни бошлаганингдан кейин охиригача етказгинда,— деди овозини бир парда кўтариб.— Кераксиз нарсаларни кўп гапирасан-у, зарурини...

Урозбойнинг думалоққа мойил оқ-сариқ юзига қон тепди. Директорга хижолатомуз қараб, пўнғиллади:

— Энди... директор бова, ҳамма жим юрсаям бўлмайди. Хафа бўлмайсиз-у, сиз индамасангиз, мен гапирмасам... Тоғбегиларнинг аҳволи бу.— У столдаги қоғозга ишора қилди.— Бир парча қоғозга қўл қўйишдан чўчиша... Унга сари андишанинг отини кўрқоқ деб билганларнинг кунни туғади-ку. Чўпонларнинг сур бўлиб кетганини кўрсангиз. Нега кўриқхонага мол ҳайдадиларинг, десам, ҳиринг-ҳиринг кулишади.

— Нега кулади?

— Ким билади?— Урозбой жаҳл билан тиззасига муштлади.— Одам билан гаплашгисиям келмайди энағларнинг! Бор, ишингни қил, деб бемалол қартасини ўйнаб ўтиришибди.

Вали аканинг баттар ҳайрати ошди. Энг чапдаст, ҳеч кимга гап бермайдиган бўлим бошлигининг аҳволи шу бўлса, бошқа ходимларидан нимани ҳам талаб қилсин? Нимадан кўрқишади, кимдан андиша қилишади булар? Урозбой дунёга энди келяпти-ю, нега ўз ҳақини, қонунни ҳимоза этишдан чўчиди?

— Ёқасидан олиб бу ёққа судраб келмайсанми? Нимадан кўрқасан?— Вали аканинг дилидаги тилига чиқиб кетди.

— Улар ёқасидан олдириб қўядиган анойи эмас, директор бова,— дея Урозбой ноҷор кулимсиради.

Вали ака унинг нигоҳини илиб олишга уринди. Урозбой директорнинг мақсадини англаб, кўзларини олиб қочди.

— Сени бунчалки юраксиз деб ўйламаган эдим.

— Э, уларни кўрсангиз билардингиз, қўлидаги гаврон билан тушириб қоладиган сиёқи бор.— Урозбой энсасини қашиди.— Айбдорлиги хаёлигаям келаётгани йўқ.

— Қизиқ-ку.

— Қизиқ эмас, директор бова, одамнинг хўрлиги келади. Орқа қиладигани бўлса ҳаммаям шундай шер бўлиб кетса керак-да.

Бу йигитнинг соддадиллиги, болаларча фикр юритиши Вали аканинг кулгисини қистатди. Бироқ унинг устидан кулиб бўлмасди. Урозбой ёши ўттизга етиб ҳалигача қувлик-шумлиқни ўрганмаган, дунёнинг ишлари ҳақида ўз табиатидан келиб чиққан ҳолда фикр юритар эди.

— Ким экан, ўша орқа қиладигани?— деди Вали ака кулиб.

— Ким бўларди, ўша...— Урозбой ижирғаниб афтини буриштирди.— Ҳамидов-да...

— Э, шундайми?— Вали аканинг ҳайрати баттар ошди. У Ҳамидовнинг кўриқхона ишига аралашиб, одамларни йўлдан уриши мумкинлигини сира ўйламаган эди.— Ўша орқа қиладигани билан гаплашиб қўйишимиз керак экан-да.— Урозбой қафти билан оғзини тўсганча ёш боладек қиқирлаб кулди.— Ҳа-а,— деди Вали ака чимирилиб.— Шайтонинг зўр келдими?

— Узингиз куладиган гап гапиряпсиз-да, директор бова,— деди Урозбой оғзининг танобини йиғиштиролмади.— Биз билан қўйчивоннинг гаплашгиси келмайди-ю, орқа қиладигани гаплашармикин?

— Сен олдин Ҳамидовга учраш,— деди Вали ака кескин,— мелисадагиларга айтгин, оқ «Волга»да ким келиб кийик отганини аниқлаб берсин. Кейин чўпонларни бу ёққа олиб кел. Айбини бўйинига қўйиб, ишини судга оширайлик. Ҳа, айтмоқчи, актларнинг бир нусхасини Ҳамидовга бериб қўй. Узи талабгор бўлиб кўриқхонани оталиғига олган, марҳамат қилиб ёрдам берсин.

Вали ака гап тамом дегандек, очиқ дераза олдига бориб ташқарига тикилди. Турли-туман чечакларнинг, арчанинг хушбўй иси димоғига урилиб, энтикди. Бироқ, ғужанак бўлиб ётган кийикнинг шишадек совуқ кўзлари ўзига

қадалиб турганини ҳис қилиб, юрагида андуҳли бир оғрик туйди. Унинг бир неча дақиқа аввал тошдан-тошга сакраб, ўйноқлаб юрганини тасаввур этиб, баттар қавфияти бузилди. «Каримнинг ўзи одимикин?— деган савол миясини бурғилай бошлади.— Мени— собиқ синфдошининг бу ерда ишлашини билатуриб-а? Йўф-э...»

— Чўпонларни-ку совхоз директорига айтиб, бир амаллаб олиб келарман,— дея унинг хаёлини бўлди Урозбой.— Лекин Ҳамидовнинг билан гаплашиш қийин, директор бова. У менинг гапим билан машинани суриштирмайди-ёв...

— Нега энди?

Урозбой худди кўзғалиш малол келгандек базўр ўрнидан турди. Дўпписини пешонасига сурганча, бошини қашийтуриб жавоб берди:

— Э, унингиз менинг ўзимни одам ўрнида кўрмайди-ю, гапимни элармиди!— деди у курси суянчиғини қаттиқ тутамлаганча.— Биласиз-ку, бизни ҳеч ким назар-писанд қилмайди.

— Биз деганинг ким?— Вали ака унга елкаси оша қаради.

Урозбой гапи директорга ёқмаганини сезди. Бир кўнгли, гапни айлантириб, ниятини хаспўшламоқчи бўлди-ю, аммо ўжарлиги тутди. Нега ростини айтмаслиги керак? Ҳақиқатни билиб қўйсин!

— Кўриқхона билан ўрмон ходимларини-да...— Урозбой стулни тарақлатиб олдинроқ сурди.— Ҳамма ҳурмат-эйтибор пахта экан билан чўпонга. Биз шўринг курғурлар юрамиз ҳар хил баландрарвоз гаплар билан ўзимизни овутиб. Арча ўсмаса тоғда қор турмайди, сув танқис бўлади, деб... Аслида нархимиз сариқ чақа.

Вали аканинг юзига табассум югурди. Ходимининг гапи унга эриш туюлди. Инсофан айтганда, Урозбойнинг сўзидаям жон бор, бироқ гап фақат унвону орден олишдами? Одамнинг қадрини, қилган меҳнати ёлғиз нишон билан ўлчанмайди-ку!

— Сен ўзингни бировларга оёқости қилдириб қўйма. Нархим сариқ чақа эмас, тилло де.

Директорнинг бу зайил кулиб гапириши Урозбойга малол келди.

— Сиз ҳам одамни эрмаклайсиз-а...

Вали ака қўлини орқасига қўйганича хона бўйлаб юра бошлади. Бўёқлари кўчиб, ранги қорая бошлаган тахталар унинг залворли одимидан гижирлар, агар қаттикроқ қадам босса, синиб кетадигандек туюлар эди. Аммо Вали ака бунга заррача эйтибор бермас, кўникиб кетган эди. Тахминан йигирма йилдан бери бу хонанинг эни билан бўйини қадамлаб ўлчайди, бамисоли умр сўқмоғи шу ердан ўтадигандек, юришдан тўхтамайди ҳам, зерикмайди ҳам. Тахталарнинг гижирлашига кўникиб кетган, ҳатто бу овоз унга хуш ёқадиган бўлиб қолган.

— Нимамиз кўп, бизнинг хўжайинимиз кўп: бир ёқда министрлик, бир ёқда райком, ижроком,— Урозбойнинг асабий товуши унинг хаёлини бўлди.— Ким буш қолса, бизга иш буюради, зерикса, кўриқхонани томоша қилгиси келади. Ҳеч ким, ҳой буларниям ўз ўйи, режаси бордир, демайди. Ҳамма амаллаб бир нарса ундириш пайида. Кўздаги гап эсингиздами? Судда ишлайдиган Лапасов иккита суғур тутиб беринглар, деб қанақа тикилинч қилди. Ҳозир суғурлар инига кириб кетган, баҳоргача сабр қилинг, десак ҳам қаёқда! Қайсидир акахонининг туғилган кунига телпак тиктириб бориши керак экан. Икки киши уч кун овера бўлиб зўрға битта суғур тутдик. Бировимиз ҳам йўқ, бу ишни қилолмайман, деёлмадик. Ишимиз тушиб турадиган одам, сазасини ўлдирсак, эртага шунга яраша муомала қилади, деб ўйладик, тўғрими?

Вали ака хона ўртасида тўхтаб қолди. Шу пайтгача индамай ишини қилиб юрган бола нега тўсатдан... Бироқ унга нима дейишини билмай яна юришда давом этди.

— Шу-да,— деди Урозбой ҳам тантанавор, ҳам аламзада оҳангда.— Тўғри гап кимга ёққан? Ҳақиқатни талаб қилганингиз, рост гапни айтганингиз учун сизни кўпчилик ёмон кўради. Э, қўйинг, директор бова, оғзимга урманг, кўр эмасмиз, кўриб-билиб юрибмиз. Кези келганда сиздай одам ҳам...

— Хў-ўш?

— Битта боғча мудирасининг гапини қайтаролмадингиз. У киши кимсан фалончи акамга сингил бўладилар... Бизни

бир ҳафта ишдан қўйиб сават тўқитдингиз, матраб ёйдириб, каклик, бедана тутдирдингиз.

Вали ака яна дераза олдига борди. Нимпушти гулларга бурканиб турган наъматакдан кўз узмай оғир хўрсинди. Урозбойнинг оғзига ургиси келмади. Майли, гапираверсин. Болапақир бу гапларни ичига солавериб сиқилиб кетган экан шекилли, сал юрагини бўшатиб олсин. Айтаётган гаплари умуман олганда рост. Начора... Киши баъзан ўз ҳаловатини ўйлаб, ғайриқонуний ишларга ҳам қўл уради, баъзан кимгадир яхши кўриниш илинжида виждоннинг кўзини нафс пардаси билан пана қилади. Нега? Негаки, қўриқхонанинг ишларини кўнгилдагидек йўлга қўйиш учун кимларнингдир хоҳиш-истакларини бажаришга мажбур. Уша богча мудирасининг ақиси шаҳардаги қурилиш ташкилотларидан бирининг бошлиғи. Вали аканинг илтимосини ерда қолдирмай беш километр жойга етадиган сим тўр топиб берди. Қўриқхонанинг катта йўлдан келаверишдаги қисми ўраб олинди. Одамлар ҳуда-беҳуда қўриқхонага мол ҳайдаёлмайдиган бўлди. Лекин бу нарсани Урозбойга қандай тушунтирсин? Хатти-ҳаракатини нима деб изоҳласин? Қўриқхона учун жон койитаётганини тушунтираман, деб ходимининг ихлосини қайтариб қўймайдими?

— Биламан, гапимдан энсангиз қотяпти.— Урозбой тобора қизишиб борарди.— Мен бир ҳафтадан кейин ўша богчага атай бориб келдим. Айтсам, гапимга ишонмайси. Болалар қушларни чўмилтирмоқчи бўлиб, бошидан сув қуяверишибди, қуяверишибди... бечора қушлар ўлиб қутулишибди. Тарбиячилар болаларга қараш ўрнига қайси гўрдадир гап сотиб ўтиришган.— Унинг кўйиш кўзлари пирпирар, юзи қизариб кетган эди. Қўйиб берса, директорни оғиз очирмай гапираверадиган сиёки бор эди.— Ана меҳнатимизнинг кадр-қиммати! Сиз тагин мени эрмаклайсиз.

Вали аканинг юраги туз сепгандек жижиллаб ачишди. Урозбой унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб юрган экан. Ҳозирги гапларини таъна қилиб эмас, эзилиб, куйиб гапиряпти. Шунчалик меҳри бор экан, муросазлик қилиб унинг ихлосига пугур етказиб қўйибди шекилли. У маҳзун жилмайиб, гапни ҳазилга буришга уринди:

— Биз ҳам эл қатори юрган одаммиз-да, ука.

— Сиз ўзингизни ҳаммага менгаманг, директор бова,— деди Урозбой баттар аччиғланиб.— Сиз... сиз...

— Менга нима бўпти?— деди Вали ака.— Сен нега ўзингни мунча ерга урасан? Бошқалар одаму сен ердан чиққан кўзиқоринми?

— Э, бизни қўяверинг, директор бова.— Урозбой қўл силтади.— Биз ким бўлмиз? Мундай бир... Ҳеч бўлмаса сув ҳўжалигида ишласак экан, ёзда ҳамманинг иши тушса ё магазинчилик қилиб, одамларга кимлигимизни билдириб турсак экан, соямизга салом беришса.

— Шунчалик экан... қўриқхонада ишлаб нима қилардинг?— Вали ака бир-бир босиб, жойига ўтиб ўтирди.— Биласан-ку, одам қанчалик паст тушса, шунчалик бошига чиқшади. Сен ўзингни бундай... бировларга хўрлатиб қўйма.

— Хўп гапирасиз-да, директор бова.— Урозбой елкаларини учуриб кулди.— Айтишга осон...

Вали ака кийикнинг қотиб қолган совуқ кўзларига қарагиси келмади. Бироқ ички бир куч, ўжар бир истак стол оша кўз ташлашга ундади. Кийикнинг тош қотган кўзлари забун қисматига жавоб талаб қилаётганга ўхшарди.

— Далил сифатида тура турсинми ё нимталаб гўштини одамларга тарқатиб юборайми?— деб сўради Урозбой.

— Тура турсин,— деди Вали ака уф тортиб.— Отган одамни топиб, гўштини хомлигича ўзига едирамыз.

— Бундай муттаҳамларнинг танобини тортиб қўядиган ҳуқуқимиз йўқлиги алам қилади-да,— Урозбой жаҳл билан тиззасига муштлади.

У билиб-билмай директорининг ярасига туз сепарди. — Нега бўлмас экан?— Вали ака журъатсизлик билан эътироз билдиришга уринди.

— Қандай ҳуқуқимиз бор, директор бова? Айтинг, қани?— Урозбой кўкимтир кўзларини қақчайтирди.— Қўриқхонада қўй боққан чўпонларнинг кетига ўхшатиб теполмасак, кийик отган браконьернинг қўлини ўриб синдирилмасак... Айтинг, қани, қўлимиздан нима келади?

Вали ака столга кўксини тираганча бағбақасига қўшилиб кетган даҳанини силади. «Ёшлик яхши,— деб ўйлади.— Одам ёшлиқда истаган гапини тап тортмай айтаверади. Нимадан кўнгли тўлмаса, шу ерда ноҳақлик содир бўлаётгандек туюлади. Ҳайқиш кейинроқ, ёш сал улғайганда пайдо бўлади. Сўнгра... Бола-чақанинг ташвиши кўпайганидан кейин иккилана бошлайди, турли илнжлар орта бошлагани сайин журъатсизлик ўз ҳукмини ўтказлади. Илнж инсоннинг эркини ҳам, эътиқодини ҳам маҳв этувчи шундай бир қора кучки, унинг таъсиридан камдан-кам одам қутула олади. Тирик одамнинг илнжи кўп: қорин боқиш, каттами, кичикми амалга миниш, мўтабар одамларнинг эътиборига сазовар бўлиш, бирор унвон ёки мукофот олиш... Урозбой ҳали гўр, юрагини бундай ҳою ҳаваслар қитққламаган. Шу боис ҳатто унинг ҳам бетига чопаверади. Бордию кўнглида ҳалгиндай илнж, ялтоқи орзумандлик пайдо бўлса-чи? Узғариб кетармикин, ё?..

— Шаҳар бедарвоза эмас, ука,— деди Вали ака ҳамон ўз ўйлари таъсирида.— Суд, мелиса, қонун — ҳаммаси биз томонда.

— Э, директор бова, ўзингизни алдаб нима қиласиз?— Урозбой беозор кулди.— Бугунги «Волга»да келган амалдорни айбдор қилиб кўринг-чи, нима бўлар экан? Дарров район катталари ўртага тушишади. Агар қайсарлик қиларверсангиз, бир ишқал чиқариб, ўзингизни айбдор қилишдан ҳам тойишмайди.

Вали ака қаддини ростлади. Жаҳлдан қошлари чимирланган, лунжи осилган гўшторд юзи қорайиб, совуқ туз олган эди.

— Сен бола, гап чувалаштиришни одат қилма. Оғзим бор деб... бу нимаси?— Вали ака нима деб койишини билмай тараддудланди. Бирдан унинг ўпписига кўзи тушгач, қовоқ уюб сўради:— Фуражканг қани?

— Уйда,— деди Урозбой бепарволик билан.

— Маҳмадоналик қилгунча...— Вали ака ҳуда-беҳуда қўл остидагиларга қаттиқ-қуруқ гап айтиб одатланмагани учун койишини ҳам ўхшатолмади.— Формани бузмаслик керак, ука.— Гапи койиш эмас, ўтинчга ўхшаб чиққанидан ўзининг ғаш келди. Шунчалик ҳам бўшанг бўладими одам, лоқал ўғли тенги болани тартибга қақчириб қўёлмаси!..— Бор,— деди Вали ака оҳиста бош ирғаб.— Айтган ишларимни қил.

Урозбой ҳарбийчасига гурс-гурс юриб, ташқарига йўналди. Унинг қаддини фоз тутиб юришию маҳмадоналиги ҳам ўзига ярашарди. «Ў, отангни боласи... Бало-ку», деб қўйди Вали ака хаёлан. Бу бола дунёнинг бир чеккасида юриб, ўзлигини йўқотмоқчи эмас. Одам бўлади бу! Ахир, Вали ака умуман ўз қиёфасини толмаган озмунча кимсаларни кўрдими? Биттаси — Карим. Урушга бормаслик учун ўзини не кўйларга солмади. Охири ниятига яраша жазо топди — дунёдан тирноққа зор бўлиб ўтяпти. Жон ширинлик қилиб, хиёнат йўлига ўтмаганида, эҳтимол, ҳаёт бунчалик оғир жазони раво кўрмасмиди? Карим бевақт қирчиндан қийилишини ўйлаган-у, бироқ ҳозиргидай... умр бўйи қийноққа ўтишини, ахир бир куни виждони уйғониб кўзйарадек азоб бериши мумкинлигини хаёлига келтирмаган. Ваҳоланки, инсоннинг бадбин ўйлари, нопок қилмишлари, дилозорликлари учун муқаррар жазо бор. Афсуски...

Оқ «Волга»да ястаниб ўтирган Карим Жамолович энли камардек қорайиб турган асфальт йўлга тикилганча ич-этини еб борарди. Нега кетяпти унинг олдига? Тавба қилганими? Умр бўйи сен билан ғаш бўлиб яшадим, бир-бирингга кўнглинг борлигини билатуриб, Қумрини бадном қилдим, мана энди қўриқхонага берухсат кириб, кийик отдим деганими?

Карим Жамолович кеча қишлоққа боргач, бирдан тоққа чиққиси, арчазорда дам олгиси келди. Ҳамидовни ўзига ҳамроҳ қилиб, тоғнинг ҳали қори қетмаган чўққисига чикишди. Қош қорайганда Ҳамидов ҳар қанча алиммасин, қишлоққа қайтишга унамади. Унинг ўзини жўнатиб юборди-да, шифёри билан машинада тунади. Кечаси қопқон қўйиб тулки пойлашди, бироқ ов бародирдан келмади. Тонг ёришар-ёришмас изига қайтишди. Эндигина Урикисойнинг шоввасига етганда арчалар орасидан чиқиб келган кийикни

кўрдию шофёрига: «Тўхта!— деб юборганини сезмай қолди.— Қани, милтиқни ол-чи».

Шофёр йигит юкхонадаги милтиқни олди-да, ўқлаб узатди. Карим Жамолович одамдан ҳуркмай бемалол ўтлаб юрган кийикни завқланиб томоша қилди. Кийик сулувллигини намойиш этмоқчи бўлгандек, бошини ғоз тутганча у ёқ-бу ёққа мағрур қарар, ора-сира ўт чимдиб, яна виқор билан ўзини кўз-кўз қиларди. Унинг олачипор териси йилтирар, тимқора кўзларида, машина ёнидаги милтиқли кишиларга бежавотир боқишларида ажиб бир назокат бор эди. «Отинг, Карим Жамолович!— дея шивирлади шофёр.— Анови тошинг орқасига ўтса, қўлдан чиқиб кетади».

Карим Жамолович беихтиёр милтиқ қўндоғини елкасига тираб, мўлжалга ола бошлади. Кийик худди бирор хавфни сезгандек чўчиб ўгирилди. Карим Жамолович қўли қалтирай бошлаганини сездию шартта тепкини босди. Чиройли бўйинни виқор билан буриб қараб турган кийик гуп этиб йиқилди. Карим Жамолович милтиқни шофёрига тутқазди-да, ҳовлиқиб тоққа кўтарилди. Кийик бир оёғини буқлаганча, бошини орқага ташлаб ётар, ўқ тешган биқинидан қон сизар, кўзлари бақрайиб қолган эди. Карим Жамоловичнинг назарида бу кўзларда тушуниксиз бир савол бордек туюлдию беихтиёр нигоҳини олиб қочди. Шартта изига қайтиб, шофёрига буюрди: «Кетдик!» Ҳали ҳам милтиқни қўлидан қўймай турган шофёр ажабланиб сўради: «Кийик-чи? Ташлаб кетамизми?» Карим Жамолович қовоғини уйиб, томоқ қирди. Унинг феълени яхши билган шофёр милтиқни юкхонага ташлади-да, рулга ўтирди. Карим Жамоловичга шофёр атай имиллаётгандек, ўлжани ташлаб кетгиси келмаётгандек туюлди. Жаҳли чиққанини билдириш ниятида «Иҳм-м...» деб қўйди. Шофёр дарров моторни ўт олдириб, машинани ўрнидан жилдирди.

Карим Жамолович қилиб қўйган хатосидан ўқиниб эмас, ҳализамон кўриқхона ходимлари воқиф бўлиб, ғовга кўтаришларидан қўрқиб, тезроқ кетгиси келди. Айниқса, унинг собиқ синфдошига рўпара бўлишга сира тоқати йўқ эди. Бироқ то шахарга бора-боргунча шу пайтгача танасида ҳис этиб кўрмаган номаълум бир ғашлик юрагини келтирди. Худди нафаси қисиб, ҳаво етишмаётгандек бетоқатланаверди. Идорасига келиб, ҳашаматли хонасига киргач, ғашлик баттар зўрайиб, исканжага ола бошлади. У собиқ синфдошини яхши билгани учун, Вали арз қилмас-ов, деган умид кўнглига далда бериб турарди.

Тўсатдан ҳаворанг телефон бўғиқ жиринглади. Карим Жамолович жавоб бериб улгурмай Ҳамидовнинг ўтинига тўла мулойим овози эшитилди: «Бир келиб кетмасангиз бўлмайдими шекилли, жўрангиз прокуратурани аралаштириб тоза ғурбат қилаяпти. Шунга...»

Карим Жамолович ноилжоз изига қайтди. Аслида-ку, унинг Валини кўришга тоби-тоқати йўғ-а, лекин, инсофан айтганда, собиқ синфдоши унга бирон марта ёмонлик қилган эмас. Унингчиде ўқиб юришганида унинг ёнини оламан деб ҳатто калтак ҳам еган...

Оқбўта аканинг тўйида мойлисойликлар билан ораларида гап қочиб қолди. Тўйхонада тепагузарликлар камчилиқ, фақат Вали бошлиқ бир гаштакнинг йигити келган эди. Карим бехосдан пиёладаги чойни тирсаги билан туртиб, ёнидаги йигитнинг шимига тўкиб юборди. У сал кайф қилиб, бадани қизиб турган эканми, атай тўқдинг, деб тархашлик қилди. Карим билмай қолдим, деб уввало кечирим сўради, қани кўнса! Гап можарога айланиб, ғовур-ғувур кўтарилди, бир дастурхон атрофида ўтирган йигитлар иккига бўлиниб, ташқарига чиқишди. Тўйхонадан сал узоқлашгач, юзма-юз туриб қолишди. Муштлашишдан олдин бир сидра даҳанани жанг бўлади, рақиблар бир-бирининг суяк-суягидан ўтиб кетадиган гаплар билан бдор қонини қайнатиб, ғазабини жунбушга келтиргандан кейингина мушлар ишга тушади.

— Чиқасанми?— деб сўради Вали ёнида турган Каримдан.

— Чиқаман,— деди у қўлт этиб ютинаркан.

Кўройдин бўлса-да, Вали унинг овози титраб, кўзлари жавдираб турганини сезди. Шерикларидан бир қадам олдинга чиқиб турган мойлисойлик йигит чорлақидан келган, шимарилган билаклари ғўладек бақувват, сузмоқчи-

дек букчайиб туришининг ўзиёқ рақибига таҳдид соларди. Унинг олдида Карим бениҳоя пачоқ, қилтириқ кўринарди.

— Сен туратур,— дея Вали уни нари суриб, олдинга ўтди. Икки томоннинг йигитлари ғуж бўлиб олишди. Тепагузарликлар камчилик бўлишса-да, тўйхонадан думи қисилган итдек пусиб чиқиб кетишни исташмади. Валининг ўртага тушганини кўрган мойлисойликлар бир гуверанди.

— Нега анови ҳезимкаш чиқмади?— деди талабгор бўлиб турган йигит палағда товушда.— Е ичи ўтиб кетди-ми?— у шерикларига ўгирилиб кулди, қолганлар унга жўр бўлиб, қийқиришди.— Уртага чиқсин, ҳеч бўлмаса бўйчаларини кўриб қўяйлик.

Карим олдинга интилган эди, Вали кўкрагидан итарди. Рақибининг устига босиб бораверди, у ҳам босиб келаверди, қолганлар ҳам уларга эргашишди.

— Мана, менинг иштонимни ечиб кўрақол!— Вали атай қочириқ гап қилди.

— Сенинг кўрадиган ҳеч нарсанг йўқ-ку!— Мойлисойлик йигит ҳам гапга чечан эди, бўш келмади.— Гавдам бор деб кўтариб юрганинг ичига пахта тиқилган тулум-ку,— дея яна шерикларига ўгирилиб кулди у.— Мен анови ҳезимкашинг билан гаплашаман, бировнинг тиззасига чой тўкиш қандай бўлишини ўргатиб қўяй.

— Унга чой тўкишни мен ўргатганман.

— Ия, ҳа?

— Орани очиқ қилиб олмоқчи эдим,— Вали атай ёлғон гапирди.— Ҳов анови куну... эсингдами, дўкандан чиқаётганинда Кумрини туртиб ўтиб кетгансан.

— Туртганим йўқ, толма белидан силаб... им-м...— у гапини тугатолмади, юзини чаггаллаганча букчайиб қолди.— Валининг мушти устки лабини ёриб юборган эди.— Нимага қараб турибсанлар, солларинг!— дея хирллади у.

Икки томон айқаш-уйқаш бўлиб кетди, ким-кимни ураётганини билиб бўлмас эди. Тўйда уйнаб, яйраб кетишни мўлжаллаб келган йигитлар худди ашаддий душманлардек бир-бирига жикқа-жикқа мушт туширишар, кийимлар шир-шир йиртилар, бироқ ҳеч ким овоз чиқармас, бамисоли зарур бир юмушни сидқидилдан бажараётгандек астойдил мушт отишар эди. Мойлисойликлар кўпчилик бўлишса-да, тепагузарликларга бас келишолмади, улар анчагина чап-даст, жангари йигитлар эди.

— Қўлингизни ташла,— деди Вали рақибининг ердан тош олаётганини кўриб.— Мард бўлсанг ўғил болага ўхшаб уриш, бўлмаса...

Мойлисойлик йигит номардлик қилди: тош билан рақибининг пешонасига қарсиллатиб туширди. Валининг қаншари шилиниб, икки қошининг ўртаси ёрилди, қоронғида қора бўёққа ўхшаб кўринган қон бир зумда юзини таниб бўлмас қиёфга келтирди. Мойлисойлик йигит ўз ишидан қўрқиб кетди шекилли, қўлидаги тошни секингина оёғи остига ташлаб, орқасига тисарилди. Ҳозиргина куракда турмайдиган баҳона билан муштлашаётган йигитлар бирдан жимиб қолишди. Улар неча марта ёқалашиб, неча марта ярашишган, лекин ҳеч қачон биров орқадан пусиб келиб, мушт туширмаган эди. Даврабошисининг қилмишидан ори келдими, ишқилиб, мойлисойликлар бир-бир тарқай бошлади, барзанги йигит кўча ўртасида сўппайиб қолди. У нима бўлаётганини ҳамон идрок этолмай атрофга аланглар, шерикларининг орқасидан югуриб боришга ғурури йўл қўймас, тураверишга эса юраги дов бермас эди.

— Карим!— деб чақирди жароҳатга дастурмолини босиб турган Вали.— Ановини уйига обориб қўй, тагин йўлда ўзининг соясини кўриб, ўтакаси ёрилиб кетмасин.

Ҳеч ким унинг ёнига келмади, гапига ҳам жавоб қайтармади. Вали ҳамон пешонасидан қўлини олмай орқасига ўгирилди; юз-кўзи мўмталалоқ бўлиб кетган, кийимлари йиртилган йигитлар орасида Карим кўринмас, унинг даврдан қачон сирғалиб чиқиб кетганини ҳеч ким билмас эди. Бунинг сабаби биргина Каримнинг ўзига аён эди. Шу пайтгача биров юзига солиб, таъна ҳам қилмади, ўз қурдошларига нега хиёнат қилганининг боисини сўрашга ҳеч ким ботинмади ҳам. Ушанда Карим мойлисойликларнинг қўли баланд келаётганини кўргач, ўз жонини асраш бекорга калтак еб, майиб бўлиб қолмаслик учун даврдан чиқиб қочган эди. Нега бунчалик юраксизлик қилган экан



ўшанда? Агар вақти келиб, бу иснод кўзрадек азоб беришини билганида, мойлисоликларнинг калтагига индамай туриб бермасмиди. Афсус...

Машина муздек тоғ ҳавосини ёриб илгарилар, Карим Жамоловични хаёлгина етадиган олис ўтмишига, хотираларига гувоҳ бўлган қишлоғига тезроқ элтишга ошиқар эди.

\* \* \*

Вали ака бир-бир босиб, кийикнинг тепасига келди, тиззалари дармонсизланиб чўнқайди. Худди озор етказишдан чўчигандек, кийикнинг пешонасини, белги қўйилган қулоғини, бўйинни силади. Билинар-билимас титраётган бармоқлари амрига итоат этмас, кийикнинг бақрайиб турган кўзига тик қарашга ботинолмас эди. Ахир, куни кечагина... Куни кечагидай туюлган воқеа содир бўлганига талай йиллар бўлди...

У хотинининг турткисидан уйғониб кетди. Дафъатан нима бўлганини тушунолмади уйқусираб ёлдиради:

— Нима дейсан?

— Туринг,— деди хотини унга тўнини олиб узатаркан.— Кийикдан хабар олинг-чи, боядан бери безовта.

Вали шундагина ер остидан келаётган бўғиқ овозни илғади. Юрагида қўрқув аралаш бир бетоқатлик пайдо бўлдию ириб ўрнидан турди. Дахлиздаги муздек калишни оёғига илиб, ташқарига отилди.

— Шамни опчик,— дея қичқирди орқасига ўгирилмасданок.— Тез бўл! Қаёқда қолдинг?

У бостирма олдига келиб, ҳали қоронғиликка урганмаган кўзлари билан кийикни излади. Бостирманнинг нариги чеккасидан кучсиз ингроқ, ҳарсиллаган овоз эшитиларди. Вали бетоқатланиб уй томонга қаради: «Келақолмайдими тезроқ!» Кийик типирчилади, нимадир кетма-кет гурсиллади.

Хотини шамни бир қўли билан пана қилганча пайпасланиб кела бошлади, кафти билан тўсиб тургани учун ёруғ оёғи остига тушмас, шу боис илдам юролмас эди. Валининг сабри чидамай югуриб бориб хотинининг қўлидан шамни олди-да, ичкарига тутди. Милтиллаган хира шуъла девор тагида ғужанак бўлиб ётган кийикнинг оғриқ хуружидан катта очилган кўзларида акс этди. У ҳар қанча жони қийналаётган бўлмасин, эгасига ётсираб, ҳуркак нигоҳ ташлади. Бутун вужуди билан деворга сингиб кетгундек бўлиб ёпишаркан, инграганга ўхшаш овоз чиқариб, бошини яна деворга гурсиллатиб ура бошлади.

— Қочинг,— деди хотини унинг елкасига нуқиб.— Кетинг дарров. Қизганяпти.

Вали бари бир хотинининг нима демоқчилигини англаб етмади.

— Нега қизганаркан?— деди талмовсираб.— Кўрмаяпсанми, қийналиб кетяпти жонивор.

Хотини эрининг бунчалик гўллигидан кулишини ҳам, аччиғланишини ҳам билмай бошини сарак-сарак қилди.

— Қийналганда сиз туғишворармидингиз?— деди койиш оҳангида.— Кетинг дегандан кейин нарироқ кетақолсангизчи.

Вали шундагина хотинининг амрига итоат этиши лозимлигини тушунди. Оғилдан узоқлашар экан, уялиб кетди: тавба, шунгайм ақли етмабди-я! Қайтиб уйга киргиси келмади. Айвон четига чўнқайиб, қоронғи бўшлиққа, зулмат қўйнида худди кўланкадай қорайиб турган дарахтларга, ҳовли этагидаги устига брезент ёпилган пичан ғарамига бир-бир кўз ташлади. Қоронғилик қаъридан унга таскин-тасалли бергудек бирор сас эшитиладиган каби кўнглида умидворлик пайдо бўлди. Яна оғил томонга юзланди, хотини шамни охурнинг бир четига ўрнатиб, қайтиб келарди. Вали шошапиша ўрнидан турди:

— Ҳа?..

Унинг бетоқатлик қилиши хотинига ёқинқирамади.

— Мунча?— деди хушламай.— Кириб ётсангизчи.

Вали нима деганини билмай пешонасини тириштрди; рост, мунча ичи қуримаса?! У очор ўрнидан турди. Тунги изғирин этини жунжиктирганини энди ҳис этиб, чопонига

ўраларкан, қулоғини динг қилиб яна бостирма томонга қаради. Кийик ҳамон бетўхтов инграр, охур четида турган шамнинг шуъласи бостирма ичини тузукроқ ёритишга ожизлик қилиб тинимсиз липиллар, шифер томни, пўстлоғи арчилмаган устунларни ўз соясига қориштириб сирли кўрсатар эди. Балдоқдек ой аллақачон тераклар орқасига ўтиб кетган, кўкда юлдузлар сийраклашиб, сахархез ҳўрозларнинг яккам-дуккам қичқирғи қулоққа чалинар эди. Вали кафти билан оғзини тўсанча чўзиб эснади. Энди ўринга киргани билан бари бир ухломмаслигини билса-да, чор-ночор остона ҳатлади. Шу пайт қулоғига бутунлай нотаниш, лекин жуда ҳам ёқимли овоз чалинди, кийикнинг «ум-м» илагани, дукурлаб юргани эшитилди.

— Ана!— деди Вали қувончдан энтикиб.— Айтмадимми! Айтмадимми сенга...

У хотинини ҳайрон қолдириб бостирма томонга қараб югурди. Хашакнинг нишхўрдлари сочилиб, топталган ерда кичкинагина, диккайган қулоқлари, ҳўл танаси шилмишиқ улоқча оёқларини остига буклаганча ғужанак бўлиб ётар, тимқора кўзларини лип-лип ёнаётган шамнинг қизғиш шуъласига жовдиратиб тикканча ҳадеб ўрнидан туришга уринар, бироқ ҳали мадорсиз оёқлари гавдасини кўтаришга ожизлик қилиб, ўмгани билан ерга тиралди қолар эди. Онаси эса унинг беҳаловатлигидан норози бўлгандек, «ум-м» деб кўярди. Вали шошиб ичкари кирди-да, ҳали қуриб улгурмаган улоқчани даст кўтариб, уйга қараб югурди. Она кийик қаттиқ «ум-м»лаб юборди. Олдинига эгасидан хуркиб ўзини бурчакка олди-ю, бироқ чор-ночор унинг орқасидан эргашди. Вали хотинининг: «Вой, ўлмасам, бу нима қилганингиз?» деб ҳай-ҳайлашига қулоқ ҳам солмай тўғри уйга кириб борди. Улоқчани авайлаб шолча устига ётқизаркан, унинг нам пешонасидан силаб, жилмайди. Она кийик бўсагани устма-уст тепиб овоз бергач, ичкарига бостириб кирди. Интиқлик билан боласини искар экан, яна ялашга тутинди.

— Э! Буни қара!— деди Вали болаларча бир қувонч билан.— Қулоқларини... кўзларининг қоралигини... Ҳах, жонивор-а!— У уй ўртасида серрайиб турган хотинига юзланди.— Қарагин... худди болага ўхшайди, а?

Хотини кафти билан оғзини тўсанча пиқ этиб кулди. Унинг назарида кийик эмас, Валининг ўзи болага ўхшарди. У эрини шу чоққача яхши билмасди, тўғрироғи, Вали қандай одамлигини ошкор этмас, ортиқча гап-сўзи ҳам йўқ, уйга фақат ётиб ухлаш учунгина келар эди. Ҳозиргина туғилган улоқча уларнинг ҳаётига тонг шуъласидек ёрқинлик олиб келганга ўхшарди. Кийик туққанига шунчалик қувонса, эртаиндин...

— Ҳа-а?!— Хотинининг ҳайкалдек қотиб туриши Валининг юрагига ғашлик солди.

— Узим...— дея хотини секингина унинг ёнига чўкаркан, улоқчани журъатсизлик билан силади.— Вуй, ҳалиям қуримабди-ку.

Валининг чехраси ёришиб кетди. Қовушиқсиз бир ҳаракат билан хотинининг елкасидан қучди.

Уларнинг шодумонлиги эртасига кутилмаган ташвиш билан алмашинди. Вали нонуштадан кейин эндигина ишига отланиб турган эди, хотини ёзғириб кириб келди.

— Она бўлмай ўлақолсин кийингиз,— деди эрига норози боқиб.— Боласини эмизмаяпти-ку.

— Нега эмизмайди?

— Билмасам,— дея хотини елка қисди.— Боласи бечора эмаман деса тепиб ётибди, ўлгур.

Вали худди кийикни эмдиришга кўндириб берадигандек, шахт билан оғилга кирди. Она кийик худди бирор хавфни сезган каби ҳуркиб, ўзини бурчакка урди, узун бўйинини виқор билан бурганча хавотирли боқди. Улоқча диқир-диқир сакраб унинг оёқлари орасига кириб суркалди ва бирдангина тумшугини чўзиб эмишга талпинди. Бироқ у ҳали эмчанки оғзига олиб улгурмай онаси тарсиллатиб тепиб юборди — улоқча шиптирга беланган хору хас устига учиб тушди. Бир муддат нима бўлганини идрок этолмай, тимқора кўзларини жовдиратди, ўймоқдек оғзини очиб ёлворувчи овозда маърада, сўнг оқиш тили билан тумшугини ялади.

— Қуриб кетгуннинг қилиғи совуқлигини қаранг!— деди хотини.— Очдан ўлиб қолади-ку боласи.

Чиндан ҳам, улоқча энди онасига яқин боришдан безилларди, бироқ ундан бошқа паноҳгоҳи йўқлигини ўзига хос сезги билан идрок этгани учун аста келиб, унинг олд оёғига суйкалди. Вали чидаб туролмади. Абжирлик билан кийикнинг орқа оёқларидан ушлаб олди, у типирчилаб қўлидан чиқиб кетишга ҳарчанд уринмасин, қўйиб юбормади.

— Опке!— дея қичқирди у кийикнинг типирчилаётган оёқларини ерга қаттиқ босиб.— Тезроқ боласини опке, эмиб олсин.

Хотини улоқчани ушлаб, куч билан онасига яқин боришга ундади, аввалига олд оёқларига тиралиб тархашлик қилган улоқча эгасининг муддаосини англагач, жонҳолатда тирсиллаб турган елинга ёпишди, чип-чип овоз чиқарганча тамшаниб эма бошлади. Бироқ онаси зўр бериб ўзини олиб қочишга, боласини нарироқ суришга уринар, унга сари улоқча елинни тумшуги билан кетма-кет туртиб, онасини ийдирмоқчи бўлар, ютоқчи эмганидан оғзининг икки чети кўпириб, сут оқарди. Она кийикнинг эти дир-дир учар, оғриқ азобидан кўзлари юмилиб-юмилиб кетарди. Ниҳоят, нафси ором олган улоқча тумшугини ялаганча ирғишлаб ўйнай бошлади.

— Бечоранинг жони азобда экан-ку,— деди хотини.— Қаранг, елинининг учи ёрилиб кетибди. Зиғир ёғни доғлаб босмасак бўлмайди. Қўйвормай туринг.

Одамзот бир нарсага қаттиқ меҳр қўймасин экан, кўнгил бердим, тамом. Вали ҳам худди шундай кайфиятда қолган эди: эрталаб барвақт туриб кийикларнинг ёнига чопар, тагини тозалаб, пичаннинг майин-майинини танлаб охурни тўлдирар, шақирлаб турган самоварни қоқлаб, илиқ сув қилиб берар, унга сари хотини жигилларди. «Қилган ишингиз бор бўлсин, ҳеч замонда кийик ҳам илиқ сув ичадими? Тоғ-тошда ях ялаб юрган нарса бўлса... Энди самовар ўлгур қачон қайнайди? Кошки, кутиб ўтиришга сабрингиз чидаса». Хотинининг гаплари Валининг қўлоғига кирмас, улоқчанинг куртиллатиб ўт ейишга уринишини мароқ билан томоша қилар эди.

Майсалар ниш уриб, қир ёнбағирлари кўк билан қоплангач, у кийикларни қўриқхонага олиб кетди. Узоқ вақт эгасининг паноҳида яшаб ўрганган кийиклар дарахтлар қуршовидаги бино атрофида ўтлар, қорни тўйгач, одамларга яқин келиб, кунгайда тобланиб ётишарди. Улоқча эгасининг қорасини кўриши ёки овозини эшитиши билан чопқиллаб келар, унинг юзини искаб кўрарди. Жониворнинг намхуш лаблари юзини сийпалаши Валига хуш ёқар, худди қиз боланинг момиқ қўллари оҳиста силаётгандек, аъзои баданида ҳузурбахш бир лаззат туярди. Сўнг бирдан болалиги тутиб, шаппа улоқчанинг бўйнидан ушлаб оларди. Унинг териси силлик, вужудидан сут ҳиди анқирди. Бундай бўларини кутмаган улоқча жонҳолатда юлқинар, нолакор овозда маъраб, онасини ёрдамга қақирар эди...

Бу ҳол деярли ҳар куни такрорланарди. Бироқ бора-бора кийиклар идора атрофида кам кўринадиган, эгасининг овозини эшитиб югургилаб келмайдиган бўлиб қолишди.

Вали ака тиззаларига таяниб базўр ўрнидан турди. Яна дараза олдига келиб, бўшашганча деворга суянди. Осмон ниҳоятда тиниқ, кўзни қамаштирадиган даражада кўм-кўк эди. Ҳамиша кўкка етай-етай деб турган Такали чўққи ҳозир осмон билан ер ўртасида муаллақ қолганга ўхшарди. Назарда Вали ака ҳам бу дунё билан ҳаётини муносабатлар ўртасида, муҳаббат билан нафрат оралиғида, мажбурият билан бурч сарҳадида муаллақ қолганга ўхшарди. У урушдан қайтгач, қари онасини ёлғиз ташлаб, Тошкентга ўқишга кетди. Уқишни тугатгач, қишлоққа қайта қолмади. Беш-олти йил умрини шаҳри азимда шунчаки эрмак излаб ўтказди. У қишлоқдан нари кетсам кўп нарсаларни унутман, дардим энгиллашади, деб ўйлаган эди. Янглишган экан, вақт ва макон масофаси узоқлашгани сайин юраги тубидаги ҳажр ўти баттар алангаланар, битмас ярадек яллиғланиб, азоб берар эди. Ҳаётнинг ўз бешафқат қонунияти бор, у ҳамма нарсага ҳукмини ўтказди. Вақт ўтиши билан Валининг дарди энгиллашгандек туюлди. Онасининг раъйига қараб, узоқ қариндошларидан бирининг қизига уйланди. Тўй

ҳам замонасига яраша, ортиқча дабдабасиз ўтди. Валига на келинни гуриллаб ёнган гулхан атрофида айлантириш, на хотинларнинг чувиллаб айтган ёр-ёри, на гўшангада холи қолишгани қизиқ туюлди. У бўлиб ўтаётган воқеаларга бефарқ, азбаройи мажбурият юзасидан иштирок этарди. Келин ҳам унинг аҳволини ҳис этиб, ортиқча эйтибор талаб қилмади. Ёш келин-куёвга олам-олам ҳаяжон, тотли кечинмалар бахш этадиган синов оқшоми ҳам улар учун мажбурият кечаси бўлди. Эртасига куёвтура янги ташкил этилган ишга жўнади, келин рўзгор ишларига қуймаланиб кунини ўтказаверди. Вали эрта кетиб ичка қайтар, онасининг ёнида ярим кечагача чой хўплаб ўтирар, керак-нокерак нарсаларни гапириб, вақт ўтказишга уринарди. У хотинининг ҳориб-чарчаб ухлаб қолишини истар, бироқ қай маҳал кирмасин, келин бирон нарсани тикиб-чатиб ё китоб ўқиб, уни кутиб ўтирган бўларди. Эрталаб уйғонганида хотини аллақачон ҳовлини супуриб, чой тайёрлаб улгурган бўлар, бош тамондаги қоziқда янги дазмолланган кўйлак билан шим осиглиқ турарди. Вали хотинининг яхши кўриниш учун жонини жабборга бераётганини билса-да, пинак бузмас, баъзан қўриқхонада икки-уч кунлаб қолиб кетар, ҳуши тутганда яна соядек судралиб кириб келарди. Онаси уни қаттиқ-қуруқ гаплар билан койир, келинни алқаб, инсофга қақирар, баъзан эса хўрлиги келиб йиғларди. Бироқ онанинг оқ-зорлари ҳам, хотинининг пинҳон ўртанишлари ҳам Валига таъсир қилмасди, ҳатто унинг юзига ҳомила доғлари тушганини кўриб ҳам «инсоф»га келмади. Фақат бир куни ғира-шира тонг чоғи хотинининг қорнини чангаллаганча ўзини ҳар ёнга ураётганини кўриб, биринчи марта унга жони ачиди, имкони бўлса, дардини бўлашиб олгиси келди, онасига ҳам айтмай доя кампирниқига югурди. Кеңкурун қўлига қип-қизил жиш болани тутқазишганда бирдан юраги орзиқиб кетди. Унинг ангишвонадек оғзини очиб тамшанишини, кўзларини жовдиратиб боқишларини кўриб, илк дафъа хотинини яхши кўришини ҳис этди. Агар кўнгли бўлмаганда орзудек ширин бу гўдак дунёга келармиди? Хотини кўрпанинг чети билан юзини пана қилганча унга ҳам меҳр, ҳам ғурур билан боқар, кўз-кўзга тушганда рангпар юзида хижолатомуз табассум пайдо бўларди.

Шу кундан бошлаб Кумрига боғлиқ ўйлари ўтмиш хотираларига айланди, шу кундан бошлаб у хотинини пинҳон бир меҳр билан суядиган, бироқ муносабатини сездирмасликка уринадиган бўлди. Болалари бир этак бўлганда ҳам шу одатига содиқ қолди.

... У телефоннинг бўғиқ жиринглашидан чўчиб тушди.

— Лаббай,— деди трубкани олиб.— Ҳа, мен... Э, Нурмат Содиқович, сизмисиз? Узр, танимабман. Ҳа, юрибмиз, тоғтошни кўриб...— райком секретарининг кутилмаганда кўнғироқ қилиши баттар юрагини ғаш қилди. Наҳотки, у ҳам шу можарога аралашса?— Лаббай? Карим Жамоловичнинг машинасиними?— бу гапни у машаққат билан қйналиб айтди.— Ҳодимларимиз кўришибди. Отган кийиги ана...— дея хона ўртасида чўзилиб ётган кийикка қараб қўйди.— Узим парваришлаб ўстирган эдим жониворни,— у беихтиёр уф тортиди.— Йўқ, шов-шув қилганимиз йўқ. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор-ку... Ахир, қонун бузилган...— У бир муддат трубкага қулоқ солиб тургач, оғринган оҳангга гапирди.— Наҳотки, сиз ҳам жиноятнинг катта-кичиги бўлади, деб ўйласангиз? Мени тўғри тушунинг, Нурмат Содиқович, ўзимиз чиқарган қонунни ўзимиз ҳимоя қилолмасак...— У пешонасини тириштирганча жим қолди, юзида хижолатомуз табассум, кўзларида ўз аҳволига ачинишга ўхшаш бир ифода пайдо бўлди.— Хўп бўлади. Нурмат Содиқович, натижасини албатта сизга маълум қиламан.

Вали ака трубкани жойига қўйгач, аъзои бадани бўшашиб узоқ ўтирди. У биринчи марта ўзининг ожизлигини, кимларнингдир юзидан ўтолмаслигини, кимларгадир тобелигини ҳис этди. Мана, Нурмат Содиқовичга бу сиз аралашадиган иш эмас, деёлмади. Ваҳоланки, шундай дейиши керак эди!..

Эшик ғоят беозорлик билан чертилди. Вали ака ҳали жавоб бериб улгурмай ланг очилиб, остонада ижрокомнинг масъул котиби Ҳамидов кўринди.

— Хайрият, шу ерда экансиз,— деди у сохта та-

бассумдан юзи ёришиб.— Уйга кўнғироқ қилсам, кўриқхонага кетган, дейишди. Оббо, энди қайси тошнинг қавағидан қидириб топаркинман, деб бошим қотиб келаётган эдим. Қани, ош ейдиган кўлингизни бир олиб кўяй, ака, ассалому алайкум.— Ҳамидов иккала қўлини чўзганча хиёл эгилиб кўришмоқчи бўлди.

— Кечирасиз,— Вали ака беихтиёр орқага тисарилди.— Қўлим ювуқсиз. Кийикнинг қони юққан.

Ҳамидов таққа тўхтади, кўзларини катта-катта очганча Вали акани ғалати нигоҳ билан бошдан-оёқ кузатди, сўнг бир ёнбоши наликчи, қон қотиб қолган кийикка қараб, юзини буриштирди.

Вали ака уни ҳайрон қолдириб сой бўйига тушиб кетди. Анча ҳаяллаб қайтганида оқ оралай бошлаган сочлари нам эди. У елкасига ташлаб олган сочиқни қоziққа илгач, меҳмонга юзланди.

— Келинг, ука, нечук?

— Келдик, ака.— Ҳамидов яна сабабсиз оғзининг танобини қочирди.— Сиз йўқламасангиз ҳам биз келаверамиз. Соғиниб қоламиз, суҳбатингизнинг хумори тутати.

Вали ака унинг ёлгон гапираётганини билиб турса-да, эътироз билдирмади, таомил шунақа — эшикдан салом бериб кирган одамга танбеҳ берилмайди.

— Қалай, ака, тинчмисиз? Соғлиқларингизни сўрасак...— Ҳамидов ўнг қўлини ҳамон кўксидан олмай стуллардан бирини суриб ўтирди.— Туф-туф... кўз тегмасин, кўринишингиз яхши, ака. Ешариб кетганга ўхшайсиз. Тоza ҳавода гап кўп-да, а? Тоғ-тош, ям-яшил арчазор, қушлар сайраган... Оҳ!

Вали ака унга эътибор бермай, столдаги қоғозларни йиғиштириб бошлади. Ҳамидов бекорга қадам ранжида қилмайди; ё бирон илтимоси бўлади, ё меҳмон бошлаб келади.

— Келинг, Ҳамидов ука, хизмат?— дея яна совуққина сўради у.

— Хизматингиз нимаси, ака,— деди Ҳамидов ранжиган бўлиб, бироқ кўзлари қувлик билан кулиб турарди.— Одам бир-бирини соғинмайдими? Кўргиси келмайдими? Уйлаб қарасам, кўришмаганимизга анча бўлибди. Ҳали иш деб юғурамиз, ҳали рўзгор ғамида чопамиз, ҳали бола-чақанинг ташвиши...— У лунжини шишириб уф тортди.— Ҳеч нарсага ортмайди киши. Эрталаб ишга борамиз, кечкурун уйга қайтамиз. Ҳар куну иш аҳвол, ҳар куну бир хилда ғимир-ғимир... Э, бор-э, деб ҳаммасига қўл силтадим бу ёққа келавердим,— дея ўз гапидан завқланиб кулди у.— Шофёр ҳайрон. Қаёққа кетяпмиз, ака, дейди. Уйнагани, тоғ-тошларни томоша қилгани, десам, ҳазиллашманг-э, капкатта одам, дейди. Қаранг, ҳозирги одамлар қандай бўп кетган.

«Ҳозирги одамлар устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқи сенга берилганми?— дея ғижиниб хаёлидан кечирди Вали ака.— Агар ҳамма сенга ўхшаса, аллақачон охир замон бўларди-ку».

— Шу бугун ҳамма ишларингизни йиғиштирасиз, ака. Бир мириқиб отамлашамиз.

— Отамлашамиз денг,— деб истеҳзоли жилмайди Вали ака.— Сиз билан нимани гаплашиб отамлашимиз мумкин, ука, мен бир мўйсафид одам бўлсам, сиз ёш, ҳар хил... бепарда латифаларни яхши кўрадиган йигит бўлсангиз...

— Э, ўлманг, Вали ака, ўлманг!— дея завқланиб кафтларини бир-бирига урди Ҳамидов.— Гапниям тешиб кўясиз-да. Бирпас ҳалигиндай... баданни жимирлатадиган гаплардан гаплашиб, ёшлик чоғларингизни ёдингизга соламан. Узингиз ҳам ёшлигингизда қизларнинг ёқасидан мўралаб, а?...— У қиқирлаб кулди.— Яширманг, айтаверинг. Нега қизариб кетдингиз?

Вали ака унинг гапига кулмади. Аксинча, жуда ҳам босиқлик билан жавоб берди:

— Биз ёшлигимизда қизларнинг ёқасидан эмас, оқопдан мўралаганмиз, ука.

Ҳамидов унинг ачиғи чиққанини сезиб, дарров гапни хаспўлашга уринди.

— Оббо, сиз-эй!.. Ҳазиллашиб ҳам бўлмайди-я... Ҳай, майли...— У оёқларини чалиштириб, ўрнашиб олди.— Дунёнинг ташвишларини шу бугунча унутинг, ака. Урикли-сойнинг бўйида ёнбошлашиб, бир хумордан чиқайлик.

Одам-одамга ғанимат, ахир. Бу ёққа келаётсам денг, Нуъмон қассоб эндигина канорага гўшт осаётган экан. «Қани, қаззоб, тандиржабоба мослаб беш-олти кило ўра, кўриқхонага бориб, акамни кўриб келмоқчиман», дедим. Дарров битта сонни қовурга аралаш машинага ташлади. Пул узатсам, ўламан саттор, олмайман, дейди. Ўзи қаззоб бўлсам, бизни қаттиқ ҳурмат қилади. Улфат кўрган йигит-да!— У олдинга энгашиб, паст овозда шивирлади:— Ҳалигиндай... баъзи ишларини озми-кўпми биламиз-да...— У гўё муҳим сирни очган одамдек, виқор билан қараб қўйди.— Биласиз-ку, қўлимиздан келса, бировдан яхшилигимизни аямаймиз. У бечорагаям қийин, келим-кетими кўп... бу ёғи, жўжабирдай жон.

— Урозбой ақтларни обориб бергандир, а?— деди Вали ака гўё бу гапларни эшитмагандек.

Ҳамидов ўрнидан турди, худди узоқ ўтириб эзилиб кетган каби керишди.

— Бензин қалай, ака, серобдир, а?— деб сўради у.— Бизнинг шофёр ландовурроқ. Суриштириб турмасам юраверади қулоғини ушлаб, ҳеч нарсанинг ташвишиниям қилмайди.

Вали ака ундан кўз узмай оғриниб гапирди:

— Қўйинг, гапни бурманг. Сизга бензин қаҳатми? Ақтлар билан танишиб чиққандирсиз-а?

Ҳамидов дераза томонга юрди. Оёғи остидаги тахта-ларнинг ғижирлашига қулоқ солаётгандек салмоқлаб қадам ташларкан, пўнғиллади:

— Ақтларингизни кўятурсангиз-чи шу тобда. Мен бу ерга дам олгани, суҳбатингизга тўйгани келганман.

Ҳамидов гапни айлантиргани, ўзини чиндан кийик можаросига дахлсиз кўрсатишга урингани сайин Вали аканинг диққати ошарди. Дабдурустан, ёлгон гапиряпсан, муддаонг бошқа, деб бўлмади! Асабийлашганидан столдаги қоғозларни мақсадсиз титаётган бармоқлари титраб, кўзининг атрофидаги чизиклар тобора қуюқлашарди. «Наҳотки, унинг устидан кулаётган бўлса? Ҳамидов бунга журъат қилолмайди. Бўлмаса, нега сиртига сув юқтирмайди?»

— Кийикни ким отган экан? Карим Жамоловичми?— дея ишонч билан сўради Вали ака.— Суриштириб билгандирсиз?

Ҳамидов дераза олдига етмай орқасига ўгирилди, силлиқ юзидаги жозоба совуқ тус олди. Жойига келиб ўтираркан:

— Зап кизиқ одамсиз-да, ака, лоақал бир кунгина Карим Жамоловичларнинг ташвишини қилмай яшашимиз мумкин эмасми?— деди.

Энди Вали аканинг юзига заҳарханда табассум қалқди. — Мени жудаям анойи деб ўйламанг, Ҳамидов ука. Сиз билан биз ундайларнинг ташвишини қилмай яшолмаймиз.

— Жудаям юрагингиз тор-да, ака.— Ҳамидов ўзини эркин тутишга уринарди.

— Гап менинг юрагим торлигида эмас,— дея Вали ака унга тик қаради. Ҳамидов безовталаниб ғимирлади.— Сиз буни яхши биласиз.

— Бўлмаса, нимада?— деди бетоқатланиб.

— Юракдан гаплашиш учун аввало виждон тоза бўлиши керак. Афсуски, иккаламизнинг ҳам виждонимиз сал ҳалигиндайроқ...

— Тагдор гапларга устасиз-да, ака!— Ҳамидовнинг юзи буришди.— Сиз бундай нарсаларга кўп ишонаверманг. Мени биласиз, кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайдиган нарсаларга ишонмайман.

— Одамлар қўлингизга ҳар нарса ушлатавериб ўрганиб қолгансиз-да.

Ҳамидов яна дўппайган қорнига уриб кулмоқчи бўлди-ю, суҳбатдошининг авзойини кўриб, фикридан қайтди.

— Олдингиз, ака,— деди хушламай.— Лекин аския сал бепардароқ чиқди.

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ,— деди Вали ака хотиржамлик билан.

Ҳамидов бирдан ҳушёр тортди; бу одам унинг устидан куляпти-ку. У ўрнидан туриб кетгундек шахт билан олдинга интилиб сўради:

— Ия, ҳа?!

Вали ака жавоб беришга шошилмади. Унинг кўриниши ҳам, боқишлари ҳам ҳорғин, сўник эди. Кексайганда одамлар билан муомала қилиш ҳам, ишлаш ҳам қийин экан.

— Пора десам айб бўлар-у, совға-салом маъносида...— Вали ака гапининг давомини айтишга ийманди. Бировнинг дилини оғритиб ўрганмаган одам, Ҳамидовни ҳаромхўрга чиқаришга истиҳола қилди. Лекин тешик қулоқ... ҳар хил паст-баланд гаплар етиб келади. Иши тушган одамлар Ҳамидовдан миннатдор бўлганини ҳалигача эшитмаган.

— Э, кўйинг-э...— бурнигача қизариб кетди.— Сиздан бундай бемаза гап чиқар, деб ўйламаган эдим. Акам деб юрсам...

«Хафа бўлишнйам унутиб кўйибди шекилли. Ҳеч нарсага ачинмаса, биров учун куюнмаса, лоақал ҳақорат эшитиб оғринмаса, бунинг одамлиги қайга борди?» Вали ака кўнглидан кечган гапларни унинг юзига айтиш истагида ўртана бошлади.

Ҳамидов унинг кўз олдига юриб жувонмарг бўлди. Дастлаб иш бошлаган кезлари туппа-тузук эди. Кейин... Уша воқеани эсласа ҳалигача Вали аканинг тепа сочи тик бўлади. Яхшиси, эсламагани тузук.

— Бунчалик терингиз юқалашиб кетганини билмаган эканман,— деди у киноя билан.— Тузук, анча ўзгарибсиз.

— Ғарниям ғар деса ори келаркан,— Ҳамидов тўпигини қаттиқ сиқимлади.— Биз ҳар ҳолда...

— Сиз ҳали у даражага бориб етмагандирсиз?

Ҳамидовнинг юзига яна қизиллик тепди. Мавқеи ўзидан паст одамнинг олдига бўйини қисиб ўтиргани унга алам қиларди. Бироқ мураса қилмаса бўлмайди. Район катталарининг баъзилари бу одамни қаттиқ ҳурмат қилишади, сал бўлмаса ҳалолликнинг тимсоли деб билишади. Шунинг учун ҳам Ҳамидов у билан эҳтиёт бўлиб муомала қилади.

— Чап ёнингиз билан турганингизни билганимиз келмасдим,— деди гинахонлик билан.— Юзингда кўзинг борми демай...

Вали ака яна босиқлик билан унинг оғзига урди:

— Йўқ, келардингиз.

— Ўзгарибсиз, ака.— Ҳамидов синиқ жилмайди.— Ҳамма нарса ни каромат қиладиган бўп қолибсиз.

— Ҳаёт шунга мажбур қилаяти, ука,— Вали ака ҳамон стол қиррасидан кўкрагини узмас, бу асабий суҳбат уни ҳам қизиқтириб, ҳам толтиқтириб қўйган эди.— Сиз ҳам кўп нарсага мажбурсиз-ку.

— Бизни кўяверинг-у, лекин сизга нолиш ярашмас экан.

Вали ака қаддини ростлаб, суҳбат асносида биринчи марта яйраб илжайди:

— Бизга кўп нарса ярашмайди, ука.

— Анчагина тажанг бўп қолибсиз, ака,— дея бош чайқади Ҳамидов.— Бунақада қон босими... Касалга чалиниб қолиш ҳеч гап эмас.

Вали ака ичида аччиқ қулди. Ҳамидовнинг ўзидан бошқа ҳеч кимсага жони ачимаслигини яхши билади-ку! Ушанда гапини эламаган, қўшнисини одам ўрнида кўрмай ишини судга ошириб юборган эди. Оқибат бир бечора ноҳақ саккиз йил ётиб чиқди. Унгача хотини боласини қайнонасига ташлаб, бошқа эркакнинг этагини тутиб кетди. Икки ўртада бир оила йўқ бўлди, бир норасида етим қолди. Шундай одам энди унга меҳрибон бўлиб қолдими?

— Мен урушда ўлиб кўрганман, ука,— деди Вали ака ҳар бир сўзни чертиб-чертиб.— Улимнинг олдига касал нима деган нарса?

— Э, нафасингизни ел олсин-э!— Ҳамидов худди чўчигандек бир ҳаракат қилиб қўйди.— Бундай совуқ гапларни гапирманг-э. Айни қирчиллама ёшингизда...

«Нега бу ҳеч нарса ни ўзига юқтирмайди, ҳеч нарсадан таъсирланмайди?— дея чин дилдан ҳайратланди Вали ака.— Наҳот, у ҳам одам наслдан бўлса!»

Кўпинча бировнинг қабиҳ бўлиб кетишига, юзсизлик никобини кийишига ён-веридигилар ҳам сабаб бўлишади. Биринчи марта бировнинг дардига бефарқ қараганида, қўлидан келадиган яхшиланини аяганида, умуман, одамгарчиликка хиёнат қилганида ҳеч ким уларни қоймаган, бу йўлдан қайтармаган. Оқибатда, бир марта ғайрилик, худбинлик лаззатини тотиб, мазахўрак бўлиб қолган кимса бора-бора инсоф кўчасига қаърилиб боқмайдиган бўлади. Мана, ҳозир ҳам Вали ака Ҳамидовнинг гапларидан, хатти-ҳаракатларидан ғижиниб ўтирибди. Ваҳоланки, у онадан шундай бўлиб туғилмаган-ку. Карим-чи? Нега уларнинг

тўғри йўлдан тойиб кетишига одамлар бефарқ қараган? Ҳеч ким тўғри гапни вақтида юзига очиқ айтмаган.

— Киши ҳамма нарсадан кўрсак, касал бўлишдан чўчиса, бировни ранжитиб қўйишдан ташвишланса, ўлимни ўйлаб ўтақаси ёрилса, қачон одамга ўхшаб хотиржам яшайди?— Вали ака худди катта йиғинда ваъз айтаётган одамдек, кўтаринки руҳда тўлқинланиб гапирарди.— Сизни кўпдан бери кузатаман, доим кулиб турасиз. Яхшига ҳам, ёмонга ҳам бир хилда ҳушмуомаласиз, қўлингиз кўксингизда. Ростини айтаётганим учун хафа бўлманг. Хафа бўлсангиз ҳам майли. Ҳозир гап келиб қолгани учун айтиб олай. Сиз яхшига ҳам, ёмонга ҳам бирдексиз. Ишқилиб, ҳеч ким сиздан хафа бўлмаса, биров сизни хафа қилмаса бўлгани. Тўғрими? Кўпинча кимлингизни ҳам унутиб қўйсангиз керак.

Ҳамидов унинг гапларини юзида ортиқча ўзгаришсиз, анчайин бефарқ тингларди. Афтидан, бундай гапларни бошқалардан ҳам эшитиб, меъдасига урган, энди унча таъсири қолмаган эди...

Ушанда... бундан анча йиллар илгари Вали ака унинг бир беғуноҳ одамга ёрдам қўлини чўзишни истамагани учун қаттиқ хафа бўлган эди. Уша воқеани Ҳамидов ҳам унутмаган бўлса керак. Инсоннинг умри асосан бир меъёрда силлиқ кечади, аммо баъзан шундай кутилмаган воқеалар — ё фожиа, ё шодлик юз берадики, одам худди шу паллада ўз йўлини толади, гоҳо мана шундай синовдан ўтолмай бебурд бўлади. Вали аканинг назарида Ҳамидов ўшанда, бундан талай йиллар илгари ҳалол, меҳнаткаш бир одамнинг ишини адолат қилишга кўмаклашганида ҳозирги қиёфага тушмас эди. Энди у кунларни эслаб эзилган билан бефойда, жабрдийда аллақачон қишлоқдан бош олиб кетган, хотини ҳам кейинги турмуши билан қаёққадир зим-фойиб бўлди. Фақат бу воқеадан огоҳ одамларнинг Ҳамидов ҳақида фикри ўзгарди, кўпчиликнинг ихлоси қайтди. Вали ака ҳозир унга эски гапни, ораларида бўлиб ўтган можарони эслатиб қўйгиси келди. У табиатан кечки эмасди, эски гина-қудуратларни қовлаштириб, ижиклашни ёмон кўрарди, бироқ ҳозир бирдан феъли айниди, рўпарасида илжайиб ўтирган одамнинг ёдига ўтмишини солиб қўйиш зарур туюлиб кетди.

— Биласизми, мен...— Вали ака ўша — ғарамга ўт кетган кунни кўп эсламан, демоқчи бўлди-ю, Ҳамидовнинг жавдираб турган кўзларига қараб кўнглида унга ачиниш пайдо бўлганини ўзи ҳам сезмай қолди...— Биласиз-ку, мен ростини айтишни яхши кўраман: сиз ҳаловати бузилишидан қўрқадиган одамсиз.

— Сиз-чи? Сиз қўрқмайсизми?— дея сирли пичирлади Ҳамидов. Бу саволни ҳар қандай гапга қарши кўндаланг қўйиш мумкинлигини у яхши биларди.

— Мени кўяверинг, ука,— деди Вали ака оғир тин олиб.— Айтдим-ку, мен кексайиб қолган одамман.

Унинг жавоби Ҳамидовни қувонтириб юборди.

— Мен эса ёшман. Фарқимиз мана шунда, ака,— деди у тантанавор оҳангда.— Сиз дунёга келиб кўрадиганингизни кўргансиз, эришадиган мартабангизга эришиб бўлгансиз. Менинг эса ҳали ҳаётдан умидим катта. Мен бу... дунёнинг бир кунжагида қолиб кетишни истамайман. Каттароқ бир одам бўлишни ўйлайман.

Ҳамидовнинг гаплари унга ғалати таъсир қилди. Вали ака одам кўнглидаги ниятини пинҳон туттиши, ҳамма жойда, ҳаммага ошкор қилавермаслиги керак, деб ҳисобларди. Ваҳоланки, Ҳамидов ҳаётдан юлиб ололмаган уллушнини, илинжини сира уялмай ошкор этди. Агар ниятига етмаса у аламзада, ҳатто манфур кимсага айланиши мумкин. Аламзада кимса эса ҳеч нарсадан тап тортмайди. Бундайлардан қўрқулик!

— Биламан, гапим сизга ёқмади,— дея сўзида давом этди Ҳамидов.— Лекин менга ўхшаб сиз ҳам...

— Сизга ўхшаб ўртада даллолик қилайми?— Вали ака бу гапни босиқлик билан, бироқ базўр айтди.

— Қўйинг, ака, арзимаган битта кийинки деб сан-манга бориб юрмайлик,— деди Ҳамидов тўсатдан мурасасозлик билан.— Мана актларингиз. Менимча, бу ишни ортиқча шов-шув қилмаганимиз маъқул. Бу ёғи Карим Жамоловичнинг шаънигаям... Ўзингиз тушунасиз-ку,— дея маънодор бош ирғаб қўйди у.— У киши билан ўзимиз яхшилаб

гаплашиб кўямиз. Мана шу ерга опкелиб, кечирим сўраттираммиз. Келишдикми? Мана, мен ўзим илтимос қилиб турибман, ака.

— Бир пайтлари бизнинг биттагина илтимосимизни олманг эдингиз...— Вали ака юраги тубига чўкиб ётган гапни бари бир айтиб юборди.

— Э, ака, қизиқсиз-а, ўтган ишларни кавлаштириб нима қиласиз?— Ҳамидов тескари қараб пўнғиллади.— У пайтларда шаронт бошқача эди.

Ҳали ака бир тебраниб, бош чайқади. Дунёда уни ҳайрон қолдирадиган, тасаввурга сиғмайдиган воқеалар кўп экан, ҳар қадамда минг турланадиган одамлар ундан ҳам зиёда экан. У лақма, гўл бўлмаса, мана шу эътиқоди суст Ҳамидовнинг олдига сарғайиб борармиди? Қўшниси учун чинордек қаддини букиб ялинармиди? Унинг мурувват қилишдан, бегуноҳ йигитнинг айбини енгиллатиш учун орага тушишидан умидвор бўлармиди?

Бу воқеа йигирма йил олдин юз берган. Валининг қўшниси хирмон қоровули эди. Уша йили бемаҳал ёмғир кўп бўлиб, ўрилган бугдойни ҳадеганда янчиб олишолмади. Донни пешма-пеш омборга жўнатиб, сомонни шундоққина йўл четига ғарам қилишди. Вали аканинг қўшнисини яқиндагина кўришгани олдиригани учун хирмонга қоровул қилиб қўйган эди. Шу атрофда ишлаётганларнинг бирортаси тамакисини ўчирмай ташлаганми ё биров қасддан гугурт чакиб юборганми, ишқилиб, бир ғарам сомон, қанча янчилмаган бугдой ёниб кетган. Қўшни кампир ёлғиз ўғлини қамоқдан олиб қолиш учун кўп одамга учрашган, талай идораларнинг остонасига бош урган, аммо кўнглига далда бергудек бир оғиз гап эшитмагач, унинг олдига чиққан эди: «Бўйларингга холанг қоқиндиқ, Валижон, ўзинг мушкулимни осон қилиб бермасанг уйим куйиб қоладиганга ўхшайди. Менинг болам сомонга ўт қўйибдимми? Менинг болам колхознинг дони ёнсин дебдимми? Бўйларингга холанг қоқиндиқ, Валижон, катталарга учраш, айт, мен муштипар кампирга раҳм қилишсин».

Шу йили Ҳамидов колхоз тафтиш комиссиясига раис, гуриллаб ўсиб келаётган ёш раҳбар эди. Вали ака Ҳамидов билан ота қадрдон бўлгани учун кампирнинг дардини айтиб, қоровул йигитнинг гуноҳини енгиллатиб беришини биргаллашиб илтимос қилайлик, деб ўтинган эди. Ҳамидов унинг гапларини жон қулоғи билан тинглагач, қўлидан келганча ҳаракат қилишга сўз берган, бироқ кейин бу иш билан лоақал қизиқиб ҳам кўрмаган эди. Лекин иш судга оширилишидан олдин Вали акага одам қўйди: уч минг берса, иш босди-босди бўлади, деб. Бу гапни эшитиб Вали аканинг тепа сочи тик бўлди. Воситачини гувоҳ қилиб, милицияга бормоқчи ҳам бўлди-ю, ботинмади. Мабодо ўртада турган одам гапидан тонса-чи, деган ўй шаштидан қайтарди. Ушанда унинг таъмагирлигини фош этиб, шарманда қилмаганига кейинроқ, суд ҳукми ўқилганда афсусланди. Дод деб юборгудек бир алфозда залдан отилиб чиқди-ю, тўғри кўриқхонага йўл олди. Бир неча кунгача ҳеч кимга кўринмай ич-эттини еб юрди. Қоровул йигитнинг ёшгина хотини бир йилгача қайнонасининг хизматини қилиб юрди-да, бир куни шартта кўч-кўронини олиб, қўшни қишлоққа кўчиб кетди, кўп ўтмай хотини ўлган бухгалтерга тегиб олди. Биттагина тирик етим бувисининг қўлида қолди. Қамоқдан қайтгач, қоровул йигит негадир ҳамқишлоқларига аччиқ қилиб, шимолдаги қурилишларнинг бирига жўнаворди, ҳуши тутса, йилда бир марта келади, бўлмаса, онасидан хабар олай ҳам демайди. Бу оиланинг шу кўйга тушишига Ҳамидов ҳам айбдор. Агар ўшанда бу ишга араллашиб, юз берган воқеанинг моҳиятини чуқурроқ ўрганишни илтимос қилганида, қоровул йигитга жиндек хайрихоҳ бўлганида олам гулистон эди. Афсуски, у биронинг дардига қулоқ солишни ўзига эп билмади. Мана энди, ўша тошбағир, ҳамма нарсага бефарқ қаровчи кимса муроса қилишимиз керак, деб ўтирибди. Бу тоифа одамлар учун муросадан қудратли куч йўқ, муросадан ишончли эътиқод йўқ. Бироқ ўшанда муросасозлик қилолмагани, терговчи билан ўзи очиқчасига гаплашмагани, қоровул йигитни ҳимоя қилиб юқорироқ идораларга югурмагани зилдай юк бўлиб Вали аканинг ҳамон юрагини эзади.

Оқ «Волга» кўз илғамас кенгликлар бағрини ёриб ўтган йўлдан елдек учиб бораркан, Карим Жамолович ҳадемай собик синфдоши билан учрашини, бу учрашув аснодада ёшлиқда юз берган яхши-ёмон воқеаларни беихтиёр эслашини дилгаш бўлиб ўйлар эди. Эсланадиган воқеалар эса уларнинг бисотида кўп...

Вали урушдан қайтганида Карим аъзои бадани илвираб, оқма бўлиб ётарди. Шунча йил авайлаган жони шундай азобда эдики, дунёга келганига пушаймон қиларди. Унинг соғ-омон қайтганини эшитиб қақиртирди. Вали узоқ иккиланиб, ноилож борди. Карим деразаси айвонга қараган уйда, уқувсизлик билан ясалган тахтакаравотда чалқанча тушиб ётган экан. Каравотнинг таги тешилиб челақ кўйилган. Чойшаб остидан чиқиб турган оёқ-қўли худди ичига сув тўлдирилган мешдек шишиб кетган, териси юпқаллашиб, йилтираган қовоқлари кўзларини бутунлай босиб тушган, хуллас, абгору афтодаҳол эди.

У уйга биров кирганини сезиб, нимадир дея фўлдиради. — Кўзингизни очинг,— деди хотини унинг елкасига туртиб.— Уртоғингиз... Вали ака келдилар...

Карим каравотнинг икки четидан тутиб, туришга чоғланди, бошини базўр кўтарди-ю, гавдасини қимирлатолмай шилқ этиб тушди, сўнг нурсиз кўзларини кўрпачанинг бир четида омонатгина ўтирган Валига тикиди.

— Келдингми, а?— деди фўлдираганга ўхшаш овозда, афтидан тили шишиб, гапга яхши айланмас эди.

У Валининг келишига ишонмаган эди. Ишонишга, Валининг мурувват қилишидан умидвор бўлишга ҳаққи йўқлигини яхши биларди. Тўғрироғи, бу нарсаларни энди, боши ёстиққа тегиб, одам бўлмаслигига кўзи етгач, тушунди. Дунёда кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайдиган, фақат қалбдан ҳис этиб, ақдан идрок қилинадиган адолат тарозиси борлигига у энди иқрор бўлди. Инсон барча қилмишлари учун бу дунёнинг ўзида, тириклигидаёқ ҳисоб берар экан. Афсус, бу шафқатсиз ҳақиқатни у жуда кеч, яшашга ҳоли ҳам, ҳаққи ҳам қолмаган пайтда англаб етди...

— Келмайсан, деб ўйлаган эдим.

Нимқоронғи хона, дерезага тақаб қўйилган тахтакаравот, шишдан таниб бўлмайдиган қиёфага кирган бемор ва унинг ер тагидан келаётгандек бўғиқ овози Валининг этини сескантирди.

— Нега энди?.. Мана, келдим-ку,— деди Вали ўзини аранг тутиб.

— Ёлғон гапирма,— деди Карим зорланганнамо.— Мени ёмон кўрасан... Сенга кўп ёмонлик қилганман... Эсингдами?.. Нега индамайсан? Эсингдами, деспан?

Вали ердан кўз узмас, чурқ этмай ўтирар эди. Нима десин?! Ахир, ҳаммаси эсида, ёдидан мангу ўчмайди, аммо бундан энди не фойда?!

— Кейин... пахтага чиққанимизда... эсингдами?— Каримни бирдан йўтал тутди. Унинг йўтали ҳам бошқача, худди хириллашга ўхшаш бўғиқ бир овоз эди. Узоқ йўталди, юзлари кўкариб кетди, ниҳоят хирқирашдек бир товуш кўксидан отилиб чиқдию каравот четини қўйиб юборди.— Хафа бўлмайсан, мен... Оҳ... ҳим-м... Бир йилдан бери аҳволим шу. Келсанг, сал енгил тортармикинман, деб ўйлаган эдим. Дунёда ёмон кўрган одамим сен эдинг, келиб-келиб сенга илинганимни қара. Уша кунларни эслаб...

— Э, қўявер, биродар,— деди Вали имкони борича ўзини бепарво кўрсатишга уриниб.— У гаплар ўтди-кетди.

Карим кўзларини юмган қўйи бош чайқади. Ёнбошига ўгирилишга уриниб кўрди-ю, уddenлаёлмади, аламданми, ё оғриқнинг зўриданми, секин ингради.

— Йўқ, бундай гап эсдан чиқмайди,— деди анчадан кейин.— Биламан, сениям кўкragenдан кетмайди.

Вали ўспиринлик йилларининг хотираларини юраги қатида ардоқлаб асраши рост. Унинг барча хотиралари Кумри билан, рўпарасида ожизу нотавон бўлиб ётган мана шу кимса билан боғлиқ. Карим ҳаммаша унинг йўлига тўғоноқ бўлиб, дилини хира қилиб яшади. Вали уни бирон ёмонлик қилишга қодир эмас, деб ўйларди, ваҳоланки... У ҳар бир хатти-ҳаракати, гап-сўзи билан Валининг ҳаётини заҳарлаган экан.

Карим юзини девор томонга буриб олди, елкалари

силкина бошлади. Қуёшнинг ёнлаб тушаётган нурида унинг кўпчиган ёноғи, бурнининг бир қисми қирмизи тус олиб, йилтираб кўринарди.

— Бирпас чида,— деди Карим унинг ҳолатини сезгандек.— Биламан, ёнимда биров ўтиролмайдими, бегона тугул хотиним чиқолмайдими.

— Утирибман,— деди Вали уни ортиқча гапиртирмаслик учун.— Шошаётганим йўқ.

Карим кескин ўғирилди, титроқ бармоқлари билан чойшабни қаттиқ ғижимлашга уринди.

— Узингни ҳадеб олижаноб қилиб кўрсатаверма,— деди у хирқираб.— Ҳеч бўлмаса ҳозир рост гапир!

Вали унинг нега тўсатдан айниб қолганини тушунолмади, елка қисди.

— Сен шундайлигинг... им-м... учун ёмон кўрардим.— Карим нурсиз кўзларини суҳбатдошига тикди.

— Нега?— дея секин сўради Вали.

— Ҳамма сени яхши кўрарди, ҳамма!

— Одамлар яхши кўрган бўлса, мен айбдорманми?— дея баттар ҳайрон бўлди Вали.

— Йўқ! Нега мени яхши кўрмайдими одамлар?— деди Карим хирллаб.— Ахир, мен... Уҳ-хў, ўҳ-хў... Менинг сендан нимам кам? Сен бир юрган етимча эдинг, мен бўлсам...

— Энди, биродар, бу кўҳна гап,— деди Вали ҳафсаласизлик билан.— Уша пайтда бунинг сабабини ким ўйлабди, дейсан.

— Сен ўйламаган бўлсанг, мен ўйлаганман, мен!.. Сен доим ўзингни бўлакча... олижаноб қилиб кўрсатардинг. Ёмонлик қилган одам билан ҳам ғаш бўлмасдинг.

Вали нима деярини билмай:

— Ким билади дейсан, биродар, ёмонлик қилиш қўлимдан келмагандир-да,— деди оққўнғиллик билан. Карим унинг юрагида борини тўкиб солишини, уриб-сўкишини, жанжал кўтаришини кутган эди. Йўқ, Вали яна олиҳимматлик қилмоқчи, унинг юрагини эзиб, сўнгги нафасида яхшилик билан енгмоқчи!

— Менга қара, Қумри... Қумри эсингдами? Алам қилмайдими?— деди тўсатдан Карим хирқираб.

— Уни тинч қўй,— деди Вали ўшқиргудек бўлиб.— Гўрида тинч ётсин.

— Нима бўлди, нима қўйди, бир оғиз сўрамайсан ҳам-а? Балки, сенингча, мен айбдордирман?

— ...

— Мен сенга кўп ёмонлик қилганман,— деди Карим баттар гўлдираб.— Нега мендан қасд олмаяпсан?

Вали бу ҳақда сира ўйлаб кўрмаган экан. Чиндан ҳам, нега Каримдан ўч олишга уринмади, лоақал урса, сўкса, эл-юрт орасида бадном қилса, бўлмасмиди? Барча қилмишлари учун тавбасига таянтира, бўларди-ку? Бўларди. Лекин... Каримга тенг бўлгиси, у ботиб турган тубанлик шалтоғига қадам босгиси келмади. Вали дунёда яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам муқаррар ажри — мукофоти борлигига ишонар эди.

Каримникидан эзилиб қайтгач, бир неча кунгача ўзини қўярга жой тополмай юрди. Жондан азиз суйган севгиллиси, унинг оиласига етказган озорлари учун ўч олай деса, Карим ўлиб ўлолмай, туриб туролмай ётибди. Афтодаҳол бу кимсанинг забун аҳволи кўнглида нафрат аралаш ачиниш ҳиссини уйғотди.

... Бир одамнинг уч ўғли бўлган экан. У киши бир кун болаларини ёнига қақриб, шундай дебди: «Учалангиз уч томонга қараб йўлга чиқинг. Уч кун ичида бирон яхшилик қилиб келинг». Уғиллар йўлга отланишибди. Роса уч кундан кейин тўнгич ўғил қайтиб, бир бечора одамга кўмаклашганини айтибди. Эртасига ўртанчаси келиб, қилган яхшилигини баён этибди. Ҳаммадан кейин келган кенжаси эса бўйинни қисганча ер қизиб тураверибди. Отаси ундан нималар қилганини сўраганида: «Мен ҳеч қандай яхши иш қилмадим, ёрдамимга муҳтож одамни учратмадим», дебди. «Йўлда ҳеч кимни кўрмадингми?», деб сўрабди отаси. «Кўрдим,— дебди кенжа ўғил.— Тубсиз жарнинг шундоққина четида душманимиз фалончи ётган экан. Агар уйқусираб ағдарилса, жарга қулаб тушарди. Мен уни четга сўриб қўйдим». «Баракалла, ўғлим,— дея уни алқабди

ота.— Душмандан ҳам яхшилигини аямайдиган бўлиш кийин. Агар ҳамма ҳам сенга ўхшаб юрагидаги кек-адоватни енга олса, одамлар аллақачон тинч-тотув яшарди. Мендан кейин оилага сен бош бўласан».

Бу ривоят Валининг юраги тубига чўкиб ётган аламларни юмшатиб, одамгарчиликка ундарди. Ҳаётда кенжа ўғилга ўхшаш одамлар кам, кўпчилик уларнинг устидан кулади; бировга яхшилик қилиб, эвазига ҳеч нарса таъма қилмайдиган одам ё тентак, ё девона аталади. Вали буни яхши билса-да, кўнглидаги шафқат нафратдан устун келди: урушда бирга бўлган врач ошнасига учрашиб, Каримни Тошкентдаги касалхоналардан бирига ётқизди. Орадан уч-тўрт ой ўтгач, Карим ҳассасага таяниб қишлоққа кириб келди. Ярим йил чамаси ўзини авайлаб юргач, ишга тушиб кетди. Урушдан кейинги оғир йиллар, эпли-шудли одамларнинг аксарияти фронтда ҳалок бўлган, жиндак ўқуви бор киши ҳам авлиё саналадиган пайтлар эди. Карим ҳам колхознинг паст-баланд ишларига аралашиб юрарди. Бир куни область қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойида райондаги майда хўжаликларни бирлаштириб йириклаштириш зарурлиги, бунинг иқтисодий самараси ҳақида маъруза қилди. Бу ташаббус дарров қўллаб-қувватланди, унинг номи оғизга тушиб, Карим Жамолов атала бошланди, йўғилишлар: «Карим Жамоловнинг ташаббусига жавобан, Карим Жамолов айтганидек», қабилидаги гапларсиз ўтмайдиган бўлди. Сал кундаёқ уни йирик хўжаликлардан бирига бошлиқ қилиб тайинлашди. У дастлабки икки-уч йил жонини жабборга бериб ишлади, хўжалиги ҳам, ўзи ҳам шухрат топди. Уни бардор-бардор қилиб ижрокомга, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай областдаги бошқармалардан бирига ишга олишди. Карим Жамолович амал пиллояларидан кўтариларкан, ўзи ҳам сезмаган ҳолда одамларнинг эгилиб туришларини куллуқ қилишларига ўрганиб қолди. Кейинчалик ҳамманинг шундай муомала қилишини истайдиган, бўлар-бўлмасга чимирилиб, зўрма-зўраки томоқ қирадиган одат чиқарди. Бора-бора унча-мунча одамни назарига илмайдиган калондимоғ кимсага айланди. Афсуски, бу қусурни ўзи сезмас, сезган тақдирда ҳам айб деб билмасди. Шу зайлда йиллар ўтаверди. Карим Жамолович жуда кўп нарсани унутди. Валини ҳам, унинг яхшилигини ҳам... У билан бир-икки тасодифан дуч келиб салом-алиқ қилишганини айтмаса, бирон марта бақамти ўтириб ҳамсуҳбат бўлмаган эди. Мана бугун...

\* \* \*

Эшик очилиб, остонада қора лас чопон кийиб, белига фўта боғлаган, уринган дўпписи устидан шоҳи қийқини салладек ўраган Содиқ пайдо бўлди. У Ҳамидовни кўриб, худди ёш боладек қисиниб-қимтиниб сўлом берди.

— Ассалому алайкум... Қирсам майлими, директор бова?— у қаттиқроқ қадам босса, ер озор чекадигандек сассиз юриб келди-да, қўл олишди.

Вали ака у билан фаромуш бир аҳволда кўришди. Содиқ нимаси биландир қуролдош дўсти Салимжонни эслатди; бир елкасини қисиб туришими, жавдираган кўзларини муттасил олиб қочишга уринишими, ишқилиб, қайсидир жиҳатларида ўхшашлик бор эди.

— Мана бунга қўл қўймабсан-ку,— деди Вали ака актни кўрсатиб.

Содиқ чопонининг барларини қайириб ўтиргандан кейингина директорга юзланди.

— Ҳа, буми,— деди актни биринчи марта кўраётгандек ҳайрат билан. Сўнг нигоҳини деворда осиглик турган милтиққа кўчирди.— Энди... ростини айтсам, директор бова, Урозбойингиз жуда чарс бола-да.

— Унинг қанақалигини қўявер,— деди Вали ака актни унга томон сўриб.— Бунда нима ёзилганидан хабаринг борми, ахир?

Содиқ худди уни мазах қилаётгандек ясама илжайиб ўтирган Ҳамидовга қараб олгач, кучаниб муштига йўталди. — Борликка бор-а...— деди бўшашиб.

— Хўш?— деди Вали ака юраги сиқилиб.

Содиқ чопонини очиб, ўнгирига кўз ташлади, кейин оёқларини ўради. Директорнинг саволига жавоб бергиси

келмаётгани, бу ерга заруратдан келгани шундоққина билиниб турарди.

— Энди... ростини айтганда, қўл қўядиган ишларни менга рўпара қилманг, директор бова.

— Нега?

Содиқ бўйини ичига тортди, худди гуноҳ қилиб қўйгану елкасига калтак тушишидан кўрққандек шумшайиб олди. Унинг бечораҳолиги раҳм қўзғамас, аксинча, кишининг ғашини келтирар эди.

— Мен ўзимнинг ишимни қилаверай, директор бова,— Содиқ ёлборувчи оҳангда ўтинди.— Хатлашадиган, даъволашадиган ишларга сира тоқатим йўқ.

— Тоқатингни қўятур,— Вали ака унинг болаларча қувлигидан кулди.— Нега актга қўл қўймаганингни айт. Содиқ гарданини қашиди, директор билан гаплашиш унга азоб эди. Синаётгандек тикилганини кўрса, довайрайверади. Бошлиқнинг бақриб-чакиргани, сўккани яхши, қилган гуноҳингни биласан, ўзи ҳам енгил тортиб, кўкрагидан ғазаби арийди. Ер остидан қарайдиган бошлиқдан кўрқиш керак. Бир куни ёрилса борми... ў, унда чатоқ!

— Шу энди... биласиз-ку, мелиса деса, тиззам қалтирайверади.

— Кўрдингизми, ака, буларингизни назарида милиция ходими одам эмас, олабўжи!— Ҳамидов жаҳл қилгандек столни оҳиста муштлади.— Орган ходимлари эртаю кеч шуларни деб... шуларнинг ташвишини еб ётиб уйқуси келмайди. Булар миннатдор бўлиш ўрнига... Ана!..

Содиқнинг кайфи учиб кетди, худди иситма хуруж қилган одамдек бирданига юзлари бўғриқиб, титроқ кўллари билан ёқасини, қўксини пайпаслай бошлади.

— Йўғ-э, Ҳамидов ака,— деди ғўлдираб.— Мен уларни эмас, ўзимни айтялман... Биз энди... ўқимаган оми одам, гапниям ёлчиитиб гапиролмаймиз.

Ҳамидов баттар чимирилди, афтидан Содиқнинг изоҳи ғашини келтирган эди.

— Ҳаммангиз шундай,— деди энсаси қотиб,— сал қисталанг келса, дарров оварса бўлиб қоласиз.

Вали ака худди бу ерда бўлиб ўтган гапларни эшитмагандек Содиққа юзланди.

— Мелисадан бўйнида иллати борлар кўрқсин,— деди ҳар бир сўзни чертиб-чертиб.— Сенинг тиззанг нега қалтирайди? Е бирор юрак олдириб қўйган жойинг борми?

Ҳамидов унга ялт этиб бир қаради-ю, аммо шу заҳоти кўзларини яшириб, даструмолининг букланиб қолган жойларини текислашга тутинди.

— Қизиқмисиз...— Содиқнинг кўзлари чақчайди.— Биз панада юрган кичкина бир одам бўлсак, нима айб қила қолардик? Гуноҳимиз — ҳукуматнинг хизматини бажараётганимиз.

Вали аканинг юзи тундлашди. Энсаси қотганини сездирмаслик учун очиқ деразадан ташқарига юзланди.

— Бу тутуриқсиз одамнинг гапи. Одамнинг катта-кичиги бўлмайди.

— Ҳўп гапирасиз-да, директор бова.— Содиқ ёйилиб илжайди. Нос чекаверганидан тишлари қорайиб, хунук бўлиб кетган эди.— Одамни эрмак қилишни яхши кўрасиз чоги, а? Мана, сиз директорсиз, катта одамсиз. Давлат катта маош тайинлаб, тагингизга мошин бериб қўйибди. Биз ким? Бор-йўғи тоғбеги. Қанчалик тош босишимизга қараб гап гапирганимиз дуруст бўлади.

Вали ака ўрнидан туриб кетди. Қўлларини орқасига қўйганча полнинг тахталарини ғирчиллатиб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Содиқ собиқ қуролдош дўсти Салимжоннинг айнан ўзи эди; бу ҳам ўз жонининг ҳузурини ўйлайдиган лоқайд одам. Дунёни ўт олса олсин, ишқилиб, унинг кабоби пиша — бас!

— Менинг бир қуролдош дўстим бор эди,— дея тирик одам ҳақида ўтган замонда, худди унутилган кимсадек гапирганидан Вали аканинг ўзи ҳам ғалати бўлиб кетди.— Худди сенга ўхшаб паналаб юраман, ҳаловатимни бузмайман, деб ўзидан бегона бўлибди.

— Ў, бечора!— Содиқ ачиниби бош чайқади.— Ешмиди? — Мен тенги...

— Ҳа-а...— Содиқ унинг ёшини қандай белгилашни билмай каловланди. Директорнинг кўнглига оғир ботмасин, деган ўйда ҳиммат қилди.— Еш экан.

— Мен унинг урушда ўлиб кетмаганига ачиндим.

Содиқ тахтадек қотиб қолди. У директорини бунчалик қаҳри қаттиқ деб сира ўйламаган эди. Тирик одам, бунинг устига жўрасининг ўлмаганига ачиниби ўтирса-я... Ё тавба!

Вали ака бу гапни атай гапирди. Аслида хаёли қочган, ходими билан қуролдош дўстини беихтиёр бир-бирига солиштирар эди...

Бултур ёзда Тошкентга борди. Министрликда ишларини битиргач молия бошқармаларидан бирида ишлайдиган қуролдош дўстини қўриб ўтмоқчи бўлди. Кўнгироқ қилса уни уйда, ўғлини уйлантириш ҳаракатида юрибди, дейишди. Вали ака кўпдан бери кўришмаган дўстини йўқлаб, биратўла тўй қутлуғ бўлсин, деб кетмоқчи бўлди. Тўй кунлари вақт топиб кела оладими-йўқми...

Кўштавақали дарвоза ланг очик, эшик олдида узун-узун столлар бетартиб уюлиб ётар, ҳовлида маҳалланинг ёш-яланглари ўчоқ кавлашар, чорқирра темир сўрида ўтирган ўн чоғли одам сабзи тўғрар, билагига бир ўрам сим илиб олган уккикўз йигит рўпарасида анқайиб турган ўрта яшар кишига ҳадеб гап маъқуллар эди. Ошхона билан тандирхона олдида бир тўда хотин-халаж уймалаган, биров-бировга боқмас, ҳамма ўзига тегишли юмуш билан машғул эди.

Вали аканинг ҳовлига кириб келганини биров билиб, биров билмади. У кирган жойида нима қиларини билмай туриб қолди — бирон таниш одам кўринмасди. Яхши ҳамки рух самоварни кўтаришиб кетаётган йигитлардан бирининг унга кўзи тушдию жонига оро кирди. «И-и... келинг, келинг»; дея югурганча келиб, қўш-қўллаб кўришди йигит. Ҳеч қандай маъно ифодаламайдиган сип-силлиқ юзига ясама табассум қалқитиб, сабзи тўғраётганлар томонга бошлади. Қарашгани чиққан қўшнилاردан бири, деб ўйлади шекли. Вали ака йигитнинг қўлини қўйиб юбормай ўтинди: «Менга Салимжонни топиб берсангиз. Олисдан келганман. Бирров кўраману қайтаман». «Э, шундайми,— деди йигит ҳамон юзидаги ифодани ўзгартирмай.— Ундай бўлса, юринг,— деб Вали акани ҳовли этагидаги янги солиниб, ҳали оқ-кўкдан чиқарилмаган уйга бошлади.— Бир пиёла чой ичгунингизча Салимжон акам ҳам туриб қоладилар. Биласиз-ку, у киши пешиндаги бир соат уйқуси сира қанда қилмайдилар.— Йигит майин овоз чиқариб кулди.— Дунёни сув босса тўпиқларига чиқмайди. Маза-маза шу кишига маза».

Улар кирган камбар хона ўртасидаги столда қазисомон пишлоқ, пиширилган тил, жигар ҳамда колбаса уюлиб ётар, хона бурчагида ароқ-шароб яшиги билан тахлаб қўйилган эди. «Штаб шу ерда бўлади,— деди йигит столдаги нарсаларни бир четга суриб жой очаркан.— Энди... тўйчилик... айбга қўшмайсиз. Ҳозир...— дея зум ўтмай бир қўлида қанд-курс тўла патнис, бир қўлида чойнак-пиёла кўтариб кирди. Чойни обдон қайтаргач, меҳмонга қўйиб узатди.— Соатга қараб келдим. Салимжон акам роппа-роса ўн беш минутдан кейин туриб келадилар. У кишининг одатлари қизиқ: кун пешин бўлдим, тамом, ўтирган жойларидаям хурракни вадавонг қўйиб ухлайверадилар. Қўлоқларининг тагида милтиқ отсангиз ҳам парво қилмайдилар,— деб ўрнидан турди у.— Сиз бемалол чойни майдалаб туринг. Мен чиқиб ишларга бош-қош бўлай. Ҳалигача жой ҳам қилинмаган. Ҳализамон чоллар келиб қолади. Салимжон акамларни кўриб турибсиз...»

Салимжон чиндан ҳам ўн беш-йигирма минутдан кейин керишиб кириб келди. Оқ-сарик юзи бўғриққан, тугмаси солинмаган кўйлаги икки ёнга кетиб, катта қорни хунук бир тарзда дўппайиб чиққан, қўлидаги сурп рўмол билан ҳадеб елпинар, бўш қўли билан елкасига қўшилиб, битиб кетган бўйига, тўшига шап-шап уриб қўяр эди.

— Келсинлар, келсинлар!— Салимжон рўмолни елкасига ташлаб кўришгани шошилди.— Қандай шамол учирди? Э, қойил!.. Ниятимиз холис-да... Худди билгандай келганингизни қаранг. Шу дўстимни тўйга хабарлаёлмадим, деб хинжолат бўлиб юрган эдим. Э, қойил!— У меҳмоннинг қўлини қўйиб юбормай узоқ силтади.— Зўр иш қилибсиз-да келиб. Э, яшанг!..

— Министрликка келиб эдим,— деди Вали ака бамайлихотир.— Сизни кўрмай кетишга сира кўнглим бўлмади. Кўришмаганимизгаям кўп замон бўп кетди. Биз томонларга

қидириб бормасиз ҳам. Уч-тўрт кун томошалаб келардингиз.

Салимжон маҳзун кулимсиради; кепчик юзида гуноҳорона бир ифода пайдо бўлди. Кўзларини пирпиратганча яна лаб-лунжини силади.

Кўпдан бери дийдор кўришмаган икки оғайни, айниқса, беш йил бирга қон кечиб, ўт кечиб жанг қилган қуролдош дўстлар учрашиб қолса суҳбатнинг адоғи, ҳаяжоннинг чеки бўлмаслиги табиий. Вали ака ҳам ҳозир шундай кайфиятда эди. Бироқ Салимжоннинг оқ тўр майкасини туртиб чиққан дамбиқ қорними, салқи қовоқларими, хуллас, нимадир суҳбатга раҳна солиб турар эди. Салимжон меҳмонна-возлик таомилини ўрнига қўйишга тиришиб, бир гапириб ўн кулар, дўстини одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор дастурхонга тинмай манзират қилар эди. Вали ака пахта гулли пияладан чой ҳўплаб ўтирар экан, аста атрофга разм солди: беш-ўн йил бурун келганида бунчалик эмас эди. Салимжон тушмагур ҳовли-жойни жуда ўринлатиб олибди. Салкам олтишга кириб кўп ҳашамату дабдабани кўрган Вали аканинг дилида ҳам ҳайрат, ҳам таажуб уйғонди. Ахир, Салимжон ҳам ўзига ўхшаб жўжабирдек жон, қандай қилиб... Аммо шу заҳоти ўзини койиди: «Қариб, ғаламис бўлиб қоляпсанми, нима бало! Дўстининг дастурхониде ўтириб, тузини еб туриб... Уят-э! Майли, ҳар қанча орзу-ҳавас қилса ярашади Салимжонга, ҳаққи бор. Ахир, биз бир ўлиб кетган одам эдик, тагин ҳам бахтимиз бор экан...»

Ярим соатча у ёқ-бу ёқдан гурунглашган, Вали ака пиялани дастурхонга тўнкариб қўйди.

— Энди бизга рухсат берасиз, биродар,— дея туришга чоғланди у.— Болалар бахтли бўлишсин.

— Э, қизиқмисиз!

— Сира иложи йўқ,— деди Вали ака.— Уйдагиларга бугун қайтаман, деб чиққанман. Олис жой, бормасам хавотир олишади,— дея ўрнидан туриб эшикка йўналди.— Тўй яхши ўтсин.

— Чатоқ қилдингиз-ку.— Салимжон меҳмоннинг кутилмаган ҳаракатидан довдираб қолди.— Ахир, тўйда қатнашмай кетишингиз...— У ёнидан кумуш занжирли соат чиқариб қаради.— Кеч бўп қопти-ку, автобуслар тўхтаб бўлгандир.

Вали ака жойида таққа тўхтаб қолди. Соат унга жуда ҳам таниш эди. Наҳотки?!.. Салимжон унинг нигоҳини ҳис этиб, ялтоқлангандек илжайди.

— Урушдан эсдалик,— деди худди соатнинг вазини ўлчаётгандек салмоқлаб.— Штабга кираётганимизда немиснинг ўзи олақол деб қўймади. Пишиқ ишланган экан, ўшандан бери атиги бир марта уста кўрди. Қасофат немис пухта иш қилади-да.

Вали ака Салимжоннинг гапини эшитмаслик учун тезроқ чиқиб кетишга ошиқди. Бирдан вужудини исканжага олган оғриқ устма-уст хуруж қилди. Юрагининг пастига тош осиб қўйилгандек оғир тортиди, қулоқлари шангилай бошлади. Гоҳи-гоҳида мана шундай оғриқ пайдо бўлса, негадир кўнгли беҳузур бўлаверар эди. Бир-иккита дори ичса сал ўзига келар эди. Бироқ ҳозир дори ичиб ўтиришга имкон йўқ. Тезроқ бу ердан кетиши, Салимжоннинг бадҳазм гапларини эшитмаслиги керак. Соат... соатни кўрганини эса унутуши керак!

Ҳовлида коса кўтариб келаётган силлиқ йигит дуч келди.

— И-и... ака, нега турдингиз, овқат опкелаётган эдик-ку. Салимжон ака?..

Вали ака унга ҳеч қандай муносабат билдирмай ҳовлини кесиб ўтди. Кўча эшикка етгандагина орқасидан эргашиб келаётган Салимжонга ўгирилди.

— Хайр, биродар,— деди шоша-пиша.— Кузатиб овора бўлманг.

— Шошдингиз-да...

— Яхши қолинг.— Вали ака Салимжоннинг хайрлашгани қўл узатаётганини кўриб кескин бурилди.— Хайр.

У ёшига номуносиб илдам одим билан бекат томон юрди. Оғриқ зўрайиб, қаддини букиб қўйди. Бир амаллаб бекатга етиб келдию олақуроқ скамейкага ўзини ташлади. Тилининг тагига иккита тугмача дори қўйиб, наридан, бери намлаб ютди. Ҳали дори ўз таъсирини кўрсатиб улгурмай кўз олдига кумуш занжирли соат келди. Хаёл кўзусида разведкага борилган қоронги тун, снарядлар зарбидан

ўйдим-чуқур бўлиб кетган кенг дала, папирос чўғини енгига яшириб чекаётган икки немис солдати пайдо бўлди. Вали билан Салимжон икки-уч қақирим наридаги қишлоқдаги вазиятни билгани кетишаётган эди. Йўлнинг ярми босиб ўтилгандан яқингина жойдан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди. Улар овоз келган томонни тусмоллаб бораверишди. Одам бўйи чуқурликда чекиб ўтирган немисларни кўргач, Вали ўйлаб-нетиб ўтирмай пастга сакради-да, шоша-пиша автомат ўқталмоқчи бўлган душманнинг бири билан олиша кетди. Бироқ шериги автомат кўндоғи билан овора эди, икки фашист қўли орқага боғланганча шалвираб турарди. «Сроласизми?— деди Салимжон уни ўрнидан турғазаркан.— Тузуксиз-ку. Қонни кўриб кайфим учиб кетган эди. Қани, юринг, тезроқ кетайлик». Йўлга тушдилар. Вали автоматни ҳасса қилганча базўр судралар, бошидаги жароҳат лўқиллаб азоб берар эди. Салимжон эса асирлар билан овора; дам-бадам уларнинг чўнтақларини қовлаштирар, қоғозу буюмларини олиб, ой ёруғига солиб кўрар, кераклиларини олиб, қолганини эгасининг чўнтагига тикарди. «Буни қаранг,— деди у кумуш занжирли соатни кўрсатиб.— Зўр нарса экан. Манг!» Дарди ўзига етиб, турган Вали унинг қўлидаги нарсага қараб ҳам қўймади. «Керакмас,— деди паст овозда.— Кишининг нарсаси кишига буюрмайди». «Ҳа-а,— деди Салимжон ҳамон соатдан кўз узолмай.— Рост айтасиз, рози қилиб олмаса бўлмайди».

Вали ака бугун ўша соатни кўриб, таниди. Салимжон чорасиз асирнинг нарсасини тортиб оладиган даражада назари пастлигини билмаган экан. Мана энди... Бу ўрдадек уй-жойлар, тўйдаги дабдабалар, дарвозахонада ярқираб турган оқшудек «Газ-24»... Буларнинг барчаси Салимжоннинг камтарона маошига келган, деса ким ишонаркин? Салимжоннинг ўзи ишонармикан?

Вали ака шуларни эслаб маҳзун жилмайди. Аслида, бу куладиган эмас, йиғлайдиган гап. Туппа-тузук бир одам, қуролдош дўсти ҳеч қандай заруратсиз қиёфасини йўқотса, имон-эътиқодини ҳаромга айрибош қилса...

— Мен ўша дўстининг урушда ўлиб кетмаганига ачиндим,— деб Вали ака яна бояғи гапини такрорлади.— Агар урушда ўлиб кетганида қаҳрамонлар қатори эсланарди. Эҳтимол, туғилган маҳалласи унинг номи билан аталарди. Энди-чи?— У юришдан тўхтаб Содиққа савол назари билан тикилди.— Энди ҳамма устидан кулади, орқасидан жиртак отади. У ўз жонини авайлайман деб қадрини ерга урган, ўзини бозорга солган, билдингми? Одам ўз қиёфасини йўқотиши осон. Уйлаб қарасам, сен ҳам ўша жўрамга ўхшаб...

— Буйтиб ҳақорат қилманг, бова, хафа бўламан. Узим кал бўлсам ҳам...

— Шундай дегин-а...— Вали ака оғир тин олди.— Йўқ, сен бировдан хафа бўлишдан ҳам кўрқасан. Агар мен билан аччиғлашсанг, иккаламизнинг муносабатимиз бузилади. Бошиқ билан ўчакишиб ишлаб бўлмайди, тўғримми?

Содиқ безовта ғимирлади. Директорга бир қараб олгач, дарров кўзларини яширди. Юзига хижолатомуз бир ифода қалқиди, соқол босган иягини, катаклари керилиб, танқайган бурнини қайта-қайта силади. Кучаниб томоқ қирди-ю, бирон нарса дейишга, бошлигининг гапини рад этишга журъат этолмади.

— Ҳа, индамайсан-ку?— Вали ака яна хонани қадамлаб ўлчашда давом этди.— Сенинг ишинг қизиқ: актга қўл қўйишдан чўчийсан, менга гап қайтаришдан кўрқасан...

Вали ака столни айланиб ўтиб, жойига ўтирди. Узининг сўзамоллигидан ғаши келди. Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга, деганлар. Содиқ унинг нима деяётганини уқайтганмикин?

— Директор бова, бугун...— дея чайналди Содиқ.

— Ҳуш?

— Сал бошқачароқсиз...



— Шу гапниям очик айта қолмадинг-а!— деди Вали ака ҳорғин кулимсираб.— Кўп насиҳат қилвордингиз, деб кўяқол. Нега кўрқасан?

— Йўғ-э...— Содиқ директорга чўчинқираб қаради.— Мен бошқа маънода... ахир...

— Менга қара, Содиқ, умринг тоғ-тошнинг ичида ўтпапти, а?— деб сўради Вали ака тўсатдан кўзларини кўвлиқ билан қисганча.— Қани, айт-чи, қандай жонивор кўрқоқ бўлади?

Содиқ бу тагдор саволнинг нега берилганини тушунолмай гангиди. Чиндан ҳам бугун директор ўзгариб қопти. Келганидан бери чақам уради, қаёқдаги бўлмағур нарсаларни суриштиради, урушда бирга бўлган жўрасига ўлим тилайдими-ей... Э тавба! Сўраётган гапини! У олимпидики, қайси жонивор олгиру қай бири кўрқоқлигини билса. Тоғ-тошни кўриб юрган бир... кичкина одам бўлса...

— Билмасам,— деди у елка қисиб.— Энди, биз оми одам... Товуқ бўлса керак-да.

— Узинг товук,— деди Вали ака кулиб.— Билмасанг, билиб кўй. Тўрт хил жонивор сабабсиз кўрқар экан; биринчиси — читтак, осмон қулаб тушишдан кўрқиб, оёғини тепага қилиб ётаркан. Ушлаб қолармиш. Иккинчиси — лайлак, иккала оёғини ерга қўйса, ботиб кетишдан кўрқиб, доим биттасини кўтариб турар экан. Учтинчиси — чувалчанг, кўп лой еб қўйсам тугаб қолади, деб доим оч юрар экан. Тўртинчиси, кўршапалак, одамзот унинг гўзаллигига мафтун бўлиб, бошқа қушлардек қафасга қамаб қўйишдан кўрқиб, кундузлари уясидан чиқмас экан.

— «Калила Димна»ни биз ҳам ўқиганмиз, директор бова.— Содиқ ерга қараганча пўнғиллади.

— Йўғ-э?...— Вали ака унинг жиғига тегиш учун атай калака қилди.

Содиқ баттар мушкул аҳволга тушди. Энди даҳанига кўшиб лаб-лунжини ҳам силаб, сийпалай бошлади.

— Энди... ростини айтсам, директор бова, мен қоққан қозикдек ёлғиз одамман, на оғам бор, на иним. Агар сиз айтган қоғозларга қўл қўйверсам, бу жойлардан ҳайт деб бош олиб кетишим керак. Эмаса, бола-чақамга кун йўқ. Актга тушадиганларнинг бири ҳамсоя, бири узангидош. Аччиқ устида болаларимга бирон шикаст етказишса қайтаман? Сизга осон, актни тахлаб прокуратурага топширасиз-қўясиз. Элниг тўйи бор, совуқ маърақаси бор, бақамти келиб қолганда ҳисобини биздан олишди. Ҳов бир йилги воқеа эсингиздадир? Ҳадеб кўриқхонага ҳайдаб боқавергани учун Ҳошим даллалнинг сигирини гўшта топшириб юбордик. Эртасига тўртта эчким билан икки кўйим йўқолди. Кечаси қорабосди қилиб, ўзимни ўласи қилиб уришди. Қоронғида танимаган бўлсам ҳам билдим: Ҳошимнинг болалари. Битта актга қўл қўйиб орттирган фойдам шу, директор бова. Тагин сиз... Ростини айтсак, элга кулги бўламиз, ёлғонласак, сизга ёмон кўринамиз. Мурса қилиб яшамасак бўлмайди.

Вали ака бу йигитни юраксиз, кўрқоқ деб ўйлар эди, янглишган экан. У ҳам ўзига етгунча қув, ичидан пишган экан. Бировга ёмон кўринмаслик учун актларга қўл қўйишдан бўйин товлайди, болаларимни биров сўкмасин, деб кўшнисининг жиноятдан кўз юмади. Бу ишини мурсаи мадора деган шилта эътиқод билан хаспўшлайди. У хизмат бурчи нимадан иборатлигини билмайди, билишни истамайди ҳам. Ахир, бурч — инсонни хотиржам яшашга қўймайдиган маънавий безовталиқ, дегани эмасми? Мабодо, урушга борганида Содиқ нима қиларди? Ким билсин, балки ўйлаиб ўтирмай хиёнат қилармиди... Ахир, Салимжондек одам... Салимжон уруш кўрди, қийинчиликларни мардонавор енгди, неча марта қуршовда қолиб, ҳар ким ўз жонини асраши дарғумон бўлан пайтларда ҳам ҳаётдан нолимади. Бироқ орадан шунча йил ўтгач, ўзлигига хиёнат қилибди. Нега? Одам ўз қиёфасини йўқотиши шунчалик осонми? Наҳотки, фақат ҳузур-ҳаловатда яшаш илинжи шунга мажбур қилса? Наҳотки, умр бўйи мисқоллаб йиққан обрўсидан бирварақайига айрилишдан ташвишлан-маса?

Директорнинг ўйга толиб ўтириши Содиқнинг кўнглига гулгула солди. Утирган курсисининг икки четидан қаттиқ тутамлаганча оғир тебрана бошлади. Яшаш тарзи ҳам, қувликлари ҳам содда бу одам директорнинг кўнглига оғир ботадиган бирон ўринсиз гап айтиб қўймадиммикан, дея

хавотирга тушиб қолган эди. Бу ўй дақиқа сайин улғайиб ваҳимага айланар, ҳаловатини бузарди.

— Ростини айтиб бўлмайди, дегин?— Вали ака чуқур тин олди.

— Энди, нима десам экан...

— Нима дердинг, ҳеч бўлмаса, кийик отилганини кўрган-кўрмаганингни айт!

— Айтаман, директор бова, айтаман,— деди Содиқ худди мушқули осон бўлган одамдек ички қониқиш билан.— Уни мендан бошқа ҳеч ким кўргани йўқ. Супага чиқаверишдаги қайрилишда туриб эдим, сутдек оппоқ «Волга» олдидан ғизиллаб ўтиб кетди. Унинг қай пайтда кўриқхонага кирганини билмай қолибман. Мошин иккинчи қайрилишдан ўтиб, шундайга йўл четиди тўхтади. Тўхтаганини кўриб чопдим. Кўнглим сезиб турибди, бир бало бўлади. Бир маҳал милтиқ пақ эпти. Қарасам,— дея беихтиёр Ҳамидовга қараб қўйди у,— мана бу кишига ўхшаб шляпа кийган бир одам товдан тушиб келяпти. Ҳай-ҳайлаганимни эшитдими, йўқми, шартта машинасига ўтириб қочди. Жониворни ажал ҳайдаб келган экан-да, бўлмаса, ҳозир кийик дарадан бери келмайдиган пайти.

— Шундай дегин-а?

— Шундай.

— Ишларимиз чатоқ, Содиқбой.

— Чатоқ, директор бова, ишлашга чатоқ,— дея Содиқ унинг гапини тасдиқлади.— Нарушение кўп.

— Демак, яхши ишламаётган эканмиз-да.

— Йўғ-э, директор бова, ишлашга чатоқ,— Содиқ муштира йўталиб, яна даҳанини силади.— Кўриб турибсизку, тартиб-қондани одамгарчиликни оёқ ости қиладиганлар бузишяпти.

— Тўғри айтсан, ука,— деди Вали ака оғир тин олиб.— Қурбақанинг салласи қаерда ўсшига ҳеч эътибор берганмисан? Пўпанак босиб, чирий бошлаган тўнкалар пинжида, офтоб тегмайдиган заҳкаш жойларда униб чиқади. Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган кимсалар ҳам бамисоли қурбақанинг салласи. Улар ҳам имон-эътиқод сусайган, виждоннинг кўзи кўр бўлган жойда пайдо бўлишди. Қону-қонда, одамгарчилик оёқости бўлаётганини кўра-била туриб, сен актга қўл қўймасанг, мен индамасам ундайлар баттар кўпаяди-да.

Бу гапи Вали аканинг ўзини ўйлантириб қўйди. Ҳўш, бундайлар кўпаймаслиги учун ўзи нима қилди? Кўриқхонадаги жониворлару дов-дарахтни асрагани билан инсофли одамлар кўпая қолдимикин? Ҳатто қуролдош дўсти ўз нафсининг қулига айланганини билатуриб, индамади-ку?! Ёқасидан олиб, ҳой, нодон, кўзингни оч, одам боласи фақат қорин тўйғазиш учун дунёга келмаган, қадрингни тупроққа қориштирма, деёлмади. Айтса, ҳадди сиғарди. Урушда совуқ оқолларда бирга ётган, эммақдош бўлмаса ҳам эммақдош биродари эди. Содиққа ҳам тузукроқ таъсир ўтказишни ўйламайди. Бу қилмиши бефарқликнинг ўзгинаси эмасми?

\* \* \*

Машина қишлоққа яқинлашгани сайин Карим Жамолоничи хотиралар исканжага олар, отасининг таъйиқи билан содир бўлган воқеалар зилдай юк бўлиб юрагини эзарди. Нега отасининг гапига кирди ўшанда? Нега тенг-тўшларидан ажраб қолишга кўнди? Урушга борганларнинг ҳаммаси тиғи парронга дуч келгани йўқ-ку. Паймонаси тўлмаган бўлса, қайтиб келарди. Афсуски, бу нарсани ўша пайтда, ҳаёт-мамоти ҳал этилаётганда англаб етмади. Агар ўшанда умр бўйи Валининг олдида тили қисқиб бўлиб қолишини билганида...

Каримга қақриқ қоғози келгач, отаси ҳаловатини йўқотди. Дарров саман арғумоғини эгарлаб қаёққадир йўл олди. Пешиндан кейин семиз кўчқорни олдиға ўнгарганча хуржуннинг бир кўзини арок-шаробга, иккинчисини қанд-курсга тўлдириб қайтди. У лаб-лунжини йиғиштиролмай илжайар, ҳаяжондан нимага қўл уришини билмай ҳовлида беҳуда кезинар эди.

— Ҳа, болакай, отланяпсанми?— деди у пешайвонда этигини мойлаётган ўглининг кифтига ураркан.— Дуруст,

дуруст... Отланавер. Немис аскари қачон Каримшер келиб човимни терлатаркин, деб ётганмиш.

Карим отасини биринчи марта кўраётгандек анграйиб қолди. Отаси унга ҳеч қачон бундай ҳазиломуз гап қотган эмас. Ота-бола азбаройи заруратдан гаплашар, аксар ҳолларда ўртада она воситачи эди.

— Бор, энангга ўтин опкелиб бер,— деди отаси қув кўзларини қисганча.— Меҳмон келади.

Одамларнинг кўнглига қил сиғмайдиган бир пайтда зиёфат қилиб ўтириш Каримга эриш туюлди. Чала мойланган этигига мой сура туриб сўради:

— Кимлар, ота?

Отаси худди унинг гапини эшитмагандек, белбоғига осилиб турган қиндан мугуз дастали пичоқни олди-да, тиғини кўздан кечирди.

— Керакли одамлар,— деди пичоқни енига артатуриб, сўнг мамнун илжайди.

Отасининг бу қилиғи Каримни баттар ҳайратга солди. Балки, биринчи жангдаёқ ўлиб кетар ё оёқ-кўлидан айрилар... Ахир, урушда нималар бўлмайди. Наҳотки, отаси шуларни билатуриб...

— Ҳамма урушга кетаётганда биз...

— Сен ҳамманинг ташвишини чекма, нодон бола,— деди отаси оёқлари чирмаб боғланган қўйнинг устига энга-шаркан.— Ҳамма дегани ким? Ҳеч ким.

— Нега энди?— Карим ёши ўн саккизга кириб биринчи марта отасига эътироз билдирди.— Ҳамма дегани мен, сиз, энам...

— Сен, мен, энанг — ҳамма эмас, нодон. Бу — биз! Ҳар бутага ўт тушса ўзи ёниб, ўзи ўчади, билдингми? Сен ҳамманинг гапини ема, ундан кўра бор, энангга қараш...

Меҳмонлар шом қоронғисиде келишди: икитаси ҳарбий, биттаси — семизлигидан кўзлари юмилаёзган гирдиғум одам. Улар меҳмонхонага кириб кетганча узоқ ўтиришди. Карим пешма-пеш чой, овқат ташиб турди. Меҳмонларнинг кўзи қизариб, пешонаси терчирай бошлаганда отаси уни имлаб кўрсатди: «Мана шу бизнинг аскар боламиз». Меҳмонлар шундагина унга қизиқиб қарашди. Семиз одамнинг кўзиде кишининг жонидан ўтиб кетадиган масхараомуз табассум бор эди. Карим шундагина бу одамлар унинг тақдирини ҳал этишаётганини англаб етди. Юрагиде пинҳон севинч, айни вақтда гашликка ўхшаш ёқимсиз бир ҳис пайдо бўлди. «Бўпти,— деди семиз одам суяк мужий туриб.— Айтганимни қилаверинг, ҳеч зарари йўқ. У ёғини комиссияга борганда ўзимиз тўрилаймиз». Қолганлар унинг гапини тасдиқлаб бош ирғашди. Отаси унга кирғайқараш қилиб, бурнининг остидаги тангадек мўйловини силаб қўйди.

Меҳмонлар ярим кечада кетишди. Отаси уни меҳмонхонага бошлаб кирди-да, шиша банкага қамалган асалариларни кўрсатиб, семиз кишининг шартини айтди.

— Йўғ-э,— деди Карим кўрққанидан деворга қапишиб. Отасининг қўлидаги идишда асалари эмас, бало-қазо бордек юраги орқага тортиб, курагининг ослари музлаб кетди.— Қўйинг, ота, майиб бўп қолсам...

— Доктор қафиллик бериб турибди-ку, овар!— Ота гижиниб жеркиди.— Бир-икки кун шишиб туради, комиссиядан ўтиб олгунча чидасанг бўлди. Кейин юраверасан айшингни суриб.

— Керак эмас,— Карим худди сингиб кетишга қасд қилгандек, орқаси билан деворга қаттиқроқ ёпишди.— Тешик қулоқ... барибир одамлар билишади. Ундан кўра, урушга борганим яхши.

Отаси сапчиб ўрнидан туриб кетди. Унинг чап қовоғи пир-пир учиб, кўзлари ғазабдан ёнарди.

— Урушга бормоқчимисиз? Немис билан отишиб, қаҳрамон бўлмоқчимисиз? У, менга қара, олдин бурнингни эпла!— дея ўғлининг тепасига келиб ўдағайлади у.— Жуда учиб-қўнаётган бўлсанг, бор, эртага военкоматга учрашиб кетавер. Икки кундан кейин кўрамиз ҳолингиз нима кечиншини! У ёқда товоқда қаймоқ тутиб турадиган энанг йўқ. Сен нодон учун жонини гаровга тикадиган отанг йўқ! Зах окопта ётганингда бизнинг қадримизга етасан!

Отасининг ҳақорати суяк-суягидан ўтиб кетган бўлса-да, Карим чурқ этолмади. Аслида, отаси ҳақ, у урушнинг нималигини қайдан билсин. Бироқ, отаси айтаётган гап...

даҳшат-ку! Бир умрга майиб бўлиб қолса-чи? Балки урушга бориб, биронта мўйи ҳам тўкилмай соғ-саломат қайтиб келар. Бу аҳволда комиссияга борса, жўралари нима деб ўйлайди? Шу пайтгача соппа-соғ юрганини ҳамма билади-ку. Биладди!.. Хўш, билса нима бўпти? Ахир, ўз оти билан уруш... У эндигина ўн саккизга кирди. Дунёга келиб нима кўрибди? Бекорга ўлиб кетса, алам қилмайдими? Лекин бошқалар кетяпти-ку. Уларнинг ёзуғи нима? Унинг бошқалардан нимаси ортиқ? Кўп қатори бориб, пешонасидагини кўраверади.

— Мени қийнаманг, ота,— деди Карим ёлвориб.— Сир очилса, эл-юртнинг орасида бош кўтариб юролмайдиган бўламан. Ундан кўра...

— Ундан кўра, ўлиб кетганинг яхшими? Улигинг эгасиз қолиб, окопларда чирисинми?— Отаси кўзининг пахтасини чиқариб баққар, оғзи кўпириб, тулуги ўғлининг юзига сачарди.— Ҳали ўн марта ўлиб улгурасан, пандавақи! Ҳозирча менинг ўқим ўзган, қўлимни қаёққа узатсам етиб турибди. Вақтики келиб замон ўзгариши, қўлимдан бирон иш келмаслиги мўмкин. У чоғда оёғингни ерга теккизмай олиб кетишганини ўзинг ҳам билмай қоласан. Ҳозирча менинг боримга шукр қилиб, тинчгина яшайвермайсани!

Карим яна иккиланди. Жони ширин туюлиб, иссиқ ўрнини совутгиси, милтиқ кўтариб, ажал қувиб юргиси келмай қолди. Ахир, одамнинг инон-ихтиёри ўзида бўлиши керак-ку! Нега у истаса-истамаса урушга солишади? Каримнинг ҳеч ким билан уришгиси йўқ. Отаси айтмоқчи, айшини қурчиб, Қумрига уйланиб, тинчгина яшашни истайди. Лекин тенгқурларидан ажраб, қишлоққа, ёлғиз ўзи қандай сиғади? Ўғилларини кузатган оналарнинг, эрларнинг меҳрига қонмаган жувонларнинг кўзига бало-қазодек кўринмайдими? Ҳамма орқаворотдан қўлини бигиз қилиб гапирмайдими? То уруш тугаб, бу гаплар унутилгунча ич-этини еб қўяди-ку?! Ундан кўра, ўзини тиғи парронга ургани афзал.

— Йўқ, ота, яккамахов бўлиб...— Карим деворга юзини босганча йиғлаб юборди.— Мени ўз ҳолимга қўйинг... Керак эмас!

— Ҳеч бўлмаса, энангни ўйласанг-чи!— Отаси уни дўк-пўпса кор қилмаслигини англаб, яхши гапиришга ўтди.— Раҳминг келмайдими унга? Кўз тиккан ёлғиз ўғлимиз бўлсанг. Оға-иниларинг ўла-ўла сени зўрга тилаб олганмиз. Энанг бечора дардини ичига солавериб, юрак ўйноғи бўлиб қолди. Кўкрагингда унга тариқча меҳр йўқми?

— Нима қил, дейсиз, ахир,— дея зорланди Карим.— Инон-ихтиёрим ўзимизда бўлса экан...

Бу ожиз мингирлаш отасининг қаҳрини келтирди. Ўғил бола шарт-шурт кесиб гапирмаганидан кейин эркак бўлиб қайга борди!

— Инон-ихтиёринг ўзингда бўлмаса, мана менда!— Жаҳлнинг зўридан отасининг юзи қорайиб кетди. Шартта шиша идишни қўлига олди-да, буюрди.— Бу ёғи менинг майлимча бўлади. Уқдингми? Қани, еч иштонингни! Арининг заҳри немиснинг ўқи эмас, чидаса бўлади.

У мўлтираб турган ўғлининг камарини жаҳл билан юлқилаб ечди. Карим қаршилиқ кўрсатишга уринган эди, шапалоқ тортиб юборди. Карим гуп этиб қулади. Бир неча дақиқадан кейин киндигининг пастиде, хотининг орасида шундай қаттиқ оғриқ сездики, ҳатто бақирришга ҳам ҳоли келмай ҳушидан кетди.

Телбий комиссия уни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топди. Карим хотини кетганча зўрга юриб чиққанида ҳамқишлоқлари унга таажуж билан қараб туришарди. У ҳам хижолат, ҳам оғриқдан юзи ловиллаганча ердан бош кўтармай аравага чикди. То қишлоққа етиб келгунча хун бўлиб йиғлади. У урушдан қолганига қувонар, бироқ бу севинч бояғидай таниш-билишлари олдида хижолат чекканига арзимас эди. Уларнинг кўзиде ҳам ҳайрат, ҳам ҳасад, ҳам нафрат бор эди. Карим бош кўтариб уларнинг юзига қаролмади. Уша аснода жуда катта хатога йўл қўйганини, ҳар қандай шароитда ҳам тенг-тўшларидан айрилмаслиги лозимлигини, энди умр бўйи ҳамманинг олдида тили қисик, юзи шувит бўлиб яшашини англаб етди. Афсуски, энди чекиншининг, хатони тузатишининг сира иложи йўқ, маломат сиртмоғини бўйнидан ҳеч қачон олиб ташлолмайди.

У бир ойгача ўрнидан туролмай, ҳатто ҳожатга ҳам боролмай ётди. Нозик жойидаги шиш қайтган бўлса-да,

оғриқ босилмас, ўқтин-ўқтин қаттиқ азоб берарди. Бир кун семир доктор келиб, аллақандай дори-дармонларни ташлаб кетди. Сўнг отасини бир четга қақриб: «Мен иккитагина жойини қақтиринг девдим-ку. Болани анча қийнаб қўйибсиз», деди. Отаси баланд келиб, ўзи айтгандек иш тутганини, агар ўғли соғайиб кетмаса, уни тинч қўймаслигини айтиб кўрқитди. Унга жавобан семир доктор ҳам нимадир деб пўписа қилди. Отаси паст тушиб ялинди, йўғламсираб узоқ тавалло қилди. Доктор яна келажagini айтиб жўнаб кетди, шу бўйи қайтиб қорасини кўрсатмади. Карим икки-уч ой дегадан аранг оёққа туриб кетди. Отаси колхоз раисига учрашиб, ўғлига дон бригадирлигини олиб берди. Карим дунёнинг қайсидир бурчагида қон тўкилаётганини, не-не навқирон йигитлар бевақт қирчинидан қийиллаётганини хаёлига ҳам келтирмай тинчгина яшай бошлади. Бироқ кўп ўтмай унинг ҳаловати бузилди. Идора олдида отига минаётганида гузарнинг нариги четидаги почтаонадан чиққан Қумрини кўриб тўхтади. Қизнинг эғнида ювилавериб ранги ўнгий бошлаган кўк қўйлак, белини сириб, кўксини таранг тортиб турган нимчаси ҳам уринганроқ, оёғида паст пошнали бежирим этик, рўмолини бўйни аралаш танғиб олганиданми, боши чўзинчоқ кўринарди. Унинг кўзлари ҳасратли боқар, паршон бир аҳволда одимлар эди. Карим уни кўпдан бери кўрмаган, амакиси урушга кетганидан буён деярли борди-келди қилишмас, бир-бировини йўқлаш ҳеч кимнинг эсига ҳам келмасди.

Карим отни етаклаганча Қумрининг йўлини кесиб чиқди. Қиз чўчиб бошини кўтарди унга ёвқараш қилди.

— Яхши юрибсанми?— деди Карим кўзларини яширганча ғўлдираб.

Қумри зўрға бош ирғади, «Ҳм-м», дея йўлига кетаверди. Карим ўсал бўлганча қолаверди. Бундан кейин унинг қисмати — шу. Ҳеч ким очилиб гаплашишни истамайди, ҳамма ундан юз ўгиради. Лекин, инсофан айтганда, у кимга нима ёмонлик қилди? Бировнинг жонига қасд қилгани ё ҳақини еб кетгани? Бор-ўйги урушга боришни истамайди. Ҳар ким ўзининг бошига ёққан қорни ўзи курасин-да. Немис унинг томини теяптимми? Нега ўз ихтиёри билан кўксини ўққа тутиб бериши керак? Кимга керак бўлса, уришверсин. У иложини толиб, жонини асраб қолган бўлса, айбдорми? Бошқалар ҳам йўлини топсин эди, тоғ-тошга қочсин эди. Ҳар кимнинг жони ўзига ширин.

— Амакимдан хат-пат келиб турибдими?— дея ноилож ҳол сўради у.

Ҳа, у шундай қилишга мажбур. Одамларнинг кўзидаги нафратни кўрмаганга, тилидан томаётган заҳарни сезмаганга олиши керак ўзини.

— Келиб турибди,— деди Қумри, бироқ овози титраб кетди. Қулт этиб ютинди-да, қадамини тезлатди.

Карим от жоловини силтаб, унга етиб юришга уринди. Ажаб...

— Иш билан бўлиб, хабар ҳам ололмаяпмиз...— Карим нима қилиб бўлса-да, унинг кўнглини юмшатишга уринди.— Амаким бизга хат ҳам ёзмайдилар...

Қумри худди қадамини санаётгандек ердан бош кўтармай борарди. Унинг хиёл орқага қайрилган лаблари қаттиқ қимтилган, юзида хўрликка мойил бир ифода қотиб қолган, ҳадеб бармоқларини асабий ўйнаб борар эди.

— Сизлар тугул бизгаёям ёзмаптилар...— Қумри дардини ошқор этиб қўйганини сезмай қолди.— Икки ойдан ошди, хат-хабар йўқ. Энам бечоранинг егани ичига тушмай қолди.

Карим нима дейишини билмай довдиради. У ҳалигача бировнинг дардига шерик бўлиб, ҳамдардлик билдириб кўрмаган. Унинг учун отаси бош қотиради, қишлоқнинг ўлик-тиригига ҳам отаси аралашади, ҳатто урушга бормаслигини ҳам отаси ҳал қилди. Лекин ҳозир Қумрига нимадир дейиши, кўнглини кўтарадиган, озгина бўлса-да, умид уйғотадиган гап айтиши керак. Агар шундай гапни топа билса, қиз ундан миннатдор бўлади, балки... озгина майл ҳам пайдо бўлар... Ахир, унинг Валидан нимаси кам? Тўрт мучаси соғ, топиш-тутиши жойида, отаси кимсан Зоминини сўраб юрганларнинг бири. Унинг олдида Вали ким бўпти? Тул онаси билан даланинг гардини ялаб юрган бир етимча-да. Ким билади, урушдан қай аҳволда келади. Келадими ҳали...

— Шунгаёям хавотир оласизларми? Иложи бўлмаётгандирки, ёзмаётгандирлар. Ахир, уруш...

Карим тилини тишлади: уруш ҳақида сафсата сотишини унга ким қўйибди?

— Мен ҳам энамга шундай дейман,— деди Қумри унинг ҳолатига эътибор бермай.— Бари бир...

Улар сой ёқалаб боришарди. Сувнинг шўппайиб турган тошларга урилиб шовиллаши юракка завқ бахш этмас, самбитолларнинг қирмизи тус олган толим-толим новдалари, наъматакларнинг ранг талашган мевалари, бевақт очилган гулхайри кўзни қувонтирмас, олам тиниқ ранглари ни йўқотиб қўйгандек туюлар эди. Дунёнинг ярашиги — одам. Айни кучга тўлган, баркамол йигитлар олисларга жўнаб кетгач, қишлоқ ҳам ўлик чиққан уйдек ҳувиллаб қолган. Бешқўрғон қишлоғига элтадиган йўл кимсасиз. Қимирлашга чоғи келганнинг ҳаммаси далада.

— Уйнинг боши бўлмаса қайми экан,— деди Қумри худди ўзига ўзи гапиргандек ўйчан.— Отам кетганларидан буён худди етимчага ўхшаб қолганмиз. Сал нарсага одамнинг хўрлиги келаверида. Бригадир ишга қақриб келсам энам йўғлайверади.

— Нега энди... Мана, бу ёқда биз бормиз...— Карим гапини тугатолмади. Саман пишқириб, сувлигини шиқирлатганча бошини сарак-сарак қилди, эгасининг уст-бошига кўпик сачради.

Қумри мийғида кулиб қўйди. Тили қисқ одам бениҳоя хўшёр бўлади; ён-веридигиларнинг хатти-ҳаракатларини, имо-ишораларини илғаб олишга, уларнинг қайфиятига қараб муомала қилишга уринади. Карим ҳам ҳозир Қумрининг мазаҳ қилиб кулганини сезди-ю, ичидан зил кетди. Отнинг жоловини жаҳл билан силтади, саман безовта типирчилаб, эгасини туртиб юборди. Карим отнинг оёғи остида қолмаслик учун чаққонлик билан ўзини четга олмоқчи бўлди-ю, тошга қоқилиб, мункиб кетди. Қумри икки қўллаб ушлаб қолмаганида юзтубан йиқилар эди.

— Ҳа, қариндош, нима бўлди? Йўлингни ҳам толиб юролмайдиган бўп қопсанми?— Қумри билиб-билмай унинг жонидан ўтиб кетадиган гап айтди.— Камбағалнинг боласи сочиққа қоқилиб йиқилади, дейишарди. Сен камбағал эмассан-ку?

Карим унга илкис қаради, қийиқ кўзларида биринчи марта ғазаб учкунлари йилт эди. У, қариндошим деб, ўйлагани, қолаверса, пинҳон кўнгли қўйиб юргани бу қиздан бундай заҳар-заққум гап эшитишни сира кутмаган эди. Нанки, ажал қомига ўзини урмагани учун у ҳам ёмон кўрса?.. Ҳолинг нечук, не ўтларда ёниб-ўчиб юрибсан, дейиш ўрнига...

— Анча ўзгарибсанми, а?— Каримнинг овозида аламзадлиқ бор эди.— Гапгаёям чечан бўп кетибсан.

Қумри ҳамроҳига кўз қирини ташлада-да, елка учирганча ҳорғин кулимсиради. Унинг гапиргиси ҳам келмай кибр билан жилмайиши Каримга оғир ботди.

— Сен ҳам мени урушдан қочган, деб ўйлайсан-да, а? Биламан, отаси пул тикиб олиб қолган, дейсан. Лекин... дардим ўзимга маълум. Айтганим билан бари бир ишонмайсан.— Карим қўлларини силтаб, худди дунёдаги энг асл ҳақиқатни исботлаётгандек куюниб гапирар, юрагининг қайсидир бурчагида пайдо бўлган норозиликка, виждонини қийнай бошлаган андишани зўр бериб босишга уринар эди.— Мен ўзимча қолганим йўқ. Докторлар хизматга ярамайди, дейишди. Улар шундай деб туришганидан кейин мен нима қилишим керак?

Каримнинг тўсатдан ёрилгани қизни ажаблантирди. Бироқ гапни чувалаштириб ўтиришни истамай чўрт кесди:

— Сен нега бекордан-бекор ўзингни оқлаётсан? Бу гапларни менга айтишингни фойдаси йўқ.

— Билиб қўйгин, деяпман. Тагин сен ҳам...

— Кераги йўқ,— деб Қумри қадамини тезлатди.— Кимга керак бўлса, билиб олаверсин. Мени тинч қўй.

— Нега энди? Ахир, қариндош, одам... бир-биримизнинг ҳолимиздан...

Карим чайнаиб, ҳар бир сўзни ичидан суғуриб олаётгандек базўр гапирарди.

— Қўй, Карим,— деди Қумри рад этиб бўлмайдиган оҳангда.— Ҳозир ҳамманинг ҳоли ўзига маълум...

Қиз ушоққина елкаларини беозор чайқатганча тез-тез

юриб кетди. Карим унинг ортидан махлиё тикилганча туриб қолди. Қумрини қувиб етишга, унга дардини айтиб, ахволини тушунтиришга мажболи ҳам, журъати ҳам йўқ эди. Нима дейди унга? Нимани тушунтиради? Нима қилиб юргани шундоқ ҳам ҳаммага аён-ку. Ойнадек равшан бу ҳақиқатга у фақат ўзини ишонтирмасликка уринарди. Афсуски...

Саман йўл четида тўп бўлиб ўсган буғдойиққа бўйинини чўзди, етолмагач, эгасини судрагудек бўлиб интилди. Таранг тортилган жилво Каримнинг қўлини қийиб, оғритди. У жилвоини қаттиқ силтади. От чўчиб бошини кўтарди-ю, бироқ шу заҳоти яна буғдойиққа интилди. Карим жилвоини аввалгидан ҳам қаттиқроқ силталади, бунга ҳам қаноат қилмай, саманнинг икки қулгоғи ўртасига тарсиллатиб қамчи туширди. От бирдан орқага тисарилиб, қаттиқ юлқинди. Каримнинг қўли чиғаноғидан узилиб кетгудек зирқиради. Оғриқнинг зўридан афти бужмайиб, кўзлари қисилди. Аламзадалик билан яна отнинг юзига қамчи солди. Саман бошини олиб қочаркан, кишаб юборди; у типирчилаб орқасига тисарилар, бераҳм эгасининг қасдидан қутулиш ниятида ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлар, унга сари Карим устма-уст қамчи сермар эди. Саман оғриққа чидолмай кўкка бўй чўзганча кишнар, ола-кула бўлиб кетган кўзлари эгасига кўрқув, айна вақтда илтижо билан боқарди. Каримнинг қийиқ кўзлари қонга тўлган, пишиллаб нафас олар, юраги кўксига сифмаётгандек буғзига тикилиб қолган, шуури бутунлай ўтмаслашиб, нималар қилаётганини ҳам идрок этмасди. У фақат бир нарсани — Қумри ҳазар қилгандек ярим йўлда ташлаб кетганинию саманни уриши кераклигини биларди, холос.

Саман олд оёқларини азод кўтариб, уни босиб тушаёзди. Бошини кескин силтаб, ён томонга талпинди, туёғи остидан кўчган майда тошлар шувиллаб сойга тўкилди. У сойга қулаб тушмаслик учун тўрттала оёғини бир жойга ғуж қилганча қунишиб турар, бошини сарак-сарак қилиб, зарбадан қочишга уринарди. Карим ҳарс-ҳарс нафас олганича чираниб қамчи тортар, кўкариб кетган юпқа лаблари тўхтовсиз пичирларди: «Мен кўрсатиб қўяман ҳали сенларга! Мана, мана!...»

— Карим!..

Бу титроқ овоз Каримнинг ҳушини ўзига келтирди. Атрофини ўраб турган қоп-қоронғи зулмат тарқаб, кўз олди ёриша бошлади. Ҳавода муаллақ қотган қўлини аста туширди. Шундагина олисдан Қумри чопиб келаётганини кўрди. Бир ўрим сочи олдига тушиб, ҳар қадам ташлаганида иланг-биланг силкинар, белини сириб турган нимчасининг тугмалари ечилиб кетганидан кенг қўйлаги оёғига ўралиб югуришига халал берар эди. У Каримнинг олдига етиб келдию уни икки қўллаб итариб юборди. Анграйиб турган Карим мувозанатини йўқотиб, чалқанчасига ағдарилиб тушди. Қамчиси уч-тўрт қадам нарига учиб кетди. Жилови бўшаган от орқага, отхона томонга қочди. Қоринбоғи бўшаб кетган экан, эгар бир ёнбошига оғиб қолди.

Қумри қамчини олди-да, ўрнидан туришга уринаётган Каримнинг тепасига келди. Бир зум унинг кўрқув тўла кўзларига, заҳил юзига қараб тургач, гарданига тарсиллатиб қамчи туширди. Карим эди билан сурилганча орқасига чекинди.

— И-и... Қумри...Жинни бўлганмисан?!— деди кўкимтир лаблари пир-пир учиб.

— Узинг жинни!— деди Қумри тишларини фикирлатганча, сўнг қамчини унинг юзига қараб отди.— Ҳу, золим!..

У кескин орқасига бурилиб, келган йўлига кетди — кўзлари жиққа ёш эди.

Карим базўр ўрнидан турди, энгил-бошини қоқиб, қамчини ялтираб турган этигининг қўнжига тикди. Аввал от кетган томонга, сўнг узоқлашиб бораётган Қумрига қаради. Ич-ичидан хўрликками ё аламзадаликками ўхшаш бир ҳис ёпирилиб келди-да, қарахт шуурини уйғотди. «Менга қўл кўтарди-я! Ҳў, мегажин!.. Ҳали уриш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Мен сенга сўлжайган Вали эмасман. «Акажон», дегизмасам, оёғимга бош урдирмасам... юрган эканман!»

У букчайган кўйи оёқларини судраб босганча яна гузарга қайтди. Аламдан бўғилар, ён-веридагиларга нисбатан кекдавоти ортган, ҳаммани бирдек ёмон кўрарди. Шу топда

ҳатто отасидан ҳам кўнгли қолган эди. Тинчгина йўлига кетаётувди, сендан айрилиб энангнинг ҳоли нима кечади, деб сувни лойқалатди. Мана энди, на бир дўсти, на бирон дардкаши бор, худди мўридек сўппайиб ёлғиз қолди. Ғалла бригадири бўлиб нима ишни қойил қилганини ўзи ҳам билмайди. Қўл остида йигирмадан ортиқ қиз-жувон, тўртта мшиқи бола, битта мункиллаган чол ишлайди. Куз келиб қолди, ҳаллағи ерлар ҳайдаб бўлингани йўқ. Эрта-индин раис қақириб сўкшии турган гап. У ҳам урушга бормаганини юзига солади. Елчишиб ишламасанг, думингга челақ бойла-вораман, зах окопта додингни айтиб ётасан, деб пўписа қилади. Кўчага чиқса, одамлар таънали боқишади; ўзи бригадир, отаси ферма, тўқликдан сассиқ кекириб юри-шибди, дейишади. Тоқай бошини ҳам қилиб юради? Тоқай ҳаммадан чўчиб, ҳадиксираб яшайди? Ҳатто бир заифа унга қўл кўтарди-я!..

Орадан кўп ўтмай Камол тегиримончининг ҳалок бўлгани ҳақида хабар келди. Шу баҳонада Карим отаси билан бошлашиб уларникога борди. Жамол укасининг маъракаларини ўзи ўтказажоғини қайта-қайта таъкидлаб, меҳрибонлик кўрсатди.

— Тирикчилик қалай, келин?— деб сўради у пировардида.— Қийналиб қолмаяпсизларми?

— Шукр,— деди Саврихон ер чизганча.

— Болалар ҳали ёш, то улар дастёр бўлиб қанотингизга киргунча, эҳ-хэ...— Жамол танглай қоқиб, бош чайқади.— Нима керак бўлса, тортинмай сўрайверинг, келин, ишқилиб, қўрбимиз етганча... Мана, еттиёт бегоналар ҳам еб кетишяпти, сизлар ўзимники-ку. Нима камчилик бўлса, айтинг.

— Раҳмат, муллака...— Саврихон бўғзига тикилиб келган аламини қўл этиб ютди.— Ҳозирча ҳеч нарсга керак эмас. Қора қозон қайнаб турибди. Кўп қатори...

— Э, кўпни қўяверинг!— Жамол қўл силтади.— Ҳозир ҳар ким ўз гамини ейдиган замон.

— Одамнинг ўлик-тириги кўп билан,— деди Саври ердан бош кўтармай.— Юрт нима бўлса, биз ҳам шу.

— Ҳўп, омон бўлинг, келин!— Жамол юзига наридан-бери фотиҳа тортиб, қўзғалди.— Майли, яхши қолинглар. Жамол жигарзонликданми ё одамларнинг кўзигами, ҳар қалай, укасининг маъракаларига бош бўлди. Қирқи ўтиб, Саврихоннинг алами бироз босилгач, хотинини ёнига олиб, совчиликка келди. Унинг бежаврид ташрифи оғир ботса-да, Саврихон очик чеҳра билан кутиб олди.

— Энди... келин, ҳаётда одамнинг хаёлига ҳам келмаган ишлар кўп бўлар экан,— дея салмоқлаб гап бошлади тўрда ўтирган Жамол.— Бўлмаса, биттаю битта инимининг тупроғи бегона юртларда қолишини ким ўйлабди... Едимга тушса, тунлари уйқум қочади; сизларни ўйламан, болаларнинг ташвишини чекаман. Бу дунёда ҳеч кимни ота-онасидан айирмасин.

Саврихон рўмолининг учини оғизга босганча пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

— Кўйинг, йиғламанг,— деди Жамол шикаста овозда.— Мен борман, сизларни биров чертолмайди. Биз овсинингиз билан кўнглимизга бир яхши ниятни тугиб келганмиз.

— Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, муллака,— деди Саврихон баттар пиқиллаб. У ҳозир бировнинг мана шундай йўқловига, бир оғиз ширин сўзига муҳтож эди.— Яхшиям қаватимизда сизлар бор экансизлар, бўлмаса...

— Албатта.— Жамол бурнининг остидаги тангадек мўй-ловини силаб, бош ирғади.— Қариндош-уруғ шундай қайтди ярамаса... Энди... бу ёғи...— У бир зум гапини йўқотиб каловланди. Сўнг анграйганча оғизга қараб ўтирган хотинига зарда қилди.— Гапирсанг-чи, мунча анқаясан!—

— Вой, ман нима дейман?— деди хотини довдираб.— Вой...— у ясама кулди, кўзлари юмилиб, ёноқлари бўртиб чиқди.— Узингиз устасиз-ку бундай гапларга. Ман ўлгур гаёй билмасам...

Жамол ўнг кафтини тиззасига тираганча керилиб, ўтирарди. Хотинининг довдираши, ўртага от солиб, сўз-ақд моллик қилмагани хуш ёқди.

— Энди... келин, бизнинг кўнглимизга тугиб келган ниятимиз шуки, мана болалар катта бўп қолишди. Дуненинги ахволини қўриб турибсиз, эртага нима бўларини билмайди киши. Бу уруш ҳали ҳаммининг бошини емаса бўлгани...

— Вой... нафасингизни иссиқ қилинг-э!— деди хотини кўриб кетган одамдек.

Жамол унга ижирғаниб қараб кўйди-да, гапида давом этди.

— Шунга... агар рози бўлсангиз, болаларнинг бошини қовуштириб кўйсак. Бир ёғи, арвоҳ хотираси, бир ёғи, менинг кўлимда бўлса, қизингиз ҳам ҳар ҳолда...

Саврихон узун даромаднинг буромадини эшитиб гангиб қолди. Ҳали укасининг тупроғи совимай туриб қайноғасининг тўй-тўйлашмоқчи бўлгани унга ғалати туюлди. Менсимганими ё энди бошингда соябон бўладиганинг йўқ деб оёқости қилганими бу? Ҳарна бўлганда ҳам куни кеча қарчиғайдай жигари ўлди, жасади қайда, мозори қайда, ҳеч ким билмайди. Унинг бағрини бу армон эзаётган бўлса-ю, қайноғаси тўй-тўйлашамиз деса...

— Биз етимларнинг шунчалик ғамини еганингизга минг раҳмат, муллака...

Жамолнинг юзи ёришиб, мағиздек ёноқлари йилтираб кетди.

— Энди... укамнинг болалари менинг ҳам болаларим. Ота бўлиб уларнинг бошини силаш менга ҳам қарз, ҳам фарз.

Саврихон ҳамон рўмолининг учини оғзидан олмай синиқ кулимсиради.

— Рост айтасиз, муллака,— деди у.— Буларгаям энди ўзингиз оталик қиласиз. Лекин...— У бармоғининг учини ташлаганча ўйланиб қолди.— Ҳали укангизни тупроғи совимай туриб...

— Қизиқмисиз, келин, мен атай... укам гўрида тинч ётсин, бола-чақамнинг ҳоли не кечди экан, деб қийналмасин деган ниятда келиб ўтирибман-ку! Расм-русмини, юртинг таомилини билмайманми?— Жамолнинг овозида зарда сезилди.— Мен сизларни ўйлаб... Ҳеч бўлмаса, укамнинг битта фарзандини қанотимга олай, деб... Бўлмаса, мениям юрагимга тўй сифадими шу топда?

— Ҳимматингизга раҳмат, муллака,— деди Саврихон дастурхон четини ҳимариб.— Насиб қилса, ҳали вақти келиб тўй ҳам қилармиз, орзу-ҳавас ҳам кўрармиз. Ушанда яхши кунларимизга бош бўладиган сиздан бошқа кимимиз бор.

Жамол энсаси қотиб, уй ичига разм солди. Тўрт девор шип-шйдам; тўрдаги тахмонда туясандиқ, қуроқ кўрпалуш тахланиб, устига ипак билан турли хил гул, қушларнинг сурати чекилган узун-узун сочиқлар ташлаб кўйилган. Энг таладаги оқ жилдли ёстиқларнинг шокиласи нақ ерга теккудек бўлиб турибди. Токчаларда чанг босган чойнак, пиёла, патнис, ерда увада шолча. Дастурхонда иккитагина суви қочган нон, бир сиқим туршак билан жийда... Э, нодон хотин, аҳволингга бир қарасанг-чи!

— Энди... келин, қиз болани кўнғироқдай бўйинга осиб, кўз-кўз қиладиган замонар ўтиб кетди.— Жамол ҳар бир сўзини чертиб-чертиб гапирга бошлади, кўзлари қисилиб, совуқ йилтиради.— Кўриб турибсиз, кун сайин эркак зотига қиргин келиб турибди. Қишлоқда қизингизнинг Каримдан бошқа тенги йўқ. Турди понсондинг чиллашир боласи билан Қодир аравақашининг ғалайдан бошқа ким бор? Уруш қачон тугайди-ю, қачон орзу-ҳавас кўрасиз? Қиз бола тилла буюм бўлса эканки, турган сари қадрни ошса... Эрта бириси кун ёши ўтиб, қари қиз аталиб қолса, ёнбошингизни ўймалаганингиз билан бефойда. У ёқда укам бечоранинг арвоҳи чирқираб қолди. Униям-буниям юки менинг гарданимга тушади. Мениям озгина ўйланг-да, келин. Кечагина арслондек укамдан айрилиб, бугун тўй-тўйлашиш менга ҳавасми бўлмаса?

Саврихон ялт этиб қайноғасига қаради. У Жамолнинг қувлигини ҳам, бағришоллигини ҳам, укасига заррача меҳри йўқлигини ҳам яхши биларди. Ҳеч кимга яхшиликни раво кўрмайдиган одамнинг уларга мурувват кўрсатишига ишонмасди у. Ака-уканинг ўртасида ҳеч қандай кин, адоват йўқ, фақат улар икки хил феъл-атворли одам эди.

— Гапларингиз тўғри, муллака,— деди Саврихон бўшашиб.— Нима дейишиманям билмай бошим қотди. Бу мусибатдан ҳали эс-ҳушимни йиғиштириб ололганим йўқ...

— Аёл бошингиз билан шунчалик чидаб ўтирибсиз, раҳмат сизга!— Жамол сал юмшади.

— Чидамаганда қайгаям бораман?— Саврихон юрагини ўртаётган хўрликни базўр босди.— Кўк каптар бўлиб, ҳув деб учиб кетай десам орқа этагимдан ушлаб турган беш бола бўлса...

— Шу беш боладан бирини менга беринг, деб келиб ўтирибман-да,— деди Жамол худди ҳукм ўқиётгандек.— Узи жиянимни ўқиситиб қўймайман, бировга черттирмайман. Мени биласиз-ку...

Жамол ҳали қилиб улгурмаган яхшилигини худди итга суюк ташлагандек писанда қилди.

— Биламан, муллака, сиз бизга фақат яхшилиқ тилайсиз.

— Ўв, келин!— деди тўсатдан Жамол, худди чаён қаққандек.

Саврихон қайноғасининг қитиқ патига тегиб кетганини англади. Қизи бор уйга кимлар келмайди. Агар уларнинг ҳаммасини остонасига яқин йўлатмай қувиб солаверса, кейин ит ҳам доримайдиган бўлади. Майли, қайноғаси юрагига қил сиғмайдиган кунда шу гапни айтиб келишни лозим топибдими, шунга яраша муомала қилиб, жўнатаравириш мумкин. Юз амри ширин, Саврихон қайноғасига бетиқоралик қилолмаса...

— Қизимнинг олдидан бир ўтай, муллака,— деди у босиқлик билан.— Ҳозир дарди-дунёси қоронғи бўлиб юрибди, билмадим, бу гап ёқадими, йўқми?

— Э, қизиқмисиз, келин,— деди Жамол энсаси қотиб.— Қиз боланинг нимаси билан маслаҳатлашади? У бировнинг хасми-да, бугунми, эртами...

Жамол суҳбатни ортиқ чўзиш бефойдалигини тушунди, қалин лабларини қаттиқ қимтиб, нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо Саврихоннинг дастурхон четини ҳимарганча мунгайиб ўтириши фикридан қайтарди. Хотинига «Кетдик», деган маънода имо қилдиш туришга чоғланди.

— Вой, эсим кўрсин, гап билан бўлиб...— Саврихон дик этиб ўрнидан турди.— Мен бирпасда... Укангиз кетаятганларида ярим қоп шолни ғамлаб берган эдилар. Сизларнинг шарофатингиз билан бир чўқум ош қилай...

Жамол унинг гапини охиригача эшитмасданоқ кўзғалди, бўсагага етганда орқасига ўгирилмасдан:

— Бўпти, келин, ўз ўтингиз билан ўзингиз исиниб ўтираверинг,— деб тўнғиллади.— Сизларга жигарнинг кераги бўлмай қолибди.

Саврихон нима қиларини билмай уй ўртасида серрайганча туриб қолаверди. У уч-тўрт кунгача хавотирда яшади; тиқ этса, эшикка қарайди, Жамол қамчисини ўйнатиб кириб келадигандек, Қумрини судраб опчиқиб кетадигандек туюлаверди. Йўқ, хавотирни беҳуда бўлиб чикди. Жамол қайтиб уларнинг остонасига қадам босмади, кўча-кўйда дуч келиб қолса, йўлини чаппа солиб кетишга уринарди. Экин-тикин йиғиштириб олинган, қолхозда тайинли иш ҳам йўқ. Одамлар асосан молхонада, омбордаги майда-чуйда ишлар билан машғул. Саврихон беҳавотир ишга кетаверадиган бўлди. Бироқ шундай кунларнинг бирида Қумри онасининг олдига чопиб келди, рангида қон қолмаган, кўзлари қўрқувдан аланг-жаламг боқар, сочлари тўзғиб кетган эди. «Қишлоқ советининг бир одами билан райондан келган бир киши уйимизни тинтишди. Қазноқдаги буғдой билан гуруччи аравага босиб опкетишди», деди ўпкаси оғзига тиқилиб. Саврихон бўшаганча ўтириб қолди: «Нега олиб кетишади? Бир жойдан ўғирлаган бўлмаса... Негга олиб кетишади?» Шу хаёл билан қишлоқ советига борди. Назарида англашилмовчилик юз бергану дон-дунини қайтариб берадигандек туюларди. Бордию юраги бетлаб ичкари қиролмади. Болалари бир бурда нонсиз қолганини ҳам айтолмай, секингина изига қайтди. Унинг бир нарсага сира ақли бовар қилмасди: уйда дон борлигини ким етказди экан?

Орадан уч кун ўтгач, Саврихон тоби қочиб, ишга бормаё ётган эди, оёғини тап-тап уриб қоққанча Жамол кириб келди. Унинг кўзлари қизарган, юзи терчирарган эди. Саврихон қайноғаси яна бирор шумликни бошлаб келмади-микан, деган хавотирда юраги шнғ этди-ю, сир бермай истиқболига шошилди. Жамол пешайвон пастиде турар, қамчини этигининг кўнжига тарс-тарс урганча ҳовли рўясига, уйнинг биқинидаги пастак молхонага, ундан

наридаги шох-шабба ғарамига совуқ назар ташлар эди.

— Келинг, муллака...

Саврихон уйнинг эшигини ланг очиб, ўзи йўл бошлади. Тўрға кўрпача тўшаб, пойгакроққа эски яқандоз ташлади. Жамол ҳамон ўша важаҳатда ичкарига кириб, бир нафас серрайиб турди, сўнг пойгақдаги яқандозга омонатгина чўқди, юзига фотиҳа тортар-тортомас, муддаога кўчди.

— Кеча Қамолддин тушимга кирибди, кийимлари юпун, ранги бир ҳолат, нимадандир хафа бўлиб юрганмиш. «Ҳа, ука, нима бўлди?», десам, «Э, ака, қарзимни узолмай қийналяпман. Уйга боринг-да, кўзингизга яхши кўринган нарсани опкетинг, орани очиқ қилиб қўймасақ, одам бу ёқда қийналар экан», дейди. Арвоҳгаям қийин-да,— Жамол қамчининг соли билан ажин тушмаган пешонасини қашиди.— Кечадан бери ўзимни қаёққа қўйишни билмайман, денг.

Саврихон эрининг номини эшитиб йиғлаб юборсам керак, деб ўйлаган эди, йўқ, дийдаси қотиб кетибдими, нима бало, лоқал киприги намланмади, хўрлиги ҳам келмади.

— Мен омонатимни опкетгани келдим, келин,— деди Жамол худди дўконга кириб икки бўлак совун харид қилаётгандек бамайлихотир.

— Қандай омонат, муллака?— дея ҳайратини яширолмайд сўради Саврихон.

— Сизларнинг тўйингларда иккита қўй қилганман. Қиймат қарз...

Саврихон нима деярини билмай довдираб қолди. Нахотки, қайноғаси йигирма йил олдин қилган тўёнасини шу топда қистаб келган бўлса? Унинг иккита қўй туғул, лоқал битта нон топиб беролмаслигини кўра-била туриб-а?

— Бунақа ўйланмаган ишлар бўлмаганида эшигингизни турмини бузиб келмасдим, келин. Қарз ёмон нарса. Вақтда узилишиб кетмасак, у ёқда укам бечорога қийин...

Саврихон тош қотиб ўтирар, қайноғасининг нияти нималигига ақли бовар қилмасди. Этсиз юзидаги чизиқлар худди пичоқ тортиб юборилгандек чуқурлашди, ҳорғин боққан кўзларида фақат соддадил кишиларга хос мискинлик пайдо бўлди.

— Укангизни ўлдига чиқариб хат ёзиб юборган одам олашқашқаққа ўхшаб яхши гапниям, ёмон гапниям бир хилда шақиллаб айтаверадиган кишидир-да, муллака. Балки, янглишгандир... балки, суриштирмай-нетмай ёзиб юборавергандир...— Саврихон бу гапни қайноғасидан ҳам кўра кўпроқ ўзини ишонтириш учун айтаётган эди.

— Э, қизиқмисиз, келин!— Жамол қўл тўлғаб унинг гапини бўлди.— Ҳарбийда ҳар бир гапни мингта чиғирикдан ўтказди. Уларга зарилми сиз билан менинг юрагимни эйтиб?!

Саврихоннинг юраги шувиллаб кетди.

— Янглишиб кетганмикин, дейман-да...

— Сиз билан мен янглишишим мумкин, лекин ҳарбий янглишмайди.

— Пешонам қурсин,— деди Саврихон эзилиб.— Эримдан айрилганим рост бўлса, энди ўзимни гаровга қўяман, шекилли...

— Ия, ўв... менга қаранг, келин!— Жамол ўрнидан туриб кетди.— Сиз бундай илмоқли гапларни қўйинг. Ман куним ўтмай қолганидан келиб ўтирганим йўқ. Манга қолса... Ия, ўв... иккита қўй нима деган нарса... Ман азбаройи укамни ййлаб... у ёқда арвоҳи чирқирамасин, деб...

— Болаларини чирқиратмоқчиман, денг.

Жамол бетига тарсаки тушгандек бир қалқиб кетди. Саврихонга еб қўйгудек олайиб қаради: «Ҳалиям тавбасига таянмабди-ку, бу шаллақи! Майли, майли, кўрамиз ҳали, кўрамиз!»

— Иккита қўйнинг ўрнига бергудек ҳеч вақом йўқ, муллака, айбга қўшмайсиз,— деди Саврихон овозидан заҳар томиб.— Бу кун ҳам нут бўлар... Қайтарармиз.

Жамол унинг гапларини эшитмагандек оғилхона томон юрди. Қўлидаги қамчини буклаб этигининг қўнжига тикатуриб, пўнғиллади:

— Энди... хафа бўлмайсиз, келин. Мен сигирни опкетаман.

То Саврихон эс-ҳушини ййғиб, чопиб боргунча Жамол оғилдан тарғил сигирни етаклаб чиқди. Елини тирсиллаб

турган сигир арқонини тортиб, тархашлик қилар, бегона одамнинг етовига юргиси келмасди. Саврихон сигирнинг арқонига маҳкам ёпишди.

— Бермайман!— деди кўз ёшини шашқатор қилиб.— Тўёнангизни мен олмаганман ҳам, кўрмаганман ҳам. Укангиз тирилиб келса, қайтиб оласиз.

Жамол бир қўли билан сигирнинг бўйнидан қучоқлаб, иккинчи қўли билан арқонга тармашаётган Саврихонга ижрганиб қаради. Чап қоши, бурнининг остидаги тангадек мўйлови лип-лип учди. Иккита курак тишининг орасидан чирт этказиб тупурди-да, арқонни куч билан силтаб тортиди. Саврихон мункиб кетди. Арқон қийган қўлини силаганча беихтиёр орқасига тисланди.

— Бунчалик юзсиз бўлманг, келин, сиз кўрмаган бўлсангиз, бошқалар билади; хеш бор, табор бор, қуйруғи ерга тегиб турган икки қўйни етаклаб келганман. Укам бечора у дунёда тинч ётсин, деб ҳам вақтида қарзимни опкетишим керак. Бўлмаса, ман сизнинг шу устихони чиқиб турган сигирингизга зорманми? Сут-қатиқ ўзимнинг қўлимда бўлса... Йўқ, эрим гўрида тик турсин, десангиз, майли, ташлаб кетавераман.

Саврихон ҳолсизланиб, оғилнинг омонатгина эшигига суянди. Чала рандаланган тахталардан ясалиб, тасмага осиб қўйилган эшик лопиллаб, бир томонга оғиб кетди. Саврихон пайпаслаб сувалмаган деворни топти-да, ғадир-будир тошларга суянди. Унинг тиззасидан дармон кетган, узун-узун бармоқлари, рангсиз лаблари сезгисини йўқотиб, қарахт бўлиб қолган эди.

— Майли, муллака,— деди Саврихон титраб.— Укангизни болалари оқдан ўлсин, десангиз олиб кетаверинг. Болаларнинг оғзини оқлаб туриб эдим. Бошимизга шундай кун тушиб, отасиз қолганимизда сиздан келган оқибат шу бўлса, худога солдим.

Жамол сигирни судраб, ҳовли саҳнини кесиб ўтгунча индамади. Фов олдига боргач, тўхтаб, орқасига ўгирилди, бироқ дағдаға қилишга ботинмади. Сигирнинг арқонини жаҳл билан силталаб, илдам юриб кетди.

Бу дунёнинг жабру жафоларига ҳам, хиёнат у номардикка ҳам кўпроқ оққўнгил одамлар гирифторм бўлишади. Ҳаётнинг синовлари ҳам фақат шулар учун ўйлаб топилган қалтис ўйинга ўхшайди. Агар соддадил бўлмаса, Саврихон қишлоқ Советининг одами нега фақат уникин тинтигани ҳақида, устига-устак, қайноғаси келиб сигирини олиб кетгани, бу воқеалар ўртасида узвий боғлиқлик борлиги ҳақида ўйлаб кўриши керак эди. У гарчанд қайноғасининг яхши одам эмаслигини билса-да, бунчалик тубанликка бориши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Унинг бахти ҳам, фожиаси ҳам бировни ёмонотли қилиб ўрганмаганида эди.

Қумри ҳориб-чарчаб ишдан келса, онаси айвон устунинг суянганча муштдеккина бўлиб ўтирибди. Қумри ян қандайдир кўнгилсизлик юз берганини сезиб, атроғи аланглади. Оғилнинг очиқ турган эшигига қараб юраги ғашланди. «Нахотки, ўғри урган бўлса?..»

— Эна...— деди кўрқа-писа.

— Отанг бошқатдан ўлди, қизим,— деди Саврихон кўзларини бир нуқтадан узмай.— Амакинг юзиқорали қилиб, сигирни опкетди.

— Нега, эна?

Саврихон уф тортиб, ўрнидан турди.

— Отанг қарз экан.— У қизининг олдида ййғлаб юбор маслик учун лабини тишлади.— Қарзини қистаб келганида кейин...

— Нега берасиз?— дея ййғламоқдан бери бўлиб сўради Қумри.— Сигир бўлмаса...

— Отангнинг арвоҳини ўртага солди, қизим,— деди Саврихон оғил томон юраркан.— Майли, олақолсин. Яратган эгам беризқ қўймас.— У оғил эшигини ёпа туриб ичкарига ўқисик нигоҳ ташлади.— Амакингни мақсади бошқа... Қайтамиз.

— Мақсади бошини есин!— дея ёзғирди Қумри.

— Ундай дема, қизим, яхшиини, ёмонни — жигар,— деди Саврихон эшикнинг иллагини иларкан. Афтидан у рўзгорини тебратиб турган бирдан-бир сиғири йўқ бўлиб қолганига ҳали ҳам ишонмасди.— Фақат... есин-иқсин тўймасин!

Она-бола туни билан ажриққа ағнагандек безовта тўлғаниб чиқишди. Ҳаётнинг устма-уст зарбалари уларни гангитиб қўйган, янги кун яна қандай ташвиш келтиришини ўйлаб юраклари безиллар эди...

Карим Жамолович талай йиллар илгари бўлиб ўтган воқеаларни эслаб юрагини эзишни ақлдан деб билмасди. Қолаверса, бу нарсалар унинг хоҳиш-иродаси билан эмас, отасининг тазйиқи туфайли юз берган. Шундай экан, нега у ич-этини еб, ўзини қийнаши керак?

Карим Жамолович бу одамларга ўтказилган ситамларнинг бевосита бўлмаса-да, билвосита иштирокчиси эканини, ўз гуноҳидан кўз юмолмаслигини, бироқ бу нарсани тан

олиш гоят мушкуллигини, тўғрироғи, тан олишни истамаслигини яхши биларди. Афсуски, юрагида пайдо бўлган ғалати бетоқатлик уни ҳаётининг нотекис кечган онларини, Қумри, Валига боғлиқ воқеаларни кўнгил кўзгусидан қайта ўтказишга мажбур этди. Мана шундай бир-бирига зид ҳиссиётлар таъсирида йўлга чиққанини ўзи ҳам сезмай қолди. Унга бир нарса аён эдики, қўриқхонага фақат кийик машмашаси туфайли номига доғ тушишидан қўрқиб ёки Вали акадан узр сўраб виждонини хотиржам қилиш учун кетаётгани йўқ. Бироқ...

Охири келгуси сонда

## «МАНАС» ЭПОСИ ДУРДОНА-ЛАРИДАН

Бадий тафаккури ниҳоятда ўткир, фалсафий мушоҳадаси гоятда чуқур, зукко шоир Миртемирнинг ўзига хос бетимсол, беқиёс бой адабий-бадий мерос яратиб қолдирганлиги ҳаммага равшан.

Миртемирнинг таржима соҳасидаги фаолияти ҳам ҳурматга лойиқ. Қирғиз халқининг энг кўҳна ва салмоқли эпоси — «Манас»ни (бу асар ярим миллион мисрадан иборат.— Р. Ж.) ўзбек тилига Миртемиргина журъат этиб таржима қила олди.

«Устоз Миртемир — қирғиз халқининг ҳам улкан оқини эди. У — бизнинг фахримиз бўлмиш «Манас» эпосини яққалам қилиб, ўзбек тилига таржима этган улкан қалам соҳибидир!» — дейди Қирғизистон ССР халқ шоири Суюнбой Эралиев.

Қуйида ҳурматли журналхонлар эътиборига айна таржиманинг дилбар, пурҳикмат мисра, байтларидан айримлари ҳавола этилади.

Номуси бор йигит ҳеч —  
Ёвга кулөч очгайми?!

Узгага ҳеч айтмагин,  
Яқинга айт сўзингни!

Эл бошига кун тушса,  
Элин севган эр келар.

Уюр соғинмас от бўлмас,  
Эл соғинмас эр бўлмас!

Кучга тўлган белимсан,  
Ёв қийнаган бу элни —  
Кутқариб олар шеримсан!!!

Кутиб олгин, қулуним!  
Қўряқла қирғиз элингни!

Боболарнинг йўлини тут —  
Бармоқ тишлаб қолмагин!

Эл миннатин (олқишин) ол тагин,  
Паноҳи бўлиб-қол тагин!

Қулон қувса қутилмас,  
Қуюнлигин бор, аниқ,  
Жангга кирса тутилмас,  
Дулдуллигин бор, аниқ!

Ош-нонингни пеш қилдинг,  
Ким ўзингга қасд қилса,  
Ушаларга эш келдинг,  
Ғўё «ишни беш» қилдинг!!

Сафарга жўнар тарзим бор,  
Тузни оқлар қарзим бор!

Ўзингдан чиққан ўт ёмон,  
Ўзингдан чиққан ёт ёмон!!

Р. ЖУМАНИЕЗОВ тайёрлаган

Фаришта бор унинг юзида,  
қарашлари ҳуркак, осуда.  
Мен ҳаттоки уни ўзимдан  
пинҳон тутгим келади жуда.  
У дунёга ўт қўйиб юрар —  
нафаслари покиза гулхан.  
Бу сокин, бу нотинч оламда  
У кеч келган ё эрта келган.  
Унга маскан бўлмоқлик учун  
Дунё ҳали покланиши шарт.  
Кўнгли эмас, имони бутун,  
унга келса — бахтли бўлар БАХТ.  
Кўзлар сокин бир қўшиқ куйлар  
жимирлашиб кетади танлар —  
Муҳаббатни эрмак деб ўйлар  
муҳаббатдан тугилмаганлар!  
Туноҳкордек сезар ўзини  
бўлганидан бегуноҳ мангу.  
Улугланг бу ўзбек қизини  
поклигидан ийманади у!

## Тувакдаги гул

Кундуз эсламадим ва лекин тунлар  
ожиз шивирлашинг маҳв этди буткул.  
«Наҳот менга ватан бир парча тупроқ,  
наҳот шоҳларимга қўнолмас булбул?»

Сени севгандилар узун қиш аро  
боқий гўзалликнинг тимсоли деб бул.  
Бугун чаманларга бўлиб маҳлиё  
сени унутдилар, тувакдаги гул.

Баҳор бизни лола сайрига бошлар,  
хайҳотдек хонада ёлғиз қолар ул.  
Қадримни қайтадан топиб олай деб  
ийглаб, қишни қўмсар тувакдаги гул.

\* \* \*

Йиғига ўхшаган табассум билан  
яна қошингизга қайтмоқдадирман.  
Бу ерда ҳеч кимса парво қилмаган  
дил розимни сизга айтмоқдадирман.  
Мен осмондан ерга тушиб қолганман,  
дўстлар хиёнати бошимни эгиб.  
Муҳаббат, висолдан безиб қолгандим  
ҳатто бахтиёрлик жонимга тегиб.  
Шеърсиз — бедард кунлар бисёр бунчалар,  
шодумон кунларим ортиқ кўпайди.  
Илҳом мени серноз маликалардек  
«фуқаро, фуқаро, фу, қаро!» дейди.  
Қадаҳга эгилган бошни кўтарсам,  
юрагим ҳирқираб сўз айтди оғир:  
Шоирмас сўзни минг кўйларга солган,  
Сўзни деб минг кўйга тушганлар шоир!  
Асаблар қақшайди дунёга боқсам —  
ҳануз тўқнаш келар етимлар, туллар.



**Аъзам  
Худойбердиев**

Уруш ўчоғининг нафси ёмондир —  
унга ўтин бўлар БОЛАЛАР, ГУЛЛАР!..  
Биз Кутлуғ Манзилга етмоғимиз шарт,  
кураш интиҳоси — саодат зотан.  
Ўзни фидо этмак ҳам ахир бир бахт,  
Биз Ватанга керак, бизларга Ватан!  
Яшолмасак бутун ҳаётинг бекор —  
бир қалбда ишқ бўлиб, саодат бўлиб.  
Мовий келажакка бормаслик даркор  
Эзгуликдан машғум «қора хат» бўлиб.  
Манзилим олисдир, менга йўл тиланг  
Бобом Муқаннинг кўйлагидек оқ.  
То заминга тинчлик барқарор бўлсин,  
Дунёнинг иқболи янада порлоқ!

## Тилак

Бахт ёзилган бўлса тош тегиб ногоҳ  
Қора қон қотмасин пешоналарда.

Гараз кўз тикилган, мараз тикилган  
Бўлмасин бардошу паймоналарда.

Тугилган тупроғинг қабринг ҳам бўлсин,  
Жисминг хор қолмасин бегоналарда.

Ўтга ширин жонин уради қўрқмай  
Журғат бор, журғат бор парвоналарда.

Ҳақиқатни излаб борганда мағрур  
Журғатлар сўнмасин остоналарда.

## Қор тўлган чаноқлар

... Менга алам қилар бағрим тўла қор,  
Кўёш, аямайин соч менга ёғду.  
Дехқонлар олдида қизартма мени  
пахтали чаноқ деб алданмасин у!

Балки бу қўшиққа зарурат йўқдир,  
майли, билиб қўйсин бунни ҳар одам —  
Ўзбекнинг имони бўлмоқлик ахир  
осонга тушмайди пахталарга ҳам!





Нодир Норматов

## Жилолар жозибаси

*Журналимиз зарварақларида ёш рассом*

*Гулнора Раҳмонованинг асарлари*

*билан танишдингиз. Самимият, ёрқин ранглар,*

*тинимсиз изланишлар*

*бу ёш рассом*

*ижодига катта умид уйғотади.*



республика кўргазмасида ўтган йили биринчи марта «Олтин куз» асари билан қатнашган эди. Тўғри, асар бу ерда ярқ этиб кўзга ташлангани йўқ. Лекин, ундаги самимият, рангларнинг журъатсизгина бўлса-да, ёрқин ишланиши Гулнора Раҳмонованинг изланувчан, ўзига хос рассом эканлигидан далолат берган эди.

Ёш рассом яқинда тоғ қишлоқларидан бирида шахсий кўргазма ташкил қилди. Тўғри, унда «Норсаид аканикига тўйга», «Ховли», «Чайла» сингари сермазмун тасвирлар билан бир қаторда «Улдона», «Қиз портрети» сингари заиф асарлар ҳам намойиш этилганди. Буларда яхлит композициянинг йўқлиги, фоннинг қашшоқлиги, тасвирланувчиларнинг қўл ва қоматидаги номутаносиблик тезда кўзга ташланарди. Лекин бу камчиликлар кўпгина бошловчи рассомлар учун умумий бўлиб, уларни тузатиш унча қийин эмасди... Кўргазма дафтари ни varaқлар экансиз, унда ёш рассомнинг бир қатор асарлари ҳақида илиқ сўзлар ўқишингиз мумкин. Хусусан, унинг «Норсаид аканикига тўйга» асари санъатсеварлар орасида шухрат қозонди.

Биз бу асарда тўйнинг бевосита тасвирини кўрмаймиз. Чинакам дашт қишлоғига хос манзара: пахтазор йўлида бошига тугун қўйиб олган аёллар, олдинги планда янги қурилган уй томларида телеантенналар, сўрида баҳор ташвиши билан ниманидир муҳокама қилаётган кишиларни кўрамиз. Ёш рассом тўй қувончини ўта жарангдор рангларда акс эттирмайди. Асардаги ранглар кишида қувонч уйғотиши билан бирга масъум бир ўйларга ҳам чорлайди. Ҳаётнинг адабийлиги, инсоннинг қувонч ва ташвишлари ушбу манзарада ихчам, лўнда ўз аксини топган. Таассуротнинг тиниқлиги, манзаранинг яхлитлиги, рангларнинг сирлилиги ёш рассомнинг эпик тасвирга интилишидан далолат беради. «Ховли, тандир ёнида» асари эса фақат этнографик характер касб этмай, балки ундаги ҳар бир буюм, дов-дарахт, ер ранги замондошимизнинг маънавий олами, табиатга муносабатини акс эттиради.

Ёш рассомнинг «Чайла» деб номланган ҳаётини деталларга бой асарида янги ерга энди кўчиб келганларнинг ҳордиқ чиқариб ўтирган пайти тасвир этилган. Рассом ўз қаҳрамонларининг гавдаларини йирик планда ишламайди, унинг диққат-эътибори саратондан қизиб ётган дов-дарахтсиз дашт манзарасига қаратилган. Биз асарда тасвирланган чайланинг шошиб-пишиб қурилганлигини ҳам сезамиз. Кўчиб келганларнинг кун тиғида катта жасорат кўрсатиб ишлашлари плакат йўсинида ҳал қилинмай, балки ҳаётини деталлар орқали ишора қилинади. Рангтасвирнинг бой, теран тили орқали композицияни ихчам, лўнда қилиб яратиш мушкул вазифа. Бу йўлдаги изланишларда Гулнора ижодида баъзи заифликлар ҳам кўзга ташланади. Хусусан «Ҳаётнинг давоми» ва «Чайла» да ортиқча деталлар мавжуд.

Портрет рангтасвирдаги энг мураккаб жанр эканлиги ҳаммага аён. Чунки у фақатгина тасвирланувчига ўхшабгина қолмай, балки бунда рангтасвирнинг янги-янги имкониятларини рўёбга чиқариш ҳам лозим бўлади. Акс ҳолда асар одатдаги «бююртма» асарлардан фарқ қилмай қолади.

Бу жиҳатдан ёш рассомнинг «Раъно Темурова портрети» асарида чизгилардаги бир мунча заифлик кўзга ташланса-да, Сурхон заминининг энг оддий, дилкаш, латофатли аёл образи ўз ифодасини топганлиги мақтовга сазовор. Гулнора бевосита табиатдан илҳомланади. Лекин ишлаш жараёнида ортиқча натуралистик тасвирлардан воз кечиб, шартли деталлардан ёки кўнглида сақланиб қолган айрим лавҳалардан фойдаланади. «Пахта теримида» асаридаги табиат манзараси, жарликлар, улкан дала бошқа бир қишлоқ ёнида чизилди. Жарлик ёнидаги пахтазор эса йўл лавҳалари учун олиб юрадиган альбомда бор эди. Бу умумлашмаларда ҳеч қандай мантиқсизлик юз бергани йўқ. Сабаби аён: бугунги кунда республикамизнинг тўқай, жарлик ва адирликлари ҳам ўзлаштирилиб, пахта экилмоқда. Соё ўзанида ташкил топган пахтазор табиийлиги, ҳаётини билан бизни ишонтиради.

Ёш рассом кўпинча манзаралар чизишни яхши кўради. Унинг бу тоифадаги ишларида ҳазонрез боғлар, тушларга кирувчи рангин жилғалар, анор гулларининг майин латофати бор. Айниқса, унинг «Кўз манзараси» асари қаҳрабо ранга кирган чорбоғнинг эпик кўрinishини ифода этган. Чорбоғ девори орқасидан ёшгина бола бош кўтариб қараяпти. Унинг беғубор, мулойим нигоҳи сизни бир зум сеҳрлаб қўяди.

Гулнора табиатдан ритмик чизгилар, оддий шакллар топишга интилади. Ана шу хусусият унинг ўта дид билан бугунги кун манзарасини ифода этишига ёрдам беради.

Илиқ оқшомга айланаётган офтоблик куннинг ритмик манзараси, ой ёғдусига чўмган далалар, ҳовлилардаги жажжи болалар, уларнинг жозибали дунёси ёш рассом асарларида тиниқ акс этган.

Ёш рассом ҳаётини материалларга суюниб асар яратар экан, аввало, тасвирий санъат оламида ўз дастхатига, ўз услубига эга бўлишни ўйлайди. Гулнора бу йўлда дастлабки ишончли қадамини қўйганлигига эса унинг асарлари шоҳид.



Саъдулла Сиёев,  
Муроджон Мансуров

# ХИЁНАТ ВА ДИЁНАТ

Маънавий софлик, ижтимоий ҳаётда фаоллик, атроф-тўғриваридаги воқеа-ҳодисаларга лоқайд қарамаслик, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам ахлоқан покиза бўлиши учун кураш...

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми материалларида мазкур инсоний фазилятларга алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Республикамиз халқ хўжалиги тармоқларида, маданий қурилиш соҳасида катта-кичик лавозимларни эгаллаб турган кишилар орасида ўз ишининг устаси, ҳалол, меҳнаткаш, ташаббускор ва принципиал одамлар кўп. Уларнинг аксар қисми коммунистлар эканлиги айниқса қувончлидир.

Лекин шу билан бирга инсоф-диёнатини ютиб, ҳар қандай йўллар билан бўлса-да, яхши яшашга, бойлик орттиришга, амалга минишга интилувчилар ҳам йўқ эмас.

Хўш, биз уларга қандай муносабатдамиз? Фарзандларимизга кимни ибрат қилиб кўрсатмоқдамиз?

**Б**у воқеа худди кеча содир бўлгандай кўз ўнгимизда турибди. Биз уч-тўрт ҳамкасблар ишдан кейин касалхонада ётган дўстимизни кўриб келгани отландик. Йўл-йўлакай бозорга кирдик. Қулупнай янги чиққан экан. Шериклар «омонлиқ-сомонлиққа бир кило олайлик» деб қисташди. Икки жойда икки киши ярим тоғора келмайдиган қулупнайни олдиларига қўйиб тик туришар, одамлар янги йилнинг янги ҳосилидан кўзлари ўйнаб, пештахтага яқинлашар, сўнг негадир ҳафсалалари пир бўлиб бурилиб кетишар эди. Кейин билсак, нархи осмонда экан. Соҳига оқ оралаб қолган деҳқон тап тортмай kilosига беш эмас, ўн эмас, ўн олти сўм сўрар эди.

Биз бир-биримизга қарадик. Тўрт бирдек зиёли одам тўрт сўмдан қўшиб олганимизда ҳам бир кило қулупнайни дўстимизнинг олдига нима деб кўтариб борамиз! Ундан кўра бошқа нарса харид қилсакмикин!.. Шериклардан бири деҳқонни инсофга чақириб кўрмоқчи бўлди:

— Пастроқ тушинг, биродар. Касалга оляпмиз. Ахир инсоф сари барака деганлар.

Қулупнай эгаси худди гунг одамдай сўзсиз бош чайқади. Шу пайт харидорлардан бири аччиқроқ гап қилди:

— Биратўла йигирма беш сўм деяверинг. Шунда ҳар донаси бир сўмдан тушади.

Деҳқон ночор жилмайди:

— Биродар, сиз ҳам мени тушунинг-да. Олмасангиз зўрлаётган жойим йўқ-ку, — кейин елка қисиб тушунтирди, — Эллик сотихдан энди чиққани шу... ярим тоғора нарса. Бултур шу вақтда планга етадиганини сотиб бўлгандик. Бизгаям осон тутманг-да...

Биз ноилжоз кузги олма харид қила бошлагандик, чақмоқдек кийинган биз тенги икки йигит келди-да, тилла топгандек қувониб ҳалиги қулупнай олдида тўхтади. Тикроғи шанғиллади:

— Э, боракасиз-ку, амаки! Бу савилни шу топда қизартириб чиқарганингизга балли! Қани, қанча сўраяпсиз!..

— Ун олти... деяпман, — қийналиб мингирлади деҳқон.

— Йигирма беш демайсизми! Оладиган олади-да бўни. Қани, сазангиз ўлмасин, ўн олти бўлса, ўн олти-да. Уч кило тортинг-чи!... — Янги харидор кўкрак чўнтагидан бели букилмаган элликталикни олиб, пештахта устига ташлади.

Ҳамма — қулупнай атрофида ўралашиб турганлар — ким дами ичига тушиб, ким ижирганиб, чет-четлаб кета бошлади. Биз ҳам юз ўғирдиг-у, лекин кўз олдимиздан инсоф-диёнатини ютган деҳқон билан, унинг қулупнайини тилла топгандек суюниб харид қилаётган икки йигит кетмас эди.

Хўш, улар ким ўзи! Қулупнай эгаси ҳақиқатан ҳам деҳқонми? Деҳқон бўлса, ўзи айтгандай унда эллик сотих томорқа нима қилсин, план нима қилсин!! Плани бўлса давлатга топширмай бозорда пуллаб, қоғозда план бажарадиган бориб турган гектарчи-ку, бошқа ҳеч ким эмас-ку! Харидор йигитлар-чи! Биз уларни бирор холи ерда зиёфат ташкил қилиш учун ёки иш тушадиган бирорта одамни зиёрат қилиш учун бозорга тушган савдо ходимлари деб тахмин қилгандик.

Лекин касалхонага бориб, тасодифан уларни яна кўрдигу тамоман янглишганимизни сездик. Улар ҳам бизга ўхшаб касал кўргани, тўғривоғи министрликда ишлайдиган бир акахонларининг кўнглини олгани келган «укалар» экан. Заводда, пахта тозалаш заводда ишлашар экан. Уларини туттишларидан камида бош инженер ёки директор бўлишса ажаб эмас. Лекин бизни лол қолдирган нарса уларнинг ўзларини туттишлари, баланд олишлари, димоғлари эмас, бошқа нарса эди. Ишлаш жойлари бир завод бўлсаю, қўлларидаги нарса — пахта билан толани еб бўлмаса, сотиб бўлмасаю, ўзлари мана бундай пулнинг бетига қарамай бебилиска сарфлаб юрсалар! Чўнтақларидан бели букилмаган элликталикдан кичикроқ пул чиқмаса! Яна касал акахонларини кўргани харид қилиб келтирган нарсалари ҳам бу оламники эмас эди. Бояги қулупнай ҳам ҳолва экан. Целлофан ҳалта ичиде қораю қизил

икра банкаларидан тортиб, арманию «наполеон» коньягигача кўзга ташланиб турарди. Буларнинг кўча-кўйда одамлардан уялмагани, тап тортмагани!..

Мана энди, орадан ниҳоят икки-уч ой ўтиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми республикамизда кейинги йиллар ичида томир отган иллатларни рўй-рост элга ошкор этгач, уларнинг ким эканликларини — асл башараларини аниқ-равшан кўриб турибмиз. Улар халқимизнинг пешона тери билан етиштирилган, табиатнинг энг пок, беғубор нарсаси — оқ пахтамызини ҳам «кўйди, ёнди, ифлосланди»га чиқариб сотаётган, ҳар турли қинғир йўллар билан тонна-тонна толаларни пулга айлантираётган, халқ мулкани ўмариб юрганлардан иккитасигина экан, холос. Қаранг, бир фирромлик қанча ҳаром ишларга йўл очаётган, алдам-қалдамни, қаллобликни туғдираётган экан. Ахир бозорда уч кило қулупнайни эллик сўмга ўшандай ҳаром пул топадиганлар олмаса, ким олади! Таксида бор-йўғи икки сўмлик йўл юриб, шоферга ўшалар беш сўм ташлаб кетмаса — ким ташлаб кетади!! Касалхона эшиги олдида ўтирган вахтёрнинг қўлига ўшалар уч сўм қистириб ичкари кириб кетмаса, бошқа ким шундай қилади!! Докторни порага ўргатган, ноёб молу камёб дориларни магазину аптекадан излаб юрмай тўғридан-тўғри базасидан топиб чиқиб кетадиган шулар, шунга ўхшаган бебилиска ҳаром-ҳариш пул топадиганлар эмасми! Улар ўзлари қинғир иш билан шуғулланганлари-шуғулланган, бошқа қанча одамларни шу боши берк кўчага бошлайдилар, ҳаромдан ҳазар қилмасликка ўргатадилар. Хўш, бозорда шундай бойваччага молини айтганга сота олган деҳқон ёки гектарни эртага шундай «харидор»ни кутмайдими!! Энди энди инсоф нима қилсин, диёнати дарз кетиб бўлди-ку! Еки бояги таксист, вахтёр энди бошқаларнинг қўлига қарамайди!! Кунлик даромадини, «чўнтагининг плани»ни ичида ҳисоблаб ўтирмайдими!! Ҳаромга бир ўрганган қўл, ундан ҳазар қилмай қўйган дил кейин одамни не кўчаларга бошламайди!!

Инсоф-диёнат. Ҳалол-поклик. Сабр-қаноат. Борига шукрона. Кўпчилик ҳақиқа хиёнат қилишдан ўзни тийиш. Камсўқумлик. Ризқ-рўзини бутун қилиб турган касбига борлиги билан берилганлик. Жон фидо қилиб ишлаш... Бу хислатлар халқимизнинг энг яхши фазилатлари ҳисобланиб келган. Шундай одамлар, у хоҳ деҳқон, хоҳ пахтакор бўлсин, хоҳ ишчи, хоҳ қурувчи бўлсин, элда азиз саналган. Илгари ҳам шундай эди. Ҳозир ҳам шундай. Кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Шу ўринда ўқоридиги хунук воқеанинг акси ўлароқ бир қанча воқеалар ёдга тушиб кетди. Ижозатингиз билан шулар ҳақида сўзласак...

У Қаршининг жазирама чўлига деҳқончилик қилиш учун келганлардан биттаси эди. Ўзи бригадирлик қилар, далалари шундай Ульянов канали бўйида ястаниб ётар, ҳар кун ичча бор шу канал ёқалаб, машинасида ўтар эди. Суву гўзага бир умрли ишчи тушган ҳар битта деҳқон каби У ҳам бир лимиллаб оққан канал сувига, бир чўлда қарқара бўлиб ўсган гўзасига қараб кўнгли тоғдек ўсар, кузда юзи ёруғ бўладиган кунларни интизор кўтиб яшар, ташвишларни кўрдим демасди.

Лекин кунлардан бирида У канал ёқалаб машинасида келаркан, ногоҳ чўлда бўрон туриб, «тўполон» бошланди. Бутун атрофда чанг-тўзон кўтарилиб, канал суви хунук чайқалиб, ҳали у, ҳали бу қирғоққа шалопплаб урила кетди. Бригадир машинасини нов ариқ ёқалаб кетган совхоз йўлига бурмоқчи бўлдию, бирдан қирғоқни ювиб, пахтазорга шариллаб оца бошлаган сувни кўриб тўхтаб қолди. Бўрон қутургани, янги ва янги куч билан ҳувиллаб, канал сувини тўлқинлатгани сари сув қирғоқдан айқириб тошар, дамбани ювиб борар эди. У шошиб қолди. Тормозини босиб машинани тўхтатдию, лекин ўзи унинг ичидан отилиб чиқиб, бу даҳшатдан нарироқ қочмади. Секунд сайин қирғоқни ювиб, катталашиб бораётган сувга қараб турганча бирдан ўғлига шаҳд билан ўгирилиб:

— Туш, машинадан! Тез! — дея буюрди.

Нима гаплигига тушуниб етмаган ўғил эшикни ёпиб улгурмай У машинага газ бердию уни тўғри сув уриб ўтаётган жойга ҳайдади. Уни олиб бориб, сув йўлига тўсон қилди-қўйди.

Сув жиловлангандек эди. Энди ҳас-хашак топиб, атрофига босилса, бас. Лекин шу пайт бўрон янги куч билан кўтарилдию, канал юзида аввалдиган кучлироқ тўлқинлар кўтариб қирғоққа урди. Бўроннинг зўрлигидан ўғил гандираклаб зовурга тушиб кетди. Лекин қўлоқ отиб сузиб чиққанида қай кўз билан

кўрсинки... қирғоқ бўм-бўш, на отаси, на машина бор, сув пахтазорга айқириб тошиб ётар эди...

У «отажон»лаганча зовур бўйлаб югуриб кетди.

Ўғилнинг кўз ўнгида пахтасини деб, қанча одамларнинг меҳнати билан яралган канални деб, машинаси билан ўзини тошқин йўлига ғов қилган ота кўз очиб юмгунча... йўқолган. Бу даҳшат эди. Лекин шу билан бирга қаҳрамонлик ҳам эди. Оддий пахтакорнинг ҳайкал қўйишга арзийдиган жасорати эди...

Шу ўринда савол туғилади: қўш, фақат ўзини ўйлаб, молдунё деб юрган одамлар шундай қила олармиди! Машинаси билан сув йўлига тўгон бўла олармиди! Алдам-қалдам, ҳар турли кўзбўямачиликлар билан топган машинасини кўзи қиярмиди!! Бир пайкал гўзани сув босиб кетади, деб ширин жонидан кечармиди! Ҳеч қачон!

У эса бошқа одам эди. Пахтаси учун керак бўлса жонини ҳам фидо қиладиган инсон эди. Шунинг учун ҳам сўнги дақиқада ўйлаб ўтирмади. Ҳозир шу мард пахтакор — Боймирза Элмирзаевнинг ўша ўғли Алибой Элмирзаев Нишон районидagi Сальвадор Альенде номи совхозда, отасининг ўрнини босиб, худди ўша канал ёқасидаги ерда бригадирлик қилаяпти. Отанинг азиз ишини давом эттириб, пахта экяпти. Улаймизки, бундай фарзандлар ота касбига, оқ пахтамызга ҳеч қачон гард юқтирмайди, доғ ҳам туширмайди. Пахтакорликни ҳаммаша муқаддас билиб, ҳар қандай кўзбўямачилик, қаллобликлардан ор қиладилар. Ва тўғри қиладилар! Чунки фирромлик ҳеч қачон, ҳеч кимга яхшилик келтирмайди ва келтирган ҳам эмас. Инсон қанча ҳалол, диёнатли, камтар-камсўқум бўлса, юртда шунча обрў-этибор топган, топаверади.

Яна бир воқеа. Сурхондарёнинг Сароисиё районида Жума Пирназаров номи бир колхоз бор. «Пирназаров ким!» дерсиз. Бу одам ўттизинчи йилларда йўлдош отанинг йўлланмаси билан Андижоннинг Асақасидан бир гуруҳ чўлқувар деҳқонларни бошлаб келиб, Сароисиёнинг кимсасиз чўлларида ер очиб, биринчи колхоз тузган, пахта экиб доғ таратган, кейин ўша колхозга қарийб ўттиз йил раислик қилган. СССР Олий Совети депутатлигига сайланиб, Ленин ордени билан тақдирланган.

Олтмишинчи йиллари Сароисиёда райком секретари бўлган Нурмаат Эшмаматовнинг айтишича, шу ниҳоятда софдил, поэзия одам пенсияга чиққандан кейин бир кун райкомга келибди. Дала айлангича келадию, лекин қариб қолдим шекилли, оёқ қургур ярамаяпти. Битта кажавали мотоцикл-улов ёзиб берсангиз, деб илтимос қилибди. «Машина олинг, тоға, машина! Сизга бермасак кимга берами!» дейишса, колхозга ўттиз йил раислик қилган одам нима дермишлар! «Авалло машинага қўлимиз калтароқ, ундан кейин юртдан олдинга ўтиб кетмаганимиз ҳам маъқул». Ана камтарлигу ана камсўқумлик!..

Энди-чи, энди!.. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида танқид қилинган айрим раҳбарларнинг қилмишларини эсланг-а! Хизмат лавозимини сунистеъ-мол қилиб, қўша-қўша участкалар, дачалар қурган, машина олиб, машина сотган, пора олиб, ҳар турли кўзбўямачиликлар, қўшиб ёзишларга йўл очиб берган, ҳаммасидан ҳам ёмони-оқ пахтамызга доғ туширган раислар, райком, обком секретарлари эл олдида энди нима деган одам бўлдилар!

Кечаги министр деган, обком, райком секретари деган катта-катта постларни эгаллаб турган баззи ўртоқлар агар чўнтақларида партия билети борлигини, ўзларига қандай маъсул лавозим ишониб топшириб қўйилганини унутмасалар, ҳаромдан, порадан ҳазар қилсалар шу кунга тушармидилар!! Юзлари шувит бўлиб, ҳақли равишда партиявий жазо олиб ишдан кетармидилар!! Ҳамма бало ишга ҳаром аралашганида! Ишчанлик ва тadbиркорлик деганда кўпчилик плани ҳар қандай йўл билан бажариш, ундириш, чап бериб кетиш тушуниладиган бўлиб қолганида! Уз атрофларига учар, устомон одамлар тўплаб олинганда! Қўл остидаги кадрларнинг ҳалоллиги, партия, халқ ишга содиқлиги суриштирмай қўйилганда! Кўп қинғир ишлар кўра-била туриб кўрмаганга олинганда! Доҳий Ленин кўп марта лаб огоҳлантирган касалдан — ўзига бино қўйишлик ва ўздан мамнунлик касалидан эҳтиёт бўлмаганликда!

Шунинг натижасида устомон одамлар ўз ҳузур-ҳаловатларини кўзлаб ҳар турли йўллар билан катта-кичик раҳбарларга совға тариқасида, тўёна тариқасида катта-катта пора бера бошлаган эдилар... Ким ҳали мойи артилмаган «ГАЗ—24» машинаси, ким чет эл гарнитури, кимдир эса очикдан-очик неча минг

сўмлик тўёна тутқазиш пайида эди. Хўш, охири нима бўлди? Ҳаром юқдимми!! Қайси бирига вафо қилди!! Ҳар куни кўриб, эшитиб турибмиз, қаллобик нима билан тугаётганини... Қанчалари муносиб партиявий жазо олиб, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаётганини... Шаҳар ва район партия комитетлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми белгилаб берган йўлни қатъият билан давом эттириб, вазифаларини суиистеъмом қилган бундай кадрларнинг баҳридан кечаётганини...

Институтни бирга тугатган ниҳоятда ишбилармон, учар бир курсдошимиз бўларди. Студентликдаёқ бир гапни такрорлашни, — «Эй, сенлар яшашни билмайсанлар», деб ҳамманинг оғзига уришни яхши кўрарди. Шу тенгдошимиз тақсимотда ҳаммани ҳайратда қолдириб, ўз ташаббуси билан чўлга иш сўраб кетди. Ярим йилдан кейин эшитсак, бир бошқармага бош инженер бўлиб олибди. Икки йилдан кейин эса, кимдир трестга кўтарилиб кетибди, деган гап топиб келди. Тўрт йилдан сўнг инженерликни қўйиб, ижроқўмга ишга ўтибди. Узи амални яхши кўрарди, айтганидан қолмабди-да, деб қўяқолдик. Кейин шу тенгдошимиз бор «талантини» ишга солиб, кимни ака, кимни ука деб, кимларнингдир пинжиги кириб, олти йил деганда ижроқўм раислигига, яна уч йилдан кейин эса, райком секретарлигига чиқиб олди. У лавозим пиллапояларидан «космик» тезликда кўтарилиб борар, у бош бўлиб борган ерда ҳеч қанча ўтмай ишлар жўнашиб кетиб, планлар ошириб бажарила бошлар, унинг райони тилдан тушмай қолар эди. Ҳамма уни мақтар, унга ҳавас қилар, биров хўп омади келган йигит-да, деса, бошқаси, ишнинг кўзини билади-да, ишбилармон-да, деб ҳамду санолар ўқишар эди. У ўттизга бормай район миқёсидagi «арбоб»га айланиб қолган, ҳамма таниш-билишлар киройи ўғлининг шундай ишбилармон бўлса, деб ҳавас қилишар эди. Ахир унинг номи газетая радиолардан тушмай қолган, райони ҳам теримда илғорликни қўлдан бермас, қачон қарасанг кўчма Қизил байроқ, мукофотлар уники эди.

Лекин кўтилмаганда ўша район территориясидаги пахта заводида аллақандай учарлар қўлга тушдию «дўстимиз»нинг ҳам дами чиқиб кетди. У амал деб, шуҳрат деб, мен Сизга қандай яшашни, ишлашни кўрсатиб қўяман деб, инсоф-диёнати ютиб юборган, алдам-қалдам, қўшиб ёзиш, ҳар турли кўзбўямачиликлар билан планин ошириб бажариб юрган экан. Атрофига ўзига ўхшаган учар, нопок кимсаларни йиғиб олган, товарсиз операцияларни ўйлаб топишган экан. Охири яхши чиқмади. Барча қинғир ишлари очилиб, партиявий жазо олиб бадном бўлиб кетди.

Энди бир ҳақли савол туғилади: хўш, ким яшашни билмаган экан!! Уми, ё бориға қаноат қилиб, ҳалол-пок вазифасини адо этиб юрганларми! Аслида биз фарзандларимизга кимни ибрат қилиб кўрсатишимиз лозим эди! Унимми, ё ҳалол пешона тери тўкиб, ёз, куз бўйи даладан чиқмай, ҳеч бир фирромликсиз пахта етиштираётган оддий меҳнаткашлариними! Ахир, пахтаимиз нондек азиз санаб, унга гард юқтирмай келаётганлар, керак бўлса, нишонлик пахтакор Боймирза Элмирзаевдек жонини фидо қиладиганлар қанча! Шундай пахта заҳматкашлари меҳнатидан обрўлироқ, шарафлироқ иш бормикан!!

Ҳа, бу касб азалдан дунёда энг ҳалол, энг мўътабар ҳисоблангани, пахтаимиз эса қадим-қадимдан тенги йўқ мўъжиза, оқлик, поклик белгиси бўлгани бежиз эмас. Халқимиз гўдак дунёга келгандаёқ уни шу пахтадан тўқилган матога ўраб олади, танглайини пахта билан кўтаради, токи манглайи пахтадек оқ бўлсин деб! Худди шундай инсон сўнгги йўлга узатилар экан, яна шу оқ матога ўраб пок ҳолида она-ерга топширилади. Умр бўйи эса шу пахта толасидан тўқилган кийим-кечакни кийиб ўтади. Бу демакки, пахта дунёда энг азиз, энг пок, беғубор нарса. Ҳамиша зарур, ҳамиша керак нарса. Оқлик, поклик, фаровонлик рамзи. Биз ана шундай азиз, инсоният учун зарур нарса-

ни етиштираётган халқимиз. Ишимиз ҳам шунга яраша тоза бўлмоғи, ҳалол бўлмоғи, ўзимиз софдил бўлмоғимиз лозим. Фақат софдил, диёнатли кишиларнигина бошқаларга, фарзандларимизга ибрат қилиб кўрсатмоғимиз лозим. Партиянинг талаби ҳам, нияти ҳам шундай. Софдиллик, софдиллик ва яна софдилликдир.

Бизни яна бир нарса ташвишга солади. Ҳаромдан ҳазар қилмаслик иллоти ҳаётга энди қадам қўйган ўспиринларга ҳам юқаётгани айниқса хавфли. Энг ёмони, биз катталар қинғир ишларимиз ҳақида, нопок йўл билан бойлик орттириш, бировларнинг ҳақиға хиёнат қилиш тўғрисида уйда, болалар олдида тап тортмай гапирмаётимиз. Баъзи ота-оналар олғир, устомон, ишламай тишлайдиган текинхўр ё муттаҳам кишиларни фарзандларига мақташдан уялмаётирлар, уларнинг дабдабали, лекин омонат ва беаъни ҳаётларига ҳавасларини яширмаётирлар. Халқимизнинг азалий удуми бор: ёшларни оқил ва меҳнаткаш кишилардан ибрат олишга, фақат эзгу ва олижаноб ишларга тақдир қилишга ўргатганлар. Атрофингизга бир назар солинг. Қанчадан-қанча бағри бутун, имони саломат, кўнгил кўзи очиқ кишиларни учратасиз. Уларнинг матлаби — адолат ва софдиллик, эҳтиёжи — меҳнат, орзуси — эзгулик, принципи — тўғрилиқ, одати — қаноат. Республикаимиз солномасида тонг юлдузидай қақнаб турган ана шундай фидойи, жўмард инсонлар номи кўнгилга равшанлик солади! Халқ етакчилари Усмон Юсупов ва Йўлдош Охунбобоев, машхўр соҳибкор Ризамат ота ва дондбор тўқувчи Буолма Жўраева, қўли гул бинокор Мухтор Ҳабибуллаев ва қаҳрамон ишчи Назрулла Маннопов... Бу кишиларнинг ҳаёти ёшлар учун ибрат мактаби эмасми! Аммо ҳали таърифини келтирганимиз, ўша «бели букилмаган» қоғоз эгасидан нимани ўрганиш мумкин! Такаб-бурликними! Учарлигу ҳаётда ҳар қандай йўл билан бўлса-да, ўзгалардан яхшироқ яшаш «фалсафасини»ми! Баъзи ота-оналарнинг ўзига хос «тарбияси» охир-оқибат фарзандларини ахлоқан мажрўҳ қилиб қўймайдими!

Биз совет кишилари оптимистлармиз. Бизнинг тоғдай таянчимиз бор. Бу жамаиятимизнинг устуворлиги, халқимизнинг куч-қудрати. Бизнинг дилларимизни улғу бир туйғу пайвандлаб турибди: Бу Ватанга муҳаббат, партия ишига садоқат, эртаги кунимизга комил ишонч. Шунинг учун камчиликларимизни, нуқсонларимизни очиқ тан олишдан чўчимаймиз. Зотан, бу камчиликларнинг жамаият асосига мутлақо алоқаси йўқ, яъни улар социал иллат эмас. Билъакс, айрим мутасадди раҳбарларнинг партиявий позициядан чекинганликлари туфайли юзага келган нуқсонлардир.

Олис манзил сари йўл олган кема дарғаси гоҳи-гоҳида компасга қараб, йўлини, йўриғини тўғрилаб олади.

Бизнинг компасимиз — коммунистик этиқодимиз, партиявий виждонимиз.

Дарғамиз эса, партия.

Сиз билан биз келгуси авлодга, фарзандларимизга нурли бир келажак ваъда қилганмиз. Ваъда — вафоси, яъни ижроси билан қадрли. Бас, шундоқ экан, йиллар ўтиб, биздан умидвор ўша қоракўзларнинг кўзига тикка қарай оламизми! Ота-боболаримиздан мерос қолган қутлуғ этиқод ва маслакни губор юқтирмай уларга топшира биламизми! Биз тўғри, ҳалол, виждонан яшадик, сен ҳам шундай яша, қароғим, дейишга маънавий ҳуқуқимиз бўладими!..

Инсонки, ўз қалбини кўзгу қилиб, унда халқ дардини, халқ манфаатини кўрмас экан, у маънавий ҳалокатга маҳкумдир. Сизу бизнинг граждонлик бурчимиз — ўзимизни ҳам, ён-веримиздагиларни ҳам ана шундан асраб қолишдир.

Бир сўз билан айтганда, диёнатга хиёнат бўлмаса бас. Зеро, токи дунёда диёнат мавжуд экан, насли башар деган мўътабар ном мағрур жаранглайверади.



Санобар Нишонова

# Педагог ҳикоялари

Туйғулар

**Г**еография дарси кетяпти. Бутун дарс давомида Гулсара ўзини унутгандек ўтирди. На ўтган дарс такрорланганда, на янги тема баён этилганда, на ўқитувчи ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказганда у қилт этди: нигоҳи рўпарадаги дунё харитасида, хаёли аллақаерларда, гўё жонсиз ҳайкал. Бу ҳолат Баракаевнинг иззат-нафисига тегди. Дарсни якунлаётиб Гулсара ўтирган партага яқинлашди. Уқитувчи Гулсаранинг ёнига келгандагина қиз бир сесканиб тушди. Қўлидаги конвертни шшилиб парта остига яширди. Лекин Баракаев сезиб қолди. Гапира туриб, қўлини чўзди: «Хатни бер!» Гулсара гангиб қолди, вужудига «лов» этиб бир ўт тарқалди: «Йўқ, йўқ!» дегандек бош чайқади.

Баракаев эса гапиришдан тўхтамасди. Аммо қўлини чўзганича нигоҳини Гулсарадан узмасди: «Хатни бер!»

Уғил болалар, қизлар бу манзарани нафасларини ютиб кузатарди. Фақат Баракаевнинг таҳдидли овози эшитилар, қўли эса чўзилганича конвертни кутар, Гулсара эса унга қарашга мажболи қолмай ўтирар, гўё вужуди музлаб кетгандек эди. Ниҳоят, у ўзини ўнглаб олди, ўқитувчининг буйруғи билан парта четига чиқиб тик турди. Баракаев эгилиб, парта остидан Гулсара яширган хатни қидирди. Шу пайт атиргул расмли конверт тапиллаб ерга тушди. Гулсара ҳам Баракаев билан баравар конвертга қўл чўзди. Аммо Баракаев эпчиллик қилди-ю, конвертдаги адресга қараб масхараомуз ишшайди:

— Ҳм, муҳаббат мактуби экан-да... Бунча типирчилайсан, дедим-а...

Гулсара жон ҳолатда конвертга ёпишди:  
— Беринг хатни! Уялмайсизми, бировнинг хатини ўқигани! Баракаев турган жойида қотиб қолди. Лаблари пир-пир учди. Сўнг ўзини қўлга олиб, Гулсарага ўшқирди:  
— Мен уялайми!! Зигирдай бўлиб Лайли-Мажнун ўйнагани сен уялмасдан-а!

Гулсаранинг юзига биров шапалоқ тортиб юборгандай бўлди. Қўллари билан юзини тўсганича ўқдай отилиб синфдан чиқиб кетди.

Гулсара ҳар кунги одатига кўра мактабга келиши билан кутубхонага кирди. Янги келган газеталарни титкиларкан, зимдан хатларга кўз югуртирди. Хат йўқ! Гўё газетаю журналлар, ҳатто жавонлардаги китобларгача «яна хат йўқ» дея мунғайиб тургандек эди. У маънос бўлиб кутубхонадан чиқар экан, кутубхоначи қиз Олия шошилиб кириб келди:

— Гулсара,— деди у кўзлари кулиб, сўнг энгашиб қулоғига шивирлади.— Исоқдан хат келди! Биров кўриб қолмасин деб олиб қўйган эдим.

Гулсара қўллари титраганича конвертни кўксига босиб кутубхонанинг ичкари хонасига кирди. У атрофига аланглаб қўйиб, ҳаяжондан бир ҳол бўлиб конвертни очди. Ундан Исоқнинг қайноқ нафаси ўфуриб тургандай эди. Юзлари аллақандай сирли туйғудан лов-лов ёниб мактубни ўқий бошлади.

«Салом, Гулсара!— деб бошлаган эди хатини Исоқ.— Менинг хат ёзмай қўйганимдан ҳайрондирсиз. Тўғриси, ёзолмадим. Солдатлик даври ҳам анча-мунча воқеа-ҳодисаларга бой бўлар экан. Биз хизмат ўтаётган жой ғаллакор район. Ҳадсиз, сарҳадсиз далалар. Бир кунни бўлинмамиз машқдан қайтаётиб, ғалла майдонларидан бири ёнаётганини кўриб қолдик. Саратон қизиги, буғдойлар олтиндай товланиб, бўлиқ бошоқлар сўлқиллайди. Лекин шундай бойлигимиз қўйиб, кули кўкка ўрлаётганини кўриб, аввал гаранг бўлиб қолдик. Кейин ўзимизни қўлга олиб, оловни ўчирришга киришдик: бир-икки киши машинада совхозга хабар бергани кетди, қолганларимиз қўлимизга ниманки илинган бўлса, ўша билан ёнғин четини ағдаришга, буғдой пояларини юлишга тушдик. Жон-жаҳдимиз билан ёнғин бўлаётган майдонни кенг буғдойзордан ажратишга ҳаракат қилардик. Аста-секин ҳолдан тоя бошладик, кийимларимизга ўт туташди. Бироқ олов билан қурашни тўхтатмадик.

Совхоздан, қисмимиздан ёрдам келди. Ёнғинни ўчирдигу, лекин ўзимиз ҳам бўлганимизча бўлдик. Бизни госпиталга ётқизишди. Қуролдошларимиз, совхоз йигитлари бизнинг ҳаётимиз хавф остида қолган пайтда ёрдам беришди: кимлардир териларидан, кимлардир қонидан кечди биз учун. Мана, ниҳоят, соғайиб ҳам қолдик. Ҳатто хат ёзишга ҳам аста-секин қўлим келяпти. Батамом тузалиб чиқсак, бизга отпускаи берилар экан. Яқин кунларда дийдор кўришсак ажаб эмас.

Гулсара, мен бу ерда ётиб кўп нарсаларни ўйладим. Мен хизматни ўтаб борганимда сиз ҳам ўнинчини битирар экансиз. Кейин биргаликда Тошкентга ўқишга борамиз. Институтда бирга ўқиймиз. Шунинг учун албатта яхши ўқинг. Мана, тўққизинчи синфнинг ҳам ярми ўтиб қолибди. Келгуси йил эса сиз ҳам битирувчи, мен ҳам.

Гулсара, ўзингиз ҳақингизда ҳам ёзинг. Мен бу ерда зерикиб қолмайин. Олияга мендан қуюқ солдатлик саломин.

Хайр! Сизни севиб қолувчи Исоқ».

Гулсара хатни ўқиб бўлдиамки, дарсга қўнғироқ чалинди. У шошиб хатни қайта конвертга солди ва уни география дарслигининг орасига қўйди. Хонадан чиқиб, Олияга секин Исоқнинг саломини етказди. Қайноқ ҳаяжон оғушида синфга кириб партасига ўтирди.

Биринчи соат география дарси эди. Уқитувчи Баракаев синфга кирганда ҳам, ўқувчилар билан савол-жавоб қилганда ҳам, янги темани тушунтирганда ҳам Гулсаранинг кўз олдидан фақат бир манзара кетмасди: ёнаётган ер, ёнаётган осмон, даҳшатли аланга тили билан жизғанак бўлаётган буғдой

бошоқлари, ёнги билан баҳодирларча олишаётган унинг учун энг қадрли Исоқ!

Гулсара мактабга бормаи, уйга қамалиб олди: у яшаётган қишлоқ узоқ тоғ қишлоғи бўлиб, бирор янгилик бўлса, бир зумда бутун қишлоққа ёйилади, ҳатто оғиздан-оғизга ўтиб, янги-янги тафсилотлар билан бойиб боради. Бутун қишлоқда дув-дув гап: «Халил аканинг яккаю ёлғиз қизи Гулсара Ҳасан каттанинг аскар ўғли Исоққа ошиқ бўлиб қолибди. Иккаласи Лайли-Мажнун эмиш. Гулсаранинг ишқида Исоқ ўзини ўтга ташлабди, куйиб ётган эмиш. Гулсара мактабда ўқиёлмай қолибди. Исоқнинг ишқида жинни бўлаётган эмиш, ота-онаси уйга қамаб қўйибди!» Уч кун деганда синфдош дугоналари уни йўқлаб келди. Уғил болалар кўчанинг бошида қолган эди. Қишлоқда шундай удум: бўй етган қиз бор хонадонга йигитлар бостириб келавермайди.

— Гулсара,— деди унинг билан бир партада ўтирадиган Зайнаб,— сен чиқиб кетгандан кейин Баракаев синф раҳбарини, директорни қақиртириб келди. Ҳамманинг олдида Исоқнинг хатини ўқий бошлади. У ўлдим-кўйдим ёзилган деб ўйлаган экан. Хатни ўқиб бериб, Баракаевнинг ўзи шарманда бўлди. У ота-онанинг қақириб, педсоветга қўймоқчи бўлган экан. Унинг ўзини кеча педсоветда муҳокама қилишибди. Исоқни эса «Қишлоғимиз фахри, қахрамони» дейишибди. Энди мактабга мана бундай қилиб боравер!— деди Зайнаб бошини гоз кўтариб.

— Йўқ, бормаи,— деди Гулсара қатъий.— Қишлоқ кўчаларидан қандай юз билан ўтиб мактабга бораман, ўқитувчилар юзига қандай қарайман. Мени ёмон отлиқ қилишди, ҳамма энди менга қўлини бигиз қилиб кўрсатади.

Гулсара мактабга бормаи қўйди. Синф раҳбари келди — бормаи, директор келган эди, хонасининг ичидан қулфлаб олди. Директор отаси билан нималарнидир гаплашиб, кейин кетди. У кундан-кун отасига ҳам дуч келишдан қочар, сўлиб-саргайиб борарди.

Наврўз келиб, қишлоқ аҳли бир-бирларини наврўзи олам билан муборакбод этиб, байрам қилаётган кун Халил ака дарвозасига юк машинаси келиб тўхтади. Халил ака шофер билан бирга бор бисотини машинага юклай бошлади.

Бир соатлардан кейин Халил ака кўч-кўрони ҳамда оила аъзолари билан шаҳар йўлида кетар экан, қир оралаб ўтадиган сўқмоқ йўлдан бир аскар йигит қишлоққа томон кириб келар эди. Бу — соғайиб, отпусага келаётган Исоқ эди.

## ҚАДР

Зулфия опа рўзғор юмушлари билан овора бўлиб, ҳали ишга чиққани йўқ. Янги квартира олиб, бу микрорайонга кўчиб келишганига эндигина бир ҳафта бўлган. Болалари Илҳомжон ва Нилуфарлар шундоқчина улар яшаётган уйга қўшни мактабда ўқишларини давом эттиришаётган эди. Болаларини мактабга жўнатиб, энди кир ювишга тутинган эди, бир қизалоқ югуриб кирди:

— Опоқи, сизни ўқитувчи опамиз қақираяптилар.

— Опаларинг қаердалар, нимага қақираяптилар!— деди Зулфия опа шошиб кийинар экан.

— Дарсда, синфдалар. Дарсни тўхтатиб сизни кутиб турибдилар.

— Ҳозир, ҳозир,— деди Зулфия опа каловланиб, юраги бир ноҳуш нарсани сезгандай, гуп-гуп ура бошлади.

Зулфия опа қизча билан олдинма-кейин мактабга кириб бориб, иккинчи қаватга кўтарилди. Мактабда дарс кетар, аммо баъзи синфларда ўқитувчи йўқ шекилли, коридорларда болалар югуришиб юрар, уларни тартибга қақирувчи ёки синф хонасига киритиб бирор машғулот билан банд қилиб қўядиган кимса кўрнимасди. Мактаб қандайдир файсиз, дидсиз эди. Ўзи ҳам асли ўқитувчи эмасми, Зулфия опанинг дили хижил бўлди. Мактаб деганда, унинг кўз олдига доммо остонасига қадам қўйганингданоқ дид ва файз уфуриб турган катта хонадон келар, ўзи кўз очиб, мактаб эшигидан ҳатлабдики, фақат шунинг учун курашиб, шунинг учун жони-жаҳонини бағишлаб келар эди.

Қизалоқ олдинда, Зулфия опа унга зўрға етиб бораркан,

юраги қақриқиб 6-«В» синф хонасига аранг етиб келди. Синф эшиги очиқ, ўттиз ёшлардаги бўлиққина жувон қўлини белига қўйганича, улкан «Ф» ҳарфига ўхшаб, уларни синф хонаси олдида кутиб турар эди.

— Сиз Зулфаровнинг ойсимисиз!— деди у салом-аликсиз. Унинг юзидан қони қочган, вужуди титрар эди.

— Салом,— деди Зулфия опа,— яхшимисиз! Ҳа, мен Зулфаровнинг ойсимаи. Нима гап!

Ўқитувчи Зулфаровнинг ойси ҳам ўзига ўхшаш педагог эканлигини билмас, унинг оилавий аҳволи билан ҳали таниш эмас эди. У дабдурустан дағдаға қила кетди:

— Мана, синфга кириб, ўғлингизнинг қилмишларини билиб олинг, қаердаги келгинди, қаланғи-қасанғиларни менинг синфимга тикиштираверишади. Мана оқибати, дарс ўтишга ҳам имкон беришмайди. Тўғишни билган она тарбиялашни ҳам билинг-да!

Зулфия опа бир сесканиб тушди. «Келгинди!» Аммо ўзини қўлга олди. Бунақалар билан айтишиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Секин сўради:

— Нима гуноҳ қилибди ўғлим! Юринг ўқитувчилар хонасига, ўша ерда гаплашайлик.

— Йўқ!— деди ўқитувчи қатъий,— шу ерда, болалар олдида гаплашамиз!— у Зулфия опани синфга бошлаб кириб, бир қизга қўлини бигиз қилди:

— Сен айт!

— Менинг сочимни бошқа қизнинг сочига боғлаб қўйибди,— деди қиз бидирлаб.

— Сен айт!— деди ўқитувчи яна бошқа қизни турғизиб.

— Мени дарсда ручкаси билан турткилаб ўтирди.

Ўқитувчи яна уч-тўртта қизни турғизиб, Илҳомжонни роса «фoш» қилди. Қизалоқлар бидирлаб сайраган сайин, ўғил болалар пиқир-пиқир кулишар, ўқитувчининг эса баттар жаҳли чиқиб «Овозларингни ўчирларинг!» дея уларга ўшқирай эди.

Зулфия опа бўғилиб кетди:

— Ҳаммаси тўшунарли, синглим, сиз жуда малакали чақимчилар тарбияласиз, мен бугуноқ уйда ўғлим билан гаплашаман, сиз бемалол дарсингизни ўтаверинг,— дедию қалбида ачиқ бир дард билан уйига қайтди.

Лекин она ҳар қанча «гаплашасин», Илҳомжонни янги синфи, мактаби ўз бағрига торта олмас, у аста-секин одамови бўлиб борар, Зулфия опа ўйлаб ўйининг поёнига ета олмас эди. Илҳомжон гўё тубсиз жар ёқасига келиб қолган-у, аммо уни шу жарга қулаб кетмаслиги учун барча уринишлари пардек тўзғиб кетаётган эди. «Қани унинг илгариги Илҳомжони, қани ўша меҳнатсевар, қалби қундай ёруғ Илҳомжон!»

Илҳомжон олтинчи синфгача ҳамма фанларни «беш»га ўқиди. У лаёқатли бола эди. Аммо онлада тўнғич фарзанд бўлганлиги учун юмушларнинг оғири ҳам унга тушарди.

Ота-она кун бўйи ишда. Бошқа болалар каби онаси Илҳомжонни қўлидан етаклаб мактабига олиб бориб, олиб қайтмади. У биринчи синфданоқ мустақил ўсди. Зулфия опанинг ўз мактаби, ўз қўнғироқчилари бор эди. Улар ташвишида эрта кетиб, кеч қайтади. Илҳомжон биринчи ўқувчилик кунидан бошлаб ўй супурди, пол ювди. Магазиндан сут-нон келтирди. Укаларини боғчага олиб бориб, кечқурун яна боғчадан олиб қайтди. Негадир она унга таянар, ҳам ўй юмушларининг, ҳам ўқишларининг бирдай батартиб бўлишини талаб этарди. Илҳомжон тўртинчи синфда ўқиганда у ювган кирлар чакмоқдек қақнаб турса, онанинг завқи келиб, қувончидан энтикар, кундалигидаги баҳоларига қараб эса, кўзларигина эмас, бутун вужуди яйраб кетарди. Чунки оғирини енгил қилиб мустақил ўсиб улғаяётган тўнғичининг она-парварлигидан кўзларига ёш келиб «боши тошдан бўлсин!» дея соғлиқ-саломатлик тиларди.

Имтиҳон кунларининг бирида у Илҳомжон ўқиётган мактабга борди. Йил охирида, ўғлининг ўқув йилини қандай якунлаётганини билмоқчи, синф раҳбари билан суҳбатлашмоқчи эди. Синф раҳбари Фазилат Мирбобоевна уни синфга етаклаб кирди. У ерда 4-синф ўқувчилари математикадан оғзаки имтиҳон топширишаётган экан. Илҳомжон доска олдида билетдаги саволларга жавоб бераётган эди. Онасини кўриб бироз ўзини йўқотди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олиб, барча саволларга

тўлиқ жавоб берди. Охириги мисолни ҳам бир зумда ишлаб қўйди. Математика ўқитувчиси унинг жавобларидан мароқланиб кетди, қўшимча саволлар ҳам бера бошлади. У эса, саволларга бетўхтов жавоб берад, мисоллар келтирар, лозим топганларини доскада ечиб кўрсатар эди.

Лекин Илҳомжон олтинчи синфда ўқиётганда бошқа мактабга ўтдию аҳвол тамоман ўзгарди. Нахотки мактаб билан мактабнинг, ўқитувчи билан ўқитувчининг фарқи шунчалик бўлса...

Зулфия опа ўз хаёлларига эрк бериб, ошхонада куймаланар эди. Нилуфар қизи мактабдан энтикиб кириб келди:

— Ой! Акамни мактабдан ҳайдашмоқчи! Ҳозир мактабда линейка бўлар экан. Елена Николаевна оининги хабардор қилгин, дедилар.

— А! — деди-ю, Зулфия опанинг бошига чақмоқ ургандек бўлди. Аста-аста кўз олди қоронғилашиб, шундоққина овқат қилаётган ерга йиқилди...

Зулфия опа бир ойдан ортиқ касалхонада ётди. Бу орада мактабда педсовет ҳам, ўқувчилар йиғилиши ҳам бўлиб ўтган эди. У даволаниб уйга қайтганда уни хунук хабар кутар эди: Илҳомжоннинг синфда янгиллигидан фойдаланиб, шўх болалар нима шумлик бўлса, унинг номига боғлаверди. Синф раҳбари Ёқут Аббосовна сўраб-сурштирмай, «сен келгинди қаердан ҳам келдинг, синфнинг интизомини бузиб» дея унга захрини сочаверади. Ниҳоят, сабри-тоқати тугаган Илҳомжон ундан ўч олмоқчи бўлибди. Доскага катта-катта ҳарфлар билан «Ҳозир бизда Лойхўрақнинг дарси» деб ёзиб қўйибди. Ёқут Аббосовнага болалар шундай лақаб қўйишган экан. Ўқитувчи дарсга кирибдию, доскадаги ёзувини кўриб, ранги кум ўчибди. Лекин сир бой бермай, стулга ўтириб, дарсни давом эттирмоқчи бўлибди. Стулга ҳам мўлгина қилиб елим суриб қўйишган экан. Ўқитувчи давоматни белгилаб ўрнидан турай деса, янгигина атлас қўйлаги стулга ёпишиб, туриб кета олмас эмиш. Роса кулги бўлибди. Илҳомжонни мактабдан ҳайдашмоқчи бўлган экан, Елена Николаевна аралашибди, ҳайфсан билан мактабда қолдиришибди. Ёқут Аббосовна эса «бунақа дароҳ-ни елкаминг чуқури кўрсин» дея ўз ихтиёри билан мактабдан бўшаб, педагоглик касбини тарк этибди.

Орадан роса тўққиз йил ўтганда тасодифан Зулфия опа Ёқут Аббосовнани учратиб қолди. Зулфия опа, қўлида катта гулдаста кўтарганча шиддат билан келаётган таксини тўхтатди. Таксига чиқди. Қараса, Ёқут Аббосовна ҳам ўтирибди.

Зулфия опа аввал йўловчига эътибор бермаган эди, у ўзини танитди. Сўнг сўради:

— Илҳомжон қалай, юрибдимми ҳали ҳам...

Лекин гапининг охирини ютди, Зулфия опанинг қарашига бардош бера олмади.

— Ҳа, юрибди, — деди Зулфия опа қувноқ. — Бугун институтда диплом ҳимояси эди, шунга кетаяпман...

Ёқут Аббосовнанинг нафаси ичига тушиб кетди.

## ИНШО

Мактаб маъмурияти Роҳилага 6-«А» синфига раҳбарлик қилишни топширди. У институтни шу йил тугатиб келган эди. Роҳила ҳали ишни нимадан бошлашни, қайси болага қандай муомала қилишни яхши билмасди. Бироқ педагоглик касбини бошлаганидан жуда мамнун. Мактаб маъмурияти ҳам бу серхархаша синфга ниҳоят ўқитувчи топилди, дея бир қадар тинчиди. Гапнинг очиғи, 6-«А» деса кўпчилик муаллимларнинг юраги безилларди.

— Сизнинг қандай педагог бўлиб етишувингиз ана шу синфни эллаб кетишингизга боғлиқ, — деди мактаб директори уни огоҳлантириб.

— Қўтилганимизга шукр, — деди бир ўқитувчи, — сиз келмасангиз бу синфни бирортамининг бўйнимизга илиб қўйишарди.

Роҳила бу гаплар нима учун айтилаётганини қисман тушунар, лекин бу гапларнинг замирида яшириниб ётган тўфонларни ҳали чуқур ҳис эта олмас эди. У қанчалик ҳис-ҳаяжон билан кутган биринчи дарс, ўқувчилар билан дастлабки учрашув кунни мана шу тўфоннинг дебочаси юз берди.

Роҳила раҳбарлик қиладиган 6-«А» синфида унинг дарси энг

охириги соатга қўйилган эди. Дарс яхши ўтди. Ниҳоят, дарс тугаб, кўнғироқ чалинган, Роҳила ўқувчиларга ўзининг синф раҳбарлари эканлигини айтиб, яна бир оз қолишларини илтимос қилди. Болалар ҳайрон бўлиб елка қисдилар, ўғил болалар «Сен нима дейсан!» дегандай энг орқада ўтирган Найновга қарашди. Илгари улардан ҳеч ким ҳеч нарсани илтимос қилмасди, фақат буюриллар, сўзсиз бўйсиниш талаб этиларди.

— Иложимиз қанча, — деди Найнов ошқора киноа билан, — раз илтимос қилингандан кейин ўтиришга тўғри келади.

Кетишга отланишган болалар қайта жой-жойига ўтириб, «нима гап» дегандек Роҳилага тикилиб туришарди, тўғрироғи, ғўргина синф раҳбарини мўғомбир кўзлар синовдан ўтказаятган эди.

Роҳила ҳам рўпарасида уни кузатиб турган ўттиз икки жуфт кўзга тикилиб туриб ўйларди: «ўзимиз ҳам худди шундай бўлганмиз, синовдан ўтказганмиз, ишқилиб, йиғлаб чиқиб кетмасам бўлгани».

Болалар янги муаллимдан одатдагидек панд-насихат кутиб туришарди. Лекин Роҳила журналнинг сўнгги бетини очди-да, ҳар бир ўқувчидан ота-онаси ҳақидаги маълумотларни сўраб ёза бошлади. Унтача ўқувчидан жавоб олиб журнални бинойидек тўлғизаётган эди, навбат ўртадаги қаторнинг охирида ўтирган рангпаргина қизга келди-ю, гўё синфда момақалдироқ гумбирлади:

Ўқитувчининг саволига қизча индамай тураверди.

— Ота-онангнинг исми-фамилияси, иш жойини айтгин, нега индамайсан! — секин сўради Роҳила.

Қизча жавоб бермади. Шу пайт орқадан, болалардан бири кичкирди:

— Онаси қочиб кетган жазмани билан, нимани айтарди!

Болалар гурр этиб кулиб юборишди.

Роҳила нима қиларини билмай қолди. Эсини йиғиб олиб, болаларни тинчита бошлади:

— Жим бўлинглар, болалар, жим!

Лекин қизча аллақачон синф эшиги олдига бориб қолган эди. Кейин у орқасига, синфдошларига нафратли бир нигоҳ ташлаб, синф эшигини очиқ қолдирганича ташқарига югуриб чиқиб кетди.

Роҳила буёғига нима қилишни билмай қолди: рўйхатни давом эттираверсинми, ёки эртага қолдирсинми. Болалар ҳам, энди ўқитувчимиз нима қилар экан, дегандек, уни синовчан кузатиб туришибди.

Шу пайт Роҳиланинг миёсида бир нарса ярқ этгандек бўлди. «Шу ерда, ҳаммининг олдига рўйхат тўлдиришим шартми, энди у қизча мактабга келмай қўйса-чи! Йўқ, ҳар бирининг уйига боришим, ота-оналари билан ўша ерда танишишим керак экан!»

Роҳила болаларга жавоб бериб юборди. Бир зумда синф бўшаб қолди. Роҳила эса бўм-бўш синфда хаёлларини бир жойга тўплай олмай паршон ўтирарди. «Мана, сенга биринчи суҳбат, мана, сенга келажагини ҳал этувчи дастлабки сабоқ», — аччиқ алам билан ўйлар эди у.

Роҳила уч кун ўтказиб, Сабоҳатларниқига борди. Уч кунгача Сабоҳат дарсга келмаган эди.

Сабоҳат эшик очдию, ўқитувчисини кўриб, аввал ўзини йўқотди, сўнг унга илтижо қилди:

— Дадамга айтманг, илтимос, шундай ҳам... — сўнг пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Узингни бос. Сабоҳат, у тўғрида оғиз очмайман. Мен сизлар билан танишгани келдим. Кирсам мумкинми!

Уй томондан Сабоҳатнинг отаси товуш берди:

— Сабоҳат, ким у! Ким билан гаплашаяпсан!

Қиз боланинг йиғлаб туриб кулиши қизиқ бўлар экан. Сабоҳат дарров кўзларини артди, отасига хушвақт жавоб берди:

— Ҳозир, дадажон, ўқитувчи опамиз келдилар, Роҳила Азизовна, — деди, сўнг Роҳиланинг қўлоғига шивирлади:

— Эртага дарсга бораман, фақат дадам билмасинлар.

Роҳила маъқул ишорасини қилиб бош ирғади ва уларга пешоват келаётган кишига салом берди. Улар уйга киришди. Сабоҳатнинг отаси ишдан қайтиб келиб овқатланаётган экан. Еш муаллима унинг олдига ўзини ноқулай сездди, каловланди:

— Кечирасиз, мен Сабоҳатнинг синф раҳбариман, — деб

ўзини таништира бошлади,— уйма-уй юриб, ўқувчиларнинг ота-оналари билан танишяпман. Сизга халақит бердим шекилли.

— Йўқ, йўқ, нега энди халақит берар экансиз,— деди Насриддин ака шошилиб,— ўтиринг, жуда яхши бўлибди-да, келганингиз. Сабоҳат, қизим, чойга қара, овқатингдан борми!

— Раҳмат, овора бўлманглар,— деди Роҳила қимтиниб стулга ўтираркан,— мен ҳозир кетаман.

Сўхбат аввал унча қовушмади. Роҳила оила бекассиз, ўн икки яшар қизалоқ бошқараётган оиладаги қандайдир дилгир муҳитда ўзини ноқулай ҳис этар эди. Бунини Сабоҳатнинг отаси ҳам сезиб турар, севимли қизининг тақдири билан қизиқаётган шу нозик-ниҳолгина, ҳаётга эндигина қадам қўётган муаллима қизни кижолатдан чиқаришга уриниб дастурхон тузаркан, унинг кўнглини кўтаришга чин дилдан ҳаракат қиларди. Чой дамлаб келган Сабоҳат чойнакни дадасининг олдига қўйди-да, укаларини етаклаб бошқа хонага чиқиб кетди.

— Биламан,— деди ниҳоят Насриддин ака жиддий тус олиб,— ҳаммасидан хабарим бор. Синфдаги гаплардан ҳам, Сабоҳатнинг мактабга бормаётганидан ҳам...

— Ким айтди сизга!— деди Роҳила сергакланиб,— айб менда, мен болалар билан танишишни бундай бошламаслигим керак экан, мен хато қилибман.

— Мен педагог эмасман,— деди Насриддин ака жиддий,— болалар билан қандай гаплашиш ўзларингизга ҳавола. Лекин мени қийнаётгани бошқа масала. Сабоҳат энди улғайиб бораёпти! «Жазмани билан қочиб кетган онанинг қизи» деган тавқи-лаънатни кўтаролмайди энди, номус қилади. Мени қизимнинг тақдири қийнаёпти!

Роҳила Насриддин аканинг ҳаққоний, қалбини ўртаб юбораётган гапларини қандайдир эзилиб тинглар экан, унга бирор маслаҳат беришга ҳали жуда ёшлиги, ожизлигидан ич-ичидан ачиниб ўтирар эди.

Ниҳоят, сўхбат тугаб, хайрлашарканлар, Насриддин ака Сабоҳатни чақирди:

— Қизим, опангларни кузатиб қўй!

Сабоҳат қўшни хонадан отилиб чиқди. Унинг кўзлари гоҳ муаллимасида, гоҳ отасида, дилида эса ўша хаёл чарх урарди: «Айтиб қўйадилармикан!!»

— Сабоҳатни бўш вақтларида меникига юбориб туринг,— деди Роҳила Насриддин ака билан самимий хайрлашаркан. Дарвоза олдига эса Сабоҳатга деди:

— Эртага кутаман-а мактабда!

Сабоҳат ерга қараб жавоб берди:

— Майли.

Роҳила сокин қишлоқ оқшомида уйига йўл оларкан, уни беҳисоб хаёллар ўз оғушига олди: «Тавба,— деди у Насриддин аканинг хотини ҳақидаги ҳикоясини эслаб,— уч йил бўлибди, уч боласини ташлаб кетганига. Бошқа бировни севиб қолган эмиш. У эркакнинг ҳам икки фарзанди бор экан, қолиб кетаверибди! Лекин энди иккаласининг фарзандлари йўқ эмиш. Қаттиқ изтиробда экан иккаласи ҳам. Билмадим, муҳаббат оташи бардош бера олармикан, беш гўдакнинг тортаётган изтиробларига! Наҳотки уларни беш боланинг заволи тутмаса!...»


Баҳорда Роҳила ўқувчиларини қишлоқ ортидаги адирга экскурсияга олиб борди. Болалар чучмомалар териб, капалакларга қўшилиб ўтлоқларда яйраб-ййраб ўйнашди. Олам-олам қувонч билан, ўзгача бир ҳис-туйғу билан қайтишди улар адирдан. Қишлоққа тушганларида Роҳила уларга топшириқ берди:

— Бугунги таассуротларингни ёзиб келинглар. Муддат бир ҳафта.

Бир ҳафтадан сўнг Роҳила ўқувчиларнинг дафтарларини йиғиб олди. Дафтар варақларида баҳор тошқинларидек кўпириб ётган ҳис-туйғуларга тўла таассуротларни ўқиб энтикаркан, Роҳила Сабоҳатнинг ишшосини очди-ю, ҳайратдан қотиб қолди: унда кўйидаги сатрлар битилган эди:

Отам фарёдидан қалбим эзилиб,  
Онамини узатдик қабр тўшига.  
Менинг кўзда ёшим маржон тизилиб,  
Мўнгли боқар эдим ҳар бир кишига.

Ҳа, шундай сертошқин, сершовқин баҳор кунларининг бирида, бутун дунё — одамлар, наботот, мавжудот, «Мен қайтадан яралдим!» дея шодликдан чапак чалаётган кунларнинг бирида Сабоҳат ўз онасини қалбидан юлиб олиб, қабрга узатган эди.



Рассом Б. ХАЙБУЛЛИН А. С. Пушкин асарларига чизган расмлар.





Уйғун,  
Ўзбекистон ССР халқ шоири

## Боғлар завоЛ ТОПМАСИН

# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

*Муҳтарам ўқувчи! Хабарингиз бордир,  
журналимизнинг 5-сонида ёзувчи  
Дадахон Нурийнинг «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ  
ўрик»  
мақоласи босилган эди. Мақолада  
қўтарилган масалалар биз кутганчалик, эҳтимол,  
ундан ҳам зиёда баҳс-мулоҳазаларга сабаб бўлди. Бу —  
халқимизнинг ижтимоий активлиги  
ошганлигини, ҳаётдаги туб проблемаларга чуқур ва  
соғлом муносабатда бўлаётганини кўрсатади.  
Ҳозиргача редакциямизга юзлаб мактублар келди.  
Уларнинг  
бир қисми билан сиз журналнинг  
ўтган сонида танишдингиз. Яна бир неча  
мақола ва хатларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.*



из боғбон халқимиз. Боққа, боғбонликка меҳр, иштиёқ бизга узоқ аждодларимиздан мерос. Нонушталик дастурхонимизда иссиқ нон билан бирга албатта бир бош узум ҳам бўлади. Расмийроқ қилиб айтганда, мевачилик озиқ-овқат программасининг таркибий қисми.

«Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мақоласи автори куйинганича бор. Дарҳақиқат, Тошкентда мевазор боғлар камайиб кетди. Не-не боғларимиз ўрнига чиройли, кўп қаватли бинолар қурилди. Ҳаёт оқими, ўсиш, ўзгаришимиз шуни тақозо этди. Яхши бўлди ҳам. Бироқ биз ўша йўқотилган боғлар ўрнини тиклашни ўйламаганимиз, ота-буваларимизнинг «Бир туп мевали дарахтни кессанг, ўрнига икки тупини эк» деган нақлига амал қилмаганимиз чатоқ бўлди. Ўзбекистондек жаннатмисол республикамиз номига номуносиб иш бўлди.

Мен Тошкент ўтмишини яхши эслайман. Ҳозирги Чилонзор, Юнусобод массивлари, ишчилар шаҳарчаси шигил боғ эди. Ҳар бир ҳовлида бўлмаганда бир туп ток, бир туп ўрик, туп ёки ёнғоқ бўларди. Ҳар бир донаси пилладек келадиган, асал таъмини берувчи шотутлар, марвартак тутлар бўларди. Бой ва амалдорлар зулми остида очликдан силласи қуриган халқ тут пишиғини интизор кутарди. Тут жонивор ҳам биринчи бўлиб пишиб берарди. Тут оғизга тегдими, бу ёғига оч қолмасдиқ. Омборларни хум-хум шинни, қоп-қоп тут майизлар эгалларди. Халқ тут пишиғига етиб олишни орзу қилгани шундан эди.

Тошкент азалдан мевага кон шаҳар эди. Ўз бағрида етишган мева-чеваси билан нафақат ўзини, бошқа шаҳарларни ҳам таъминларди. Энди-чи! Шаҳримиз аҳолиси қишлоққа кўз тикиб ётибди. Бозорларимизда ўрик, шафтоли, нок, олманинг нархи отининг баҳосида.

Жонажон Тошкентимиз бутун шарқнинг машъали. Гўзал, оромижон шаҳар. Йил сайин ҳам энига, ҳам бўйига кенгайяпти. Янги-янги тураржойлар, йўл ва хиёбонлар пайдо бўляпти. Ана шу йўллар қирғоғига, хиёбонларга мевали дарахтлар экишимиз керак. Бу жуда зарур. Тўғри, ҳамма йўлни ёғир мевазорга айлантирвориш ҳам ўзини оқламайди. Чиройли, манзарали дарахтлар ҳам керак. Аммо, ҳамма нарсада бўлганидек бу борада ҳам меъёрни сақлаган маъқул. Мевали дарахтлар билан мевасиз дарахтларни аралаштириб экиш керак. Бу иш бизда янгилик эмас. Мен узоқ йили колхозларимизнинг бирида бир туп олма, бир туп терак аралаштириб экилган боғни кўрганман. Ушанда, рости бу иш бироз галати ҳам туюлганди. Колхоз раисидан: «Нега бундоқ қилдиларинг!» — дея сўраганимда, «Терак етилиши билан қурилишга ишлатамиз, мевазор қолаверади», деб жавоб берганди.

Ҳа, боғни яхши кўрадиган, шинаванда одамларимиз кўп. Машҳур боғбонимиз Ризамат ота Мусамухамедов номини бутун дунё билади. У ўзидан ажойиб боғлар қолдириб кетди. Бухорода, Қашқадарёда, бутун Ўрта Осиёда, ҳатто Озарбайжон ва Арманистонда ҳам бу аллома боғбон қўли билан яратилган узумзорлар бор.

Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Маҳмуд Мирзаев-чи! Бу камтар, камсуқум, тиниб-тинчимас киши бутун умрини боғдорчиликка сарфлади. Чиройли навлар яратди. Боғлар барпо қилди. У ҳануз янги-янги навлар устида ишлаяпти.

Марҳум Усмон Юсупов ҳам боққа кўп ишқибоз одам эди.

У жойларда бўлганда хўжалик раҳбарларидан, «Қанча ерингиз бор!..»— деб сўрамасди, «Қанча боғингиз бор!»— деб сўрарди. Усмон ота ташаббуси билан республикамизда қанчадан-қанча каналлар қазилди, боғлар бунёд бўлди.

Андижонда Жўра полвон деган доврўқли бир деҳқон бўларди. Кўп хайрли ишларни қилган киши эди. Ана энди унинг эзгу ишларини ўғли Холмамат Жўраев давом эттиряпти. Андижонда бўлганимда боғриб кўрдим, ота ўғли ўзи етакчилиги қилаётган Хўжабод районидаги «Ленинград» колхозининг қир, адирларида, тошлоқ, партов ерларида ҳар ёнғоқзорлар, ҳар бодомзорлар барпо қилибдики, одамнинг суқи кирди.

Биз Ризмат отага ўхшаган, Маҳмуд Мирзаевага ўхшаган миришкор боғбонларимиз удумини давом эттиришимиз, Холмаматга ўхшаган боғпарвар раҳбарлардан ўрганишимиз керак.

Авваллари луччак шафтоли, зарғалдоқ шафтолилар сероб бўларди. Оқ ўриклар, қантак ўриклар тагига тушиб ётарди, ғалвирак ёнғоқлар бўларди. Энди буларни кам учратаямиз. Анорларнинг тури камайиб борапти. Даройи, ҳусайни, чарос сингари узум турлари кам учраёпти. Мен боғбонларимиз ана шу тансиқ мевалар, навлар масаласига алоҳида эътибор беришларини, эски маҳалдаги чиройли, хуштаъм мевалар номини, навини қайта тиклашларини жуда-жуда истардим.

Ҳали ҳеч қайси боғбон, колхоз ёки совхоз боғ ўстириб, мева етиштириб зарар кўрган эмас. Биз имкони борича боғларни кўпайтираверишимиз, Қарши, Жиззах, Сурхон даштларида, далаларида яхлит-яхлит анжирзорлар, анорзорлар, пистазору, бодомзорлар барпо этишимиз керак.

Яна Тошкент боғлари ҳақида. Шаҳримизда боғ қилса қилгудек жойлар кўп. Бўзсувни олайлик. Унинг ҳар икки қирғоғи ёқалаб мевазор қилиш мумкин эмасми! Ваҳоланки, бу кўҳна анҳорнинг кўп жойлари ҳеч нарса ўсмай, ахлатхона бўлиб ётибди. Еки шаҳарнинг қоқ ўртасидаги Гагарин парки-чи! Илгари бу ерда Ботаника боғи бўларди. Чойхоналар, ошхоналар ишлаб турарди. Энди ана шу туппа-тузук боғ ўрнини қарағай, қатранғига ўхшаган аллақандай дарахтлар эгаллади. Менимча шаҳардаги ободонлаштириш ишларига масъул ўртоқларнинг «мевали дарахтлар экилса, болалар шохларини синдириб юборади» дейишлари беўрин. Биз фарзандларимиз боққа, боғбонлик касбига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашимиз керак.

Ҳар йили кўкаламзорлаштириш ойлқларидида ташкилот ва муассасалар юқорига «фалон минг кўчат ўтказдик» деб маълумот беришадди. Менимча, неча туп дарахт ўтказилганини эмас, неча туп ўстирилганини ҳисоблаган маълумот.

Мен кейинги йилларда икки қирғоғида ялпизу чўчмомалар ўсиб, чулдираб оқиб ётадиган Тошкент ариқларини соғиндим. Энди қаёққа қараманг, бетон ариқлар. Бетон ариқ ёқасида ҳеч нарса ўсмайди. Тўғри, катта магистраллар бўйида бунинг иложи йўқ, аммо ўртача кўчаларимизда, маҳалла ва хиёбонларимизда ўша икки беткайи тупроқли, ялпизлар, райҳону жамбиллар, гуллар ўсиб ётадиган ариқларни яна тиклашимиз керакка ўхшайди.

Боғ ва хиёбонларимизда ўрик гулини эслатувчи оппоқ, чиройли капалаклар кўринмай қолди. Бу ҳам ҳавонинг мусаммоқ эмаслигидан, гулнинг камлигидан. Гулу гулзорларни қанча кўпайтирсак, шунча оз.

«Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мақоласида чинорнинг зарари ҳақида анча-мунча гаплар бор экан. Мен шу ёшга кириб, кўп элларни, кўп юртларни кезиб ҳали чинорнинг зарарини кўрган эмасман. Ҳеч шубҳасиз чинор умрибоқий дарахт, кўркам дарахт. Абадият рамзи. Унга қуш қўнмайди, деган гапга ҳам қўшилиб бўлмайди. Дўрмондаги боғимда уч туп азим чинор бор. Мени ҳар саҳар шу чинорларга қўнган қушлар қуғури уйғотади.

Тўғри, чинор кўп жойни эгаллайди. Тагида, атрофида бошқа нарса ўсишига ҳалақит беради. Ота-буваларимиз бу ажойиб дарахтни қаерга экишни билишган. Уни кўпроқ катта йўллар бўйига, катта майдонларга, гузарларга экишган...

Биз боғбон халқимиз. Уйимизга меҳмон келса нон билан бирга мева-чева қўямиз. Дастурхонда ўрик, майиз, писта, бодомгача бўлади. Буларнинг ҳаммаси она еримиз саховати, боғбонларимизнинг пешона тери. Бир қафт тупроқдан бир ҳовуч олтин ундиришга қодир ажойиб халқимиз бор. Шундай экан, биз бу имкондан тўлиқ фойдаланайлик, боғларимиз завол топмасин, аксинча кўпайсин, кўпаяверсин!

Тошкентдаги Чкалов номли Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесарлар бригадасининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Ревизия комиссиясининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

## Барчамиз масъулмиз



«Ҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мақоласини ўқиб, мен ҳам ёшлик йилларимни эслаб кетдим. Уша даврлар ҳам бир ажойиб давр экан. Сувлар шарқираб оқиб ётган боғ кўчани оралаб мактабга қатнарди. Йўлнинг икки тарафи кета-кетгунча ёнғоқзор, олмазор, беҳизор эди. Мактабга етгунча жилдимиз (у пайтда портфель қаёқда дейсиз) сархил меваларга тўлиб борарди. Бу — бизга бир олам завқ-шавқ бағишларди.

Қани энди ўша боғлар! Тошкентнинг қаерига қараманг, қарағай, қатранғи, дуб-у арча. Биз, шубҳасиз, бир томондан ютиб, бир томондан ютқаздик. Тошкентимиз кенгайиб, ажаб-товур бинолар қад ростлагани яхши бўлди-ю, аммо мевазорларимизнинг, боғ-у, боғкўчаларимизнинг йўқ бўлиб кетгани ёмон бўлди.

Мени ишчи ҳазрати олийлари сафига олиб кирган устозларимдан ташқари, яна бир устозим бор. Бу киши мактабда ботаника фанидан дарс берган Боқихон ака. Мен илк бора меваларни пайвандлашни — искана пайванд билан, қуртқак пайванд усулини шу Боқихон акадан ўрганганман.

Октябрь массивидаги боғимизда бири-бирдан сархил мевалар ўсаяпти. Мен бу меваларни ўз қўлим билан экканман. Ўзим парваришлаб вояга етказганман. Ҳар куни ишдан қайтиб келиб боғни айланаман, олма қалқиб оқаётган ариқда юз-қўлимни юваман, боғ оралаб ўйнаб юрган фарзандларимни кўриб қувонаман. Ана шунда бор чарчоғим чиқиб кетади. Уйлаб қарасам, боғбонлиқнинг гашти бўлакча экан. Мевали дарахтни бир киши экар экан-у ундан кўпчилик баҳраманд бўларкан, экканга раҳмат, деркан. Яхшидан боғ қоларкан...

«Ёшлик»даги мақолани ўқиб, ростки, ачиниб кетдим. Бироз ғашим келди ҳам. Буни қаранг. Шаҳар ободонлаштириш бошқармасида роса 15 минг боғбон бор экан-у, айтарли кўз-кўз қиларли бирорта мевазор боғимиз йўқ экан. Боғ сўзи мевазор боққа қўлланилишини назарда тутсак, бу боғбонлар қаёққа қараяпти, нима қилаяпти! Битта ўртача колхозда 500—600 колхозчи ишлаб 5000—6000 тонна пахта етиштиради. Ҳўш, шаҳар боғбони номи билан ойликни қуртдай санаб олаётган 15 минг боғбон-чи! Улар қанча мевали дарахт ўстиряпти-ю, қанча мева топширяпти!

Гапираверса гап кўп. Бас! Мевали дарахтларни шунча қийратганимиз етар. Энди, мақолада таъкидланганидек, мевазорларни, ўша қадимий боғ-у, боғ кўчаларни тиклашимиз керак. Шаҳримизда кўчат экса бўладиган, боғ қилса бўладиган жойлар тўлиб ётибди.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспекти ўртасидаги ҳар икки томонига ўн қатордан қилиб акация, кўк терак экилган хиёбонни олайлик. Унинг ўрнида, ишчилар шаҳарчасидан Ганга магзини томон тушиб келаверишдаги бўш ётган ерларда боғ тугул, хўжалик ҳисобидаги мева етиштирувчи бир совхоз ташкил қилса бўлади. Уйлаб кўрсак, бундай жойлар кўп. Умуман, шаҳардаги боғ қилишга яроқли ерларни аниқлаб, мева етиштирувчи хўжаликлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Мактабларда, болалар боғчаларида албатта мўъжаз боғлар бўлиши керак. Бу боғларни фарзандларимизнинг ўзлари яратсинлар, биз уларга шароит яратиб берайлик. Ана шунда келажак авлод табиятга ошно бўлиб, саҳий, бағри кенг инсон бўлиб, меҳнатсевар бўлиб ўсади.

Мен КПСС Марказий Комитети Ревизия комиссиясининг аъзоси сифатида партиямизнинг Озиқ-овқат программаси қабул қилинган тарихий май (1982 йил) Пленумида қатнашганман. Ана шу Пленумдан кейин деяри ҳамма завод ва фабрикалар, ташкилот ва муассасалар қошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Бу ўзининг яхши самарасини беряпти.

Бироқ ёрдамчи хўжалик деганда фақат чорвачилик маҳсулотлари етиштирилишини тушунадиган, фақат шу соҳага эътибор берадиган, катта-катта ерларга маккажўхори, бедадан бошқа нарса экмайдиган ўртоқларимиз ҳам бор. Бу унча тўғри эмас. Ёрдамчи хўжаликлар учун ажратилган ерларда боғлар барпо қилсак нур устига нур бўларди...

Боғи борнинг бахти бор, дейдилар. Боғбон халқ бахтиёр халқ, боғбон халқ бағри кенг халқ. Партиямизнинг бош пиروвард мақсади инсоният бахт-саодати, фаровонлиги, юрт маъмуриги. Шундай экан, бугунда боғларни кўпайтиришни давр талаби деб тушунмоқ керак!

Тамарахоним,  
СССР халқ артисти

## Яхшилик уруғи



урматли бош редактор!

Ёзувчи Дадахон Нурийнинг «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мақоласини катта қизиқиш билан ўқиб чиққач, Сизларга ушбу хатни ёзишга аҳд қилдим.

Тилимиздан ҳам, ёдимиздан ҳам «оқ ўрик» сўзи кўтариллиб бораётганлиги ачинарли бир ҳол.

Ёшлик пайтларим эди. Горчаковдаги ҳовлимизда икки туп оқ ўрик ўса бошлади. Бутун маҳаллада пайвандчи номи билан танилган отамизнинг миришкорликлари, эл орасида қозонган обрўлари билан фахрланардик. Бир куни отам мени чақириб, ўрикчалар қаршисига тик тургазиб қўйдилар. Кейин, ниҳолчалар бўйи Тамаранинг бўйи билан тенглашибди, энди ҳосилга қиради, дедилар. Худди ўша йили ўрикчалар навдасида олти дона оқ ўрик пишиб етилди. Олтита фарзанд эдик. Дадам ҳаммамизга биттадан ўрик узиб бердилар-да, данагини авайлаб ерга экинлар, яхшилик уруғи униб чиқади, эл-юрт бой-обод бўлади, дедилар.

Отанинг ўша гаплари бир умр ёдимда қолган.

«Яхшилик уруғи». Мен бу сўзларни анча йиллардан кейин она юртимиздан анча олисда, Европада эшитдим. Урушдан кейинги 1947 йилнинг ёз бошлари эди. Польша, Чехословакия шаҳарлари бўйлаб юрардик. Ҳамма йўл бўйларида мева ниҳоллари шигил ҳосилга бурканиб ётарди. Оқ, қизғиш, қип-қизил гилослар кўзни ўйнатарди... Катта магистрал йўл бўйида биз гуруҳ одамлар бизнинг «Татра» машинамизни тўхтатиб, узун саватни тўлдириб гилос ўзиб беришди. Кейин улардан бири делегациямиз аъзоларига қарата, уруғини йўл бўйидаги далаларга сочиб кетинглар. Сизлардан эсдалик бўлиб яхшилик уруғи — мевалар ўсиб чиқсин, деди.

Кейин билсак, уруш тугаши биланоқ мазкур ҳукумат органлари томонидан шаҳар ерлари мевасиз дарахтлар билан банд қилинмасин, фақат мевали дарахтлар экилсин, элимизнинг бойлиги, дастурхонимизнинг тўқинлиги мана шунга боғлиқ, деган махсус қарор чиқарилган экан.

Энди оқ ўрикка келсак, ҳозир шаҳарда яшаётган болаларимиз унинг нималигини биладими! Йўқ, албатта! Ҳатто кўпгина турли меваларни кўрмаган йигит-қизлар ҳам топилади. Ҳурматли артистимиз Шўкур Бурхонов айтганидек «болаларимиз ёшлиги гиштин деворлар, бетон уйлар орасида ўтмоқда. Бу ҳол қачонгача давом этаркин!»

Мен дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлганман. Бироқ ҳеч қаерда ўзимизнинг ўзбек еридек саҳий, озгина меҳнат билан дур ундириб олса бўладиган ерим кўрмадим. Шундай ажойиб ерларимиз тақдири айрим тор фикрловчи бефарқ

кишилар қўлига тушиб қолгани одамни куйдиради. Уша кимсалар шаҳарларимизни боғлардан «тозалаб», ёш болалар тасаввурини қашшоқлаштириб, тарбиясига ҳам салбий таъсир қилаётганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Менимча, бу мақола республикамиздаги кўпгина шаҳарлар раҳбарларига ҳам сабоқ бўлмоғи лозим. «Ёшлик» яхшилик уруғини сочишдек сабобли масалани кўтариб чиққан экан, уни ҳамма қўллаб-қувватлашига ишонаман.

## Адир бағри боғ бўлса...

Баъзан районимиз марказини сайр этиб юриб Куйганёр тўғонига келаман. Бу ердан Қорадарё суви бутун водийга таралади. Катта Фарғона канали бунёдкорлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ҳам шу ерда. Пешонасини шоҳи белбоғ билан танғиган, қўлларига кетмон, чўкич ушлаган ялангтўш йигитлар олға бораётган ҳолатда тасвирланган бу монумент кўп нарсаларни ёдга солади. Дарё ёқасидаги атрофи дов-дарахтли йўлак Усмон Юсупов ҳайкали ёнига олиб чиқади. Усмон ота қўлини кўксига қўйганча Андижон адирларига кўз тиккан. У кишининг шу турнишида ҳам бир рамзий маъно бордек.

Мен бу ерга ҳар гал Усмон отага, ўша каналчиларга ҳисоб бергани келаман. Галдаги юмушларни чамалаб оламан.

Ота-буваларимиз боғбон номи билан донг таратди, ариқ очиб, сув етаклаб, боғлар барпо қилди. Сархил мевалари, олма-анорлари билан дунёни сийлади. Хўш, биз — фарзандлар-чи! Улар яратган, яшнатган боғни яшартиб, асраб-авайлаб парваришляямизми! Мен бу гал «Яшил кўприк»да каналчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорликка, Усмон Юсупов ҳайкалига боқиб, ана шуларни хаёлимдан ўтказдим.

Ҳаёт оқими, тараққиёт баъзи бир боғларнинг бузилиб кетишига олиб келди. Андижон аҳолиси энг зич вилоятлардан. Ҳар йили боғлар, қишлоқлар ўрнини кўп қаватли турар-жойлар, муассасалар, завод, фабрикалар эгалляпти.

Районимиз шаҳар теварагинда. Бизнинг чекимизга шаҳарликларни мева-чева, сабзавот билан таъминлаш вазифаси тушган. Шаҳар «қисиб» келяпти. Аммо план ўша, мажбурият ўша. Хўш, нима қилиш керак! Ишлашни истаган имконият қидиради, дейдилар.

Бизнинг адирга «хужум» қилиш режамиз шу тариқа пишиб етилди. Тўғрироғи, бунда бизга оталар жасорати қўл келди. Андижоннинг шундоқ тепасида осмон билан бўйлашиб ётган Экин-тикин, Отчопар, Бўтақора адирларига биринчи бўлиб юриш бошлаган, у ерларга озгина бўлса-да, сув етаклаб чиқиб биринчи кўчат ўтказган катта авлод — ўша каналчилар — Бузруқхўжа Усмонхўжаев, Тешабой Мирзаев, Иброҳим Бакиров сингари оддий халқ орасидан етишиб чиққан ташкилотчи, ишбилармон коммунистлар эди.

Тешабой аканинг бир гапини эспайман:

— Табиат — она, — дерди у киши, — инсон табиат билан иноқ, уйғун яшаши, унга қўполлик қилмаслиғи керак. Боғбон бу табиатни етакловчи, уни бошқарувчи меҳрибон мураббий.

Бугун ўша боғбон мураббийларнинг адир бағрига ўтказган илк ниҳоллари узоқ-узоқдан маёқдек кўзга ташланиб турибди. Бизнинг юрагимизга ўт ёққан, бошлаган ишимизнинг хайрли бўлишига далда бўлган ўша дарахтлар бўлди.

Тўғри, бошида «аввалгилар бир парча ерни кўкартирса кўкартиргандир, бу асрий адирларда катта миқёсдаги ишларни амалга ошириб бўлармикан!», деганлар бўлди. Биз бундай гапларга қулоқ тутмадик. Қорадарёга ҳар бири бир дунё сув тортадиган қудратли электр насослари ўрнатдик. Яхши ният билан адир бағрига кўчат ўтказдик.

Кўчатлар тўтиб кетди. Адирда узумзорлар, олмазорлар, ёнғоқзорлар, шафтолизорлар пайдо бўлди. Районимиздаги мевачиликка ихтисослашган Тешабой Мирзаев номи, «Извест-» совхозлари шу тариқа юзага келди. Яқин йилларда бу боғлар 2,5 минг тонна мева, 8 минг тонна узум етиштириш имконини беради.

Куйганёрдан адирдаги узумзорларимиз шундоқина кўри-  
ниб турибди. Мен бу узумзорларга боқиб қадим-қадимларда  
яшаган ота-боболаримиз ҳақида ўйлайман. Улар неча аср  
олдин ҳам ток парвариши қилишган. Қаҳрабодек узум бошлари,  
ток новдалари азалдан халқларнинг тинчлик, саломатлик ва  
бахт-саодат рамзи бўлиб келган.

Бизнинг узумчиликка алоҳида эътибор бераётганлигимиз  
боиси шундан. Яна ҳаёл етаклаб кетади. Биз уста боғбонлар  
изидан бориб асрий адирларда мева етиштириш бўйича  
бирмунча тажриба тўпладик. Албатта, бу осонликча бўлгани  
йўқ. Дўстларим мени мактанчоқликка йўймасинлар, адирни  
ўзлаштиргунча не-не қийинчиликларни енгим ўтишга тўғри  
келди. Коммунистларимиз, комсомол-ёшларимиз жасорат ва  
матонат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Ҳали ҳам ҳал этилишини  
кутаётган анчагина проблемаларимиз бор. Биз буларни ҳал  
қилишга қодирмиз. Бироқ, бетга айтганинг захри йўқ, ҳали  
адир туғул, тайёр ердан унумли фойдаланмаётган ўртоқлари-  
миз ҳам бор. Яқинда Балиқчидан Олтинкўл тарафга ўтдим. Йўл  
қирғоқларида дарахт экса бўладиган қанчалаб жойлар бор  
экан. Бўм-бўш ётибди. Унда-бунда экилган чинорлар ҳам  
қовжираб қолган. Боғлар қаровсиз, Андижонда-чи! Боғлар,  
мевазорлар қилса бўладиган йўл, хиёбонлар ўрнида фойдасиз  
дарахтлар, сув келишини кутиб ётган мажнунтоллар тўлиб  
ётибди. Озгина эътибор, озгина меҳнат билан бу ерларни  
гуркираган, шовуллаган мевазор боғларга айлантиса бўлади.

Қолаверса республикамизда, Фарғона водийсида қанчалаб  
фойдаланилмай ётган адирлик ерлар, тоғ ёнбағирлари бор.  
Журнал кўтариб чиққан боғлар муаммоси баҳонасида ана шу  
адирларда, тоғ ёнбағирларида мевазор боғлар ташкил қилинса  
бўлмасмикан!

Бу борада бошланган яхши ишларни эшитиб турибмиз.  
Хусусан Фарғонада, Қува адирларида, Бешариқ даштларида  
янги боғ-роғлар қилинаётганидан хабардормиз. Энди ана шу  
эзгу ишларни кенгайтиришимиз, республикамиз бўйлаб кенг  
авж олдиришимиз керак эмасми!

Мен бугун Куйганёрдан туриб ана шуларни ўйлайман.  
Қуёшiston деб аталмиш жонажон Ўзбекистонимизнинг боғ-  
роғларга бурканишини орзу қиламан.

Нуъмонжон АБДУЛАЗИЗОВ,  
Андижон район партия комитетининг  
биринчи секретари.

## Сафарбарлик керак

Менимча «Ёшлик» журнали кўтарган бу муаммо фақат  
Тошкент шаҳрига тегишли, деб бўлмайди. Бизнинг Самар-  
қандда ҳам аҳвол бундан ўзгача эмас. Қаёққа қараманг,  
қатранғизору, қарағайзор. Чинору, акас...

Қуёшли республикамизнинг суви кумуш, тупроғи олтин.  
Қуруқ ерга таёқ суқсанг ҳадемай барг ёзади. Шунчалар сахий  
бу тупроқ. Демак, шу мақола баҳона амалий ишга ўтишининг  
айни вақти ҳозир. Ҳар йилги кузги, баҳорги кўкаламзорлашти-  
риш ойликларида ҳар биримиз ўз шаҳримизнинг кўринарли  
жойларига, боғ ва хиёбонларига яхши ният билан бир-икки  
тупдан мевали дарахт кўчатлари ўтқазсак олам гулистон. Уч-  
тўрт йил ўтиб бу дарахтлар вояга етади, мева беради.

Кўкаламзорлаштириш ойлигида фақат мевали дарахт экиш  
ташаббусини бирон бир нуфузли идора ўз кўлига олиши керак.  
Хусусан, жуда кўп ажойиб, ибратли ташаббусларни бошлаб  
берган республика комсомоллари бу ишга бош-қош бўлса, нур  
устига аъло нур бўларди...

Маҳмуд АХРОРОВ,  
Самарқанд.

## Йўлдош ота ўгити

1941 йилнинг май ойлари эди. Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетида катта мажлис бўладиган бўлди. Мажлис  
бошланиши олдиндан гурунг қизиди. Ушанда республикамиз

президенти Йўлдош ота Охунбобоев ҳаммамизга мурожаат  
қилиб, шундай дедилар:

— Мен сизларга айтсам, энди республикамиз шаҳар ва  
қишлоқларида боғ-роғларни кўпайтиришимиз керак. Катта  
йўллар бўйидаги тол, терак, қайрағочлар ўрнига олма, ўрик,  
ёноғ, гилос, шафтоли, беҳилар экилса, колхоз-совхозлари-  
мизнинг дала йўллари четига анжир, анор, ток экилса кўз  
қувонарли иш бўларди. Ота-боболаримиз кўзинг тўймагунча  
ўзинг тўймайсан, деишган...

Ҳаммамиз ота сўзини маъқулладик.

Дарҳақиқат, хиёбонларимизда, уйларимиз олдида мевали  
дарахтлар бўлса, кўпчилик ундан баҳра олади, узоқ-яқиндан  
келган меҳмонларимиз ҳам тасанно дейди, қолаверса, REPUB-  
ликаимизда нима кўп — йўл кўп. Йўл бўйларига мевали дарахт-  
лар эксак, бу боғлар миллион тонналаб ширин-шакар меваси  
билан бизни сийларди...

Машраб ЮНУСОВ,  
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

## Боғ шаҳрига айланса...

Ҳар йили баҳорда қишлоғимиз оппоқ гулларга бурканади.  
Олдин бодом гуллаб беради, кейин ўрик, гилос. Бутун борлиқ  
оппоқ бўлиб кетади.

Оппоқ гуллар... Булар сахий ва ўктам ҳамқишлоқларимизнинг  
дилига, йўлига қиёс.

Мен ҳар баҳор қишлоғимни соғинаман, чаппар уриб гуллаб  
ётган мевазор боғларни қумсаб қоламан. Шу соғинч ҳисси  
билан Тошкент кўчаларини кезаман. Тошкент баҳори бошқача-  
роқ. Бу ерда оқликдан кўра яшиллик ҳукмрон...

Тошкент кўчаларига, боғу-хиёбонларига ҳам оқлик ярашади.  
Қанийди, жонажон Ўзбекистонимиз пойтахти ҳам чинакам боғ  
шаҳрига айланса...

Раъно САПОЕВА,  
ТошДУ студенти.

## Шаҳар бедарвоза эмас

Мен бир неча йил Тошкентда ўқиганман. Бундан ўн-ўн беш  
йил олдинги боғлар, мевазор кўчаларни яхши биламан. Энди...  
ҳаммасини йўқ қилиб бўлишди. Мақола автори ёзганидай,  
у ер-бу ерда тасодифан сақланиб қолган маҳалла боғларини  
ҳам барбод этмоқдалар.

Зах маҳалласида рўй берган воқеани ўқиб, титраб кетасан,  
киши. Наҳот шаҳар шундай бедарвоза бўлиб қолган бўлса!  
Асрий ноқларни аллақандай бефарқ кимсалар [улар умрида  
бирон туп дарахт экиб кўкартирмаган бўлса керак] ер билан  
битта қилиб қўпориб ташласа-ю, уларнинг бу бемаъни  
ишларига чек қўядиган шаҳарда бирон одам топил-  
маса!

Ўйлаймизки, баъзи ўртоқлар энди ўзларини қанча оқлашма-  
син, пайхон қилинган боғлар учун жавоб берадилар. Гўзал  
Тошкент яна ҳақиқий боғ-роғлар шаҳри қиёфасини олади.

Мулан СИДДИҚОВ,  
Бўстонлик районидagi Фрунзе номили колхоз партия  
ташкilotининг секретари.

## Шуҳратни тиклайлик

Бир пайтлар боғ-роғлар шаҳри бўлган Тошкент ўзининг бу  
борадаги шуҳратини қайтадан тиклаши керак. Мевали да-  
рахтдан нолиб, уни камситиш — ноинсофлик. Мевали да-  
рахтнинг шаҳар учун «зарарли» эканлиги ҳақида гап сотувчи  
кишиларнинг ўзлари зарарли.

А. ЙУЛЧИЕВ,  
Тошкент область, Оржоникидзе районидagi «Правда»  
колхози правленийсининг раиси.

# Ҳар биримиз бир тупдан

1970 йилнинг баҳор кезлари. Биз ТошДУ талабалари университет хибонларига эсдалик учун бир тупдан ҳар хил дарахт кўчатлари ўтказмоқчи бўлдик. Таклифимизни факультет раҳбарлари қўллаб-қувватлашди. Шундан кейин талабалар ўртасида тортишув кетди. Кимдир манзарали дарахт ўтқазиш керак, деди. Мен бир туп олча олиб келган эдим, шунга экаман, дедим. Чунки олча иссиқ-совуққа бардошлик бўлади, тезда ҳосилга киради.

Лекин баъзилар менга қарши чиқишди. Барибир айтганимни қилдим.

Мана, орадан 14 йил ўтибди. Уша кўчат тутиб, кўкариб кетди. Мева ҳам бера бошлади. Тошкентга бориб қолсам, ҳар доим кўчатимни бир кўриб қайтаман.

Демоқчиманки, ҳар бир студент ўз қўли билан бирорта мевали дарахт ўтказса ҳам таълим олган ўқув юртига хайрли эсдалик бўларди.

И. КАРИМОВ,

Андижон область, Советобод шаҳар, Сув қўрилиши матери- аллари ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилотининг секретари.



## Ҳар нарсанинг меъёри бор...

Бундан ўн йилча илгари, Тошкентда ўқиб юрган кезларимда ёлғиз бир чолниқда яшардик. Квартираимиз Чилонзорда эди. Чолни Ориф ота дейишарди. Биз яшаган уй тор бўлса ҳам чаман боғ эди. Ундаги ширин-шакар наштадилар, ҳусайни узумлар, ўрик, олма, беҳи, олча дарахтлари кўзни қувонти- рарди. Баҳор келганда Ориф ота ҳовлиси яшнаб кетарди, қушлар чуғурига тўларди. Биз мева пишиши билан отага кўмаклашардик.

Ориф ота бизларга янги қўрилиш бўлиб, аксар боғлар вайрон қилинганлигини афсуслик билан сўзларди. Яқинда ўртоқла- рим билан ўша яшаган ҳовлимизга бордим. Ориф ота вафот этибди. Ҳовлига бир нотаниш киши кўчиб келибди. Қадрдон ҳовлимизга кўз қиримни ташладим. Қай кўз билан қарайки, ҳовлида бирорта ҳам мевали дарахт қолмабди. Ҳалиги кўчиб келган киши ҳаммасини кесиб, иморат, ўтинхона ва аллақандай нарсалар қўриб ташлабди. Студентлик йилларимда Тинчлик маҳалласида 14 фарзандни тарбиялаб вояга етказган Шо- маҳмудовлар уйи ёнида ҳамқашлоқларим туришарди. Утган йили Тошкентга борсам, ана шу маҳалла ўрнида янги, бир- биридан гўзал турар-жой бинолари барпо этилибди. Бир пайтлар бу маҳаллада мевали дарахтлар ниҳоятда кўплиги кечагидек ёдимда. Ақалли бирорта ҳам мевали дарахт сақлаб қолинмабди.

Шаҳарга гўзал, қулай бинолар, албатта керак. Лекин, архитекторларимиз янги бинолар лойиҳасини тайёрлаётганида эбодонлаштириш соҳасида ишлайдиган раҳбарлар билан бамаслаҳат иш олиб боринча, ёмон бўлмасди. Шаҳар учун соя берувчи дарахт ҳам кераклигини инкор қилиб бўлмайди. Аммо меъёрида бўлса янада яхши. Иложи борича мевали дарахт экиш жуда-жуда зарур.

И. ФОЛЬКИН  
Сурхондарё

# Сўз субути билан

...Метронинг Ҳамид Олимжон бекати яқинида қурилаётган улкан кўприк устига улкан қилиб «Тошкентни боғ-роғларга айлантирамиз» деган шир оқиб қўйишибди. Кўприкнинг шундоқ ўнг ёнбошидаги катта текис майдонга эса бир гуруҳ ишчилар юзлаб мевасиз дарахт — чинорларни қаторасига қилиб экиб ётишибди.

Утган баҳор бу воқеани кўриб мевасиз дарахтлар билан ҳам боғ яратиб бўлармикан, деб ҳайрон бўлгандим.

Ростдан ҳам, мақолада айтилганидек, шаҳар раҳбарлари орасида «боғ» сўзининг асл маъносини тушуниб етмайдиган амакилар борга ўхшайди.

Соҳиба ИСРОИЛОВА,

Ўрта Осиё педиатрия институтининг талабаси.



## Замин меҳри

Ёзувчи Дадахон Нурийнинг «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» номли мақоласини ўқидим-у қарама-қарши туйғулар оғушида қолдим. Автор кўтарган масала ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Мен хизмат юзасидан салкам икки йил Анголада ишладим. Туристлар составида Белгия, Испания ва Болгарияда бўлганман. Қаерга бормайлик, бизни очиқ чехра билан қарши олишди. Серқуёш республикамиз ҳақида батафсил маълумот сўрашди. Биз ҳам жонажон Тошкент ҳақида, жаннатмакон ўлкамиз табиати ҳақида тўлқинланиб сўзлаймиз. Боғларимизнинг саҳийлигидан гапириб, кўпчиликни лол қолди- рамиз...

Ёзувчи кўюниб келтирган мисоллар хусусида жуда узоқ ўйладим. Наҳотки... наҳотки шундай бўлиб борапти! Бу савол менга тинчлик бермай қўйди. Кейин ўзимизни ўйладим... Қисқа давр ичида қилган ишларимизни кўз олдимга келтирдим. Биз нима қилдик ва нималар қилмоқчимиз! Нокамтарликка йў- майсизлар-у, қилган ишларимизнинг бири ҳақида тўхталмоқчи- ман. Утган мавсумда ишчилар учун завод профилакторийси қўрмоқчи бўлдик. Профилакторий шундоқ Қорадарё бўйига тушиши керак эди. Масъул ўртоқлар билан келишиб, тўрт гектар майдон ҳам ажратиб олдик. Бир ёқда қўрилиш давом этапти. Иккинчи бир ташвиш — олинган ер қўлдан чиқмаслиги керак. Коллективдаги катта-кичик билан бамасла- ҳат иш бошладик. Боғдорчиликдан яхши хабари бўлган ходимимизни у жойга мутасадди қилиб қўйдик. Ишлар юришиб кетди. Олма, нок, беҳи, олхўри ва бошқа мева турларидан ўтқаздик. Шунда кимдир шотут ва жийда ҳақида гапириб қолди. Бу дарахтларнинг ҳосияти ҳақида тўлиб-тошиб сўзларди. Улардан ҳам топтирдик. Мана, икки йилнинг ўзидаёқ боғимизнинг кўрки ўзгача.

Бироқ, шундай хайрли ишлар бошқа жойларда ҳам бўлаптими! Йўқ, албатта. Уша ёзувчи айтган камчиликнинг бошқача кўриниши бизда ҳам бор. Бизда ҳам ҳали — ҳозирга- ча мевали дарахтга болта кўтарувчилар топилиб туради.

Беихтиёр болалик йилларимни ўйлайман. Дала-тузга айла- ниб бориб қолсақ, ажиб манзарага дуч келардик. Пахта майдонларининг четларида, зовур бўйларида, дала шийонла- ри яқинида гуллаган жийданинг ҳиди анқиб ётарди. Ҳайбатли сухан ўриклар, бодроқ тутлар бўларди. Кўпинча даладан тўтхўрлик, ўрикхўрлик қилиб қайтардик. Далада ишлаётган- ларнинг ҳам назари тўқ эди, чамамда. Роса гарқ бўлиб пишгунча сабр қилинарди. Афсуски, эндиликда ана шу ўрик, жийда, тутлардан ном-нишон қолмади. Бунга ким айбдор! Албатта ўзимиз.

Орифжон УРАИМОВ,

Чинобод пахта тозалаш заводи директори.

# РАСМИЙ ЖАВОБ

«Ешлик» журнали кўтариб чиққан масала диққат-эътиборга молик, зеро у шаҳар қурилишининг энг муҳим проблемаларидан бири — қулай турмуш шароитини яратиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Муаллифнинг эътирос билан куйиб-пишиб ёзганлиги табиий. Чунки у шаҳарни яна ҳам гўзал, яна ҳам файзли кўришни истайди. Лекин у шаҳар қурувчилари, хўжалик раҳбарларига эътироз тариқасида келтирган барча цитаталар, истиоралар, далил-исботлар, айблар хусусий бир масала — шаҳарни мевали дарахтлар ҳисобига янада кўкаламзор қилишга бориб такалади. Бу аслида янги таклиф эмас. Тошкент шаҳри қурилиши мисолида илгарилари ҳам шунга ўхшаш уринишлар бўлган, лекин афсуски, ҳар доим ҳам ижобий натижа билан тугаган эмас.

Бир вақтлар жамоат майдонларига мевали кўчатлар экиб кўкаламзор қилишга уриниб кўрилган эди. (Масала, Фрунзе номли майдонда). Лекин барча хатти-ҳаракатлар зое кетди. В. И. Ленин номидаги ва Халқлар дўстлиги майдонларини қуришнинг сўнгги лойиҳаларида кўкаламзорлаштириш архитектураси композицияси составига мевали дарахтлар — ўрик, гилос, тут, беҳи дарахтлари ҳам киритилган эди. Бугунги кунда ўша лойиҳалар тўла амалга оширилгани йўқ.

Агар шаҳарларни кўкаламзорлаштириш тарихига назар солсак, шунини кўрамизки, ўтмишда мевали дарахтлар уй-жой, иморат, кўрғонларнинг таркибий қисми бўлган, яъни қурилиш бошланиши билан дарахт ҳам экилган. Жамоат территориялари ҳисобланган мачит, чойхона, ховуз, бозор олдидаги майдонларга одатда мевасиз дарахтлар — тол, қайрағоч, тераклар экилган. Меваликлардан фақат тут, баъзан ўрик кўчатлари ўтказилган.

Жамоат жойларини кўкаламзорлаштиришда мевали дарахтлардан фойдаланиш тажрибаси ҳали етарли эмас. Бу борада яна бошқа тадбир-чоралар кўриш керак. Тошкентни социал-иктисодий жиҳатдан ривожлантириш вазифалари ниҳоятда мураккаб бўлиб, улар аҳолининг гуркираб ўсиши, территория ва сув ресурсларининг танқислиги, қурилиш индустриясининг замон талабларидан орқада қолаётганлиги ва бошқа қатор кийин шарт-шароитлар билан изоҳланади. Республикамиз шаҳарсозлари ҳар томонлама қулай, шинам

муҳит яратиш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилмоқдалар.

Шаҳар территорияси 1990 йилгача кенгаймайди. Аслини олганда ҳамма қурилиш ишлари нурай деб турган эски биноларни реконструкция қилиш ҳисобига олиб борилади. Бундай шароитда янги уй-жой кварталларининг қаватлари кўпайтирилади (ҳозир 4—9 қаватли уйлар қуриляпти, келгусида 12 қаватгача етказилади) ҳамда бир-бирига жуда яқин қилиб қурилади. Бинобарин, аҳоли учун энг қулай шарт-шароит яратиб бериш мақсадида уйлар, бинолар ўртасидаги бўшлиқлар жуда диққат-эътибор билан қатъий кўриб чиқирилиши, танланиши керак. Бундай ҳовли-жойларни мевали дарахтлар билан кўкаламзорлаштириш иши ўзибўларчилик тарзида олиб бориламанлиги, яъни ҳар ким хоҳлаган кўчатини, хоҳлаган жойига экавермаслиги керак. Бу иш кўкаламзорлаштириш лойиҳасига мувофиқ бажарилиши лозим. Бу лойиҳада мевали кўчатларни ҳар бирининг ўсиш, ривожланиш шароитига қараб қаерларга экиш аниқ кўрсатиб берилган. Мевали дарахтларнинг ноёб, қимматли навларини асраб қолиш, эскидан таркиб топган территорияларни реконструкция қилишнинг зарур шартларидан биридир.

Институтимиз ишлаб чиққан кўкаламзорлаштириш лойиҳаларида илгарилари мевали кўчатлардан ўрик, тут, ёнғоқ, олма экиш кўзда тутилган эди.

Институт кичик-кичик бир неча парклар, сайроғх жойлар, хиёбонлар барпо этиб, уларга ўрик, олма, тут, гилос, беҳи кўчатларини экишни тавсия этади. Йирик шаҳар шароитида, оммавий дам олиш зоналари бўлмиш Бўзсув, Чирчиқ дарёлари бўйларида ёнғоқзорлар, икки томонда ёнғоқ дарахтлари экилган хиёбонлар барпо этиш мўлжалланмоқда.

Транспорт кам қатнайдиغان кичик-кичик кўчалар бўйига ёнғоқ ва ўрик кўчатлари ўтказиш аиникса қулайдир.

Лекин биз авторларнинг бу мавзуга ҳаддан ташқари берилиб кетмасликларини, фақат шу йўл билангина озик-овқат программасини ҳал қилиб бўлмаслигини тушунишларини истар эдик.

**Ф. ТУРСУНОВ,**

Тошкент шаҳрини лойиҳалаштириш илмий-тадқиқот институтининг директори.

**РЕДАКЦИЯДАН:** Ўртоқ Ф. Турсуновнинг жавоби бизда, умуман қониқиш туғдирди. Аммо у кишига эътирозларимиз ҳам йўқ эмас. Аввало шуки, муҳокамага қўйилган масала бўйича институт директорининг позициясини аниқ-равшан дейиш қийин. Бир қарашда ўртоқ Ф. Турсунов, «тўғри, Тошкентни мевазор боғлар масканига айлантириш керак», деб муаллиф билан журналнинг фикрига қўшилгандек, аини замонда «бунақа уринишлар илгари ҳам бўлган, лекин, ижобий натижа билан тугамаган», дея муҳим масалага шубҳаланиб қараётганга ўхшайди.

Бизнингча, жавобдаги яна бир фикрга қўшилиб бўлмайди: «Ўтмишда мевали дарахтлар уй-жой, иморат, кўрғонларнинг таркибий қисми бўлган...» Тўғри, бурунги замонда Тошкентнинг киёфаси бутунлай бошқача эди. Ҳар бир хонадонда шаҳар ҳовли бўларди, баъзиларнинг хатто дала ҳовлиси ҳам бор эди. Бир тупми, ўн тупми, ишқилиб, мевали дарахти йўқ эмасди. Шаҳар кенгайиб, кўп қаватли уйлар тушиб, бу ҳовли ва боғчалар табиий равишда йўқолиб кетди-ку? Аслида журнал таклиф этаётган масала ҳам ана шу собиқ боғлар ўрнини ҳеч қурса шаҳар кўчалари ва майдонлари ҳисобига қайта тиклаш эмасми? Биз ўртоқ Ф. Турсунов айтганидек, бу мавзуга «ҳаддан ташқари берилиб» кетганимиз йўқ. Мазкур муаммонинг нечоғли тўғри ва амалий баҳолангани Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси В. Козимовнинг жавобидан кўришиб турибди.



Редакциямиз «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мақоласи муносабати билан Тошкент шаҳар ижроия комитетидан расмий жавоб олди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Мазкур мақола Тошкент шаҳар ижроия комитети йиғилишида муҳокама этилди. Муҳокамада район ижрокомларининг раислари, бўлим бошлиқлари, ижроия комитет Бош бошқармалари ва лойиҳалаш институти раҳбарлари ҳамда шаҳарни кўкаламзорлаштириш бўйича мутахассислар қатнашдилар. Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Журнал кўтариб чиққан мақола тўғри ва долзарб деб топилди.

Дарҳақиқат, шаҳарни ободонлаштириш соҳасида қилинаётган ишлар озиқ-овқат программаси талабларига жавоб бермайди. Кўп йиллардан бери турар жой бинолари оралиғидаги бўш ерлар ҳамда турли ташкилот ва муассасалар ҳовлилари, Бўзсув ва Қорасув каналлари соҳиллари, шаҳар атрофидаги Халқа йўл четлари, Софийск бульвари, Халқлар дўстлиги, Зиё Саид, Генерал Узоқов, Истироҳат кўчаларига мевали дарахт экилмай келди.

Тошкент шаҳар совети Ижроия комитети район ижроия комитетлари, Бош бошқармалар ва бошқармалар, шаҳар ижроия комитети бўлимлари зиммасига корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари билан биргаликда «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мақоласини муҳокама этиш вазифасини юклади. Шунингдек, улар бир ой ичида кўчат ўтқазиладиган майдонларни белгилашлари, мевазор боғлар барпо этиш ҳамда мазкур боғларни парваришлаш бўйича конкрет чора-тадбирлар тузишлари лозим деб кўрсатилди.

Ободонлаштириш Бош бошқармаси ихтиёридаги манзарали дарахтлар совхозига мевали кўчатлар етиштириладиган участкалар ташкил этиш топширилди.

Архитектура-лойиҳалаш бошқармаси, Ободонлаштириш Бош бошқармаси, район ижроия комитетлари зиммасига Тошкент шаҳар ижроия комитети қарори ва белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлигини кун сайин назорат қилиб бориш ҳамда 1 октябрдан бошлаб ҳар ойда ижроия комитетни хабардор этиб туриш вазифаси юклатилди.

«Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари редакциялари меҳнат коллективларининг мевазор боғлар бунёд этиш соҳасидаги фаолиятларини мунтазам ёритиб боришлари лозим».

Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси  
В. КОЗИМОВ.



Озод Шарафиддинов

# ФАОЛЛИКНИНГ ЕНИҚ МАШЪАЛИ



*Николай Островский яратган Павел Корчагин образи социалистик жамиятнинг илк босқичида шакланган комсомол ёшлар авлодининг энг яхши хислатларини ўзида мужассам этган. Бу ўлмас асар ва образнинг жуда катта ижтимоий-эстетик қиммати ҳам ана шундадир,*



дабиётда ўқтин-ўқтин ғалати мўъжизалар рўй бериб туради. 1932 йилнинг апрелида «Молодая гвардия» журналида бир роман босила бошлади. Роман — муаллифнинг матбуотда эълон қилинаётган биринчи асари эди, бинобарин, унинг номи ҳам ҳали китобхонлар оммасига таниш эмасди. Буни қарангки, орадан кўп ўтмай, шу нотаниш ном тилларда дoston бўлиб кетди. Николай Островский китобхонларнинг энг сеvimли ёзувчиларидан бири бўлиб қолди. «Пўлат қандай товланди» романи эса совет адабиётининг классик асарлари қаторидан ўрин олди. Уша йилнинг ўзида роман алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди, тиражи ҳам икки миллиондан ошиб кетди. Шу тарзда бу ажойиб ромanning сайёрамиз бўйлаб музаффарона юриши бошланди. Фақат биздагина эмас, жаҳоннинг бошқа кўпгина мамлакатларида ҳам китобхоннинг энг қадрдон дўстига, энг дилкаш суҳбатдошига, энг ишончли маслаҳатгўйига айланди.

«Пўлат қандай товланди» романи анчагина одамнинг тақдирига бевосита таъсир кўрсатди, кўпгина ёшларга ҳаётда бирдан-бир тўғри йўлни танлаб олишга, ўз иродаларини тоблашга, характерларини чиниқтиришга ёрдам берди. Айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонларида, душман босиб олган жойларда, мамлакат ичкарасида — меҳнат фронтида юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатган, мислсиз



жасоратлар билан номларини мангу шон-шухратга буркаган юз минглаб йигит-қизларимиз борки, уларнинг бари Павел Корчагинга қондош ва жондош... Олег Кошевой, Зоя Космодемьянская, Лиза Чайкина, Николай Кузнецов, Александр Матросов, Николай Гастелло, Тўйчи Эрийгитов... Буларнинг ҳаммаси уруш арафасида Корчагин мактабини ўтган, харақтерларини шакллантиришда ундан кўп нарсга ўрганган... Ватанимиз сарҳадларидан ташқарида ҳам «Пўлат қандай тобланди» фашизмга қарши курашчиларга яқиндан ёрдам берган. Масалан, Сербиядаги партизанлар отрядларидан бирида энг жасур жангчи «Павел Корчагин» деб аталиш ҳуқуқига эга бўларкан. Шу отрядда комсомолга киришни истаган ёшлар бошқа фазилатлари билан бирга «Она» ва «Пўлат қандай тобланди» романларини ўқиган бўлиши шарт экан.

Бундай мисолларни яна юзлаб, минглаб келтириш мумкин. Кўриниб турибдики, роман кенг тарқалиши, кўп ўқилиши, таъсирчанлиги жидатидан жаҳон адабиётининг энг нодир асарлари билан бемалол рақобатлаша олади.

«Пўлат қандай тобланди» романига фавқулодда жозиба бағишлаган омилларни чуқурроқ англамоқ учун, биринчи навбатда, асарнинг бош қаҳрамони Павел Корчагин образининг моҳияти билан яқинроқдан танишмоқ лозим.

Авалло шуни таъкидлаш керакки, Павел Корчагин рус классик адабиётининг буюк аъённалари руҳида яратилган образ. У Чернишевскийнинг Рахметови, Горькийнинг Павел Власови каби ажойиб революционерлар силсиласининг янги бўғинига мансуб.

Павел Корчагин бошдан-оёқ бевосита ҳаётдан олинган. У том маънода революция фарзандидир. Унинг эътиқоди, иродаси, характери революцион курашлар оловида тобланган. Павелнинг болалиги шундай муҳитда кечадики, илк қадамларда унинг синфий онги шакллана бошланади. Шунинг учун ҳам у ўсмирлик палласига қадам қўяр-қўймас, синфий жангларда актив иштирок эта бошлайди. У Октябр революциясини сира иккиланмай кутиб олади ва қўлида қурол билан унинг ғалабасини таъминлаш учун жангга отланади. Унинг ғоявий эътиқоди эрта шаклланади ва бу эътиқод Павелнинг бутун ҳаётини машъалдай ёритиб туради. Павел меҳнаткаш инсоннинг бахтли турмушини таъкидлайдиган адолатли жамият барпо этиш мумкин ва зарур деб ҳисоблайди, ҳаётининг маъносини шундай жамият яратиш учун курашдан иборат деб билади. Унинг ҳаётидаги олий мақсад шу! Павел турмушидаги ҳар бир қадамини шу мақсадга мослаб келди, бу мақсадни рўёбга чиқаришга халақит берадиган ҳар қандай нарсадан сира иккиланмай воз кечади, ҳатто шахсий ҳаётининг энг интим лаҳзаларида ҳам бош мақсад тақозоси билан иш юритади. У чин кўнгилдан Таняни севади. Унга жону жаҳонини бахш этишга тайёр, бироқ муҳаббати билан эътиқоди тўқнаш келганда сира иккиланмасдан севгисидан кечади. Умуман, Павелга иккиюзламалик бутунлай бегона, у мурасасозликни, келишувчиликни ёмон кўради, унинг ўзи билан иши сира ҳам айри тушмайди.

Айни чоғда, романдаги Павел фақат яхши хислатлардан, гўзал фазилатлардан таркиб толган схема эмас. Ҳазуви уни жонли инсон тарзида тасвирлайди. Инсон сифатида эса, Павел фазилатлар билан бирга заифликларга ҳам эга. Масалан, у хасталини ва ҳатто хасталик унинг жисмидан ғолиб келиши мумкин. Романда шундай бўлади ҳам, фалаж уни кўп йиллар давомида тўшакка михлаб ташлайди, пировардида, у иккала кўзидан ажраб, кўр бўлиб қолади. Бироқ Павелнинг табиати шунақаси, тақдирнинг бундай оғир зарбалари уни таҳликага туширолмайди, у ҳаёт гирдобларида ҳар қандай мураккабликларга рўпара келмасин, умидсизликка берилиб, курашдан тўхтамайди. Тақдир зарбаларига унинг жисми дош беролмаслиги мумкин, бироқ руҳи ҳар қандай чигал вазиятда ҳам ғолиб чиқади. Павел буюк руҳий қудратга эга. Унинг айни шу ҳислати Павелни китобхонлар учун сеvimли ва ардоқли образга айлантиради, шу фазилат туйфайли Павел ёшларни ўз ортидан эргаштирадиган қувват касб этган.

Юқорида Павел Корчагин образининг ҳаётдан олингани тўғрисида гапирган эдик. Ҳақиқатан ҳам, романда тасвирланган воқеаларнинг ҳаммаси реал тарихий воқеалар бўлгани каби, Павел Корчагин образи ҳам автобиографик характерга эга, яъни Павел Корчагин бошдан кечирган воқеаларнинг кўпчилиги бевосита Николай Островский ҳаётида рўй берган

воқеалардир. Шу муносабат билан роман илк бор босилиб чиққан кезларда айрим танқидчилар «Пўлат қандай тобланди» романини автобиографик асар деб баҳолай бошладилар. Николай Островский бундай қарашларга кескин қарши чиққан эди. Негаки, «Пўлат қандай тобланди» романини автобиографик асар деб ҳисобласак, унда тасвирланган воқеалар фақат битта одамнинг биографиясига тааллуқли бўлиб қолади. Павел Корчагин ҳам умумлаштирувчи қувватидан маҳрум бўлиб, битта кучли, фавқулодда шахсининг образи бўлиб қолади. Ҳолбуки, «Пўлат қандай тобланди» автобиографик асар эмас, мемуар асар эмас, том маънодаги бадиий асардир, яъни унда тасвирланган воқеалар бадиият қонуниятлари асосида саралангани каби, марказий қаҳрамон Павел Корчагин ҳам жуда катта умумлаштирувчи кучга эга. Ҳазуви Павел фавқулодда шахс эмаслигини, халқ оmmasи билан узвий боғланган, омма ичидан чиққан революционер эканини, шунинг учун унинг фидокорлиги ва қаҳрамонлиги ҳам оммавий характерга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Павел Корчагин социалистик жамиятнинг илк босқичида шаклланган комсомол ёшлар авлодининг энг яхши хислатларини ўзида мужассам этган образдир. Бу авлод — революция оловларида чиниққан, ундан кейинги синфий кураш ўтларида тобланган, революция ғалабасини таъминлашда мислсиз жонбозлик кўрсатган, сўнгра социалистик жамиятнинг иқтисодий ва маънавий базасини барпо этган авлоддир. Павел Корчагин образининг жуда катта ижтимоий-эстетик қиммати ҳам шунда. Жаҳон адабиётини ана шундай бетакрор ёрқин адабий тип билан бойита олган адиб чинакамига бахтиёр адибдир. Николай Островский ҳаёти ҳам нечоғлиқ мураккабликлар ичида кечган, ҳар қадамда ақл бовар қилмайдиган мушкулотларни енгиб ўтишга мажбур бўлган, ҳатто чинакамига чуқур фожиаларга дуч келган бўлса-да, у бахтиёр инсон ва бахтиёр адиб эди.

1904 йилда туғилган Николай Островский атиги 32 йил умр кўрди. Бироқ шу 32 йил давомидаёқ у бизнинг инсон ҳаёти ҳақидаги кўниқилган тасавурларимизни алғов-далғов қилишга улгурди. Аввало у ўзининг 32 йиллик ҳаёти билан инсон умри фақат бўйига ўлчанмаслигини исбот қилди — у 32 йиллик муддат ичида камида уч кишининг умрини яшади. Яшаганда ҳам шундай мазмунли яшадикки, уларни йилларга қақса, жуда катта рақам чиқиши турган гап. Островский аввало революция жангчиси сифатида мазмундор ҳаёт йўлини ўтди. У авжи навқирон йигитлик йилларини қўлида найза билан эгар устида оқғвардиячиларга, бандитларга, чет эллик интервентларга қирон солиб ўтказди. Оғир ярадор бўлиб, бевосита фронтда жанг қилиш имкони қолмагандан кейингина у кураш турини ўзгартиради — қурилиш фронтига ўтади, комсомол ишида ишлайди. Бу жаҳада ҳам у куч-қувватини аямай, бутун борлиги, жаъмики шиддати билан ишлади. Николай Островский 1924 йилда Коммунистик партия сафига киради ва бу ҳақда «мен партия қуёшининг шуъласи акс этган кичик бир қатраман» деб ифтихор билан ёзади. Аввалги мушкулотлар етмагандай, Николай Островский тифга чалинади. Хасталик кучайиб, у ётиб қолади. Бундай шароитда ҳар қандай одам ҳам руҳан энгилиши, тақдирга тана бериб, паймонанинг тўлишини кутишга берилиши мумкин. Лекин Островский бундай қилмайди, чунки у ўзини коммунист деб билади, коммунист эса унинг тасавурида курашчи инсон. У энг сўнги имконият қолгунча ҳам, партияга, халққа фойда келтириб яшаши керак. Шундай экан, Островский кураш турини ўзгартиради, лекин курашдан тўхтамайди — у ёзувчиликни танлайди, қалам билан умумхалқ курашида иштирок этишга жазм қилади. Бироқ ёзувчилик осон иш эмас — у жуда катта билимни, мислсиз меҳнатни талаб қилади. Николай Островский бунга ҳам руҳан тайёр эди. Буни қаранг — 1927 йилда тўшакка парчинланиб ётган Николай Островский Свердлов номидаги Коммунистик университетга сиртдан ўқишга киради ва уни муваффақиятли битиради. «Ўз устимда жуда қаттиқ ишладим, шу туйфайли зиёли бўлдим», деб ёзади адиб. Бу сўзларни ўқиганда баъзи бир ҳозирги ёшларни кўз олдимга келтираман — уларнинг ёнида диплом, тагида машина, башанг кийинган, уйидаги зебу зийнатлардан ҳушинг учуади. Бироқ уларни сира ҳам зиёли деб биймайди. Чунки улар одамга зиё бахш этадиган ички нурдан, катта меҳнат эвазига туғиладиган ички маданиятдан маҳрум.

Николай Островскийнинг адблик ишига нечоғлиқ масъулият билан қарагани, асарларини чинакамига фидокорона меҳнат

эвазига барпо этганига амин бўлиш учун битта мисол келтираман. Маълумки, Николай Островский «Пўлат қандай тобланди»дан сўнг «Бўрон болалари» романини ёза бошлади. Роман битгандан кейин, 1936 йилнинг 15 ноябрида муҳокама қилинади, унда асарнинг анча-мунча таҳрир талаб ўринлари кўрсатилади, қамчиликлари айтилади. Бу пайтда Островскийнинг соғлиғи кун сайин оғирлашиб бораётган эди. Шунга қарамай, у қўлёзма устида таҳририги ишларни олиб боради ва 11 декабрда бу ишни тугатади. Орадан ўн бир кун ўтгач эса унинг юраги уришдан тўхтади. Кўринадики, Николай Островский адиллик фаолияти билан ҳам мислсиз жасорат кўрсатди ва ҳаётда ҳаммаша жасоратга ўрин борлигини исбот қилди. Шу муносабат билан ҳозирги ёшлар ўртасида аҳён-аҳёнда бўлса-да учраб турадиган бир қарашни эсламай бўлмайди. Бу қарашга кўра, ҳозир зарур шароит йўқ, шароит бўлса Островский каби жасорат кўрсатиш мумкин эмиш. Бундай қараш мутлақо нотўғри. Николай Островскийнинг мисоли гап шароитда эмас, одамнинг ўзида эканини, унинг эътиқодида, яшаш принципларида эканини тасдиқлайди. Гап шундаки, Николай Островский том маънодаги коллективист эди. У 32 йиллик умрининг онгли қисмини ўзида бор нарсаларни бошқаларга улашиб кечирди. У белининг қуввати, кўзининг нуруни, руҳий бойлигини одамларга охиригача бахш этди. Кўпчилик манфаати учун яшаш, халқ бахти учун курашиш, порлоқ истиқбол учун умрни бахшида этиш Николай Островскийнинг энг муҳим эътиқоди, етакчи яшаш принципи эди. «Кимки ёнмас, тутайди. Бу — қонун. Яшасин ҳаёт алангаси!» деб ёзган ва ўзи ҳар қадамда бунга амал қилиб яшаган эди Островский.

Худди шу ўринда Николай Островский бахтли бўлганми — йўқми деган масалани узил-кесил ҳал қилиш мумкин. Бунинг учун яна адибнинг ўзидан ёрдам оламиз. У худбинлик фалсафасини жинидан баттар ёмон кўрар, ўзининг «мен»идан бошқа нарсани тан олмайдиган шахсиятпарастлардан нафрат қиларди. У айниқса, бармоғидаги яра туйфайли мувозанатдан чиқиб кетадиган, хотинининг кайфиятини революциядан муҳимроқ биладиган одамларни одам қаторида кўрмас эди. 1936 йилнинг ноябрида «Комсомольская правда» газетасида зълон қилинган мақоласида Николай Островский шундай ёзган эди: «Эгоист ҳаммадан бурун ҳалок бўлади. У ўз ичиди ва ўзи учун яшайди. Унинг «мени» майиб бўлган экан, унинг учун яшашнинг маъноси қолмайди. Унинг бошига эгоизм туни, маҳкумлиқ зулмати тушади. Бироқ инсон ўзи учун яшамаса, ижтимоий муҳитга сингиб кетган бўлса, уни ўлдириш қийин — бунинг учун уни қуршаб турган муҳитни, бутун мамлакатни, бутун ҳаётни ўлдириш керак». Эгоизмдан, индивидуализмдан ҳазар қилган, тор шахсий манфаатлар доирасидан чиқолмай ҳаёт кечиришни қоралаган адиб ўзининг ёзувчи сифатидаги фаолиятдан мамнун бўлмаслиги мумкин эмас эди. Чунки, у адибликни ҳам курашнинг шаклларида бири деб ҳисоблаган. «Пўлат қандай тобланди»нинг муваффақиятини эса шу қурашда эришилган ғалаба деб билган эди. Шунинг учун ҳам у роман нашр этилгач, «энг ардоқли орзум рўёбга чиқди, партияга фойдасиз ўртоқдан яна жангчига айландим. Мен мамлакатимиз ҳаётида ўз ўрнимни топиб олдим», деб ёзганди.

Николай Островский бу эътиқодига ўзи амал қилиш билан чекланмай, уни имкони борича кенгроқ тарғиб қилишга, айниқса, ёш ёзувчиларнинг эътиқодига айлантиришга ҳаракат қилади. У бояги мақоласида ўзи буқадай саломат бўлгани ҳолда ёзишни истамайдиган, эски асарлари ҳисобига яшашни

маъқул кўрадиган, енгил-елпи яшаб, мансабдан боши чиқмай-диган «ёзувчи»нинг совуқ образини чизади ва унга курашчи ёзувчини қарама-қарши қўяди. Уйлайманки, Николай Островскийнинг ёш ёзувчиларга қарата айтган оташин сўзлари бугун ҳам ўз қимматини заррача йўқотгани йўқ. «Ёш ёзувчи бутун мамлакат билан бирга инсон сифатида, жангчи сифатида ўсгандагина ёзувчи сифатида улғайиши мумкин... Фақат илғор жангчилар сафида турибгина кураш эҳтироси билан ёниб, мағлубиятлардан изтироб чекиб, бутун халқ билан бирга ғалабалардан қувонибгина ҳаққоний, олга қорловчи, тўлқинлантирувчи китоб яратиш мумкин». Бу гаплар қуруқ шиор, шунчаки китоб эмас. Уларнинг ҳақлигини ёзувчи бутун ҳаёт йўли билан исбот қилган. Унинг ўзи ана шундай илғор жангчилам сафида борган, қалбиди кураш эҳтироси ёнган адиб эди. Шунинг учун ҳам улғу француз ёзувчиси Ромен Роллан Николай Островский билан сўхбатлашгандан сўнг уни «фаолликнинг ёниқ машъали» деб атади. Уйлайманки, бу ихчам таърифда Николай Островский сиймосини ҳам, асарларини ҳам ичидан нурлантириб турган қудрат яхши очилган.

Биз бугун ана шу ажойиб ёзувчи тўғилган куннинг 80 йиллигини нишонлар эканмиш, яна бир масала ҳақида мулоҳаза билдириш жоизга ўхшайди. Адабий йигинларда, мақолаларда бугунги адабиёт ҳақида гап кетаркан, тез-тез «қани бугуннинг Корчагинлари!» деган савол учраб туради. Кўпинча бу саволнинг таг заминиди «бугунги адабиётимиз Островский анъаналарини давом эттирмаяпти, қаҳрамонона характерлар яратилмаяпти, давримизнинг тўлақонли ижобий қаҳрамони ўз ифодасини топмаяпти» деганга ўхшаш таъна-дашномларнинг оҳанги сезилиб туради. Баъзан эса айрим ёзувчилар бу саволга жавоб берар экан «бугун Корчагинлар замони ўтиб кетди, энди бошқача образлар яратиш керак» деган мазмунда фикр юритишади.

Даставвал шунга айтиш керакки, саволнинг қўйилиши тўғри эмас. Адабиётда яратиладиган образлар ҳаммаша конкрет ижтимоий муҳитнинг, муайян тарихий даврнинг маҳсули бўлади. Унда муайян сиёсий, фалсафий, маънавий, ахлоқий қарашлар ўз ифодасини топган бўлади. Шундай экан, жаҳон адабиётида яратилган биронта образ кейинчалик айнан такрорланиши мумкин эмас, бунга заррача эҳтиёж ҳам йўқ. Бинобарин, «бугунги куннинг Корчагини ёхуд Власови» бўлиши мумкин эмас. Бироқ бу фикр «бугунги кунда Корчагиннинг қиммати йўқ» деган фикрни ҳам билдирмайди. Павел Корчагин бугун ҳам икки жиҳатдан катта қимматга эга. Бир жиҳатдан, бу образ давримизнинг ижобий қаҳрамони образини яратувчи ҳар бир ижодкор учун ҳаммаша ибрат мактаби, қимматли сабоқ бўлиб хизмат қилади. Бунда, албатта, ёзувчи Корчагин образининг ташқи белгиларини такрорлаш йўлидан бормасдан, ундаги эътиқоднинг теранлигини, эҳтироснинг ўткирлигини, унинг қалбидидаги оловнинг сўнмас тафтини ижодий ўзлаштириш йўлидан бормоғи жоиз. Иккинчи жиҳатдан эса, китобхон учун Павел Корчагин бутун бир ижтимоий даврнинг бадий ҳайкали сифатида ҳаммаша тирик. Китобхон ҳам Корчагиннинг ҳаёт йўлини такрорлаган ҳолда, унинг олижаноб фазилатларини ўзида тарбиялаши, мешчанликка, лоқайдликка, истеъмолчилик психологиясига қарши Павелдай муросасиз бўлиши мумкин ва жоиз.

Шу маънода Павел Корчагин боқий образ, у ҳаммаша навқиронлигича қолади. У чиндан ҳам жаҳон адабиётининг мангу образлари қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.





Фулом  
КАРИМОВ

# ЗАМОН САДОСИ



Янги тарихимизнинг шарафли ва табаррук саҳифаларини ташкил қилган революция даврида яшаб, адабиётимизни ижтимоий мазмун, илғор идеялар, революция руҳи билан бойитган ва уни янги юқори тараққиёт босқичига кўтаришда жонбозлик қилган шоирлардан бири Сидқий-Хондайлиқий ҳисобланади. У 1905 йилдан кейин ўзбек адабиётида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бошчилигида туғилаётган инқилобий поэзиянинг Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Аваз Утар, Завқий, Шукрий, Анбар Отин каби ижодкорлари авлодига мансуб бўлган шоирдир.

Сирожиддин маҳдум ўз ижодини кичик ҳажмдаги лирик шеърлар ёзиш билан бошлади. У шароит тақозоси ва ёзган асарларининг характериға қараб «Сидқий», «Сидқий-Хондайлиқий», «Сидқий Хондайлиқий», «Шавкат», «Шавкат Искандарий», «Шеван» тахаллусларини қўлади.

Сидқий-Хондайлиқийнинг ишқий темада ёзган дастлабки лирик шеърлари икки жиҳатдан диққатга сазовор. Биринчидан, шоир ўз танлаган темасини умумдемократик адабиёт руҳида талқин этади. Улар баёзхонлик адабиётига хос бўлган порнографиядан, маишатпарастликдан, ахлоқсизликдан узоқ. Сидқий яратган ишқий лирик шеърларда, демократ шоирлар ижодига бўлганидек, соғлом, инсоний муҳаббат улуғланади, вафо, садоқат, инсоф-мурувват каби юксак одабийлик фазилатлари куйланади.

Сидқий-Хондайлиқий илк шеърларининг иккинчи аҳамиятли нуқтаси шунда эдики, жамиятда диний фанатизм ҳукмронлик қилиб, ислом руҳонийлари томонидан мистик, тарки дунёчилик, дарвешлик идеялари зўр бериб тарғиб қилиниб турган бир шароитда ҳаёт гўзаллигини, инсоний муҳаббат туйғуларини куйлаш, шубҳасиз, ҳукмрон феодал идеологиясига қарши кўтарилган шаккокликдек туюлар ва жамиятдаги оппозицион кайфиятга куч-қудрат бағишлар эди.

Ҳазал формасида ёзилган «Этиб кет!» радиопли шеърдан олинган куйидаги парчада Сидқийнинг илк ижоди давридаги шу илғор эстетик принциплар аён кўриниб туради:

Эй дил, келу бир наво этиб кет,  
Ғам шарҳидан ибтидо этиб кет,  
Ҳазал аҳлини ҳимматин на ерда,  
Эрсанг ани борҳо этиб кет.  
Сидқий берибон йўлида ёринг,  
Жонингни анго фидо этиб кет.

Сидқий-Хондайлиқий поэзиясида сатира-юмор алоҳида ўрин тутадикки, бу ҳол шоир ижодининг социал қийматини ошириб, уни биз учун янада аҳамиятли ва қимматли қилади. Шоирнинг ўз қўли билан ёзилган автобиографиясида бу тўғрида куйидаги сатрларга дуч келамиз: «Ман асосан ишқий ғазаллар ёзган бўлсам ҳам, лекин турли амалдорларни, уламо ва эшонларни танқид қилувчи ҳажвиётим ҳам кўп бўлур эрди. Мана шу ҳажвлар жиҳатидан баъзи тонфа одамлар мани кўп ёқтирмас эдилар».

Йўқлиқни йўқ иложи — дардиға манда, Шавкат,  
Ушбу сабабдин ортар ҳар дамда юз маломат  
Бул кунда турфа бўлдум беқадру, кетти қиммат.  
Кийсам агар бирор ой, ман оини ёна, Хислат,  
Эл ичра қилғай эрди Мажнун шоир, кафшим.

Сидқий-Хондайлиқий замон билан бирга борди. 1905 йилдан кейинги тарихий шароит яратган илғор идеялардан баҳраманд бўлиб, ўз ижодига уларни куйлашга киришди. Турмушда охиқдан-охиқ кўриниб турган ҳақсизлик, меҳнаткаш халқ устидан олиб борилаётган адолатсизлик, зулм, зўравонлик, бошқа ижод аҳллари сингари, Сидқий-Хондайлиқий ижодига ҳам нафрат, ғазаб ҳисларини оловлантирди. Шундай қилиб, Сидқий-Хондайлиқий ижодига ижтимоий мотивлар, социал тематика етакчилик қила бошлади. Шоир ижодига бу эволюция, айниқса, унинг 1916 йил миллий озодлик ҳаракатлари куч олган даврда, 1917 йил — Октябрь революцияси арафаларида равшан кўринади. Бу жиҳатдан шоирнинг 1917 йилда нашр этилган «Рабо[т]чилар келиши», «Тоза хуррият» ва ниҳоят «Русия инқилоби» асарлари муҳимдир.

Адабиётимизда «мардикорлар тематикаси» Ҳамзанинг 1916 йилда ёзган машҳур «Соғиниб», «Салом айтинг» шеърлари билан бошланади. Халқ ҳаётининг энг долзарб масалаларидан бўлган бу тематикани Ҳамзадан сўнг Сидқий-Хондайлиқий давом эттирди. 1917 йил бошларида «Рабо[т]чилар намоийши ёҳуд ватан қаҳрамонлари» тўпламини, шу йил март ойида «Рабо[т]чилар келиши» манзумасини эълон қилди. Агар Ҳамза фронт орқасидаги ишга сафарбар қилинган мардикорнинг ватандан узоқда, мис конларида, қарағайзор ўрмонларда эл-юртнини соғиниб айтган саломларини қўшиққа солиб, ўзбек мардикорларининг лирик образини яратган бўлса, Сидқий-Хондайлиқий хуррият туфайли озодликка чиққан ва ўз ватанига қайтган мардикорнинг бошидан кечирган кулфатли ҳаётини, фожиали саргузаштини ва ниҳоят эришган бахтини, қувончини куйлайди. «Рабо[т]чилар келиши» тўпламида иккита шеър бор: «Ситамдийда рабо[т]чилар келиши» ва «Сизларга мужда».

90 мисра шеърни ўз ичига олган «Ситамдийда рабо[т]чилар келиши» манзумаси мухаммас формасида ёзилган бўлиб, мардикорга берилган савол ва унинг жавоби тарзида — диалог усулида тартиб этилган. Бу адабий приём шоирга мардикорнинг узоқ ва совуқ ўлкаларда торган азобини, чор амалдорларининг ваҳшийликларини бутун чўқурлиги, даҳшати билан очиб беришга яхши имконият туғдиради.

Мунча муддатларда қолдингиз қаён!! — уш келдингиз,  
Қайси жойға бордингиз, бермай нишон!! — уш келдингиз,  
Ингламоқдин бўлди кўзлар ёши қон, уш келдингиз,  
Ғамда қад бўлди дуто, тан нотаваон, уш келдингиз,  
Эмди ғамгин дил уйға меҳмон, уш келдингиз.

Мардикор ўз саргузаштларини баён қилиб айтади:

Борибон мис кониға бўлдук неча муддат муқим,  
Зулм тоғи остида қадлар дуто бўлди чу мим,  
Ер тағиға гоҳ туштук бир-ики, уч қақирим,  
Ер босиб қолғайму деб жон титрар эрди, оҳким,  
Биз лойиқ десангиз: «Эй тоза жон, уш келдингиз!»

Мардикорлар қайтишига бағишланган тўпламдаги иккинчи шеър «Сизларга мужда» [хушхабар]дир. Ҳазал формасида ёзилган бу шеърда келгусидаги озодлик курашлари учун шайланган ўзбек халқининг энг асл фарзандларини «сарварим», «ғавҳарим» деб аташи ва кўзининг нуридек қадрлаши бежиз эмас эди, албатта.

Сидқий-Хондайлиқийнинг 1917 йил март ойида босмадан чиққан «Тоза хуррият» шеърлар тўплами хоризининг ағдарилиши, «хуррият» эълон қилиниши пафосини куйлайди. Унга кирган шеърларда биринчи қарашда мана шу озодлик қувончи

кўзга ташланади. Лекин, умуман олганда, шу давр адабиётидаги Ҳамза, Завқий, Аваз Утар ва бошқа илғор шоирлар ижодида бўлганидек, Сидқий-Хондайлиқий поэзиясида ҳам Февраль революциясидан қаноатланмаслик, ҳақиқий озодликни кўмсаш кайфиятлари учрайди. Китоб муқовасига чизилган қизил байроққа «Яшасин аскарлар! Яшасин ишчилар! Яшасин ҳуррият!» сўзлари ёзилган эдики, бу сўзлар шоирнинг ижодий-эстетик позицияси янгилиниб бораётганидан далолат бериб турар эди.

Сидқий-Хондайлиқий ижодий такомиллида 1500 сатрли шеърни ўз ичига олган «Русия инқилоби» достони алоҳида ўрин тутди. Икки инқилоб ораллигидаги бадий асарлар ичида ҳам ҳажм, ҳам мазмун, ҳам гоёвий позицияси жиҳатидан энг салмоқли ҳисобланган бу дostonда шоир кенг кўламдаги воқеалар ҳақида сўзлайди. Петрограддаги ишчилар бошчилиқ қилган революцион ҳаракатларга диққатни жалб қилади, ишчи ва аскарлар ҳамкорлигини табриклайди, ишчи ва солдат депутатлари Советини қўллаб-қувватлайди, Туркистон меҳнат-кашларини рус биродарлардан ўрнак олишга чақиради. «Русия инқилоби» достони Октябрь революцияси арафаларида яратилган инқилобий поэзиянинг энг йирик намуналаридан биридир.

Сидқий-Хондайлиқий таржима адабиётимизнинг ҳам бойишига салмоқли ҳисса қўшди.

Жаҳон адабиётининг ўлмас намунаси — араб эртаги «Минг бир кеча»ни таржима қилиб, 1910 йилда Андижонда биринчи жилдини, Тошкентда иккинчи жилдини литография йўли билан нашр эттирди. Шайх Саъдийнинг «Каримо» китобини назмда «Рахимо таржиман Каримо» номи билан 1910 йилда босмадан чиқарди. Яна Саъдийнинг «Бўстон» асарини назмда ўзбекчага таржима қилди ва «Унвон таржимаи Бўстон» номи билан чоп эттирди. Сидқийнинг бошқа асарларни ҳам таржима қилгани маълум. Умуман шоирнинг поэтик ижоди қаторида таржима асарлари ҳам махсус ўрганишга лойиқдир.

Сидқий-Хондайлиқий 1905 йилдан кейинги мураккаб тарихий шароитда майдонга келган адабий муҳитда яшаб ижод этди. Унинг ижодида қарама-қаршилиқларнинг бўлиши табиий. Лекин Сидқий Октябрь революциясидан илгарийқ ўз ижоди билан мана шу буюк гоёга — революция ишига хизмат қилиши кераклигини англаб етди.

... Замон садосини тўғри англаб етган Сидқий-Хондайлиқий ижодини кенг ўрганиш, айниқса бугун — шоирнинг 100 йиллик юбилеи арафасида адабиётшунослигимизнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб турибди. Зеро, унинг ижоди бунга лойиқдир.

## Сидқий-Хондайлиқий

### Ҳой!

Вақти иш ўтти дило, эмди қачон уйғонасан?  
 Ётибон гафлат, аро, эмди қачан уйғонасан?  
 Кетти гафлат, етти ҳуррият замони огаҳ ўл,  
 Ётасанму уйқуда, эмди қачон уйғонасан?  
 Зулмату жаҳл этти кўнглингни, дариғо, билмадинг,  
 Тошқўмирдин ҳам қаро, эмди қачон уйғонасан?  
 Бодаи ишрат билан бадмастдурсан, оҳким,  
 Ақлу хушунг йўқ бажо, эмди қачон уйғонасан?  
 Меҳрибонлиқ, яқзабонлиқ, ҳаминонлиқ фурсати,  
 Келди бул кун, гофило, эмди қачон уйғонасан?  
 Одам ўлдинг сан, бале, илму фунун ўрганмайин,  
 Янчилик жаҳл остида, эмди қачон уйғонасан?  
 ...Хусну дониш доманин тутким, ҳама уйғондилар,  
 Қилдилар ҳожат раво, эмди қачон уйғонасан?  
 Тур, тириш, илм иста, ётма, ўзгаларни тобакай  
 Кўл очиб, айлаб дуо, эмди қачон уйғонасан?  
 Бесинопат, беҳунар, бекаблиқ бирлан ўзинг,  
 Шуҳрат эттинг, Сидқиё, эмди қачон уйғонасан?

1917 йил, 24 март.

### «Русия инқилоби» дан

Мунингдек замонда ҳуқуқ исташинг  
 Ҳуқуқ истамоққа тузук қатнашинг!..  
 Ясанг жамъият барча бир тан бўлуб,  
 Фидокорлиқ ичра пурфан бўлуб...  
 Бутун дунёда ҳурриятчи аро  
 Бу сўз бор эрур, англандиз, эй ого,  
 Ҳуррият олинмас ҳеч имкон ила,  
 Магар олса мумкин эрур қон ила.  
 Ҳуррият олинмади қурбонсизин,  
 Ки тарихларнинг сўзидур чунин...  
 Тиришмоқ, киришмоқ керак ушбу кун,  
 Ки бордур тиришасак, киришасак ўрун!..  
 Буюк мақсад узра жанг урмоқ керак,  
 Тилаб матлаб, эмди югурмоқ керак!..  
 Бутун Рус халқи ҳуқуқ исташур,  
 Ҳуқуқ истамоққа тузук қатнашур...  
 Замона садосиға солинг қулоқ,  
 Ки ҳар дам дегай: Иттифоқ! Иттифоқ!..  
 Жаҳолат, атолат — йўқ ўлсун ҳама!  
 Разолат, касолат — йўқ ўлсун ҳама!  
 Яшасун ҳуррият билан Иттифоқ!  
 Кирилсун хиёнат эли ва Нифоқ!





# ПАНЧАШАНШРА

Русчадан ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ таржимаси

## Тўққизинчи ҳикоят



ир қасабада Ажилдатта деган брахман яшарди. Унинг қашшоқликдан абгор бўлган хотини уззукун жаврагани жавраган эди:

— Ландавур, бағри тош брахман! Наҳотки, болаларинг очликдан қанчалар азоб чекаётганларини кўрмаётган бўлсанг? Парвойи

фалак! Узоқроқ бир ерга отлан, егулик ризқу рўз топ. Унгача уйга оёғингни босма!

Хотинининг шикоятларидан чарчаб кетган брахман ниҳоят йўлга отланибди.

Бир неча кундан сўнг у қалин ўрмонга етиб келибди, очлик, ташналиқдан қийналиб, сув излай бошлабди. У бир қудуққа дуч келибди. Қудуқнинг суви қуриб, тагида ўт-ўланлар ўсиб ётарди. Брахман қудуқ ичига қараб, унда йўлбарс, маймун, илон ва одам боласини кўрибди. Уларнинг ҳам кўзлари брахманга тушибди. Йўлбарс: «Бу одам», деб ўйлабди ва унга қарата дебди:

— Эй олижаноб одам! Тирик жонзотни халос этмоқ — зўр савоб иш. Шунинг учун мени бу ердан чиқариб ол, болачакам, ёру биродарларим, хешу ақраболарим билан омонсон юз кўришай.

Брахман айтибди:

— Сенинг номинг ҳаммани титроққа солади. Мен ҳам сендан кўрқаман.

Йўлбарс эътироз билдирибди:

**Қотил, бадмаст, ёлғончи, қасамхўр ва бичилган  
Журмин юва олгайлар. Нонкўр эса, ҳеч қачон!**

У яна дебди:

— Уч қарра қасам ичаманки, сенга зарар етказмайман. Мени қутқариб чиқариб ол.

Шунда икки қайта туғилган ўйланиб қолибди: «Тирик махлуқни қутқараман, деб ўзимга зарар етса ҳам, барибир менинг бу ишим фойда келтиради». Шундан сўнг у йўл-

барсни тортиб олибди. Маймун ҳам илтимос қила бошлабди:

— Ҳой, яхши одам! Мени ҳам чиқариб қўй!

Икки қайта туғилган унинг сўровини ҳам адо этибди. Илон ялинибди:

— Ҳой, икки қайта яралган! Мени ҳам тортиб ол!

Брахман айтибди:

— Одамлар сенинг номингни эслашса, этлари сесканади. Мен ҳатто сенга қўл теккизишга ҳам кўрқаман.

Илон дебди:

— Биз ўз ихтиёримиз билан ҳеч кимга тегмаймиз, илож бўлмай қолганда чақамиз. Уч қарра қасам ичаманки, сенга зарар-заҳмат еткизмайман.

Шундан кейин брахман уни ҳам чиқариб олибди. Жонворлар шундай сўз айтибдилар:

— Ҳамма ёмонликлар одамдан чиқади. Сенга маслаҳатимиз шу — одамни қудуқдан чиқарма. Унга ишониб бўлмайди!

Йўлбарс гапига шундай қўшимча қилибди:

— Қатор чўққили ҳов анави тоғни кўряпсанми? Унинг терскай томонида ўрмонлар ва ёрлар ичида менинг масканим. Бизни кимга меҳмон бўлиб бор, яхшилигингни қайтарай. Шунда қарзим елкамдан тушиб, у дунёга осон кўчиб ўтаман.

Шундай деб йўлбарс кетибди. Маймун тилга кирибди:

— Йўлбарс инидан сал нарироқда — шаршара ёнида яшайман. Меникига бор. — У хайрлашиб жўнабди.

Илон айтибди:

— Сенга ёрдам керак бўлиб қолса, мени ёдга ол. — Илон ўз инига қараб кетибди.

Қудуқда қолган одам бу орада тинмай қичқирарди:

— Ҳой, брахман, мени ҳам тортиб ол!

Икки қайта туғилганнинг унга раҳми келди: «У ҳам мендек одам-ку», деб ўйлаб қудуқдан чиқарди.

Одам деди:

— Мен заргарман. Бхригукачче деган жойда яшайман. Сенга бирон тилла буюм керак бўлиб қолса, менинг олдимга кел.

У ҳам йўлига равона бўлибди.

Давоми. Боши журналнинг 7, 8-сонларида.

Брахман кўп замонлар дунё кезиб юрибди, лекин барибир излаган нарсасини тополмабди. Уйга қайтиб келгач, у маймуннинг таклифини эслаб, уни кўргани борибди. Маймун уни ширин-шарбат мевалар билан сийлабди. Меваларни еган брахманнинг бадани куч-қувватга тўлибди. Кейин маймун дебди:

— Қачон қорнинг очса, менинг олдимга келавер.

Икки қайта туғилган дебди:

— Сен қарзингни уздинг. Энди менга йўлбарс инини кўрсатгил.

Маймун уни йўлбарсникига олиб борибди. Йўлбарс брахманни таниб, унга жуда ҳам нафис ишланган дур-жавоҳирлар ва бошқа қимматбаҳо нарсалар совға қилибди.

— Бир шаҳзодани оти опқочиб бу ерларга келиб қолиб эди, мен уни ўлдирдим. Унинг нарсаларини сенга сақлаб қўйибман. Ол, сеники бўлди.

Бу нарсаларни олиб брахман заргарни эслабди: «Сотиб менга пул қилиб беради». У уста заргарни кўргани йўл олибди. Заргар уни очиқ чеҳра билан қаршилабди, иззат-хурмат қилиб тўрга ўтқазибди, қўл-оёғига сув келтирибди, турли ноз-неъматлар билан меҳмон қилибди. Брахманнинг хурматини ўрнига қўйгач, у дебди:

— Жаноблари яна нима десалар, қўлимдан келганча адо этаман.

Икки қайта туғилган дебди:

— Мен тилла буюмлар олиб келган эдим. Шуларни сотиб берсанг.

Заргар дебди:

— Кўрсат!

Меҳмон тилла буюмларни кўрсатибди. Заргар ажабланиб қолибди. «Буларни мен ўзим шаҳзодага ясаб берган эдим-ку!», деб ўйлабди у, меҳмонга қараб дебди:

— Сен бирпас ўтириб тур. Мен бу нарсаларни оладиган одам бўлса, кўрсатиб келай.

Заргар шоша-пиша саройга йўл олибди ва тилла буюмларни шоҳга кўрсатибди. Шоҳ таажжубга тушибди:

— Қаердан олдинг буларни?

Заргар жавоб берибди:

— Менга бир брахман келтирди. Ҳозир уйимда ўтирибди.

Шоҳ ўйлаб қолибди: «Менинг ўғлимни ҳеч шубҳасиз шу брахман ўлдирган! Энди ҳаммаси учун жавоб беради.»

Подшо мулозимларга амр этибди:

— Қотилни тутиб, тонг билан қозиққа ўтқизинг.

Брахман зиндонга тушиб, илонни эслабди. Илонни ёдга олган замони у брахман олдида ҳозир бўлибди:

— Тила тилагингни?

Икки қайта туғилган дебди:

— Мени занжирдан қутқар.

Илон айтибди:

— Мен шоҳнинг суюкли хотинини чақиб оламан. На табиблар уни тузата олади ва на турли дуо-қайтариқлар. У фақат сенинг қўлинг тегсагина тузалади. Ушанда сени озод қиладилар.

Илон ваъдасига биноан маликани чақибди. Саройда қий-чув, тўполон, йиғи-сиги кўтарилибди. Бутун шаҳар таҳлика, саросима ичида қолибди. Зудлик билан турли шаҳарлардан сеҳрарлар, афсунчилар, қоҳинлар ва заҳарни қайтарадиган табиблар чақирилибди. Шунча саъи-ҳаракат билан барибир ҳеч ким маликани даволай олмабди. Шундан сўнг жарчилар маликани тузатадиган борми, деб бутун мамлакатга жар солибдилар. Брахман айтибди:

— Мен тузатаман уни.

Уни дарҳол занжирдан бўшатиб, шоҳга олиб боришибди.

Шоҳ амр этибди:

— Уни ўлимдан қутқар!

Брахман малика олдида кириб, унга қўлини теккизиши билан у тузалиб кетибди.

Маликага жон битганини кўрган шоҳ брахманни хўп иззат-хурмат қилиб, охирида сўрабди:

— Тўғрисини айт! Олтин буюмларни қаердан олган эдинг?

Шунда икки қайта туғилган шоҳга бутун бўлиб ўтган воеаларни бирма-бир сўйлаб берибди. Шоҳ ҳикояни тинглаб бўлгач, заргарни жазолабди, брахманни ўзига вазир этиб, унга мингта қишлоқ ҳада қилибди. Брахман

хонадонини кўчириб олиб келибди, атрофини фозил дўсту биродарлар билан кўршабди, дунё лаззатларидан тўйиб-тўйиб баҳраманд бўлибди. У мамлакатни донолик билан идора қилиб, карамининг нуруни барчага баробар сочиб, кунларини бахтли-саодатли ўтказибди.

Шунинг учун айтдим-да: «Барча — маймун, йўлбарс, илон...»

Яна Даманака дебди:

— Паноҳо! Дўстинг — сотқин!.. Шундай бўлса ҳам,

Бурчимиздир адашган дўстни  
Хатарли йўллардан қутқармоқ.  
Номардлар қилмас дўстга вафо,  
Тўғри одам йўл тутар бошқа.

Тагин:

Кимда кибр бўлмас,  
Ушал чин мумтоз эрур.  
Ҳирсини тийган доно  
Фароғат топур мудо.  
Бир умрга вафодор  
Хотин эрур кайвоний,  
Ҳамдард бўлур ягона  
Чин дўст, аҳдида собит.

Санживака эса, шоҳимга бахтсизлик келтиради ва уни уч неъматдан маҳрум этади. Шоҳим кўп илмлардан хабардор ва файзиёб бўлиб, ўз билгича яшаб, менинг сўзларимга асло қарамай қўйди. Майли, бошга кулфат тушганда у камина қўлини айбдор қилмасин. Эшитмаганмисан ахир:

Маҳлиё бўлган подшо  
Бормас яхши-ёмоннинг ҳам фарқига.  
Худди маст филлар каби  
Кўр-кўрона эҳтирос  
Тобе қилар ўз ҳирсига жаҳонни.  
Ташлаганда офатларнинг чоғига,  
Кўринмасдан ўз айби  
Санар доим шўрлик қўлни гуноҳкор.

Арслон сўради:

— Азизим, агар шундай бўлса, уни огоҳлантириб қўяйлик. — Даманака деди:

— Огоҳлантиришнинг нима кераги бор? Ким шундай қилади?

Қуруқ дўқдан сақлангиз ўзингизни,  
Ҳушёр тортган ёв хатарли бўладир.  
Ортиқча сўз айтмай, ҳаракат қилинг,  
Ғанимни маҳв этинг кутилмаганда.

Пингалака деди:

— У, ахир ўт ейди, мен эса — эт. У қандай қилиб менга хатарли бўлсин?

Даманака жавоб қилди:

— Ҳақиқатан шундай. У ўт, подшоҳим эт ейдилар. У — емиш. Шоҳим — дарранда. Ҳар қалай унинг ўзи хавфли бўлмаса ҳам, лекин бошқалари ёмон йўлга солиши мумкин. Айтганлар-ку, ахир:

Ғаддор заиф ёв  
Еллайди бошқа ёвни.  
Қайроқ тош қўлни кесмас,  
Лек қайрайди ханжарни.

Арслон сўради:

— У мени нима қила оларди?

Шағал жавоб қилди:

— Шоҳимнинг вужудида филлар, қўтослар, бўрилар, тўнғизлар, сиртлонлар билан бўлган жангларнинг излари бор. Санживака эса жуда булганч. Унинг булғовларида аста-секин қуртлар пайдо бўлади. Улар сенинг жароҳатларингдан ўрмалаб, тананг ичига кириб олади. Сен ҳалок бўласан. Эшитмаганмисан:

Нотаниш кимса келса, қўноқ бериш хатарли,  
Кананинг айби билан ҳалок бўлди беғам бит.

Арслон сўради:  
— Бу қандай бўлди?  
Даманака ҳикоя қилди:

## Ўнинчи ҳикоят

— Бир подшонинг хобгоҳи мислсиз чиройли ва қулай эди. Хобгоҳдаги шоҳи кўрпада Мандависарпини деган бит истиқомат қиларди. Унинг бола-чақа, қиз, ўғил, набира, абиралари кўп эди. У шоҳ уйқуга кирган чоғда унинг қонини сўрар эди. Шунинг учун у жуда ҳам тўлишиб, йилтираб кўзга яқин бўлиб қолганди. Кунлардан бир кун баногоҳ эсган шамол шоҳ хобгоҳига Дундука деган қанани учириб келди. Жахнавийнинг қумлоқ соҳилидай кенг, устига нафис кўрпа ташланган, мушку анбарлар сепилган, иккита болиш қўйилган юмшоқдан юмшоқ хобгоҳга тушган кана ўзида йўқ суюниб кетибди. У эс-ҳушини йўқотиб қўйди.

У хобгоҳни айланиб юрар экан, тақдирнинг тақозоси билан Мандависарпинига дуч келиб қолибди.

У айтибди:

— Сен шоҳларнинг хобгоҳига қандай кириб қолдинг?

Тезроқ бу ердан жўна!

Кана жавоб берибди:

— Ҳурматли зот, ундай деманг. Чунки:

**Кохинлар топинар муқаддас ўтга,  
одамлар — кохинга,  
Эрни эъозламоқ фарздир хотинга,  
меҳмон азиз ҳаммага.**

Мен эса сенинг меҳмонингман. Мен ҳар турли қонларни ичиб кўрганман: брахманлар, кшатрийлар, вайшя ва шудрларнинг қонларини билман. Уларнинг қонлари шўр ва шилимишқ, тўйиш қийин жуда. Манави хобгоҳда ухлайдиган кишининг қони ҳеч шубҳасиз шарбатнинг шарбатига ўхшаса керак. Унинг ҳеч қандай касали йўқ, чунки табиблар доимо унга ноёб дорилар ва шифобахш шарбатлар ичирадидилар, моҳир пазандалар унинг кучига куч қўшадиган анвойи дориворлар, зиралар, қалампирлар солинган тамолар едирадидилар. У замин устида, сувда, ҳавода яшайдиган жониворларнинг лазиз гўшларини тановул қилади. Унинг қони ўликка жон ато қилади. Марҳамат айлаб, унинг қонидан тотиб кўрмоққа ижозат эт; ахир, у тўқлик ва фароғат бағишлайди; шунчалар муаттар ва лазиз у.

Бит жавоб берди:

— Йўқ. Сенга ўхшайдиган тишлаб оладиган, оғзи оловдай махлуқларга бу мумкин эмас. Эшитмаганмисан:

**Уйламасдан иш тутар кимда-ким,  
Бевақт ўрниб бўлар-бўлмасга,  
Чекар оқибатда қаттиқ пушаймон,  
Кучи кетиб, ҳосил олмайин бироқ.**

Аммо кана унинг оёқларига ўзини ташлаб, то рози қилмагунча ялинаверибди.

Бит айтибди:

— Майли унда. Лекин сен шоҳнинг қонини жойини топиб ҳамда вақтини топиб ичмоғинг керак.

Кана сўради:

— Қачон ва қандай қилай, ўзингиз айтинг? Мен яқинда келганман, ҳали бу ернинг одатларини яхши билмайман.

Бит айтибди:

— Шоҳ маст бўлиб ёки қаттиқ ҳориб уйқуга берилганда, сен аста унинг оёқларини чақининг мумкин. Вақтини ва жойини топиш — шу бўлади.

Кана рози бўлибди. Лекин бир кун кечқурун у жуда ҳам очикиб қолиб, ёнбошлаганда мудраб, ухлаган шоҳнинг елкасини шартта чақиб олибди. Шоҳ елкасига гўё қизиган тош босилгандай ёки чўғ теккандай ёки чаён чаққандай ўрнидан сакраб туриб, елкасини ушлаб қичқириб юборибди:

— Вой-вой-вой! Мени бир нарса чақди! Дарров уни қидириб топинг!

Бу сўзларни эшитиб қўрқиб кетган Дундука хобгоҳ

сўрисининг ёриғига кириб олибди. Шоҳнинг хизматкорлари келишиб, шамчироқлар ёқишиб, ҳаммаёқни бирма-бир қидира бошлашибди. Иттифоқо, улар кийим чокларига беркиниб олган Мандависарпинига дуч келиб, уни бутун насли билан қириб ташлабдилар.

Мен шунинг учун айтяпман-да: «Нотаниш кимса келса...» Бундан ташқари, шоҳим, ота-боболари унга хизмат қилиб келаётган қулларини четга сурмасликлари керак. Эшитмаганмисан:

**Қариндошни менсимай ўзгани яқин тутган  
Тентак Чандаравадай ҳалокатга гирифтор.**

Пингалака сўради:

— Бу қандай бўлди?

Шағал ҳикоя қилди:

## Ўн биринчи ҳикоят

— Бир шаҳарнинг чеккасида бир пайтлар Чандарава деган шағал ғор ичида яшарди. Очликдан унинг бўйинлари қилтириқ бўлиб кетган эди. Кунларнинг бирида у қоронғи тушиши билан овқат излаб шаҳарга кирди. Шаҳарда уни итлар талади. Шағал итларнинг ақиллаши, улишдан қути учиб, чўлоқланиб қочди, бир ҳунарманднинг ҳовлисига кириб, нил тўла катта идиш ичига кириб кетди. Итлар орқаларига қайтиб кетишгач, шағал нил ичидан зўр-базўр чиқди-да, ўрмонга қочди. Баногоҳ шу атрофда яшовчи ҳайвонлар унинг нилга бўялган танасини кўриб, лол бўлиб қолдилар:

— Туси жуда ҳам галати махлуқ нима бўлди?— Улар азбаройи қўрқиб кетганларидан кўзларини ола-кула қилиб, тирақайлаб қочдилар ва ким кўринса, шунга:— Фалокат! Шўримиз қуриди! Аллақайдан аллақандай махлуқ пайдо бўлди. Унинг кимлигини, кучи қандайлигини ҳеч ким билмайди! Яхшиси, бу ерлардан узоқроққа бош олиб кетайлик, дедилар.

Чандарава эса, махлуқлар қаттиқ саросимага тушганларини кўриб, уларга қарата деди:

— Дарранда ва йиртқишлар, қулоқ солинглар! Нега мени кўрган заҳоти қалтираб қочиб кетасиз? Сизларнинг ҳукмдорингиз йўқлигини кўриб, Акхандала мени шоҳ этиб тайинлади. Менинг отим Чандарава. Менинг йилдиримдай қудратли дастпанжам остида шодумон ва эмин турмуш кеचирингиз.

Унинг бу сўзларини эшитиб, арслонлар, йўлбарслар, сиртлонлар, маймунлар, қуёнлар, кийиклар, шағаллар ва бошқа ёввойи ҳайвонлар унга қуллқ изҳор қилиб дедилар:  
— Шоҳимиз! Бизга йўл кўрсат?

Шундан сўнг шағал арслонни бош вазир қилиб тайинлабди, йўлбарсга ўз истиқоматгоҳини қўриқлашни топширибди, сиртлонга бетил солинган қутичани сақлашни буюрибди, филни дарвозабон, маймунни унга шамсиябон мулозим қилиб қўйибди. Ўзининг барча шағал қардошларини тумтарақай қувғин қилибди. Чандарава шундай қилиб шоҳликнинг гаштини сурибди. Арслонлар ва бошқа йиртқишлар ўлжаларини унинг пойига келтириб ташлашар, у шоҳона удум бўйича тақсим қиларди.

Кунлар шундай ўтиб борарди. Бир кун подшо машваратда ўтириб, нарироқда шағалларнинг увлаган овозларини эшитиб қолибди. Қувониб кетганидан кўзларига ёш олиб, қаттиқ тўлқинланган кўйи сапчиб ўрнидан турибди ва чинқириб увлаб юборибди. Унинг овозини эшитган арслон ва бошқа йиртқишлар: «Ие, бу шағал экан-ку!» деб уйлабдилар ва уятдан бошларини эгиб, дебдилар:

— Бизга шағал подшолик қилаётган экан, келинлар, уни ўлдирамингиз!

Буни эшитиб шағал қочмоқчи бўлибди, лекин йўлбарс уни парча-парча қилиб ташлабди.

Шунинг учун айтяпман-ку: «Қариндошни менсимай...»

— У менга ёмонлик қилаётганини қандай билсам

бўлади?— деб сўради Пингалака.— У қандай жанг қилади?

Даманака жавоб берди:

— У одатда шоҳимнинг ҳузурларига бўшашиб кириб келади. Агар у бугун қўрқа-писа шохини пастга букиброқ келса, шоҳим билсинки, у бир фалокатни кўзлаган бўлади.

Шуларни айтиб, Даманака ўрнидан туриб Санживака ҳузурига йўл олди. У худди нима қилишини билмаётгандай, андак талмовсирагандай бўлиб Санживакага яқинлашди. Хўкиз сўради:

— Азизим, сенга нима бўлди? Яхши юрибсанми?

Шағал деди:

— Хизматкорнинг аҳволи қачон яхши бўлган?

Шоҳга ёқиш осонми! Еқмасанг бир балодир;  
Боши учун қалтираб яшайди мулозимлар.

Яна:

Туғилиш — оғир азоб, уқубатдир қашшоқлик,  
Бу ҳаёт бошдан охир кулфатларнинг занжири.  
Шўри қурсин қулларнинг! Кўзига уйқу келмас,  
Тиллари ҳам бойланган, егани ичга тушмас.  
Бекор айтар кимда-ким, қулни итга ўхшатса,  
Итнинг эрки ўзида, қулда йўқдир ихтиёр.

Ниятини яширган Даманаканинг сўзларини эшитиб, Санживака сўради:

— Азизим, ниятингни менга айт.

Шағал деди:

— Сен менинг дўстимсан, сенга бир янгилик айтмоқчиман. Шоҳимиз Пингалака сендан дарғазаб. Бугун у: «Санживакани ўлдириб, барча даррандаларни зиёфат қиламан», деди. Мен бу сўзларни эшитиб, жуда хафа бўлдим. Энди нима қилсанг, ўзинг биласан.

Санживака бу сўзлардан ўзини худди яшин ургандай сезиб, қаттиқ хафа бўлди. У Даманакага ишонар эди, унга қаттиқ қўрққан ва ташвишланган ҳолда деди:

— Хўп топиб айтганлар:

Аблаҳларни кўтарар шоҳлар,  
Шармандани танлар хотинлар,  
Тўймас зикна бадавлат бўлар,  
Ёмғир қуяр денгиз устига.

Шўрим қуриди! Шўрим! Энди ҳолим не кечади?

Шон-шукӯҳга чулғаниб,  
Олий ният қилар шоҳ.  
Тушуниб бўлмас нега  
Қулларга айлар зугум.

Оқшом тушгач, ғоз ҳовузга шошади  
Нилуфарни узгали.  
Лекин фақат юлдузларнинг аксини  
Тутади қоронғуда.  
Кундуз кириб, асил гулни кўрганда,  
Уйлайди: бу-ку юлдуз!  
Эвоҳ! Яхшиликдан ваҳмага тушар  
Алдовдан қўрқувчилар.

Подшоҳим Пингалакага нима ёмонлик қилган эканман?

Даманака деди:

— Ошнам! Шоҳлар сабабсиздан сабабсиз зиён етказиш ва бошқалардан айб топишни яхши кўрадилар.

Хўкиз жавоб берди:

— Рост. Бекорга айтишмаган:

Илон ин қўяди сандалзор ичра,  
Нилуфарлар орасида тимсоҳлар,  
Яхшиларни таъқиб қилар ёмонлар,  
Бус-бутун бахт йўқ экан-да жаҳонда.

Дарвоқе, бевафо дўст хизматиға кирган ўзим айбдор.  
Эшитмаганмисан:

Ортиқча ғам чекмагил,  
Ёмонга яқин юрма.  
Камончи отди қушни  
Беғам ухлаб ётганда.

Даманака сўради:

— Бу қандай бўлди?

Санживака ҳикоя қилди:

— Бир ўрмон доманасида кенг қўл бор эди. У ерда Мадаракта исмли ғоз яшарди. Ғоз умрини ўйнаб-кулиб, шоду хуррамлик билан кечирди. Кунлардан бир куни унинг қошига ўлим қиёфасидаги укки учиб келибди. Уни кўриб ғоз сўрабди:

— Бу хувиллаган кимсасиз ўрмонни қандай топиб келдинг?

Укки дебди:

— Сенинг мислсиз фазилатларингни эшитиб, кўргани келдим.

Сарзаминни айлаиб, тўғри дўстни изладим,  
Неча қилсам, топмадим сендан яхшироғини.

Ғозга бу гап маъқул тушибди:

— Ҳа, айтганинг келсин, вафодор дўстим. Мен билан бирга шу ўрмон этагида, сарҳовузнинг бўйида яшайвер, бу ерда сайр қилиш қанчалар яхши.

Ушандан бери улар дўстлиқнинг завқини суриб, бирга тура бошлабдилар. Бир куни укки дебди:

— Мен Нилуфар чангалзори деб аталган маконимга кетяпман. Мабодо сенга керак бўлиб қолсам ёки менсиз зериқсанг, албатта, меҳмон бўлиб бор.

Укки учиб кетибди.

Бир куни ғоз ўйлабди: «Мен ушбу маконда қартайдим, сира бошқа ўлкаларни бориб кўрмадим. Суюкли дўстим уккининг олдига меҳмонга борай. У ерда узимга турлитуман эрмак, овунчоқ, хўрак топаман».

Шундан сўнг ғоз уккиникига йўл олибди. Нилуфар чангалзориди укки йўқ экан. Ғоз қидира-қидира уни дарахт қавагида топибди. Укки кундузи кўрмас, шунинг учун ташқарига чиқмас экан. Ғоз айтибди:

— Ҳой, чиқ, азизим, бу ёққа чиқ. Бу мен, сенинг жонагон дўстинг ғоз бўламан.

Укки айтибди:

— Мен кундузи чиқолмайман. Сен билан қуёш ботганда кўришамиз.

Ғоз кеч тушишини кутибди ва, ниҳоят, укки билан учрашибди. Унга ўз турмуши ҳақида сўйлаб берибди, сўнг узок йўлдан ҳориб келгани учун ухлаб қолибди.

Бу орада йўл бўйида бой карвон манзил қуриб тўхтаган экан. Эрталаб карвонбоши йўлга тушиш ҳақида хабар берибди. Шунда укки уввос солиб, хунук қичқириб, дарё бўйидаги чуқурга тушиб беркинибди. Ғоз эса ўз жойида қолибди. Уккининг товушини ҳосиятсиз деб билган карвонбоши ташвишланиб, уни ўлдиригани камончини жўнатибди. Камончи ўлжани кўрмай турибоқ, уни товушидан бемалол отиб туширадиган уста мерган экан. Камончи ёинни ўқлабди-да, уни қулоғига тортди, уяда ўтирган ғозни отиб ўлдирибди.

Шунинг учун ҳам айтаман-да: «Ортиқча ғам чекмагил...»  
Санживака давом этди:

— Авваллари шоҳимиз Пингалаканинг тилидан бол томарди, энди унинг юраги заҳар-заққумга тўлган.

Маккор дўст мақтайди-ю, орқадан фитна тузар,  
У гўё сут тўла кўза, заҳар бордир тагида.

Шўрлик бошим! Ох, шўрлик! Узи ўт ейдиган хайвон бўлсам,  
нега энди йиртқич билан дўст тутиндим? Тўғри айтганлар:

Бир-бирига ҳар томондан бўлсагина тенг,  
Икки одам дўст тутинса, уйланса арзир.

Ҳеч шубҳасиз, мен ундан устун бўлганим учун шундай қилапти:

Кўза суртар дори каби тимқора ниллий  
Калинда илонларин  
Ҳеч ким тутмас эди шаффоф сўвнинг ичидан  
Гар уларнинг қулоғи  
Яширмаса эди қимматбаҳо зумрад тошларни



Юлдуз мисоли порлоқ.  
Не фойдадир хизматлардан! Олийжаноб эр  
Тортадур фақат кулфат.

Яхшиларни таъқиб этар одатан ҳамма шоҳлар,  
Давлатмандлар бўлар экан бузуқларга талабгор,  
Ишонмагил хизматига берди деса мукофот,  
Ким ҳам бугун хизматларга берар ҳаққоний баҳо!

Қафас ичра асирликнинг кулфатин чекиб,  
мунғайган арслон,  
Эгасининг калтагидан юрак-бағри қон  
бечора фил ҳам,  
Билмай қолиб қонун бузган озурда одам,  
ношуд аскар ҳам —  
Тақдирларнинг қўлидаги ожиз ўйинчоқ,  
эрмак беомон!

Қандай бўлмасин, мен тузоққа тушиб қолдим, халос  
бўлмоғим мушкул. Эшитмаганмисан:

Кўпларнинг бўлса-да рўйи мунаввар,  
ичи қора фасоддир,  
Дўстман деб қасам ичган бир нечанинг  
туя бўлди қурбони.

Даманака сўради:  
— Бу қандай бўлди?  
Санживақа ҳикоя қилди:

## Ун учинчи ҳикоят

— Бир шаҳарда Сагаратта деган савдогар яшарди.  
Юзлаб туяларга қимматбаҳо либослар ортиб, бошқа  
мамлакат сари йўл олди. Ҳаддан зиёда оғир юк остида  
тинка-мадори қуриган Виката деган туя йиқилиб, ўрнидан  
туролмади. Савдогар унинг юкини бошқа туяларга ортди.  
«Бу ўрмонзор хатарли жой, тўхтаб бўлмайди», деб ўйлади-  
да, Викатани қолдириб йўлга равона бўлди. Карвон кўздан  
ғойиб бўлгач, Виката зўрға оёққа туриб, ўт ея бошлади. Бир  
неча кундан сўнг у бироз куч-қувватга кирди.

Бу ўрмонда Мадотката деган арслон ўзининг уч  
мулозими: сиртлон, қарға ва шағал билан бирга яшарди.  
Улар ўрмонда кезиб юрар эканлар, баногоҳ, карвондан  
қолиб кетган туяга дуч келдилар. Нотаниш махлуқ  
арслоннинг кўзига жуда ғалати бўлиб кўринди. У ўз  
мулозимларига қарата деди:

— Сўранг, бу таажуб зот ким экан?

Билагон қарға деди:

— Бу ҳаммага маълум ҳайвон — туя.

Шунда арслон туяга қараб деди:

— Сен қаердан бўласан?

Виката ўзининг карвондан қолиб кетганини айтиб берди.  
Арслоннинг унга раҳми келиб, ўз ҳимоясига олди.

Шундан кўп ўтмай тақдир тақозоси билан бир фил  
арслонни хартуми билан уриб ярадор қилди. Арслон  
ғордан чиқмай ётишга мажбур бўлди. Беш-олти кун ўтиб  
ярадор арслон ва унинг мулозимлари қаттиқ очқадилар.  
Арслондан бошқа ҳеч ким егулик ўлжа тополмас эди.  
Мулозимлар оёқларини аранг кўтариб босаётганларини  
кўриб, арслон айтди:

— Мен оғир жароҳатландим. Илгаригидай сизларга ўлжа  
топиб беролмайман. Узларингиз топинг.

Шунда улар жавоб бердилар:

— Шоҳимиз жароҳатлардан азоб чекаётган чоғда биз  
қорин ғамида юрсак яхши бўлмас.

Арслон деди:

— Сизлар ҳақиқатан ҳам садоқатли мулозимлар экансиз.  
Унда менга емишлик топиб келолмайсизларми?

Улар индамай қолишди. Арслон сўзида давом этди:

— Ғам чекман! Дарров бирон ўлжани кўз остига олинг,  
мен ярадор бўлсам ҳам, бир амаллаб сизга ва ўзимга  
егулик топаман.

Шундай қилиб, шоҳнинг уч мулозими овқат қидириб  
кетдилар, лекин тузуқроқ ўлжани қўлга киритолмадилар.  
Шағал билан қарға маслаҳатлашдилар; шағал деди:

— Менга қара, қарға! Ўрмонда сарсон бўлиб нима  
қиламиз? Виката шоҳимизга ишонади. Уни ўлдириб қўяқо-  
лайлик, очлик азобидан, ўлим ваҳимасидан қутуламиз.

Қарға деди:

— Бу яхши фикр. Аммо шоҳимиз уни ўз ҳимоясига  
олган, шундай бўлгач, уни ўлдиролмайди.

Шағал айтди:

— Рост гап, лекин мен ҳукмдор билан ўзим сўйлашаман,  
уни Викатани ўлдиришга рози қиламан. Сизлар шу ерда  
туринглар, мен бориб, шоҳимизни кўндираман.

Шағал арслон қошига йўл олди. Арслон ҳузурига келиб,  
деди:

— Шоҳим! Биз бутун ўрмонни кезиб чиқдик. Очликдан  
ҳаддан зиёд тинка-мадоримиз қуриди, оёқ босишга  
қурбимиз қолмади. Олампаҳоғга эса яхши, кучли овқат  
керак. Агар шоҳим маъқул кўрсалар, энди яхшиси,  
Викатанинг гўштини еб қўяқолайлик.

Бундай ғаддорликдан арслон қаттиқ дарғазаб бўлди:  
— Вой, аблаҳ-ей! Агар шу сўзни яна бир айтсанг,  
каллангни оламан! Мен уни ўз ҳимоямга олганман, қандай  
қилиб ўлдираман? Эшитмаганмисан:

Тирсиллаган сигир ва на зўр ҳосил,  
Ва нозу неъматлар бермас фароғат.  
Тинчликдан ортиқ йўқ неъмат жаҳонда,  
Шу маъруф инсонга қадрли фақат.

Буни эшитиб шағал деди:

— Шоҳим! Сен уни ҳимоянга олгансан, ўлдирсанг,  
сўзингдан қайтган бўласан. Лекин агар унинг ўзи садоқат  
билдириб, шоҳимизга ширин жонини нисор этса, у ҳолда  
ҳеч айби йўқ. Акс ҳолда, биронтамиз ўзимизни қурбон  
қилишимизга тўғри келади. Ахир, шоҳимизга ҳозир яхши  
таом зарур, бўлмаса ҳолимиз вой бўлади. Шоҳимизнинг  
бошига кулфат тушганда, унга ёрдам беролмасак, унда  
нима кераги бор бизга бу ҳаётнинг? Ҳукмдорнинг файзу  
фароғати учун биз ўзимизни ўтга ташлаш ҳам тайёрмиз.

Мадотката рози бўлди:

— Майли, билганингни қил.

Буни эшитиб, шағал дўстларининг ёнига югурди:

— Эвоҳ! Шоҳимиз ҳолати размда. Жон риштаси узилай-  
узилай деб турибди. Унда ким бизни бу ўрмонда ҳимоя  
қилади? Яхшиси, юринглар, унга ўзимизни бахшида этай-  
лик. Уни очлик балосидан қўтқарайлик. Шоҳимиз бизга  
қилган яхшиликларини унга шундай қайтарамиз.

Шундан сўнг барчалари кўзларидан ёш тўкишиб,  
Мадотката қошига келиб, таъзим қилиб, тиз чўкдилар.  
Мадотката уларга бирма-бир қараб деди:

— Хўш! Ўлжа келтирдиларингми, йўқми?

Қарға деди:

— Шоҳим! Ўрмонни бошдан-оёқ кўриб чиқдик. Лекин  
ҳеч кимни тополмадик ва қўлга туширолмадик. Бугун  
шоҳим мени еб қўяқолсинлар, умрим шоҳимга садоға.  
Паноҳимизнинг қоринлари тўқ бўлса, мен ўзимни арши  
аълода сезаман. Айтганлар-ку, ахир:

Узини қурбон қилиб подшоҳни қўтқарган  
Худонинг амри билан тўғри жаннатга тушгай.

Шағал бунга жавобан деди:

— Сен жуда кичкинасан. Шоҳим сени есалар ҳам,  
тўймайдилар. Олийнасабнинг виждони бунга йўл қўймайди.  
Эшитмаганмисан:

Сарқит қувват бермайди, қарға гўшти макруҳдир,  
Тўйдирмовчи ғизодан фойда толмаган ҳеч ким.

Узининг садоқатли қўл эканингни кўрсатдинг, икки дунё  
энди хиргаҳинг ёруғ бўлгай. Нарн тур, мен шоҳимга арза  
ниёз қилайин.

Шағал ҳурмат билан таъзим қилиб, Мадоткатага деди:

— Шоҳим! Мени еб қўяқол, жароҳатли тананга қувват  
бўлайин. Менга икки оламнинг савоби тегсин.

Сиртлон буни эшитиб, деди:

— Жуда хўб сўз айтдинг. Бироқ сенинг лошинг майда. Бунинг устига подшоҳимиз сенинг гўштингни тановул қилолмайдилар. Чунки биз ҳаммамиз панжамиз билан жанг қиламиз ва кун кўрамиз. Уз садоқатингни кўрсатдинг. Қани, энди четроқ тур, шоҳимиздан мен марҳамат ўтинай.

Шўрлик Виката бу сўзларнинг барини эшитиб, ўйлади: «Ҳаммалари олижаноб гаплар айтишди. Шоҳимиз уларнинг биронтасига ҳам тегмади. Навбат келган экан, мен ҳам ўз сўзимни айтмай, улар эса йўқ-йўқ деб туриб олишади». Виката журъат қилиб дебди:

— Чиройли сўзларни айтдинг. Лекин сен ва панжа-чангалинг билан кун кўрасан. Шоҳим сени қандай тановул қилсинлар? Эшитмаганмисан:

**Уз қардошин ўлдирмоқни кимки агар кўзласа,  
Ер остида ўрмалаган қувалчангдан баттардир.**

Виката бир қадам олдинга чиқди-да, таъзим қилиб, деди:  
— Шоҳим! Сен уларни еёлмайсан. Шунинг учун майли, менинг жоним сенга қурбон бўлсин, абадий фароғатга эришай.

Туя шундай дедию арслоннинг ижозати билан сиртлон ҳамда шағал унинг қорнини ёриб ташладилар, қарға эса унинг кўзини чўқиди. Шўрлик Виката ана шундай ширин жонидан айрилди. Очликдан ўлар ҳолга келган йиртқичлар уни еб қўйдилар.

Шунинг учун айтяпман-да: «Кўпларнинг бўлса-да рўйи мунаввар...»

Санживақа ҳикоясини тугатиб, яна Даманакага деди:  
— Азизим, бу шоҳнинг атрофини тубан махлуқлар қуршаб олганлар, шунинг учун унинг ҳукмронлиги раъиятга бахту иқбол келтирмайди. Шунинг учун атрофини бургут қуршаган ғоз эмас, атрофини ғоз қуршаган бургут подшоҳлик қилсин. Атрофини бургутлар ўраб олган кимсанинг ҳалокатга элтувчи оғир нуқсонлари бор. Шунинг учун ҳам бургут подшоҳлик қилгани маъқул. Тилёғлама сўзлардан алданган шоҳ соғлом фикр юритишга қодир эмас. Эшитмаганмисан:

**Сўзингдан қайтиб нечун бошлаб келдинг қарға, шағалини,  
Хатарли ҳамроҳлардан қочиб чиқдим дарахтга.**

Қоратака сўради:

— Бу қандай бўлди?

Санживақа ҳикоя қилди:

## Ўн тўртинчи ҳикоят

— Бир шаҳарда аравасоз Девагупта яшарди. У кўпинча ёнига хотинини олиб, бир кунлик озуқа билан ўрмонга борар, у ерда юксак анжана дарахтларини кесиб қулатар эди. Уша ўрмонда Вимала деган арслон ўзининг мулозимлари шағал ва қарға билан яшарди. Арслон бир куни ўрмонда дайдиб юриб Девагуптани учратиб қолди. Аравасоз ҳайбатли арслонни кўриб, қўрқиб кетганиданми ва ёхуд бошқа чораси қолмаганиданми ҳар ҳолда ўзини йўқотмай, «Яхшиси, арслон олдида дадил борганим маъқул», деган қарорга келди. У арслонга яқинлашиб, ҳурмат ила деди:

— Қани, марҳамат, ошнам, биродарингнинг хотини келтирган таомдан ол.

Арслон эътироз билдирди:

— Мен фақат хом гўшт тановул қиламан, пишган гўштга хушим йўқ. Лекин сенга дўстлигим туфайли бу гўштан андак татиб кўришим мумкин.

Аравасоз шундан сўнг арслонни шакар, мой, узум шарбати ва тўрт доривордан тайёрланган ладдука, ашока-варта, кхадяка ҳамда бошқа ноз-неъматлар билан меҳмон қилди. Олижаноб арслон аравасозни ўз ҳимоясига олди ва ўрмонда бемалол юришга ижозат берди.

Аравасоз деди:

— Дўстим, ҳар куни меҳмон бўлгани кел. Фақат бир ўзинг бўлгин. Бошқа ҳеч кимни олиб келма.

Улар шу тариха дўстлашиб қолдилар. Арслон ҳар куни ширин-шакар таомлардан еб тўйиб олар, ҳатто кейин ов ҳам қилгиси келмас эди.

Ниҳоят, бошқанинг ўлжасига шерик бўладиган шағал билан қарға очликдан таноблари тортилиб, арслонга дедилар:

— Шоҳим, ҳар куни қаерга бориб у ердан хурсанд бўлиб қайтасан, бизга айтиб бер.

Арслон деди:

— Мен ҳеч қаёққа бормайман.

Аммо мулозимлар қўймай қайта-қайта сўраганларидан сўнг арслон деди:

— Ўрмонда бир дўстим бор, у ҳар куни олдимга келади. Унинг хотини пазанда, кўп лаззатли таомлар қилади, мен дўстлик удумига кўра улар олдига меҳмон бўлиб бораман.

Мулозимлар айтдилар:

— Аравасозни ўлдирмасак бўлмайди. Анчагача унинг гўштини еб, қонини ичиб юрамиз.

Арслон бу сўзни эшитиб, деди:

— Асло! Уни ўз ҳимоятимга олганман. Бундай ёвузликни ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Яхшиси, ундан сизларга ҳам ширин овқат беришини сўрайман.

Мулозимлар рози бўлдилар ва учов аравасоз қошига йўл олдилар. Аравасоз арслон ўз ҳамроҳлари билан келаётганини кўриб: «Шўрлик қурмасайди энди», деди-да, хотинини олиб баланд дарахтга чиқиб кетди. Арслон эса яқинроқ келиб сўради:

— Азизим, нега мени кўриб дарахтга чиқиб кетдинг? Бу мен, сенинг дўстинг, арслон Вималаман. Қўрқма.

Аравасоз пастга тушмай, деди:

— Нега сен сўзингдан қайтдинг?..

Шунинг учун айтаман: «Атрофини аблаҳлар қуршаган подшоҳ раъиятга бахт-саодат келтиролмайди».

Санживақа ҳикоясини тугатиб, шундай қўшимча қилди:  
— Биров Пингалакани менга қарши қайраган. Ахир:

**Юмшоқ-юмшоқ тўлқинлар  
Қаттиқ тошни уқалар.  
Қулоққа ёвуз шипшир,  
Содда одам нишонар.**

Бундай ҳолларда нима қилмоқ керак? Уришмоқдан ўзга чора йўқ. Эшитмаганмисан:

**Раҳмат йўли топаё деб,  
Турли удум қиларлар.  
Душман ўқи йиқитган  
Раҳматга ёр бўлажак.**

Яна:

**Қандайин бўлмасин жангнинг охири  
Ботир енгса — шод, енгилса — раҳматга ёр.**

Даманака унинг сўзини эшитиб: «Хўкиз жуда қудратли, шохлари аёвсиз. Тақдир тақозоси билан шоҳимизни енгиб қўйса нима бўлади? Бизга тўғри келмайди. Шунинг учун уни жангдан қайтаришнинг йўлини қилиш керак».

Шағал деди:

— Азизим! Олишишингнинг ҳожати йўқ. Чунки:

**Душман кучин билмайин жангни кўзлаган  
Талофат кўрар худди титтибха мисол.**

Санживақа сўради:

— Бу қандай бўлди?

Даманака ҳикоя қилди:

**Давоми келгуси сонда.**



# Мунаввар сўзлар

## РУДАКИЙНИНГ 1125 ЙИЛЛИГИ

Форс-тожик шеърятининг асосчиси, улуғ шоир, замонасининг буюк алломаси Абу Абдулло Рудакий Самарқанд яқинидаги Панж Рудак қишлоғида дунёга келиб, ёшлигиданоқ мусиқачи, ашулачи ва шоир сифатида элга танилди. Шухратпараст Бухоро амири уни саройга таклиф қилади. Лекин 40 йилдан ортиқ Сомонийлар саройида Маликушшуаро бўлган Абу Абдулло умрининг охирида шоҳлар томонидан қувғинга учраб, икки кўзи сўқир, қариликдан мадорсиз ва қашшоқ ҳолда қишлоғига қайтиб келади. Ҳаётининг сўнгги йиллари халқ орасида ўтади ва, кеч бўлса-да, ҳақиқатни халқ орасидан ахтариш лозимлигини англаб етади.

Дунёдаги энг бой адабиётлардан бири бўлмиш форс-тожик поэзиясининг шаклланишида унинг хизматлари катта бўлди. Рудакий ҳақли равишда шу адабиётнинг отаси ҳисобланади. Зеро, унинг ижодида биз шу адабиётнинг тўлиқ шаклланганлигини кўраемиз. У қасида, ғазал, рубоий, қитъа ва маснавий жанрларида илк марта ижод этган шоирдир.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Рудакийнинг ижодий мероси жуда улкан бўлиб, булардан фақат икки қасида ва қирққа яқин рубоий бизгача тўлиқ етиб келган. Бошқа асарларидан айрим парчалар ва байтларгина сақланиб қолган. Лекин шулар ҳам юксак бадиий шакллари ва соддалиги билан бизни ҳайрат ва ҳаяжонга солади. Бу шеърятнинг жаҳонни мафтун этганлиги сабаб унинг теран томирлари халқ оғзаки ижодидан озиқланиб, халқ ғоялари дарёсидан сув ичганлигидир. Балки шунинг учун, минг йиллардан бери бу шеърлар бирдай нурланиб дилларга ёруғлик сочади.

## Рудакий

*Хуснингдин олам олмишдир оро,  
Сунбулда йўқдир бул мушки соро.  
Сандон дилинга юз минг қасамким,  
Тошу темир бас келолмас асло.*

*Сендан мурувват кутиб бўлурми,  
Тошбағирда меҳр бўлмас мутлақо.*

*Оллони минг бор ўртага солдим,  
Аммо не фойда, ёт сенга олло.*

*Ғуломинг бўлса агар Рудакий,  
Унга ҳавасда ўтар минг Доро.*

*Дилим, токай «ўзим» дейсан, паришон,  
Совуқ темирни урма беҳуда, жон.  
Дилим бир дона дону, ишқ эса, тоғ  
Нечун бир донга бу тоғдек тегирмон.*

*Келиб кўр Рудакийни, сен агарда —  
Кўрай дерсан тирик танники бежон.*

*Яна ҳалок бўлмоқдасен сен гўзаллар ишқида,  
Қутқаролмас, на бойлигу на кўз ёшу оҳ-фигон.  
Бўсасида шакар борми, заҳар борми ажратгил,  
Фитнасидан узоқ бўлгил, фақат шунда жон омон.*

*Минг афсуским, бу гўзалликдир васфин қилиб  
Бўлмайди.*

*Қанча нозик, қанча гўзал бўлса ҳамки бу ғазал.  
Унинг ўзи қўшиқмисол, асоси ҳам қўшиқдир,  
Хусни билан сўз нурун ҳам хиралатди у гўзал.*

*Дононинг истаги сулҳу маслаҳат,  
Нодоннинг истаги жанг, жанжал, ғавғо.*

*Фарахбахш, мусаффо бу баҳор кунни,  
Аммо ундан ортиқ висолинг туни.*

Торинг, ашулангдан кўрмадим роҳат,  
Зерикиб ўлганлар додими фақат.

Менинг оху воҳим кечирар барча,  
Чунки сенинг зулфинг унга сабабдир.

Кийим нопок бўлса ҳамки, пок дил раво,  
Дили нопок кишиларга ёғар бало.

Бойқуш қирғий билан учса асло унга етолмас,  
Қанот қўйруғидан ажраб қолар, узоқ кетолмас.

Давлатдан керилиб, гердайма андак,  
Сендакни жуда кўп кўрди бу фалак.

Ота бўлса ҳам оқил, у бўлса ҳам бегуноҳ,  
Ўғли гар чиқса нобоп, ул ҳам гуноҳкор, эй воҳ.  
Ишқингдан жигарда юзлаб оташдон  
Ҳар бир кипригимда нечалаб уммон.

Шўр сувга ўхшайди ўличнинг иши,  
Ўпган сайин ташна бўлади киши.

Ҳаёт сабоқларин этолмасанг ёд,  
Уни ўргатолмас ҳеч қандай устод.

Овқатга ҳирс қўйиб, тортмагил ранжин,  
Ўзни тиймоқ ила топ соғлиқ ганжин.

Форсчадан  
Ш. ШОМУҲАМЕДОВ таржимаси

Ҳар ким  
олмасанг...



## БУ КИТОБНИ ЎҚИДИНГИЗМИ!

### «ДУНЁДА ДИЁНАТ ҲАЛИ МАВЖУДДИР...»



амза номидаги УзССР Давлат мукофоти лауреати, шоир Абдулла Ориповнинг «Йиллар армони» деб номланган китобидаги шеърлардан бири шу мисра билан бошланади. Тўпلامдаги шу каби аксарият шеърларда шоир диёнат, адолат, инсоф, виждон, самимилик, мардлик, бағрикенглик, донишмандлик каби инсоний фазилатларни ёқлайди. Аксинча, ичиқоралик, ғаламислик, пасткашлик, айёрлик, мунофиқлик, калтабинлик, ҳасадгўйлик каби хусусиятларга эга одамлар устидан истеҳзо билан кулади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Матёкуб Қўшжонов китобга ёзган сўзбошида шундай дейди: «Абдулла табиатан сатирик шоир эмас. Бирок

Дунёда диёнат ҳали мавжуддир,  
Ҳали мард йигитлар яшаб юрибди.  
Оналар оқ сути ҳамон оқ сўтдир,  
Қуёш ҳам фалақда порлаб турибди.  
Ҳали қай дилларда яшар тангри ҳам,  
Ҳали афсоналар ўлиб кетмаган.  
Ҳали соф туйғулар топмаган барҳам,  
Инсон орзусига ҳали етмаган...

Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти


## ТОШДАН ҚОҒОЗГАЧА

Эркин Охунжоновнинг «Ёзув ва китоб» номли рисоласининг биринчи боби шундай деб аталади. Унда автор археологик ва нумизматик маълумотларга таянган ҳолда Урта Осиёдаги илк ёзувлар, адабий тил ва китобнинг пайдо бўлиши ҳақида фикр юритади.

«Қиссалар, тарихий асарлар хатти райҳонийда, бадий асарлар шикаста, Қуръондан парчалар ва диний-мистик руҳдаги шеърлар муҳаққак, қонун, буйруқ — тавқий, қундалик ёзишмалар эса рикоъ каби ёзувларда ёзилган. Бу нарса ёзувга қарабоқ асарнинг мазмунини билиб олишга имкон берарди», — дейилади «Китоб усталари» бобида.

Бундан ташқари тарихда китобнинг ўқувчи кўлига теккунча қандай мураккаб ишловлардан ўтиши, уни боболаримиз нечоғлиқ азиз ва муқаддас санаганлари, қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ва китоб савдосининг ривожланиши Урта Осиё халқлари маданиятига қай даражада таъсир қилгани ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовор.

«Ўзбекистон» нашриёти





## «ЁШЛИК» АНКЕТАСИ: УСТОЗ ВА ШОГИРД

1. Халқимизда устоз — отадан улуғ, устоз умри шогирдларида давом этади, деган гаплар бор. Шу жиҳатдан устоз ва шогирдлар ўртасидаги анъанавий муносабатлар Сизнингча, қандай давом этмоқда? Ёки «устозлик» ва «шогирдлик» тушунчаси ўзгармоқдами?

2. Истеъдодли ёшларни танлашнинг қайси усулини мақбул деб биласиз?

3. Шогирдларингизнинг, умуман ҳозирги ёшларнинг қайси хислатларини кўпроқ қадрлайсиз?

4. «Ҳозир баъзи ёшлар илм учун эмас, илмий даража учун кўпроқ қайғурмоқда», деган гаплар қулоққа чалинмоқда. Бу гапда асос борми?

5. Устозлик ва ҳомийлик ҳақида икки оғиз тўхталсангиз. Ўз соҳасини янада тараққий эттира оладиган нодир истеъдод эгалари — ёшлардан кимларни айта оласиз? Сизнинг ишончингизни оқлай олмаган шогирдларингиз ҳам бўлганми?

6. Ҳозир талантларнинг камолотга етиши учун объектив шарт-шароит тобора яхшиланиб борапти. Бу фактор устознинг ҳомийлик ролини пасайтириши мумкинми?

7. Ёшларнинг ўз имкониятларини кенгроқ намоён қилиши ва халққа, давлатга кўпроқ наф келтириши билан боғлиқ бўлган яна қандай муаммолар ҳақида тўхталишни истардингиз?



**Иброҳим Ҳамробоев,**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги,  
Ленин мукофоти лауреати

## Яхши шогирд — устознинг юзи

1. Устоз ва шогирдлар ўртасидаги анъанавий муносабатлар, фикримча, бир даража мураккаблашган ҳолда давом этмоқда. Бу ўзгариш — мавжуд сиёсий шароит ва фан-техника тараққий этининг натижасидир.

2. Истеъдодли ёшларни танлашнинг энг маъқул усули — уларни олий мактабнинг дастлабки курсларидан бошлаб илмий ва ижодий ишга жалб этишдир. Шунда экспедиция ва дала шароитида ёхуд лабораторияда ёшлардаги истеъдод ёки қобилиятнинг у ёки бу қирраси албатта намоён бўлади. Шу билан унинг фанга бўлган қизиқиш ёки қизиқмаслиги, меҳнаткаш ёхуд ишёқмаслиги ҳам билинади-қўяди. Бунинг учун шу илмий масканларда ёшлар билан ишлаш, уларга эътибор юқори даражада бўлиши шарт. Ёш мутахассисда истеъдод бўлсаю меҳнатга ташналик ва қобилияти бўлмаса, бундай истеъдоднинг қиммати бир пул.

3. Ҳозирги ёшлар ва хусусан шогирдларда ишчанлик, масъулиятлилик, ташаббускорлик ва шу билан бирга камтарлики қадрлаган бўлар эдим.

4. «Баъзи ёшлар илм учун эмас, илмий даража учун кўпроқ қайғурмоқда» деган гапларда оз бўлса-да асос бор, бироқ бу манзара ҳозир ижобий томонга ўзгараётир...

5. Устозлик ва ҳомийлик — бу икки хил тушунча. Ҳомийлик — шунчаки қўллаб-қувватлаш, моддий ёки маънавий ёрдам кўрсатишдир. Ҳомийлик қилган кишиларнинг барчаси ҳам устозликини эплай олмайди. Устоз эса ҳамма вақт ҳам ҳомийлик ролини ўйнамаслиги мумкин (айниқса шогирдини

мустақиллик руҳида тарбиялаш ниятида ёки имконияти йўқлиги ва бошқа сабабларга кўра).

Дарахт меваси бир хилда бўлмаганидек, шогирдларнинг барчаси ҳам ишончи оқлайвермайди. Бизда ҳам шунақалари бўлган. Сабаби — уларни «танлашда» ташаббус кўпинча бошқа шахслар ихтиёрида бўлган.

6. Талантли ёшларнинг камолотга етиши учун шарт-шароит қанчалик зўр бўлмасин, устознинг роли пасаймайди. Шогирднинг тадқиқотларини, тўғри ёки хато ишлаётганини кўрсатиш, қўлга киритган натижалар қимматини тўғри баҳолаш ва истиқболга йўналтириш учун шароит қандайлигидан қатъий назар, устоз кўмаги зарурдир.

7. Ёшлар имкониятини намоён қилиш ва уларни давлат манфаатлари учун мувофиқлаштириш борасида ҳали муаммолар оз эмас. Улардан энг жиддийси — ўрта ва олий мактабларда турли сабабларга кўра назарий билимлар программасини тўла ўзлаштирмаслик ва амалиёт билан етарли даражада таништирмасликдир. Иккинчи муаммо — илмий-текшириш муассасаларида ёш олимлар билан жиддий шўғулланилмасликдир. Кўпинча илмий ташкилотга келган ёш мутахассисга бирон топшириқ берилади-ю, шу билан у узок мuddат «ёддан» кўтарилади, унга берилган топшириқнинг асл моҳияти, аҳамияти ҳамма вақт ҳам тўла тушунирилмайди, оқибатда ёш олим ўзининг ва бошлаётган ишининг истиқболига кўзи етмай қолади. Турмушда бўлиб турадиган зиддиятлар айниқса, тадқиқотига дахли йўқ юмушларга юборавериш ёш олимнинг тамомила илмий ишдан кўнглини совитиб юбориши мумкин. Бизнинг институтда шу каби нуқсонларга йўл қўймасликка уринамиз. Институтимизда ёш олимлар клуби бор, унда олимлар ўз тадқиқотлари натижаларини маълум қилиб турадилар; кейинча улар илмий журналда эълон қилинади; айрим мутахассислар 2—3 йил ишлагач, аспирантурага жалб этилади ёки уларга аспирантурадан мустасно равишда диссертация мавзулари берилади. Афсуски, бу чоралар мавжуд муаммоларни тамомила бартараф этолмайди...

«Ёшлик» журнали анкетасига Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати Маҳмуд УСМОНОВ жавоб беради



1. Халқимизда устоз — отадан улуғ, устоз умри шогирдларида давом этади, деган гаплар бор. Шу жиҳатдан устоз ва шогирдлар ўртасидаги аънавий муносабатлар Сизнингча қандай давом этмоқда? Ёки «устозлик» ва «шогирдлик» тушунчаси ўзгармоқдами!

— Мен қарийб олтимиш йилдан буён ганчкорлик билан шўғулланман. Касбимни ўйлаганимда биринчи галда отам, ундан кейин машҳур уста Ширин Муродов эсимга келади. Отам Мирусмон Икромов ўз даврида таниқли уста бўлган. У йўқчиликдан, рўзгор тебратишга қийналганидан ганчкор устага шогирд тушган. Лекин устаси касб сирларини отамдан яширган экан. Шундай бўлса-да, отам ҳар бир ишни меҳр билан қилаверган ва аста-секин ганчкорлик касбини эгаллаб олган. Мен ҳам болаликдан отамнинг оғирини енгил қилишга киришдим. Шу сабабли бу касбда кўзим пиша борди.

Йигирманчи йиллар эди. Тошкентда бухоролик бир бой катта қурилиш бошлади. Унда Уста Ширин Муродов, Исамат Расулов, Тўланхўжа, Умархўжа, Аҳмадхўжа сингари машҳур усталар ишлаганди. Уста Ширин ғоят ихчам ва кўркам ҳаммом қуриб берди. Мен уста Ширин Муродовни шу ерда учратдим ва унинг бир умр шогирди бўлиб қолдим.

Ҳақиқатан, устоз — отадан улуғ. Мен отамни илк устозим деб эъзозласам, уста Ширин Муродовни отам сингари қадрлайман. Негаки, мен ўз касбининг усталари бўлган бу мураббийлардан ганчкорлик касбининг бебаҳо сирларини ўргандим. Бу борада мен устоз ва шогирдни жонли ҳалқага ўхшатгим келади. Негаки, бу муносабат туфайли халқимизнинг бой аънавалари авлоддан авлодга ўтади. Мен ҳам отам, уста Ширин Муродов ва бошқа мураббийлардан олган табаррук санъатини давом эттириб, шогирдлар қўлига топшираётганимдан хурсандман. Мен «устозлик» ва «шогирдлик» тушунчаси ўзгармаётганлиги, балки янгича маъно ва мазмун касб этаётганлиги, турмушимиздан кенгроқ, теранроқ ўрин олаётганлигини яна бир бор таъкидлайман.

2. Истеъдодли ёшларни танлашнинг қайси усулини мақбул деб биласиз!

— Касбга меҳр қўйган шогирднинг кўзи чақнаб туради. Мен йигирма йил давомида Тошкентдаги 35-болалар уйида, В. И. Ленин номли пионерлар саройида, Беньков номли рассомлик билим юртида ва мактабларда ганч ўймакорлигидан машғулотлар олиб бордим. Юзлаб ёшларда халқ амалии санъатига қизиқиш уйғотдим, уларнинг камолга етишида озми-кўпми кўмаклашдим.

Болалар касбга қизиқувчан бўлишади. Тўгарак машғулотларига кўплаб болалар келишар, мен ҳам уларнинг раъзини қайтармасдим. Аммо «Ганчкорлик қийин бўлар экан» деб, кетиб қолганлари ҳам бўлди. Шунинг ҳам айтиб қўяйки, ким касбга меҳр қўйса, садоқат билан иш бошласа, бу касб тушларига ҳам кириб чиқаркан. Мен ўз ҳаётимда бунга иқдор бўлганман. Жуда кўп вақт отам, кейинчалик устозим уста Ширин «Уғлим, бу ишингиз яхши, бундан ҳам яхшироқ ишланг», дегандай тушларимда кўринар, менга оқ йўл тилаётгандай бўларди.

3. Шогирдларингизнинг, умуман ҳозирги ёшларнинг қайси хислатларини кўпроқ қадрлайсиз!

— Бунинг учун гапни узокдан бошлашга тўғри келади. Ҳали айтганимдай, пойтахтимиздаги мактабларда, пионерлар саройларида олиб борган машғулотлар ғоят қизиқарли ва ҳаяжонли ўтарди. Мен ҳам ичимдан қувонардим. Ахир болаларга нақш чиздириш, ганчга гул ўйишни ўргатишдан ортиқроқ бахт борми! Халқимиз аънаваларини давом эттираётган болаларнинг қувончини кўрганимда яйраб кетардим.

Устоз талабчан ҳам бўлиши керак. Талабчанлик шогирднинг камол топтиради. Кечагина тўгаракларда ликопча, қандил, юлдуз, чаноқ, қутича, панно ва барельефлар ясашни машқ қилиб юрган кўплаб шогирдларим бугунги кунда мураббийлар бўлиб етишишди. Зиёвуддин Юсупов, Умар Тоҳиров, Абдурахмон Султонов, Мўмин Султонов сингари ўн олти нафар шогирдим СССР Рассомлар союзининг аъзоларидир.

Мен ишга меҳр қўйиб, астойдил, чин дилдан ишлайдиган, оғирчиликдан чўчимайдиган ҳалол, ғайратли ёшларни қадрлайман. Бундай киши камол топади. Шогирд камоли — устознинг умрига умр қўшади.

4. «Ҳозир баъзи ёшлар илм учун эмас, илмий даража учун

кўпроқ қайғурмоқда», деган гаплар қулоққа чалинмоқда. Бу гапда асос борми!

— Менимча, бор. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Автобусда икки йигит суҳбатлашиб боришарди. Бири чамаси илмий даражали йигит эди, анча босиқ, мулоҳазали. Гап-сўзларида маъно бор, ҳатто қийинчилик билан илмий ишини ҳимоя қилганлигини гап орасида қистириб ўтди. Ҳамроҳи эса ўзига бино қўйган, отдан тушса ҳам эгардан тушмасди. «Кандидат бўлиш шунча қийинми, мен хоҳласам бир йилда ёқлайман-қўяман» деб керилди. «Қандай қилиб ёқлайсиз!» деб сўради ҳамроҳи. У эса кўзини қисди. «Озгина ҳалигидан узатсанг иш ёзадиган одам топилади». Бу нимадан далолат беради! Айрим ёшлар энгил-елли яшашга, бошқа бировнинг меҳнат самарасидан баҳраманд бўлишга, ота-онасининг соясида давр суришга ўрганиб қолаётир. Биз мураббийлар бундайлар узоққа боролмаслигини ҳаммавақт ёшларнинг қулоғига қўйиб туришимиз керак.

5. Устозлик ва ҳомийлик ҳақида икки оғиз тўхталсангиз. Уз соҳасини янада тараққий эттира оладиган нодир истеъдод эгалари — ёшлардан кимларни айта оласиз! Сизнинг ишончингизни оқлай олмаган шогирдларингиз ҳам бўлганми!

— Устоз отадан улуг, меҳрибон ва шу билан талабчан одам эканлигини айтиб ўтдим. Лекин у ҳамма вақт шогирди учун ҳомий эмас. Устозидан ўтган шогирдлар озми! Ана шундай шогирд устознинг юзи, бахти. Бундан устоз хурсанд бўлиши зарур. Албатта, баъзи бир устозлар касб сирларини шогирдидан қизғанади. Бундайлар сохта устозлардир.

Мен шогирдларимдан илчиганман. Улар ҳатто мен билман, қилиб улгурмаган ишларни ҳам ўзлаштиришяпти. Зиёвиддин Юсупов билан Умар Тоҳировлар ҳақида икки оғиз сўзлаб берай. Иккала шогирдим кейинги йилларда ойнага ганч солишни пухта ўрганиб олдилар. Бу ғоят қийин ва машаққатли иш. Мен уларнинг изланишларини кузатар эканман, фахрланиб

кетдим. Шу билан бирга бу соҳани янада такомиллаштириш кераклигини тушунтирдим. Шогирдларим менинг ўғитларимни жон-дили билан тингладилар ва бунга амал қилмоқдалар. Ана шундай ишчан, изланувчан шогирдларим қаторида ишончли оқлай олмаган ёшлар ҳам йўқ эмас. Баъзи ёшлар сидқидилдан ишлаш ўрнига энгил-елли пул топиш йўлига кириб кетдилар. Шунинг учун ҳам мен шогирдларимга «Сен пулни қидирма, пул сени қидирсин» деб насиҳат қиламан.

6. Ҳозир талантларнинг камолотга етиши учун объектив шарт-шароит тобора яхшиланиб борапти. Бу фактор устознинг ҳомийлик ролини пасаитириши мумкинми!

— Биргина ганчкорлик соҳасини олсак, кейинги йигирма йил орасида шарт-шароит тубдан ўзгариб кетганлигини кўрамиз. Илгари халқ амалий санъатини ривожлантириш учун кўпгина материалларни тополмай қийналардик. Айниқса ёшлар, эндигина ўрганаётган шогирдлар учун шарт-шароит оғир эди. Бугунги кунда ҳаётимиз фаровон, турмушимиз яхшиланиб бормоқда. Бу устознинг ҳомийлик ролини сира пасаитирмайди, балки унга кўпроқ масъулият юклайди. Ёшларни касб-маҳоратга ўргатишда мураббийлик роли кундан кунга ортиб бораётганини давр кўрсатиб турибди.

7. Ёшларнинг ўз имкониятларини кенгроқ намоён қилиши ва халққа, давлатга кўпроқ наф келтириши билан боғлиқ бўлган яна қандай муаммолар ҳақида тўхталишни истардингиз!

— Бу борада дилимни яралаётган бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Менинг истагим шуки, халқ амалий санъати усталари — ёғоч ўймакорлари, наққошлар, кулоллар бир идорага бирлашса. Бугунги кунда аҳвол бунақа эмас. Айрим халқ амалий санъати усталари ўзларича иш қилиб, юмуш қидиришиб юришибди. Агар улар бир жойга тўпланса, кўплаб шогирдлар тайёрланган ҳамда уларнинг маҳорати ошган бўларди. Мен бу муаммо тез орада ҳал қилинишини жуда-жуда истардим.




Изоҳнинг ҳожати йўқ



Хотин: «Ия, нима қиялсиз, дадаси!»  
Шоир: «Тисс, илҳом парисини тутмоқчиман».

Расмларни Р. АҲМЕДОВ чизган.



Сўзсиз суратлар.

Расмларни Ш. СУБҲОНОВ чизган.



## АВТОРЛАРИМИЗ

### Кенесбой АЛЛАМБЕРГЕНОВ.

1954 йили туғилган. Нукус Давлат университетини тамомлаган. «Машаққатли доvon» номли тўплами чоп этилган. «Чорраҳа», «Умрнинг икки палласи» қиссалари вақтли матбуотда эълон қилинган. Нукус Давлат университетиде ўқитувчи.

**Анвар ИСРОИЛОВ.** 1937 йили Тошкентда туғилган. Урта Осиё Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган (1960 й.). «Йўлдаги кўшиқлар», «Юлдузлар' ғазали», «Бир суҳбат хумори», «Севгига илтижо» каби шеърӣ мажмуалар муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

**Кенес КАРИМОВ.** 1948 йили Чимбой районида туғилган. Нукус Давлат педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. «Оралиқлар», «Вақт минораси» шеърӣ тўпламларининг муаллифи. А. С. Пушкин, А. А. Блокнинг бир қанча шеърларини қорақалпоқ тилига ўгирган. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. «Қорақалпоғистон»

нашриётда бадий адабиёт бўлимининг редактори.

**Санобар НИШОНОВА.** Тожикистон ССР Курғонтепа шаҳрида туғилган. 1959 йилда Урта Осиё Давлат университетини тугатган. «Кабутар» ҳикоялар тўпламининг муаллифи. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтиде катта илмий ходим. Педагогика фанлари кандидати.

**Кенесбой РЕЙИМОВ.** 1958 йилда Кегайли районида туғилган. 1980 йили В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Шеърлари область, республика матбуотида эълон қилинган. «Жас Ленинши» газетасиде хизмат қилди.

**Эмин УСМОН.** 1943 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугатган. «Сени излайман», «Ниҳоллар», «Меҳриғиё», «Тилла чаноқ», «Елқин» каби асарлар автори. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

## АВТОРЛАРИМИЗ



Сўзсиз сурат.

Расмни Ш. СУБҲОНОВ чизган

«Ёшлик» («Молодость») — ежемесячный литературно-художественный, общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: **Ҳ. СОЛИҲОВ**

Техник редактор: **В. УРУСОВА**

Корректор: **М. ҚУДРАТОВА**

Журнал макетини **М. ОВСЯННИКОВ** тузган

Адресимиз: 700000, Тошкент-П Ленин кўчаси, 41

Телефонлар:

Бош редактор ўринбосари — 32-54-73

Масъул секретарь — 32-56-27

Проза бўлими — 32-57-34

Шеърӣят, адабий танқид ва санъат бўлиmlари — 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73.

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмаларинингина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда, «Ёшлик»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 30.08.84 й. да туширилди. Босишга 10.09.84 й. да рухсат берилди. Р — 09445. Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub> Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 146513 нусха. Буюртма № 4112. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент, 700029. «Правда Востока» кўчаси, 26.

С «ЕШЛИК», № 9, 1984.  
«Ёш гвардия» нашриёти.